

504:33/07)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

С.Ч. ДЖАЛАЛОВ, М.С. МИРЗАЕВА, С.С. МИРЗАЕВ

2024086

АТРОФ МУҲИТ ВА РЕСУРСЛАР ИҚТИСОДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим
вазирлиги олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмаси
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан
ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

Тошкент 2009

50(0757)

2-45

ОЎМТВнинг 26.02.2009 й. № 51 сонли буйруғига асосан чоп этишига тавсия
этилган

УДК 330.15:502.31

Ушбу қўлланмада давлат таълим стандарти талаблари ва наъмунавий дастур асосида «Атроф мухит ва ресурслар иктисоди» фани асослари баён этилган. Фаннинг предмети, мазмуни ва унинг халқ хўжалигида тутган ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган. Ушбу ўқув қўлланмада табиий-ресурс салоҳиятининг қайта тикланиши ва барқарор ривожланишни сақлаб туришни таъминловчи институционал механизмлар кўрсатилган. Маржинал тахлилдан фойдаланиш ўқув қўлланманинг асосий тамойили бўлиб ҳисобланади.

Ушбу ўқув қўлланма Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳамда Вашингтон Давлат университети (АҚШ) ҳамкорлигидаги Ресурслар ва Атроф Мухит бўйича Қарорлар Тахлили (PREMA) лойиҳасининг ҳомийлигида тайёрланди.

Ушбу ўқув қўлланма бакалавриятнинг 5850300 – «Экология ва атроф мухит муҳофазаси» йўналиши талабалари учун мўлжалланган. Шунингдек, ундан техник ва иктисодий йўналишлар талабалари ва магистрлари ҳамда, профессор-ўқитувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф. У.П.Умурзоков

Такризчилар: и.ф.д., проф. Х.А.Бахретдинова


т.ф.д., проф. М.Р.Бакиев

и.ф.н., доц. Х.М.Саидахмедов

Джалалов С.Ч., Мирзаева М.С. ва Мирзаев С.С.

«АТРОФ МУХИТ ВА РЕСУРСЛАР ИҚТИСОДИ»

(Ўқув қўлланма) Т.:ТИМИ, 2009, 232 бет.



© Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 2009

КИРИШ

Ҳар қандай давлат иқтисодиётида табиий ресурслар салмоқли рол ўйнайди. Табиий ресурслар билан таъминланганлик – мамлакат иқтисодий ҳолатини тавсифловчи энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлардан биридир. Меҳнат ва капитал билан биргаликда табиий ресурслар ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлиб ҳисобланади. Ресурсларнинг мавжуд эмаслиги ёки улар сифатининг пастлиги бошқа турдаги ресурслар сарфининг ортишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ табиат ресурслари (сув, ер, унинг қаъри ва ҳ.к.) давлат мулки бўлиб ҳисобланади, бошқача айтганда, улар умумхалқ бойлиги ҳисобланади. Табиатдан фойдаланиш борасида ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилувчи табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги давлат томонидан ишлаб чиқилган ва қучга киритилган.

Мамлакат асосий қонунда атроф муҳит ва табиий ресурслар муаммосининг бу қаби кескин қўйилиши ҳозирги шароитда иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсади – инсон, шунингдек, жамият ривожланиши, табиий ресурслар ва атроф муҳит ҳолати ўзaro боғлиқлиги тўғрисидаги ҳақиқатнинг чуқур англаб етилганлиги билан боғлиқ.

Ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда «Атроф муҳит ва ресурслар иқтисоди (АМРИ)» фанини ўқитиш борасида катта тажрибага эга бўлган Вашингтон Давлат Университети (АҚШ) профессорлари Волтер Бутчер ва Филипп Ваншнайдер ҳамда Айдахо штати Университети (АҚШ) профессори Жозл Хамилтонлар иштирок этдилар.

Атроф муҳит ва ресурслар иқтисодиёти билан боғлиқ муаммоларни чуқурроқ тушуниш мақсадида, ушбу қўлланмада базавий билимлар сифатида иқтисодиёт назариясининг асосий масалалари берилган. Шунингдек, муаллифлари профессорлар Кемпбелл Р. Макконнелл ва Стенли Л. Брю ҳисобланган машҳур Америка дарслиги «Экономика» материалларидан ҳам фойдаланилган.

Ўқув қўлланма ТИМИ СХБИ факультетининг профессор-ўқитувчилари жамоаси томонидан тузилган. У 24 бобдан ташкил топган бўлиб, мавзулар бўйича авторлар иштироки қуйидагича: Мирзаева М.С. – доцент, т.ф.н., – қирнш, 1,2,4,5,6,7 боблар; Джалолов С.Ҳ. – и.ф.н., профессор 8,9,10,11,13,14,15,16 боблар, доцент Мирзаев С.С. – 3,12,18,19,20,21,22,23 сонли боблар, шунингдек Заикин А.А. – 17 ва Хамидов А.М. – 24 боб.

АМРИ фанидан ўқув қўлланма асосий материаллари иқтисодий таҳлил асосида келтирилган. Унда табиий-ресурс салохиятининг қайта тикланиши ва барқарор ривожланишини сақлаб туришни таъминловчи институционал механизмлар кўрсатилган бўлиб, табиий ресурслар ва атроф муҳит иқтисодиёти соҳасида чуқур билимга эга бўлиш учун талабалар томонидан фойдаланилиши мумкин бўлган етарлича ўқув материаллари берилган. Чизмалар ва ракамларда келтирилган мисоллар кўрғазмални қуруллар сифатида кенг фойдаланилган ва ўқувчи учун қўшимча қийинчилик туғдирмайди.

Мазкур ўқув қўлланма нафақат иқтисодий тайёргарликка (асосий курс) эга бўлган талабалар, балки базавий иқтисодий таълимга эга бўлмаган, гидромедиорация ва иқтисодиётнинг техник мутахассислигидаги (қирнш ва асосий курслар) талабалар учун ҳам мўлжалланган.

Муаллифлар жамоаси қимматли мулоҳаза ва маслаҳатлар берган тақризчилар: ТИМИ «Сув ҳужалигини бошқариш» кафедраси профессори Х.А.Бахрегдиновага ва ўқув қўлланма материалларини қайта ишлаб нашрга тайёрлашда ёрдам берган Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат Марказининг «Минтақаларни комплекс ривожлантириш, табиий - иқтисодий потенциаллардан оқилона фойдаланиш ва башоратлаш» бўлими мудирн, доцент Х.М.Саидрахмедовга ўзининг чуқур миннатдорчилигини билдиради.

«АТРОФ МУХИТ ВА РЕСУРСЛАР ИҚТИСОДИ» ФАНИИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСЛУБИ

1.1. «Атроф мухит ва ресурслар иқтисоди» фанининг вазифалари, предмети ва методологияси

Барча табиий ресурслар, иқтисодий ресурслар каби чеклангандир. Инсонлар ўз эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган барча нарсани бевосита табиатдан олади ёки ўзлари тайёрлайди. Шунинг учун биз доим ҳам энг яхши натижага эришолмаймиз. Бизнинг моддий эҳтиёжларимиз йиғиндиси ихтиёримизда бўлган ресурслар ишлаб чиқариш имкониятларидан бир неча маротаба юқорилиги бундай вазиятнинг сабаби бўлиб ҳисобланади. Демак моддий тўқинчиликка бўлган эҳтиёжни қондиришнинг имкони йўқ. Ушбу ҳақиқат «Атроф мухит ва ресурслар иқтисоди (АМРИ)» фанининг предмети бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, АМРИ инсоннинг моддий эҳтиёжларини максимал даражада қондириш ва атроф мухитга таъсирини камайтиришга эришиш мақсадида чекланган табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бошқаришни ўрганади.

Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммолари илмий адабиётларда «табиатдан фойдаланиш» атамаси билан юритилади.

Табиатдан оқилона фойдаланиш деганда комплекс ёндашув асосида табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қайта тикланадиган табиий объектларни тиклаш ва қўпайтириш, шунингдек табиий ҳудуднинг айрим участкаларини фойдаланишдан чиқариш, энг асосийси-табиатнинг биологик тизимлари унумдорлигини ошириш мақсадларида уни режали, мақсадли йўналтирилган ва илмий асосланган ҳолда ўзгартириш тушунилади.

Табиатдан оқилона фойдаланишни ташкил этишнинг асосий тамойиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: табиий ресурсларни жамлаш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган ҳудудни танлаш ва баҳолаш; ресурслардан комплекс равишда фойдаланиш; табиат бойликлари истеъмол қилингандан сўнг ер, сув ва ўрмон ресурсларини қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- мамлакатда табиатдан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш (минтақаларда);
- эскирган технологияларни чиқариб ташлаш ва янгиларини жорий қилиш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш;
- ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш;
- ишлаб чиқаришнинг бирламчи материаллари ва чиқиндиларини комплекс равишда утилизация (йўқ) қилиш;
- ер, сув, ўрмон ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш борасида ёнилғи-энергетика ва халқ ҳўжалигининг бошқа тармоклари ўртасидаги

зиддиятларни тугатиш ва мувозанатлаштирилган ҳолда ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурларни жорий қилиш.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми, ресурслардан оқилона ва комплекс равишда фойдаланишнинг асосий йўналишларини ўрганиш, атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича муаммоларни ҳал этиш, шунингдек табиатдан фойдаланишда инвестициялар самарадорлиги ва мухитни муҳофаза қилиш харажатларининг самарадорлиги, етказилган зарарни баҳолашда иқтисодий ҳисоб китоблар қилиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиш **фаннынг мақсади** бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга эришишга қаратилган лойиҳаларни техник, молиявий ва иқтисодий таҳлиллари асосида қарорлар қабул қилиш **фаннынг вазифалари** бўлиб ҳисобланади.

«Атроф мухит ва ресурслар иқтисоди» фанининг методологияси. Қарорларни қабул қилиш учун муайян асослар зарур, уларни ҳисобга олмаслик қабул қилинган қарорлардаги хатоликларни келтириб чиқариши мумкин. Мазкур курсда атроф мухит инсоният учун турли хизматлар заҳиралари ва материаллар йиғиндисиди сифатида кўриб ўтилади.

Маржинал фойда (marginal benefits) ва *маржинал харажатларни* (marginal costs) ўзаро таққослашни ўзида ифода этган *маржинал таҳлилдан* (marginal analysis) фойдаланиш ушбу курсни ўрганишда асосий тамойил бўлиб ҳисобланади (marginal – чекланган маъносида).

Атроф мухит ва ресурсларга доир иқтисодиётни барқарор ривожлантириш вариантларини танлаш бўйича қарорни қабул қилиш учун ушбу услуб зарурдир. Давлат атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича харажатларни кўпайтириши керакми? Сиз ўзбек ижрочиларининг компакт дискларини хар ойда сотиб олиш учун камроқ ёки кўпроқ пул сарфлашингиз керакми? Корхона бошқарувчи ва менежерлари шу каби кўпроқ ишлаб чиқаришга доир бўлган саволларга дуч келадилар. Мисол учун, улар қўшимча равишда ишчиларни ёллаши ёки аксинча улардан айримларини ишдан бўшатиши керакми? Кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш керакми ёки камроқ?

Хар бир танлов маржинал фойда ва маржинал харажатларни ўз ичига олади. Бу уларни ўзаро таққослаш орқали оқилона қарор қабул қилиш учун зарур.

Масалан, бюджетни шакллантириш юзасидан давлат қарор қабул қилишда маржинал фойда ва маржинал харажатларни доимо эътиборга олади. Тиббиёт учун кўпроқ маблағ ажратилиши, атроф мухит, ночорларга кўмаклашиш, таълим ёки мудофаа мақсадларига камроқ маблағ ажратилишини билдиради [4].

Иқтисодиётда икки хил жиҳатни кўриб ўтиш мумкин. Инсонлар ҳатти-ҳаракатлари ва уларнинг атроф мухитни ташкил этувчи барча жиҳатларига таъсирини ёритишда ижобий иқтисодиёт қўлланилади. Меъёрий иқтисодиёт хизматларнинг мақбул даражаси ва нисбатларини баҳолаш учун икки шартли мезондан фойдаланишни кўзда тутати: самарадорлик ва барқарорлик. Ишлаб чиқарувчи жамият учун соф даромадни максималлаштиришни кўзда тутати. Табiiй ресурс фойдаси бир босқичда тақчилликни келтириб чиқарса ёки

кейинги боскичларда тақчиллилик даражасини оширса, самарали тақсимот чегаравий фойдали кийматни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак; бунда ресурс тақсимотидаги хатолик ушбу омилни ҳисобга олгандагидан камроқ бўлиши лозим. Барқарорлик мезони самарадорлилик тақсимотидан фарқли равишда адолатга эришиш имконини беради.

Ҳозирги шароитда жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг асосий вазифаси — бу ресурсларни тежашдир. Жамоат маҳсулоти бирлигига моддий харажатларни камайтириш қўшимча миллий даромад олиш имконини беради. Бу технологик қарорларнинг муқобил, ресурс тежовчи вариантларини қўллаш йўли билан эришилади. Ҳозирги шароитда тобора кўпроқ позициялар бўйича ҳам ашё ва ёнилғини иқтисод қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмларини янада оширишга нисбатан иқтисодий нуқтаи назардан самарали бўлиб бормоқда. Бундан ташқари, ҳам ашё ва ёнилғи қийматининг ошиб бориши моддий ресурсларни иқтисод қилиш бўйича самарали тадбирларни амалга оширишнинг иқтисодий чегараларини кенгайтирмоқда.

Иқтисодиётда ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун дедуктив ва индуктив услублар қўлланилади. Индукция услубида тамойил ёки умумлаштириш мумкин бўлган далиллар жамланади, сўнг тизимлаштирилади ва таҳлил қилинади. Индукция далиллардан назарияга, хусусийликдан умумийлик томон ҳаракат қилади.

Дедуктив услубда масала назария даражасида ҳал қилинади, сўнг далилларга мурожаат этилган ҳолда мазкур назария текришилади ёки рад этилади. Ушбу икки услуб бир-бирини ўзаро тўлдириб боради.

Бундан сўнг тегишли хулоса қилинади ва ишчи фараз (гипотеза) ишлаб чиқилади ва у қўриб ўтилаётган муаммони тузатиш ёки бартараф этилишини таъминловчи сиёсатни, яъни маълум тадбир ва қарорларни ишлаб чиқиш учун замин бўлиб ҳисобланади.

1.2. Иқтисодий назария

Мавжуд муаммо ва масалаларни ҳал қилиш йўллариини излаш жараёнида ҳўжалик юритиш масалаларига доир турли фикр ва мулоҳазалар, иқтисодий билимлар юзага келади. Иқтисодий назария бу-маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва айрибошлаш борасидаги инсонлар фаолияти, чекланган ресурслардан фойдаланиш усуллари, жамият аъзолари ўртасида иқтисодий бойликларни тақсимлаш услублари тўғрисидаги фандир.

Тизимларни келтириш, далилларни умумлаштириш ва талкин қилиш иқтисодий назария ёки таҳлилнинг вазифаси бўлиб ҳисобланади. Ҳўжалик юритиш фаолиятини ўрганиш 3 даражада олиб борилиши мумкин:

- Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи;
- Давлат даражасида;
- Халқаро.

Бундан келиб чиққан ҳолда иқтисодиёт фанида уч йўналиш ажратиб олинган:

- Макроиқтисодиёт
- Микроиқтисодиёт

- Жаҳон иқтисодиёти

Иқтисодиёт назариясини ўрганишда куйидагиларни ажратиб олиш зарур: тадқиқ этиш соҳаси – хўжалик фаолияти амалга оширилувчи иқтисодий муҳит ёки ҳаёт; тадқиқот объекти – иқтисодий ҳодисалар; тадқиқот субъекти – инсон, инсонлар гуруҳи, давлат; тадқиқот предмети – «иқтисодий инсон», инсонлар гуруҳи ва давлатнинг ҳаёт фаолияти ҳамда иқтисодий муҳитда уларни ўзини тутиши, ҳулқ атвори. Иқтисодий назариянинг асосий вазифаси – нафақат иқтисодий ҳодисаларни ёритиш, балки уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлигини кўрсатиб бериш, яъни иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва қонунлар тизимини очиб беришдир.

Олиб борилаётган барча иқтисодий тадқиқотлар турли мақсадларни кўзда тутиши мумкин, ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда иқтисодиёт фанининг бир қатор функцияларини ажратилади:

- билиш
- башорат
- амалий
- геологик

Билиш функцияси иқтисодий ҳодисаларни ҳар томонлама ўрганиш асосида миллий хўжалик ривожланаётган, айрим ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўз фаолиятини амалга ошираётган қонуниятларни очиб беради. Башорат функцияси яқин истиқболда фан-техника ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни илмий башорат қилишни билдиради. Амалий функция миллий хўжаликни иқтисодий бошқаришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, объектив иқтисодий қонунлардан фойдаланишнинг энг самарали шакл ва услубларини излашни кўзда тутди. Геологик функция фуқароларда тегишли дунёкарашни шакллантиришдан иборатдир.

Иқтисодий назария асосида жамият олдида турган мақсад ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалий ҳал этишнинг чора ва усуллари тизими сифатида давлат иқтисодий сиёсати шаклланади, ушбу мақсадлар орасидан куйидагиларни ажратиш мумкин:

- иқтисодий ўсиш,
- ишсизлик ва инфляция даражасининг пастлиги,
- аҳоли турмуш фаровонлигини ошиши.

Иқтисодий сиёсатда, сиёсат деб аталувчи айрим йўналишлар ажратилади, мисол учун, пул-кредит, солиқ-бюджет, аграр, саноат ва х.к.

1.3. Атамашунослик

Мазкур курсда уни ўрганиш учун билиш зарур бўлган кўплаб атамалар учрайди. Бу атамаларнинг барчаси АМРИ фанининг асосий мақсад ва вазифаларини тушунишга ёрдам беради. Курс давомида «қонунлар», «тамоийиллар», «назария», ва «моделлар» каби тушунчалардан фойдаланилади.

Иқтисодий қонунлар ва категориялар. Ҳаётимизда рўй бераётган барча ҳодиса ва жараёнлар объектив табиий қонунлар таъсирига бўйсунди, шу каби кузатилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ҳам объектив қонунлар таъсири остида ривожланади.

Иқтисодий қонунлар деб энг салмоқли, барқарор, мунтазам қайтарилувчи объектив сабаб-оқибатли алоқалар ва иқтисодий жараён ва ходисалардаги ўзаро алоқадорликларга айтилади.

Иқтисодий ва табиий қонунлар ўзаро боғлиқ, уларнинг объективлиги инсонлар онги ва хоҳишига бўйсунмайди. Табиий қонунлар инсонлар иштирокисиз, иқтисодий қонунлар эса инсонларнинг ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида рўй бериши бундаги асосий фарқланишдир. Иқтисодий қонунлар катта қисмининг таъсири вақт оралигида чекланганлиги ушбу қонунлар ўртасидаги яна бир фарқдир. Иқтисодий қонунларни тарихан келиб чиқиш тавсифи, уларни икки гуруҳга бўлиш имконини беради:

- ўзига хос қонунлар
- умумий қонунлар

Ўзига хос қонунлар — муайян ишлаб чиқариш тури шароитида амал қилади ва фаолият юритиш ва ривожланишнинг салмоқли жиҳатларини ўзида акс эттиради. Умумий иқтисодий қонунлар — жамият иқтисодий ривожланишининг барча давларида амал қилади.

Яхлитликда иқтисодий қонунлар, бирининг нотўғри фойдаланиши бутун тизимни издан чиқаради ва жамиятда мувозанатнинг бузилишини келтириб чиқарувчи иқтисодий қонунлар тизимини ташкил этади. Борлиқни ўрганиш ва илмий билишда, иқтисодий муносабатларнинг турли жиҳатлари иқтисодий категориялар сифатида қайд қилинади.

Иқтисодий категориялар — бу умумлашган кўринишда жамият иқтисодий ҳаётининг шароитларини акс эттирувчи мантикий тушунчалардир, масалан товар, пул, меҳнат, иш хақи.

Категориялар иқтисодий борлик ҳақида тўлиқ тасаввур бермайди, улар борлиқнинг айрим шаклларинигина акс эттиради, иқтисодий муносабатлар тизимини ривожланишининг муайян жиҳатларини тавсифлаб беради.

Иқтисодий категориялар тарихийдир, чунки улар моҳиятни ҳақиқатда, яъни улар абстракцияси бўлган муносабатларни ўзида акс эттиради. Иқтисодий қонунлар ва иқтисодий категориялар ҳам инсонлар ишлаб чиқариш муносабатларининг объектив ҳақиқатини акс эттиради. Лекин иқтисодий категорияларда иқтисодий муносабатларнинг фақатгина бир томони, бир ходисанинг моҳияти кўринса, иқтисодий қонунлар бир хил даражадаги бир қатор ёки кўплаб ходисаларнинг ўзаро алоқадорлигини очиб беради. Категорияларда иқтисодиётнинг статик ҳолати, қонунларда эса ўзгариш ҳолати ифода этилади. Иқтисодий қонун ва категорияларнинг мантикий нисбатлари иқтисодий назария курсининг маълум тузилмасини ташкил этади.

Иқтисодий тамойиллар (Economical Principles) — бу бевосита атамадан келиб чикувчи, ўзида маълум ноаниқ микдорий таърифлардан таркиб топган умумлашувдир. Улар ўртача маълумотлар ёки статистик эҳтимоллар кўринишида шакллантирилади. Иқтисодий тамойиллар башорат дастаклари сифатида айниқса қимматлидир; улар кийинчиликларни бартараф этиш ва ноҳуш (кутилмаган) жараёнларни назорат қилиш мақсадига қаратилган иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.

Назария реал ҳаётда унинг қўлланилиши билан ҳеч бир умумийлик касб этишига кўпчилик инсонлар ишонмасда «Назария» тушунчаси иқтисодиётда кўп қўлланилади.

Тамойил ва назария умумлаштирилган далиллар йиғиндисига тартиб ва мазмун берувчи, улар орасида тегишли ўзаро алоқадорликни белгиловчи ва улардан маълум хулосалар чиқарувчи иқтисодий таҳлилнинг якуний натижасидир. «Назария далилларсиз бўш бўлиши мумкин, лекин назариясиз далиллар мазмунсиздир»¹. Тамойил ва назария далиллар таҳлиliga асосланган мазмунли умумлашувдир, лекин ўз навбатида далиллар қайд қилинган тамойилларни мунтазам текшируви бўлиб хизмат қилади. Далиллар, яъни товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида институт ва индивидларнинг реал ҳаракати вақт оралиғида ўзгаради. Шунинг учун мавжуд тамойиллар ва назарияларни ўзгариб турувчи иқтисодий муҳит билан доимо солиштириш зарур.

Модел – бу ҳақиқатнинг соддалаштирилган кўриниши, тегишли статистик маълумотларнинг ҳақиқатдаги ҳолати эканлигининг абстракт хулосасидир.

Бизнинг маърузаларимизда бу тўрт атама синонимлар сифатида қўлланилади. Маълум бир муайян умумлашувни таърифлаш учун атама танлови одат ёки мақсадга мувофиқлик билан белгиланади. Шу боис маҳсулот баҳоси ва унинг миқдори ўртасидаги боғлиқлик талаб тамойили ёки назарияси эмас, балки талаб «қонуни» дем номланади, чунки уни шу каби таърифлаш умумқабул қилинган.

Юқорида санаб ўтилган атамалардан ташқари қуйидаги тушунчаларни ҳам билиш зарур:

Иқтисодиёт (Economics) – жамиятдаги мавжуд моддий бойликларнинг маънавий ва моддий эҳтиёжларни кондиритиши лозим бўлган маҳсулотга ўзгариш жараёнидир.

Иқтисодий ресурслар (Economic Resources)

- меҳнат ресурслари (иш кучи, тadbиркорлик кўникмалари),
 - табиий ресурслар,
 - капитал ресурслар (корхоналар, ускуналар, йўллар, транспорт).
- Иқтисодий назарияда: меҳнат–ер–капитал.

1.4. Иқтисодий мақсадлар

Мазкур фанни ўрганишда асосий иқтисодий мақсадларни тушуниш ва ўзлаштириш зарур. Барча иқтисодий мақсадларни қуйидаги тартибда келтириш мумкин:

1. **Иқтисодий ўсиш** – турмуш кечиришнинг энг юқори даражасини таъминлаш, бошқача айтганда кўпроқ ҳажмдаги ва юқори сифатли товар ва хизматларни ишлаб чиқариш.
2. **Тўлиқ бандлик** – ишлаш имконияти ва хоҳишига эга бўлган барчанинг тегишли иш тури билан банд бўлишини таъминлаш.

¹ Kenneth E. Boulding. Economic Analysis: Microeconomics. 4th ed. New York : Harper & Row, Publishers. Incorporated, 1966 P. 5

3. **Иктисодий самарадорлик** — чекланган ресурслардан минимал даражада фойдаланиш ҳисобига максимал фойда олиш.
4. **Баҳоларнинг баркарор даражаси** — инфляция ва дефляция, яъни баҳоларнинг умумий даражасининг сезиларли равишда ошиши ёки камайишига йўл қўймаслик.
5. **Иктисодий эркинлик** — иктисодий фаолиятда истеъмолчи, корхоналар ишчи ва бошқарувчиларига эркинлик бериш.
6. **Даромадларнинг одилона тақсимооти** — турли аҳоли қатламлари орасида кескин тафовутлар бўлмаслиги лозим, яъни бир гуруҳ фуқаролар бадавлат яшаб турганда, бошқа бир гуруҳдагилар ўта қашшоқликда кун кечирмаслиги лозим.
7. **Иктисодий таъминланганлик** — ишга лаёқатсиз, сурункали касаллар ва қарияларнинг кун кечиришини таъминлаш.
8. **Савдо мувозанати** — халқаро савдода иштирок этиш ва халқаро молиявий битимларни тузишда оқилона мувозанатни сақлаб туришга интилиш.

1.5. Макроиктисодиёт ва микроиктисодиёт

Макроиктисодиёт деганда иктисодий мустақилликка эга бўлган давлат, давлатлар гуруҳи ёки давлат тузилмалари иктисодиёти яхлитликда қўриб ўтиладиган тадқиқотлар тушунилади. Макроиктисодиёт хўжалик юритишни миллий иктисодиёт даражасида тадқиқ этиш билан шуғулланади, миллий маҳсулот, баҳоларнинг умумий даражаси, инфляция ва бошқа умумий муаммолар унинг ўрганиш объекти бўлиб ҳисобланади. Бунда қуйидаги асосий масалаларни қўриб ўтишга асосий эътибор берилади:

- Умумлаштирилган иктисодий кўрсаткичлар, ҳодисалар ва уларни белгиловчи омиллар динамикаси;
- Давлат бюджетининг шаклланиши ва ижроси, давлатнинг фискал (солиқ, тариф, бошқ.) ва молиявий сиёсати;
- Пул тизимининг амал қилиши, марказий (захира) банкининг роли, ушбу муассасанинг монетар ва молия-кредит сиёсати;
- Давлатнинг ташқи иктисодий сиёсати ва валюта тартибга солиш амалиёти асослари;
- Асосий бозорлардаги (товар, иш кучи, капитал, валюта) вазият;
- Давлатнинг молиявий баркарорлаштириш ва иктисодий ўсиш сиёсати.

Макроиктисодиёт давлатнинг жорий иктисодий сиёсатини қўллаб-қувватлаш мақсадларига йўналтирилган.

Баркарор бозор иктисодиёти шароитида жамият иктисодий тузилмасининг ўзгариши бундай сиёсатнинг предмети бўлиб ҳисобланмайди. Бозор иктисодиёти амал қилувчи мамлакатларда макроиктисодиёт асосий иктисодий институцияларни аввалдан амал қилувчи субъект сифатида қўриб ўтади. Уларнинг шаклланиши — бу иктисодий назария ва сиёсатшуносликни иктисодий бўлимларининг асослари предметидир.

Ўтиш типидagi иктисодиёт учун таркибий ўзгаришлар жорий иктисодий сиёсатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун уларни юқорида санаб ўтилган бошқарув макроиктисодий

тадқиқотлар билан биргаликда комплекс равишда кўриб ўтиш лозим. Бу ислоҳ қилиш даврида таркибий ўзгариш масалаларини ўз ичига олган макроиктисодиётнинг кенг қамровли предметини белгилаб беради.

«Микроиктисодиёт» тушунчаси остида, «иктисодиёт» тушунчасидаги каби икки хил мазмун яширинган. Биринчидан, микроиктисодиёт – бу умумий иктисодиёт фанининг бир қисми, аниқроғи иктисодиёт назариясининг бўлими сифатида намоён бўлувчи фандир. Иккинчидан, микроиктисодиёт бу жамоат ҳўжалиги сифатида иктисодиётнинг бир қисми ҳисобланган ўрганиш объектидир. Микроиктисодиёт ҳақида фан сифатида сўз юритганимизда, ушбу фан номланишидаги «микро» сўзи унинг энг муҳим тамойили, иктисодиёт алоҳида таркибий бўлимларини халқ ҳўжалиги тизими сифатида ўрганишни кўзда тутувчи иктисодий атомизм тамойили назарда тутилади. Ўрганилаётган организмнинг маълум қисмини, мисол учун ҳужайрани, микроскоп ёрдамида алоҳида қатталаштирилган кўринишда кўриш мумкин бўлгани каби, микроиктисодий таҳлил ҳам тадқиқот объекти сифатида микроиктисодиётга таълуқли бўлган иктисодиётнинг маълум бир қисмини етарли даражада яққолроқ кўра олиш имконини беради.

Иктисодиёт, аниқроғи умумий иктисодиёт эмас, балки бозор иктисодиёти субъектлари сифатидаги инсонлар микроиктисодиётни фан сифатида асосий эътибор берувчи объекти бўлиб ҳисобланади. Бу иктисодиётда ўз ҳатти-ҳаракатини мустақил белгиловчи, иктисодий эркинликларга эга эканлигини билдиради. Шунинг учун, микроиктисодиёт, аввало ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳатти-ҳаракати тўғрисидаги фан деб эътироф этилади. Биринчи навбатда, бундай субъектларга ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш макони корхоналар ҳисобланган товар ишлаб чиқарувчилар сифатидаги инсонлар киритилади. Ҳозирги шароитда корхоналар жисмоний ёки ҳуқуқий шахс сифатида рўйхатга олинаётганлиги сабабли, ҳўжалик юритувчи субъектлар сифатида корхоналар ёки фирмалар намоён бўлиши мумкин. Бозор иктисодиётида корхона тадбиркорлик фаолияти соҳаси сифатида намоён бўлади, шунинг учун микроҳўжалик сифатида микроиктисодиётнинг асосий субъекти ва фан сифатида микроиктисодиётнинг ўрганиш объекти бўлиб тадбиркор ҳисобланади. Бозор муносабатлари тизимида тадбиркорлар ҳаракати микроиктисодиёт фанининг муҳим қисми сифатида намоён бўлади.

Лекин иктисодиёт субъектлари бўлиб истёъмолчилар ҳам ҳисобланади. Микроиктисодиёт уларни уй ҳўжалиги вакиллари сифатида кўриб ўтади. Уй ҳўжалиги – бу истёъмол учун мўлжалланган умумий даромад ва мулк билан бирлашган бир, икки ва ундан кўпроқ инсонлардир. Моҳияти жиҳатидан, бу иктисодиёт субъектлари сифатида намоён бўлувчи оилалардир. Бундай субъектлар ҳатти-ҳаракати микроиктисодиёт фани томонидан ўрганилади.

Бу фан уй ҳўжаликларини нафақат истёъмолчилар сифатида, балки ишлаб чиқаришни турли омилларининг эгалари сифатида ҳам кўриб ўтади: меҳнат, ер, капитал. Бозор иктисодиёти шароитида улар ушбу омилларнинг сотувчиси сифатида, сотиб олувчилар ролида эса корхоналар (фирмалар) намоён бўлади. Ишлаб чиқариш омилларининг олди-сотдиси тегишли омилли бозорларда амалга оширилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида танлаш муаммоси микроиқтисодиёт шуғулланувчи асосий муаммо бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиёт субъектларининг барчаси унга дуч келади. Маълумки, иқтисодиётда танлаш муаммоси, аввало ресурсларнинг чекланганлиги ва эҳтиёжларнинг чексизлиги ҳисобига рўй беради. Бозор иқтисодиётида иқтисодиёт субъектларининг иқтисодий эркинлиги шаклланиб улгурганлиги ҳисобига ўз мазмуни жиҳатидан у янада мураккаблашиб ва йириклашиб боради.

Кўриб ўтилган микро-ва макроиқтисодиёт тушунчаларини бир-бирига боғлиқ бўлмаган қисмлар сифатида кўриш керак эмас, аксинча улар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб боради. Экологик муаммоларни ҳал қилишда бу айниқса яққолроқ кузатилади.

Атама ва иборалар

Табиий ресурслар, оқилона фойдаланиш, иқтисодий қонунлар, иқтисодий тамойиллар, иқтисодий ресурслар, назария, модел, иқтисодиёт, иқтисодий мақсадлар, ижобий иқтисодиёт, меъёрий иқтисодиёт, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт.

Назорат саволлари

1. Табиатдан оқилона фойдаланиш деганда нима тушунилади?
2. АМРИ курси нимани ўрганади?
3. АМРИ ни ўрганиш қанчалик муҳим ёки унинг натижалари қандай бўлиши мумкин?
4. Курсни ўрганишда қандай услублардан фойдаланилади?
5. Ижобий ва меъёрий иқтисодиёт нима?
6. Иқтисодиёт фанининг асосий функцияларини санаб ўтинг.
7. Маржинал таҳлил нима учун керак (маржинал фойда ва маржинал харажатлар)?
8. «Атроф муҳит ва ресурслар иқтисоди (АМРИ)» курсини ўрганишда асосий тушунча ва атамалар.
9. Мазкур предметни ўрганишда асосий иқтисодий мақсадларни айтиб беринг.
10. Макро ва микроиқтисодиёт нимаси билан фарқ қилади?

Адабиётлар рўйхати.

1. Кэмпбелл Р. Макконнелл, Стэнли Л. Брю «Экономикс», I том. 1993г., стр. 18-28
2. Голуб А.А., Струкова Е.Б. «Экономика природных ресурсов», Москва, 1999г.
3. Папенов К.В. «Экономика и природопользование» Москва, Изд-во МГУ, 1997г., стр. 70
4. Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue «Economics: Principles, Problems and Policies», 14 изд-ние, 1999г., стр. 5, веб-сайт: www.mhne.com
5. Чепурных Н.В., Новоселов А.А., «Планирование и прогнозирование природопользования», Учебное пособие, Москва: Интерпракс, 1995г. – 11 стр.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ЁР-СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ҲОИДАЛАНИШ

2.1. Таркибий ўзгаришлар ва ислохотлар

Мустақилликка эришилган даврдан бошлаб Ўзбекистонда тадрижий таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда ва ислохотлар олиб борилмоқда.

Мустақиллик эълон қилинган 1991 йилда, Ўзбекистонда ҳаёт кечириш даражаси собиқ Совет Иттифоқи республикалари орасида энг паст даражалардан бири кузатилган. Саноат тор ихтисослашувга эга эди – асосий турдаги хом ашёни ишлаб чиқариш, ва мамлакат сезиларли даражада озик-овқат, нефт ва аксарият турдаги саноат товарлари импортига қарам эди. Бундан ташқари, аҳоли сони, айниқса қишлоқ хўжалик фаолияти даромад олишнинг ягона манбаси бўлган қишлоқ ҳудудларида тез суъатлар билан ўсган. Бундай шароитда ўз-ўзини энергоресурслар ва истеъмол дони билан таъминлаш асосий ташкил этувчиси бўлган тадрижий ўзгаришлар стратегияси ҳукумат томонидан танлаб олинди. Бу стратегия МДҲ бошқа давлатларида рўй берган ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқаришини олдини олишда хизмат қилди. Энергетик ресурслар билан ўз-ўзини таъминлашга 1995 йилда, истеъмол дони билан эса 1998 йилда эришилди. Расмий маълумотларга кўра, 1996-2002 йиллар мобайнида ЯИМ ўртача 4 фоизга ошди. Пахта-хом ашёси, олтин, мис, энергетик ресурслар ва қимматбаҳо тошлар экспорти умумий экспорт ҳажмининг 70 фоизини ташкил этди (2001 йил маълумотлари), шундан фақатгина пахтанинг салмоғи 25 дан 30 фоизгачани ташкил этди. Икки турдаги қишлоқ хўжалик экинни Ўзбекистон учун стратегик аҳамият касб этади: буғдой – ички эҳтиёжлар учун, пахта эса экспорт тушумлари манбаси сифатида.

2000 йилдан бошлаб Ўзбекистон хорижий валюталарни эркин айрибошлаш тизимига секин-асталик билан ўта бошлади, расмий ва параллел айрибошлаш курслари ўртасидаги тафовут камайди, умумий бюджет тақчиллиги қисқарди ва ташқи инвестициялар борасида эҳтиёткорона сиёсат олиб борилмоқда [4].

Ўзбекистон кўмир, мис, олтин, табиий газ, нефт, қумуш ва уран каби табиий ресурсларга бой. Мамлакат ҳудудининг мураккаб рельефига қарамадан қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим рол ўйнайди. Ялпи ички маҳсулотнинг учдан бирини ишлаб чиқарувчи аҳолининг тахминан 40 % ушбу соҳада банд. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида пахта етиштириш катта салмоққа эга, бунинг натижасида Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари, Ҳиндистон, Хитой ва Покистондан сўнгги жаҳондаги бешинчи йирик пахта ишлаб чиқарувчи бўлиб ҳисобланади, маҳсулот экспорти бўйича эса учинчи ўринда туради. Марказий Осиё пахта толасининг 75% Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади. Пахта экспорти валюта тушумларининг муҳим манбаси бўлиб ҳисобланади, шунинг учун ушбу стратегик муҳим экин турини

ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратни амалга оширади. Озиқ овқат хавфсизлигига эришиш мақсадида, Ўзбекистон дон билан ўз-ўзини таъминлашга ўтмоқда. Шу боис, пахта билан биргаликда, дон ҳам бошқа турдаги стратегик маҳсулот бўлиб қолди. Шундай қилиб, мустақилликка эришилгандан сўнг аграр сиёсат асосан икки вазифага қаратилди: пахта экспорти ҳисобига бюджетга валюта тушумларини таъминлаш учун пахтачиликни ривожлантириш ва дон билан ўз-ўзини таъминлаш. Қўйилган вазифаларни бажариш учун ушбу икки турдаги стратегик муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш устидан қатъий давлат назоратига асосланган, қишлоқ хўжалигини босқичма-босқич ислох қилиш варианты танлаб олинди [3].

Бир қатор Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари 1992 йилдан бошлаб турли хўжалик юритиш шакллари ривожлантириш учун қулай қонунчилик муҳитини яратиб берди.

Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар) – стратегик экинлар: пахта ва буғдой етиштириш билан шуғулланувчи, собиқ жамоа ва давлат хўжаликлари меросхўри бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик кооперативлари «оилавий пудрат» деб ном олган кичик ишлаб чиқариш бўлинмаларидан ташкил топган (илгариги бригадалар). Оилавий пудратларда банд бўлганларнинг асосий қисмини оила аъзолари ва қариндошлари ташкил этади (83%). Ер давлат мулки ҳисобланади ва кооперативларга муддатсиз фойдаланишга ва фақатгина қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун берилади. Ширкат оилавий пудратлар билан икки турдаги шартномалар тузади. Биринчиси оилавий пудратчилар билан бир йилга тузилади ва одатда пахта ва буғдойнинг ишлаб чиқариш ҳажмларини ўз ичига олади. Ширкат барча турдаги моддий-техника ресурслари билан таъминлашни кафолатлайди. Шартномаларнинг иккинчи тури бўлиб одатда узоқ муддатга тузиладиган ер ижараси шартномаси ҳисобланади. Лекин ижара шартномалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида катта рол ўйнамайди. Ҳар йилнинг бошида ширкат маъмурияти маҳсулот ҳажми ва экин майдонларини белгилаб берувчи юқори давлат ташкилотларидан давлат буюртмаси режасини олади. Давлат буюртмаси учун ажратилган майдонларда бошқа турдаги экинларни етиштиришга рухсат берилмайди.

Фермер хўжаликлари – хўжалик юритишнинг янги бозорга йўналтирилган шаклидир. Фермер хўжаликлари сони 90 йилларнинг охирига бориб тез суръатлар билан ўсди ва 2004 йилга бориб 1,5 миллион га майдонда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи фермерлар сони 100 мингтага етди. Фермер хўжаликлари ерни 49 йилдан кам бўлмаган муддатга давлатдан ижарага олади. «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги Қонунга (1998) мувофиқ ишлаб чиқариш фаолияти юзасидан қарорлар қабул қилишда фермерлар тўлиғича мустақилдир. Давлат буюртмасидан ташқари фермерлар мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқарадилар.

Дехкон хўжаликлари – мустақилликнинг дастлабки йилларида фермер хўжаликлари ва ширкат ишчилари бўлган ҳар бир оилага 0,25 –

0,30 га ўлчамда ажратилган ер майдонларига (томорка деб номланувчи), қўшимча даромад олиш манбасига эга бўлди. Мустақилликнинг бошларидан хозирга қадар деҳқон хўжаликларининг умумий ер майдони 750 минг га етди. Томорка одатда ширкат ерларидан ажратилади ва асосан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун мўлжалланган, қонунга мувофиқ бу майдонларда уй-жой қуриш тақиқланади. 2000 йилдан бошлаб давлат томорқа эгаларини ҳуқуқий шахс, деҳқон хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтиши юзасидан қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Рўйхатдан ўтиш хўжаликлар учун кредит олиш имконини беради, лекин шу билан бирга солиқ солиш орқали улар даромадлари устидан давлат назорати кучайтирилади, шунинг учун хўжаликлар ушбу дастурда иштирок этишга шошилмаётир. Ишлаб чиқаришнинг ушбу турини хусусий тартибда қўриш мумкин, чунки қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари маҳсулот ишлаб чиқариш ва маркетинги бўйича қарорларни мустақил равишда қабул қиладилар.

Давлат буюртмаси билан боғлиқ бўлмаган деҳқон хўжаликлари ялпи маҳсулоти сезиларли равишда ошди. Хўжаликнинг ўлчами, жойлашуви ва суғориш тизими улар фаолиятини чегараловчи омиллар бўлиб ҳисобланмоқда.

Хўжалик юритиш шакллари орасида фермер хўжаликлари ўзини истикболли сифатида кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида» ги Фармониға мувофиқ паст рентабелли ширкат хўжаликларини фермер хўжаликлариға айлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

2.2. Қишлоқ хўжалиги ва ер ислохотлари

Қишлоқ хўжалиги ислохоти 1998 йилда бошланди, ва ушбу давр мобайнида ер ислохоти бўйича бир қатор қонунлар қабул қилинди:

- Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» 30.04.1998
- «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» ги қонун 30.04.1998
- «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги қонун 30.04.1998
- «Давлат ер кадастри тўғрисида» ги қонун 01.08.1998

Ер билан боғлиқ барча муносабатларға доир асосий ва кенг қўламли қонунлар ер кодекси билан белгиланади (1998 йил) [2]. Ўзбекистон Республикасининг барча тоифадаги ерлари «ер фонди» ни ташкил этади. Ердан фойдаланиш режимлари турлича бўлган саккиз тоифадаги ерлар мавжуд. Ерга бўлган ҳуқуқлар кодексида аниқ белгилаб берилган. Ер давлат мулки ҳисобланади, у шахсий эгалликда бўлиши мумкин эмас, балки фойдаланишға берилади. Жисмоний шахслар ер участкаларини мерос қилиб олиши мумкин ёки уларға доимий ва вақтинчалик асосда ердан фойдаланиш ёки ижараға олиш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик ерлари муҳофаза қилинади, суғориладиган ерлар эса факатгина қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, Кодексида қишлоқ хўжалиги мақсадларида

фойдаланиш учун ширкат, фермер хўжаликлари ҳамда айрим ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга берилаётган ерларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш режими батафсил ёритилган. Тартиблар деградацияга учраган тупроқларни қайта тиклаш, эрозияга қарши кураш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳолларида тупроқни чиқариб ташлаш ва қайтариш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича тадбирларни амалга ошириш мажбуриятларини ўз ичига олади.

«Кодекс» бир томондан маъмуриятнинг барча даражалари, иккинчи томондан эса ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади. Унда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган. Шунингдек, Кодексга ерлар консолидацияси, ерлар мониторинги, табиий қишлоқ хўжалик районларини ташкил этиш, ер участкалари тоифалари ва ерларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш устидан давлат назоратини ўрнатиш тамойиллари киритилган.

Қишлоқ хўжалик ерларига доир асосий талаблар Кодекснинг махсус бўлимида акс эттирилган. Мазкур тартибларга мувофиқ, ҳуқуқий нуктаи назардан ширкат (кооперативлар), фермер ва деҳқон хўжаликлари (кичик оилавий фермалар) каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг бир нечта турлари мавжуд. Деҳқон хўжаликлари жисмоний шахслар томонидан мерос қилиб олиниши мумкин. Деҳқон хўжаликлари ўлчами Кодексда белгилаб берилган: бир оилага суғориладиган ерларда 0,35 гача, суғорилмайдиган ерларда 0,5 гача ҳамда чўл ва сахро ҳудудларида 1 гача.

«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ширкатларни ташкил этиш, фаолият юритиши, қайта тузиш ва тугатишнинг ҳуқуқий тамойиллари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бошқа жисмоний ва ҳуқуқий шахслар билан ўзаро муносабатларини белгилайди. Ширкат одатда оилалар ёки пайчилар гуруҳидан иборат ҳуқуқий шахсдир. Шунингдек, ширкатлар ташкилий тузилмасида фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳам ташкил этилиши мумкин. Мажбурий тартибда қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилиши лозим бўлган қишлоқ хўжалик ерлари доимий эгалик қилиш учун ширкатларга берилади.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун уни ташкил этиш, фаолият юритиш, қайта тузиш ва тугатишнинг ҳуқуқий тамойиллари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бошқа жисмоний ва ҳуқуқий шахслар билан ўзаро муносабатларини белгилаб беради. Фермер хўжаликлари узок муддатли ижарага олинган ерларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи ёки чорва молларини парвариш қилувчи ҳуқуқий шахс ҳисобланади. Мазкур қонунга мувофиқ чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари камида 30 шартли мол бош сонига эга бўлиши ва ҳар бир мол бош сонига суғориладиган ерларда 0,3-0,45 гача, суғорилмайдиган ерларда эса 2 гача ер ажратилиши лозим. Пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари эса камида 10 га ерга эга бўлиши лозим. Узум, мева-сабзавот ва бошқа турдаги қишлоқ

хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари 1 га дан кам бўлмаган майдонга эга бўлиши лозим.

«Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун ер участкаларининг табиий, иктисодий ва ҳукукий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, жойлашуви ва х.к. тўғрисидаги ахборотлар тизимидан иборат бўлган давлат ер кадастрини ишлаб чиқиш учун ҳукукий асосни белгилаб беради. Кадастр маълумотлари иктисодий ривожланиш мақсадларида фойдаланилади, ер участкалари, тупрокни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш, ундан оқилona фойдаланиш ҳуқуқларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Давлат қўмитаси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, хариташунослик ва Давлат кадастри Бош бошқармаси давлат ер кадастрини ишлаб чиқиш учун маъсул бўлган давлат органлари ҳисобланади. «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳар йили давлат ер ресурслари тўғрисида маъруза тайёрланишини кўзда тутати.

Юқорида кайд этилган қонунларга қўшимча тариқасида Вазирлар Маҳкамаси бир қатор қонун ости ҳужжатларини қабул қилди:

«Давлат ер кадастрини амалга киритиш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори, 31 декабр 1998 йил, № 543;

«Ўзбекистон Республикасида ерлар мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 23 декабр 2000 йил, № 469.

Лекин иктисодий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш учун янги ёндашув, тартиб ва меъёрларни қўллаш зарур.


Суғориш Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун ҳаётий муҳим бўлиб ҳисобланади; 2001 йилда гектар ҳисобига 12 000 м³ гача сув фойдаланилган (1993 йилда - 13200 м³, 1988 йилда - 15 100 м³). Суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари майдони 4,3 млн. га ташкил этади. Суғориладиган ерларда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 95% ишлаб чиқарилади. Турли сабабларга кўра ҳар йили 130 000 дан 140 000 га бўлган ҳайдаладиган суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланилмайди. Суғориладиган ерларнинг потенциал унумдорлиги, ҳозирда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан бирмунча юқоридир.

2001 йилдаги ҳайдаладиган суғориладиган ерлар таркиби 2.1-чизмада келтирилган. Ҳайдаладиган ерларнинг факатгина 0,8 млн. га суғорилмайди (лалми ерлар), асосан Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарканд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида. Суғориш мумкин бўлган ерлар 7 млн. га ташкил қилади. Лекин, сув етишмовчилиги сабабли янги ерларни ўзлаштириш имконияти йўқ.

22 млн. га яқин суғорилмайдиган ерлар яйловлар сифатида фойдаланилади, шу жумладан 18 млн. га сахро яйловлари, 3 млн. га адирликлар, 0,9 млн. га тоғ яйловлари (таус) ва 0,6 млн. га баланд тоғлар яйловлари (яйлауслар) ташкил этади.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши

Икки турдаги кишлоқ хўжалиги экинлари Ўзбекистон учун стратегик аҳамият касб этади: буғдой – ички эҳтиёжлар учун, пахта эса экспорт тушумлари манбаси сифатида.



2.1. чизма.

Ҳайдалиб суғориладиган ерлар таркиби, 2001 йил.

1991 йилдан сўнг мустақилликнинг дастлабки олти йили давомида пахта билан банд бўлган майдон 2,0 млн. га дан 1,5 млн. гача камайди ва дон экинлари билан алмаштирилди. Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 2000 йилда 2,2 т/га ташкил этди, бу 1995 йилдаги 2,6 т/га кўрсаткичидан бирмунча камайганлигини кўрсатмоқда. Дунё бўйича ўртача ҳосилдорлик 3,2 т/га ташкил этади.

Буғдой ва арпа асосий дон экинлари бўлиб ҳисобланади. Буғдой етиштириш учун ажратилган майдон 200%дан кўпроққа ошди, ва суғориладиган майдонлардаги экинлар, шу жумладан пахта, сабзавот ва озука экинлари буғдой билан алмаштирилди. Ўзбекистон ҳозирги вақтда дон билан ўз-ўзини тўлиғича таъминламоқда. Буғдойнинг ўртача ҳосилдорлиги 2,5 т/га ташкил этмоқда, бу 1994 йилдаги кўрсаткичдан 1,4 маротаба юқоридир, лекин 7,0 т/га ташкил этувчи энг юқори ҳосилдорликка нисбатан ҳамон пастлиғича колмоқда.

Картошка асосий турдаги сабзавот экини бўлиб ҳисобланади, бироқ бошқа турдаги сабзавот маҳсулотлари ҳам етиштирилади. Қулай табиий-иклим шароит ҳисобига сабзавотлардан йилига бир маротабадан кўпроқ ҳосил олиш мумкин. Ҳозирги вақтда сабзавот экинлари асосан иккиламчи маҳсулотлар сифатида ички бозор учун етиштирилмоқда.


400 минг. га майдон кўп йиллик экинлар билан банд. Мева ва сабзавотларни йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 5 млн. тоннадан кўпроқни ташкил этади. Ҳозирги вақтда ялпи кишлоқ хўжалик маҳсулотининг (ЯҚХМ) 7% айнан шу турдаги маҳсулотлар ҳиссасига тўғри келади.

Озука экинлари билан банд бўлган майдонлар икки маротабага камайди. Хусусан, беда майдонларининг учдан икки қисми қисқарди. Сўнгги 20 йил мобайнида тупроқ туркибидаги гумус миқдори ўртача икки маротабага камайди. Мамлакат суғориладиган ерларининг деярли ярмида гумус миқдори паст бўлиб ҳисобланади. Дуккакдилар оиласига мансуб бўлган озука экинлари ва беда камбағаллашган тупроқлар сифатини оширади.

уларни азот ва бошқа фойдали элементлар билан бойитади ва чорва озукасини ишлаб чиқариш учун юкори сифатли асосни таъминлайди.

Маҳаллий аҳоли эҳтиёжлари ва қадимий анъаналари, шунингдек халқаро бозордаги талабга асосланган табиий ипакни тайёрлаш учун хом ашё материали сифатида ипак қурти пилласини ишлаб чиқариш кишлоқ хўжалигининг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон йилига 30 000 тонна пилла ишлаб чиқаради, шундан 70% жойларда ипак хом ашёсига қайта ишланади ва 30% экспорт қилинади.

Кишлоқ хўжалиги тармоғидаги ислохотлар натижасида собиқ давлат хўжаликларининг 95 % жамоа, ширкат, хусусий чорвачилик фермалари, ҳиссадорлик жамиятлари, ускуналарни ижарага берувчи корхоналар, ижарага олинаётган фермалар, агрофирмалар ва кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг бошқа шаклларига ўзгартирилди 2.2 расм.



2.2 расм. 2000 йилда хўжалик тоифалари бўйича суғориладиган экин майдонларининг тақсими 90 йилларнинг бошидан амалга оширилаётган ер ислохоти натижасида кишлоқ хўжалигида нодавлат сектори, айниқса шахсий томорқа хўжаликлари катта аҳамият касб эта бошлади. Суғориладиган ерларнинг 10% эгаллаган ҳолда улар республика ялпи кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қарийб ярмини ишлаб чиқармоқда. Кузатувларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда хўжалик юриштишнинг янги шакллариининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан узвий боғлиқ.

2.1 жадвал. Гидрологик 2000-2001 йилларда Ўзбекистонда Амударё ва Сирдарё хавзаларидан сув олиш лимитлари (млн. м³).

	Жами олинган сув	Амударё ва Сирдарё- дан	Ички кичик дарёлар	Ер ости сувлари	Коллектор- дренаж сувлари
Республика бўйича жами	49381	30554	16497	600	2829
Амударё хавзаси	25636	19514	5667	225	1330
Қорақалпоғистон	7520	7406	0	0	114
Қашқадарё вилояти	5257	4048	1947	90	272
Бухоро вилояти	3909	3341	255	60	253
Навоний вилояти	1440	533	791	39	77
Самарқанд вилояти	3027	0	2674	36	317
Хоразм вилояти	4483	4186	0	0	297
Сирдарё хавзаси бўйича жами	19795	9936	8334	325	1199
Андижон вилояти	3060	775	1954	92	239
Наманган вилояти	2755	2337	230	27	161
Фарғона вилояти	4262	1802	2068	162	230
Жиззах вилояти	2250	1935	260	2	52
Сирдарё вилояти	2588	2385	0	28	175
Тошкент вилояти	4880	702	3822	14	342
Бундан ташқари, Сурхондарё вилояти	3950	1104	2496	50	300

Сувдан фойдаланиш.

Ўзбекистонда ҳар йили қарийб 60 км³ сув ресурслари истеъмол қилинади. Сув таъминотининг асосий манбаси бўлиб ер усти сувлари хизмат қилади; ер ости сувларининг улуши 5% ташкил этади. Ер усти сувлари асосан дарёлардан олинади. Шунингдек, сув таъминоти учун маълум миқдорда сугориш тизимларининг коллектор ва дренаж сувларидан ҳам фойдаланилади. Асосий турдаги сувдан фойдаланувчилар рўйхати 2.2 жадвалда келтирилган.

2.2. жадвал. Миллий иктисодиётнинг турли тармоқларида сувдан фойдаланиш ҳолатлари, 1988-1998 йиллар.

ҲАММ	ИЧМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ			КИШЛОҚ ХҲУЖАЛИГИ СУВ ТАЪМИНОТИ			САНСАТДА СУВ ТАЪМИНОТИ			БАҲИҚ ХҲУЖАЛИГИ			СУҒОРИШГА ДРАҲҚ		
	МҲ. М	МҲ. М ³	ҲАММГА НИСБ. % ҲО-ДА	МҲ. М	ҲАММГА НИСБ. % ҲО-ДА	МҲ. М	ҲАММГА НИСБ. % ҲО-ДА	МҲ. М	ҲАММГА НИСБ. % ҲО-ДА	МҲ. М	ҲАММГА НИСБ. % ҲО-ДА	МҲ. М	МҲ. М	ҲАММГА НИСБ. % ҲО-ДА	МҲ. М
1988	69 069	1609	2,3	1 022	1,5	1 980	2,9	475	0,7	63 972	92,6				
1990	63 611	2353	3,7	723	1,1	1 266	2,0	1 080	1,7	58 156	91,4				
1992	63 271	2051	3,2	839	1,3	1 250	2,0	783	1,2	58 338	92,2				
1994	58 564	2580	4,4	960	1,6	1 100	1,9	534	0,9	53 400	91,2				
1996	54 974	2354	4,3	712	1,3	844	1,5	503	0,9	50 561	92,0				
1998	57 920	2205	3,8	1 120	1,9	902	1,6	821	1,4	52 872	91,3				

Келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, 1988 йилда сувдан фойдаланишни умумий ҳажмининг 93% суғоришга тўғри келган. 1998 йилда бу кўрсаткич бирмунча камайди ва 91 % ташкил қилди. Бу давр мобайнида турли мақсадлар учун сувдан фойдаланишнинг умумий ҳажми 18% қисқарди, суғориш учун истеъмол қилинган сув ҳажми ҳам деярли шу миқдорга камайди.

Бу кўрсаткичнинг камайиши уч омил билан изоҳланади: технологик ютуқлар, сувдан фойдаланишнинг қисқариши ва пахтани бошқа турдаги экинлар билан алмаштирилиши. Сув ресурслари йўқотишларини қисқартириш учун маълум чоралар қабул қилинди, мисол учун суғориш тизимларини янгилаш, шу жумладан тузилиши бўйича мураккаб бўлмаган сув ўлчаш асбобларини ўрнатиш, бир гектар суғориладиган ер ҳисобига сувдан фойдаланишнинг чегаравий даражаларини белгилаш. Бу тадбирларни қўлланилиши натижасида сувдан фойдаланиш 10% қисқарди. Шу билан бирга асосий трансчегаравий хавзатар, жумладан Амударё ва Сирдарё хавзаларининг сувларини тақсимлаш билан боғлиқ муаммо мавжуд. Давлатлараро мувофиқлаштириш сув ҳўжалиги комиссияси (МКВК) ҳар йили минтақа мамлакатлари учун сувдан фойдаланиш квоталарини белгилаб беради, лекин квоталарга доим ҳам риоя этилмайди ва бажарилиши таъминланмайди.

Суғориш. Факатгина пахта ва бошқа турдаги кишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун мавжуд сув ресурслари захираларининг 90% кўпроғи сарфланади. Бу сув ресурслари миқдори ва сифати, ер ресурсларининг ҳолати, соғлиқ ва бошқа ижтимоий соҳалардаги вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда тахминан 4,3 млн. га майдон суғорилади. Амалдаги суғориш тизими доирасида 1997 йилдаёқ суғориш учун сув ресурслари етишмовчилиги талабга нисбатан 17% ташкил этган; 1998 йилда у 22% ташкил қилди; 2000 йилда эса қурғокчилик сабабли сув ресурслари тақчиллиги 40% ташкил этди.

Сув ресурсларини тежаш. Минтақада сув ресурсларидан оқилona фойдаланишда сув ресурсларини тежаш муҳим ўрин тутди. Таъкидлаш жонзки, самарасиз суғориш тизимларини ишлатиш натижасида 40% дан 60 % гача сув ресурслари йўқотилади, тахминан 5-10% ичимлик суви

кувурларининг занг босиши ва эскириши натижасида йўқотилади, ҳамда 15-20% ичимлик суви таъминоти учун фойдаланиладиган эски ва самарасиз ускуналарни ишлатилиши сабабли йўқотилади.

Қонунчилик. Ўзбекистон Конституциясида сув, шунингдек, ер ва уни қаъри, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий ресурслар, оқилона фойдаланиши ва муҳофаза қилиниши лозим бўлган миллий бойлик ҳисобланади деб айтиб ўтилган.

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги асосий қонунчилик ҳужжати ҳисобланади, унда сув ресурсларининг таснифи келтирилган, сувдан оқилона фойдаланиш учун жавобгарлик ва сувдан фойдаланишга рухсатномалар бериш тартиби белгиланган. Қонун саноат оқава сувларини тозалаш ва йўқ қилиш, ташлама оқава сувлари учун белгиланган сифат андозаларига риоя қилинишини таъминлаш орқали нефть, кимёвий ва бошқа моддалар билан сув ресурсларини ифлосланишининг олдини олишни кўзда тутди.

Сувдан оқилона фойдаланишни тартибга солувчи бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида қуйидагиларни ҳам эътироф этиш лозим:

«Ер ости сувларидан фойдаланиш ва уларни тугаши ва ифлосланишидан муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори (№ 179, 1992 йил);

«Сувдан чекланган тартибда фойдаланиш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори (№ 385, 1993 йил);

«Сув ресурслари давлат кадастрини ишлаб чиқиш ва юритиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори (1998 йил)

Ташкилий чоралар. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув ресурсларини тадқиқ қилиш, режалаштириш, ўзлаштириш ва тақсимлаш билан шуғулланади. Суғориш ва дренаж тизимларини қуриш, ишлатиш ва сақлаш, ер усти сувлари кадастрини юритиш масалалари устидан назорат олиб боради.

Коммунал хизмат кўрсатиш агентлиги ва маҳаллий бошқарув органлари (хокимиятлар) шаҳар сув таъминоти инфратузилмаси ва оқава сувларни тозалаш учун жавоб беради. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат кўмитаси оқава сувлари сифатига риоя этилиши устидан назорат учун жавоб беради. Унинг қошида Аналитик назорат Давлат ихтисослаштирилган нозирлиги фаолият кўрсатади (ГосСИАК). Давлат кўмитаси ҳузурида фаолият юритаётган ер-сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича Бош бошқарма оқава сувларининг саноат чиқиндиларини назорат қилади ва тартибга солади. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат кўмитаси функцияларига сув ресурсларини коммунал-маиший ифлосланишидан муҳофаза қилиш, йирик сув хўжалиги объектларида сув сифати устидан назорат олиб бориш, сув сифатига ифлосланишнинг таъсирини аниқлаш, сувдан фойдаланиш ва оқава сувларни ташламаси учун рухсатномалар бериш, шунингдек оқава сувлари ташламаси натижасида атроф муҳитдаги захарли моддалар миқдорини қисқартириш бўйича чоралар устидан

назорат килиш кабилар киради. Бундан ташқари, у ташлама сувларнинг сифат андозаларига мувофиқ келиши устидан назорат олиб боради.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология Бош бошқармаси ер усти сувлари мониторингини амалга оширади, ахборотлар йиғади ва таҳлил қилади ҳамда ер усти сувларининг ҳолати борасида башоратлар қилади. У тегишли давлат ва маҳаллий органлар, корхоналар, муассаса ва ташкилотларга сув ресурсларини ифлосланганлик даражаси бўйича мунтазам равишда ахборотларни тақдим этади.

Геология Давлат қўмитаси ер ости гидросферасида ер ости сувлари ҳолати, яъни уларнинг сатҳи, сифати ва ҳажмидаги ўзгаришларнинг назоратини амалга оширади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология станцияси (СЭС) шаҳар ва йирик аҳоли пунктларида ичимлик суви, биринчи навбатда сув қувурлари орқали етказиб бериладиган сув сифатини мониторингини олиб боради.

Дастаклар. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган йўл қўйилган чегаравий микдорлар сув сифати андозаларини белгилаб беради. Ичимлик суви, ер усти сувлари ва балик хўжалиги учун мўлжалланган сувларга белгиланган сифат андозалари мавжуд.

Ўзбекистонда табиий ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги гидрографик чегараларга асосланган хавзали бошқаришни ташкил этиш орқали ирригация тармоғини ислоҳ қилди. Аввалги вилоят бошқарув шакли ўрнида Хавзали ирригация бошқармалари (ХИБ) ташкил этилди. Ички хўжалик ва хўжаликлараро каналлар бошқаруви якуний сувдан фойдаланувчилар, яъни Сувдан фойдаланувчилар уюшмасига (СФУ) ўтказиб берилди.

Ўзбекистон шароитида СФУ одатда тарқатилгунга қадар фаолият юритган ширкатнинг маъмурий ҳудудида жойлашган фермерлар ёки сувдан фойдаланувчилар уюшмаси шаклида ташкил қилинмоқда. СФУ ўз ҳудудида ирригация-дренаж тармоғини сақлаш ва бошқариш бўйича ноτιжорат нодавлат ташкилоти сифатида фаолият юритмоқда. Ҳукумат СФУга фермерлар ўртасида сув бўйича низоларни камайитириш ва тартибни сақлаш воситаси сифатида қарамоқда. СФУ фермерлар томонидан бошқарилмоқда ҳамда ирригация тармоқларини ишлатиш ва сақлаш харажатлари давлатдан хусусий фермер хўжаликлари зиммасига ўтиб бормоқда. Пировард мақсад – ушбу якуний истеъмолчиларга етказиб берилаетган сув учун ҳақ тўлашни жорий қилиш.

2004 йилнинг бошига СФУ сони қарийб 268 тани ташкил қилди. СФУ муваффақиятли фаолият юритиши учун унинг барча аъзолари ҳамкорлик қилиши зарур. Яъни, унинг аъзолари суғориш тармоқлари бошида ёки охирида жойлашганлигидан қатъий назар СФУ иштирокидан тенг манфаат қўриши лозим. Юқори сувдан фойдаланувчиларни

куйдагиларни иштирокидаги манфаатдорлигини таъминлашнинг энг осон йўли – бу ҳукумат ёки канал операторлари томонидан СФУ етказиб берилаётган сув учун ҳақ тўлашни жорий қилишдир. Агар СФУ аъзолари сонини кўпайтириш ҳисобига сув олиш бўйича харажатларни камайтириш мумкин бўлса, у ҳолда юқори сувдан фойдаланувчида СФУ ўз улушини кўшиб бораётган ва қониқиш ҳосил қилаётган қуйи сувдан фойдаланувчини сақлаб қолиш учун кучли молиявий рағбат шаклланади.

Муаммолар. Ҳозирги вақтда СФУ туман ҳокимлари томонидан ташкил қилинмоқда. Ҳокимнинг талаби бўйича фермерлар СФУ аъзоси бўлиш учун шартномани имзоламакдалар. Умумий йиғилиш ҳокимнинг тавсиясига кўра СФУ раиси ёки бошқарувчисини «сайлайди», у эса ўз навбатида ходимларни ишга ёллайди. Аъзолик бадалларини йиғиш жуда қийин ва бунинг деярли имкони йўқ. СФУ траншдан маблағ олувчи ташкилотлар рўйхатида киришга эришган тақдирда, аксариyat фермерларнинг ҳисоб рақамларида пул йўқлиги сабабли СФУ ҳисобига жуда кам маблағ келиб тушади. Кўпчилик СФУ ходимларга тўланмаган иш ҳақидан ижтимоий ажратмалар бўйича салмоқли қарзлари мавжуд.

СФУ ҳоким томонидан ташкил қилингани боис фермерлар уни ўзиники эмас, балки навбатдаги давлат тузилмаси деб билади. Шунинг учун, улар СФУ ишчиларини аъзолари олдида ҳисобот берувчилар сифатида, уюшма қарзини эса ўзининг қарзи сифатида қабул қилмайди. Бу қарз келгусида муаммоли масала бўлиб қолади. Солиқларни тўламагани учун СФУ айрим турдаги техникалари солиқ инспекцияси томонидан мусодара қилинган.

СФУ икки йиллик имтиёзли давр мобайнида солиқларни тўлашдан озод қилинган эди. Мазкур тузилмалар натижорат ташкилоти бўлиб ҳисоблангани учун улар доимий асосда ёки келгусидаги аниқ белгиланмаган муддатга солиқлардан озод қилиниши лозим. СФУ тушум суммасини солиққа тортмаслик шартларида, кўрсатилган хизматлар учун ҳақни ундиришга рухсат берилиши лозим, чунки у аввал тўлиғича давлат ҳисобидан сақлаб турилган, ирригация ва дренаж инфратузилмасини ишлатиш, техник хизмат кўрсатиш ва ривожлантириш мақсадларида фойдаланилади [5].

Мазкур ўзгаришлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ХИБ ва СФУ ташкил этилиши, сув ресурсларини бошқаришни яхшилашга бўлган оқилона ёндашув сифатида ижобий баҳоланмоқда.

Орол денгизи. Марказий Осиё мамлакатларида қишлоқ хўжалигини суғориш 5000 йилдан кўпроқ тарихга эга, лекин сўнгги 40 йилда у нобарқарор бўлиб қолди. Бу Орол денгизи хавзасида экологик инкироз ва Ўзбекистон ҳудудида ҳамда бутун минтақада жиддий экологик муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Орол денгизи хавзасидаги асосий муаммоларга қуйдагиларни киритиш мумкин:

- сув сатхи 15 метрга тушиб кетди, ва денгизга 1960 йилга қадар келиб қўшилган 50-60 км³ нисбатан 5 км³ қўшилмоқда;
- денгиз майдонининг ярмидан кўпроғи қискарди;
- минтақада ичимлик ва суғориш суви захирали етарли эмас, уларнинг сифати паст;

• сув каби суғориладиган майдонларнинг 50% ортиғи юкори даражада шўрланган, ва шўрланиш даражаси ошиб бормокда. Шўрланиш окибатидаги хар йиллик йўқотишлар 2 млрд. АҚШ долл. баҳоланмокда, бу Марказий Осиё ЯИМ 5% ташкил қилади. Аввалги соҳил чизиги бўйлаб тўпланган туз ва чанг ок рангли ингичка қатламни пайдо бўлишига олиб келди, ва кучли шимолий-шарқий шамоллар вақтида туз ва майда бўлақлар ишлов бериладиган ерларнинг кенг худудларига ўтиб бормокда ва тўпланмокда;

• денгиз суви коллектор-дренаж сувлари билан ўтиб борувчи ўғит ва пестицидлар билан ифлосланган;

• денгизнинг куриши ва уни ўлчамини камайиши натижасидаги биологик хилма-хиллик кескин кискарди. Якин атрофдаги дельталарда флора ва фаунанинг (ўсимлик ва хайвонот дунёси) кўп турлари нобуд бўлди;

• Амударё ва Сирдарё дельталаридаги қурғоқчилик минтақадаги иқлимнинг ўзгаришига олиб келмокда;

• Бу омилларнинг барчаси минтақа аҳолисига салбий ижтимоий-иктисодий таъсир кўрсатмокда, хусусан инсонлар соғлиги ва уларни овқатланиш рациона ёмонлашди, ҳамда ишсизликни келтириб чикарди. Шу тарика, ушбу хавзада экологик инкироз юз беришига қадар 24 турдаги овланадиган балиқ бўлган, уларнинг йўқолиб бориши натижасида минтақада 60000 киши ишсизлар қаторига қўшилди.

Орол денгизи хавзасидаги ресурслардан биргаликда фойдаланиш

Минтақада Амударё ва Сирдарё юкори (Қирғизистон ва Тожикистон) ва қуйи окимларида (Қозогистон, Ўзбекистон ва Туркменистон) жойлашган мамлакатларда уларнинг ресурсларидан биргаликда фойдаланиш жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Юкори окимда жойлашган мамлакатлар киши мавсумида гидростанцияларда электр энергиясини ишлаб чикариш учун ушбу икки дарё сув ресурсларидан фойдаланади. Бунинг натижасида қуйи окимда жойлашган мамлакатлар суғориш учун жуда зарур бўлган давр - ёзда эсас, балки кишда катта сув захираларига эга бўлади.

Орол денгизи хавзаси мамлакатлари энергетика ва кишлоқ хўжалиги соҳасидаги режалаштириш ишларини келишиб олиши, ва энг асосийси ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаши зарур. Ижтимоий, иктисодий ва экологик муаммоларни ҳал этилишини таъминлаш учун минтақада электрэнергиясини ишлаб чикариш ва сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги битим мавжуд.

Институционал механизмлар, сиёсат максадлари ва дастурлар

Юкорида кайд килинган муаммоларни ҳал этиш учун Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро Кенгаш (ОДМДК) ва унинг Ижроия қўмитаси, шунингдек Орол денгизини куткариш Халқаро жамғармаси (ОКХЖ) таъсис этилган эди.

1997 йилга қадар ОҚХЖ Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро Кенгаш (ОДМДК) билан параллел равишда фаолият юритган; 1997 йилда эса бу давлатлараро ташкилотлар ягона ОҚХЖ бирлаштирилди.

Давлатлараро мувофиқлаштириш сув хўжалиги комиссияси (ДМСХК) минтақа мамлакатлари Сув хўжалиги вазирликларининг бирлашган комиссияси бўлиб ҳисобланади. Орол денгизи хавзасида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси комиссияга юклатилган. ДМСХК котибият, халқаро илмий-тадқиқот маркази ва сув хўжалиги бўйича иккита хавзали бирлашмалардан ташкил топган (ХСХБ Амударё ва ХСХБ Сирдарё). Сирдарё ва Амударё сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги ДМСХК фаолияти Хавзали сув хўжалиги бирлашмаси ташкилоти доирасида амалга оширилади (ХСХБ). Аъзолари асосан ирригация соҳаси вакиллари бўлган комиссия, агар унинг таркибига бошқа соҳа, айниқса энергетика ва саноат вакиллари киритилганда янада самаралироқ ишлаши мумкин эди.

Донор-мамлакатлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ОҚХЖ аъзо бешта давлатлар минтақа даражасида лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутувчи Орол денгизи хавзаси бўйича аниқ чоралар Дастурини қабул қилдилар.

2.3. Атроф муҳит борасида қарорлар қабул қилишдаги ўзгаришлар

Иқтисодий ислохотларнинг олиб борилиши, бозор муносабатларига ўтиш, аҳоли ва шаҳарларнинг ўсиши, транспорт юк ташиш ҳажмларининг ортиши, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш шароитида атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси ва у билан боғлиқ табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш масаласини ҳал қилиш энг муҳим давлат вазифасига айланди.

Агрохимиядан интенсив тарзда фойдаланиш, суғориш мақсадларида минтақани таъминлаётган иккита дарё (Амударё ва Сирдарё) сув ҳажмларидан фойдаланиш, шунингдек дренаж тизимлари самарасининг пастлиги Орол денгизининг қуриши ва соҳил бўйи ҳудудларини туз ва қишлоқ хўжалиқ химикатлари билан ифлосланишига олиб келди. Ҳозирги вақтда Орол денгизи хавзасидаги экологик ҳалокат аҳоли соғлиги ва иқтисодий фаолиятга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган давр мобайнида ислохотларни самарали олиб боришнинг мустақкам ҳуқуқий асоси яратилди. «Ер кодекси», «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Мулкчилик тўғрисида»ги ва бошқа қўллаб қонунлар қабул қилинди. [1].

Мустақилликка эришилган вақтдан бошлаб Ўзбекистон комплекс ўзгаришлар дастурига мувофиқ, табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни сифатини бошқаришнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йилнинг октябрида қабул қилинган «1999-2005 йилларда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларнинг Миллий Дастури» сиёсий ҳужжатлардан бири бўлди. Мазкур Дастурда қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш ҳамда суғориш ва дренаж тизимларини такомиллаштириш ҳисобига табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Шунингдек, унда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги экологик муаммоларни ҳал қилиш бўйича фаолият турлари аниқ кўрсатилган, жумладан:

- инсон ва ҳайвонлар учун хавфсиз бўлган пестицидлардан фойдаланиш, биологик услубларни қўллаш ҳисобига қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш учун биофабрика ва биологаториялар тизимини яратиш ва энтомология хизматларини мустаҳкамлаш йўли билан усимликларни касаллик ва зараркундалардан ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бу тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган муассасаларга Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат қўмита, вилоят ва туман ҳокимликларини киритиш мумкин. Режалаштирилган молиялаштириш ҳажми: барча иштирокчилардан 300 млн. сўм;

- Қурғокчиликка қарши кураш бўйича чора-тадбирлар Миллий Дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Гидромет Бош бошқармаси, Табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат қўмита, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги масъул муассасалар бўлиб ҳисобланади. Глобал экологик жамғарма томонидан 30 000 АҚШ долл. ҳажмида молиялаштириш кўзда тутилмоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалигини бошқарувчи орган бўлиб ҳисобланади. У қуйидаги фаолият турлари учун масъулдир:

- ер, сув ва ўрмон ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, профессионал билимларга асосланган ягона қишлоқ хўжалиги сиёсатини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш ва уларни бориши устидан назорат ўрнатиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таркибий қайта тузиш ҳамда ширкат, фермер хўжалиқларига тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида амалий ёрдам кўрсатиш;

- самарали инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш;

• замонавий агротехнологияларни жорий қилиш ва экспорт ҳисобига фойдани кўпайтиришга қаратилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун мониторинг тизимини яратиш;

• қишлоқ хўжалик экинлари таркиби ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашга ташки ва ички бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш;

• чорва молларини парваришlash, ветеринария хизмати кўрсатиш ва бошқа турдаги хизматларни ташкил этиш;

• сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, суғориладиган ерлар ҳолатини яхшилаш бўйича чораларни қўллаш билан биргаликда давлат сув кадастрини юритиш.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш истикболларини уни атроф муҳитга таъсирдан алоҳида кўриш мумкин эмас. Бунда табиатдан оқилона фойдаланишга қаратилган фаолиятнинг натижаси қилинган ҳатти-ҳаракатларга доим ҳам мувофиқ келавермайди. Ўзбекистон иқтисодиётида рўй бераётган таркибий ўзгаришлар табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитни ифлосланиш даражаларига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу даврда экологик қарорларни қабул қилишнинг иқтисодий жиҳатлари, яъни экологик ва иқтисодий сиёсатнинг интеграциялашуви муҳим аҳамият касб этади[1].

Ақсарият суғориладиган ерлар ҳолатининг кўрсатишича, тупрок сифати ёмонлашмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат кўмитаси иқтисодиётга ижобий таъсир этиши ва ишлов бериладиган майдонларни камайитишга хизмат қилиши лозим бўлган тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этган. Ушбу тавсияларнинг айримлари бугдой билан банд бўлган майдонларни қисқартириш, уни ҳосилдорлигини ошириш ва беда экини майдонларини кенгайтириш бўйича тадбирларни ўзида ифода этган. Суғоришга боғлиқликни камайитиш ва ишлов бериладиган майдонларни саклаб қолиш мақсадларида амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Атроф муҳит муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитга салбий таъсирларнинг олдини олиш мақсадида Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси сувдан пулли фойдаланиш — «ифлослантирувчи тўлайди» ва «фойдаланувчи тўлайди» тамойиллари асосида табиатдан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий услубларини жорий этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида табиатдан фойдаланишнинг илмий асосланган иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини жорий қилиш» Концепциясига мувофиқ ҳозирги вақтда табиатдан фойдаланиш соҳасида иқтисодий услубларни босқичма-босқич жорий қилиш давом этмоқда.

Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишда илмий асосланган иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни жорий этишни 2010 йилда

яқунланиши лозим бўлган уч боскичда амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Биринчи боскичда 1992 йилдан бошлаб (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 июндаги 303-сонли қарори) Ўзбекистонда атроф мухитни меъёрдан ортиқча ифлослантирганлик, яъни атроф мухитга меъёрдан ортиқча чиқиндилар, ифлослантирувчи моддалар чиқиндилари учун тўловлар жорий қилинди.

Иккинчи боскичда атроф мухитни тўлиғича ифлослантирганлик, яъни атроф мухитни ифлослантирувчи моддалар, чиқиндиларнинг меъёрий ва меъёрдан ортиқча ташламаси учун тўловлар жорий этилди. Бу боскич 2000 йилда амалга оширилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги 554-сонли қарори). Бу тўловларни тақсимлаш тартиби ўзгартирилди: маблағларнинг 80% давлат бюджетига, 20% – табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига келиб тушади.

Учинчи боскичда табиий ресурслардан (сув, ер ва уни каъри, ўрмон ва х.к.) нооқилона, комплексиз тарзда фойдаланганлик учун тўловларни жорий этиш ва табиатдан махсус мақсадларда фойдаланганлик учун тўловларни ундириш механизмини янада такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

Атама ва иборалар

Ўз-ўзини таъминлаш, қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари), фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, ер ислохоти бўйича қонунлар, сув ресурслари, сув қонунчилиги, Орол денгизининг ҳолати, атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий асос, атроф мухитни муҳофаза қилиш органларининг вазифалари.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги иқтисодиётидаги асосий ўзгаришларни келтиринг.
2. Қишлоқ хўжалигида хўжалик юриштининг қандай янги шакллари мавжуд ва уларнинг фарклари.
3. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар.
4. Ер ресурсларидан фойдаланиш ҳолати.
5. Сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати.
6. Сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги асосий қонунчилик ҳужжатлари.
7. СФУ ер-сув муаммоларини ҳал этиш йўлларида бири сифатида.
8. Сув муаммоларини ҳал этишнинг институционал механизмлари.
9. Атроф мухитни муҳофаза қилиш тадбирларининг Миллий Дастури.
10. Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг иқтисодий услублари.

Адабиётлар рўйхати.

1. Национальный доклад «О состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан», Изд-во «Chinor ENK» Ташкент, 2002, стр. 6-14.

2. World Bank technical paper # 461. (February 2000): Social Assessment and Agricultural Reform in Central Asia and Turkey. Pp. 301

3. S. Djalalov «Tendencies in Uzbekistan Farm Production», Uzbekistan Economy: Statistical and Analytical Review First half of 2003, Center for Effective Economic Policy, Magazine # 2, October 2003, pp. 84-90. Веб-сайт: http://www.bearingpoint.uz/files/3/a2003_full.pdf

4. Мировой банк. Узбекистан: Краткие сведения о стране. Веб-сайт: <http://wbln0018.worldbank.org/ECA/Rus.nsf/ECADocbyUnid/515862E07D61345E85256E1D00724E4C>


5. «Проблемы, стоящие перед ассоциациями водопользователей в Узбекистане», Подготовлено Программой по совершенствованию управления природными ресурсами в Центральной Азии, финансируемой USAID. Веб-сайт: www.nrmp.uz/docs/wua_problems_rus.doc

АТРОФ МУҲИТ ВА ИНСОН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

3.1. Атроф муҳит қиймат сифатида.

Иқтисодийётда атроф муҳит турли хизматлар кўрсатувчи таркибий (мураккаб) қиймат сифатида кўрилади. Бу ўзига хос қиймат, чунки у бизнинг ҳаёт кечиришимизга қўмаклашувчи яшаш тизимини таъминлайди, лекин шунга қарамаддан у қийматдир. Шунингдек, бошқа қийматлар каби ушбу қийматнинг кадрсизланишини бартараф этишга интиламиз, чунки у эстетик ва ҳаёт кечириш учун зарур бўлган хизматларни кўрсатишда давом этиши лозим.

Атроф муҳит иқтисодийётни ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол маҳсулотларига айланивчи хом ашё билан ва бундай ўзгаришда сарф қилинувчи энергия билан таъминлайди. Пировард натижада, бу хом ашё ва энергия қайта ишланган маҳсулот (чиқиндилар) сифатида атроф муҳитга қайтарилади (3.1. расм).



3.1-расм. Иқтисодий тизим ва атроф муҳит.

Атроф муҳит истеъмолчиларни хизматлар билан бевосита таъминлайди. Биз нафас олаётган ҳаво, биз тановул қилаётган озиқ овқат, кийим-кечак ва яшаш жойимиздан олинаётган муҳофаза - атроф муҳит бизга бевосита ва билвосита такдим этаётган қулайлик ҳисобланади.

Агар атроф муҳит кенг қўламда тушунилса, у ҳолда атроф муҳит ва иқтисодий тизим ўртасидаги муносабатларни ёпиқ тизим сифатида эътироф этиш мумкин. Бизнинг мақсадларимиз учун ёпиқ тизим шундай тизимки, унда ҳеч қандай ресурслар (энергия, материя ва ҳ.к.) тизим ташқарисидан олинмайди ва ушбу тизимдан ташқарига чиқмайди. Очиқ тизим, аксинча, шундай тизимки, материя ёки энергияни ташқаридан олади ва ташқарига чиқаради.

Агар биз 3.1-расмдаги муносабатлар концепциясини сайёрамиз ва унинг атрофидаги атмосфера билан чегаралаб қўядиган бўлсак, у ҳолда биз ёпиқ тизимга эга бўламиз. Чунки аслида биз энг кўп энергияни билвосита ва бевосита равишда куёшдан оламиз. Шунингдек, биз атмосферадан ташқарига космик кемаларни юборамиз. Шунга қарамасдан, тарихий нуқтаи назардан, моддий кириш ва чиқиш учун (энергиядан ташқари) ушбу тизимни ёпиқ деб ҳисоблаш мумкин, чунки чиқиндилар (космик кемаларнинг чиқиндилари каби) ва олинаётган материя (мисол учун ой тошлари) миқдори кўп эмас. Тизимнинг ёпиқлигича қолиши хом ашё сифатида куёш тизимимизнинг қолган қисмини космик тадқиқотлар очиб бериш даражасига боғлиқ.

Бизнинг сайёрамиз ва унинг бевосита ён атрофи ёпиқ тизим бўлиб ҳисобланиши тўғрисидаги тахминлар термодинамиканинг биринчи қонуни сифатида эътироф этилган муҳим ҳулосага олиб келади: **энергия ва материя яратилиши ёки йўқ қилиниши мумкин эмас**. Ушбу қонунга мувофиқ атроф муҳитдан иктисодий тизимга кириб келувчи материялар мазкур тизимда жамланиши ёки чиқиндилар сифатида атроф муҳитга қайтиши лозим. Жамғарилиш тўхтатилганда, иктисодий тизимга қўшилувчи материаллар миқдори атроф муҳитга келиб қўшилаётган чиқиндилар миқдорига тенг бўлади.

Ҳаддан зиёд чиқиндилар, албатта, унинг қийматини кадрсизлантиради; улар табиатнинг истеъмол қилиш имкониятидан ошиб кетганда, қиймати эвазига таъминланадиган хизматларни чиқиндилар қамайтириб юборади. Мисол учун ҳавонинг ифлосланиши респиратор муаммоларни, ифлосланган ичимлик суви эса онкологик касалликларни келириб чиқариши мумкин.

Инсоннинг атроф муҳитга муносабати, шунингдек, бошқа физик қонун билан боғлиқ - **термодинамиканинг иккинчи қонуни (энтропия қонуни)**. Ушбу қонун энтропия кўпайиб боришини эътироф этади. **Энтропия** – бу энергиянинг иш бажариш учун фойдаланиб бўлмайдиган миқдори. Энергетик жараёнларга нисбатан ушбу қонун энергияни бир шаклдан иккинчи бир шаклга ҳеч қандай ўзгариши мутлақ самарали бўла олмаслиги ва энергия истеъмоли қайтарилмас жараён бўлиб ҳисобланишини назарда тутди. Ўзгариш жараёнида маълум миқдордаги энергия йўқотилади, бир маротаба ишлатилган қолдиқ эса бошқа турдаги ишлар учун ярқочсиздир. Шунингдек, иккинчи қонун янги энергия келиб қўшилмаган тақдирда ҳар қандай ёпиқ тизим охир оқибатда ўз энергиясидан фойдаланиши лозимлигини назарда тутди. Чунки энергия ҳаёт учун зарур, яъни энергия келиши тўхтаганда ҳаёт ҳам тўхтайд.

Энергияга нисбатан бизнинг сайёрамиз ёпиқ тизим бўлиб ҳисобланмаслигини ёдда тутишимиз лозим; биз энергияни куёшдан оламиз. Энтропия қонуни куёш энергияси оқими ҳаёт учун зарур бўлган энергия оқимининг юқори чегарасини белгилаб беради.

Иктисодий тизим ва атроф муҳит ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги билимларимизни кўпайтириш учун иктисодий таҳлилнинг икки турини қўллаш мумкин. **Ижобий иктисодиёт нима бор, нима бўлган ёки нима бўлишини ёритишга ҳаракат қилади. Меъёрий иктисодиёт эса аксинча нима бўлиши лозимлигини ўрганади. Ижобий иктисодиёт таркибидаги**

келишмовчиликларни одатда далиллар ердамида хал этиш мумкин. Бирок, меъёрий келишмовчиликлар миқдорий кўрсаткичлар ёрдамида хал этилади.

Иккала бўлим ҳам фойдали бўлиб ҳисобланади. Тасаввур қилайлик, мисол учун, биз атроф муҳит бойликларига нисбатан иқтисодий тизим қандай муносабатда бўлишини аниқламоқчимиз. Ижобий иқтисодиёт хизматлар оқимини ёритади ва ушбу оқимлар тизимидаги ўзгаришлар йўли билан қандай таъсир этишини кўрсатиб беради (янги ишлаб чиқариш жараёнини топиш каби). Лекин, ижобий таҳлил ушбу оқимлар қанчалик мақбул эканлигини аниқлашда қўлланилиши мумкин эмас. Ушбу саволга фақатгина меъёрий иқтисодиёт жавоб бериши мумкин.

Иқтисодиётда меъёрий ёндашувнинг моҳияти қиймат миқдорини максималлаштиришдадир. Инсоният бор экан, у атроф муҳитга ўз таъсирини кўрсатиб келади. Бирок, муаммо инсоният атроф муҳитга таъсир утказиши лозимми еки йуқлигида эмас, балки ушбу таъсирнинг энг мақбул нисбатини аниқлашдадир.

3.2. Атроф муҳит қийматини аниқлаш

Меъёрий ёндашув атроф муҳит қийматини, ушбу қийматнинг фойдаланилаётган ва сақланаётган қисми ўртасидаги мувозанатни яратиш ҳисобига, максималлаштиришга интилади. Ушбу мувозанатни аниқлаш учун, чиқиндилар учун омборхона сифатида атроф муҳитдан фойдаланиш ҳисобига салбий самарани ҳам қўшган ҳолда олинаётган турли хизматлар оқимлари учун маълум миқдорларни қўйиш зарур. Иқтисодий нуктаи назардан ушбу баҳо шубҳасиз антропоцентрик (марказда-инсон) бўлиб ҳисобланади. Экосферага таъсир инсониятга уларнинг якуний таъсири сифатида баҳоланади.

Қабул қилинаётган қарорлар тўғри бўлиб ҳисобланишини етарлича исботламасдан ушбу мувозанатни бошқариш ҳуқуқини бериш инсонларга ҳос деб эътироф этишимиз мумкин. Мисол учун агар қарорлар қабул қилиш жараёни иқтисодий ёндашув томонидан таклиф этилаётган жамоавий тарзда интилинаётган натижалар билан мос келмаса, қарорлар нотўғри деб ҳисобланади. Иқтисодий ёндашувга мувофиқ, аксарият ҳолларда якка тартибдаги танланган оқилона йўл жамоавий тарзда танланган оқилона йўлдан фарк қилади. Шундай қилиб, муаммо ушбу қарорларга нисбатан қўлланилувчи миқдорда эмас, балки ушбу қарорларга эришиш жараёнидадир.

Атроф муҳитнинг яхшиланишидан кўрилаётган фойда, одатда бозорга ҳос бўлмаган миқдор бўлиб ҳисобланиши атроф муҳит қийматини аниқлашдаги асосий қийинчилик бўлиб ҳисобланади. Тасаввур қилайлик, биз хавонинг ифлосланишини камайтириш дастурига эгамиз. Бундай камайтириш бошқа самаралардан ташқари муайян ҳудудда сурункали бронхит билан касалланиш хатарининг камайишига олиб келади. Лекин ушбу самаранинг ижтимоий аҳамиятини қандай аниқлаш мумкин? Агар бевосита бозор муносабатларидан келиб чиқсак, буни амалга ошириш мумкин эмас, чунки атроф муҳит бўйича дастурларни амалга ошириш натижасида юзага келаётган соғлиқ учун хатарлардаги ўзгаришларни сотиб олиш ва сотиш мумкин бўлган бозор

мавжуд эмас. Атроф мухит иқтисодиётида унинг қийматини аниқлаш учун бир нечта усуллар ишлаб чиқилган.

Атама ва иборалар

Атроф мухит, табиат ресурслари, қиймат, иқтисодий тизим, ёпиқ тизим, очик тизим, материя, энергия, термодинамиканинг биринчи қонуни, термодинамиканинг иккинчи қонуни, энтропия, ижобий иқтисодиёт, меъёрий иқтисодиёт.

Назорат саволлари

1. Иқтисодий тизим ва атроф мухит ўртасидаги ўзаро муносабатларни тушунтиринг.
2. «Ёпиқ тизим» ва «очик тизим» нима?
3. Ижобий иқтисодиёт меъёрий иқтисодиётдан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?
4. Атроф мухит қиймати қандай аниқланади?

Адабиётлар рўйхати:

1. Tietenberg T. Environmental and Natural Resource Economics. Harper Collins Publishers, 1992, pp. 18-22.
2. Barry C. Field, Martha K. Field. Environmental Economics. McGraw-Hill Companies, New York, 2002, pp. 3-6, 16-17.
3. Голуб А.А., Струкова Е.Б. Экономика природных ресурсов. М., 1999, стр.57-72.
4. Папенев К.В. Экономика и природопользование. М., МГУ, 1997, стр.70-88.

Иқтисодий муаммолар

4.1. Чексиз эҳтиёжлар.

Икки фундаментал омил иқтисодиётнинг асосини ташкил этади ва моҳияти жиҳатидан иқтисод қилиш муаммосини тўлалигича камраб олади. Бу икки омилни чуқур англаш ва тушуниш жуда зарур, чунки иқтисодиёт соҳасида биз ўрганишимиз лозим бўлган барча предметлар улар билан бевосита ёки билвосита боғлиқдир. Биринчи омил қуйидагича: жамиятнинг моддий эҳтиёжлари, яъни унинг институт ва индивидларини ташкил этувчи моддий эҳтиёжлар деярли чексиз ва тугалмасдир. Иккинчи омил: иқтисодий ресурслар, яъни товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун воситалар чекланган ёки тақчилдир.

«Моддий эҳтиёжлар» тушунчаси остида биз аввало, истеъмолчиларни улар учун қулайлик яратувчи товар ва хизматлар сотиб олиш ёки фойдаланиш борасидаги истакларини назарда тутамиз — шу тариқа иқтисодчилар инсонлар қониқиши ёки хурсандчилигини белгилайдилар. Уларнинг рўйхати кенг қўламли маҳсулотлардан таркиб топади: турар жойлар, автомобиллар, тиш пастаси, компакт дисклар, пицца, свитер ва ҳ.к. Биз айрим ҳолларда биринчи зарурият (озиқ-овқат, уй-жой, кийим-кечак) ва зеб-зийнат буюмларига (атир, яхта, шуба) ажратаётган ҳисобсиз қўплаб маҳсулотлар инсонлар эҳтиёжини қондиришга қодирдир.

Лекин хизматлар ҳам моддий неъмат каби бизнинг эҳтиёжларимизни қондиради. Автомобил таъмирлаш, қўр ичакни олиб ташлаш, сочни қирқитиш ва ҳуқуқшунос маслаҳати товарлар каби инсонлар эҳтиёжини қондиради. Соғлом фикрлаш асосида биз қўплаб буюмларни сотиб олаётганлигимизга ишонч ҳосил қиламиз, масалан, автомобил ва қир ювиш машиналари айнан улар ёрдамида бажариладиган хизматлар учун сотиб олинади. Товар ва хизматлар ўртасидаги фарқлиниш бир қарашдагига нисбатан бирмунча камдир.

Моддий эҳтиёжлар хусусий корхоналар ва ҳукумат идоралари эҳтиёжларини ҳам ўз ичига олади. Хусусий корхоналар фабрика бинолари, юк ташиш машиналари, автомобиллар, омборлар, алоқа тизимлари ва ишлаб чиқариш мақсадларини амалга ошириш имконини берувчи барча неъматларнинг ўз тасарруфида бўлишини хоҳлайди. Ҳукумат мамлакат фуқаролари ижтимоий эҳтиёжларини акс эттириб ва ўзининг шахсий мақсадларини қўзлаб автострада, мактаб, касалхоналар қуриш, ҳарбий техника ва қурулларни йиғишга интилади.

Яхлитликда моддий эҳтиёжлар амалий жиҳатдан тугалмас ёки чексиздир, бу товар ва хизматларга бўлган моддий эҳтиёжни тўлигича қондириш мумкин эмаслигини билдиради. Оддий мисол ёрдамида ушбу ҳулосани тасдиқлаш мумкин. Фараз қилайлик биз учун керак, лекин ҳозирда йўқ бўлган хизмат турларини санаб ўтиш сўралди. Қондирилмаган эҳтиёжлар рўйхатини тузишга маълум вақт сарфлаймиз ва у салмоқли бўлиб чиқади.

Лекин вақт ўтган сайин эҳтиёжлар кўпаяди ва биз рўйхатни тўлдириб боришга мажбурмиз. Янги буюмларни тезлик билан яратилиши бизнинг қизиқишимизни ортиради, кенг кўламли реклама эса бусиз сотиб олиш ҳаёлимизга ҳам келмайдиган ҳисобсиз кўплаб буюмларга эҳтиёжимиз борлигига ишонтиришга қаратилган.

Умуман олганда, жамиятни ташкил этувчи институт ва индивидлар ҳар дақиқада кўплаб кондирилмаган моддий эҳтиёжлар сезади деб айтиш мумкин. Бу эҳтиёжларнинг айримлари - озик-овқат, кийим-кечак, уй-жой - инсоннинг биологик эҳтиёжлари билан умумийлик касб этади. Лекин бошқалари жамиятда шаклланган одат ва қўникмалар таъсири остида вужудга келади: биз сотиб олишга интиладиган озик-овқат, турар-жой, кийим-кечакнинг ўзига хос турлари бизнинг умумий ижтимоий ва маданий турмуш кечириниш муҳитимиз билан белгиланади.

Вақт ўтиши билан янги буюмларнинг пайдо бўлиши ва кенг кўламли реклама ҳамда савдо-сотикни фаол равишда рағбатлантирилиши натижасида эҳтиёжлар ўзгаради ва кўпаяди.

Юқоридагиларни умумлаштириб таъкидлаш жоизки, бу ун иқтисодий фаолиятнинг яқуний мақсади ва вазифаси бу кўплаб турли хил моддий эҳтиёжларни кондиринишга интилишдир.

4.2. Ресурслар тақчиллиги

Ресурслар тақчиллиги иқтисод қилиш муаммосини ташкил этувчи иккинчи фундаментал омил бўлиб ҳисобланади. Биз билишимиз керак: Иқтисодий ресурслар чекланганми ёки тақчилми? «Иқтисодий ресурслар» тушунчаси остида нима назарда тутилади. Умуман олганда биз товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган барча табиий, меҳнат ва инсон томонидан ишлаб чиқариладиган ресурсларни назарда тутамиз. Буларнинг барчаси кенг доирадаги объектларни ўз ичига олади: саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланилувчи саноат ва қишлоқ хўжалиги иншоотлари, турли ускуналар, дастгоҳлар, машиналар; турли хил транспорт ва алоқа воситалари, меҳнатнинг саноксиз турлари, ниҳоят охиргиси, лекин муҳимликда тенг бўлган ер ва турли хил фойдалар қазилмалар.

Бунинг учун ушбу ресурсларни қуйидаги тоифаларга оддий таснифлаш зарурати келиб чиқади: 1) моддий ресурслар - ер, хом ашё материаллари ва капитал; 2) меҳнат ресурслари - меҳнат ёки тадбиркорлик қобилияти.

Ресурслар тоифалари:

Ер. «Ер» тушунчасига барча табиий ресурслар тааллуқлидир - ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш мумкин бўлган барча «табиат инъомлари». Бу кенг кўламли тоифага ҳайдаладиган ерлар, ўрмонлар, фойдали қазилмалар, сув ресурслари каби ресурслар киради.

Капитал. «Капитал» ёки «сармоявий ресурслар» тушунчаси товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва якуний истеъмолчига етказишда қўлланилувчи барча ишлаб чиқариш воситалари, яъни турли хил дастгоҳлар, машиналар, ускуналар, завод-фабрика, омборхоналар, транспорт воситалари ва сотиш тармоқларини қамраб олади. Ушбу ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва жамғариш жараёни сармоялаш деб номланади.

Шу ўринда икки жиҳатни таъкидлаш лозим. Биринчидан сармоявий товарлар (ишлаб чиқариш воситалари) истеъмол товарларидан қуйидаги жиҳати билан фарқ қилади, яъни охиригиси эҳтиёжни бевосита, биринчиси эса билвосита қондиради. Иккинчидан, бу ерда келтирилган «капитал» атамаси пулни назарда тутмайди. Тўғри менеджер ва иқтисодчилар машина, ускуналар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш учун фойдаланиш мумкин бўлган пулни назарда тутиб «пул капитали» тўғрисида кўпроқ сўз юритадилар. Лекин пуллар ўзича бирор буюмни ишлаб чиқармайди, демак уларни иқтисодий ресурс деб бўлмайди. Реал капитал – дастгоҳлар, машина ва бошқа ишлаб чиқариш ускуналари – бу иқтисодий ресурс; пуллар ёки молиявий капитал бундай ресурс бўлиб ҳисобламайди.

Мехнат. Мехнат бу товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда қўлланилувчи инсонларнинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини белгилаш учун иқтисодчилар фойдаланувчи кенг тушунчадир (алоҳида тоифадаги инсонлар иқтидори бундан мустасно). Шу тарика дарахт кесувчи, сотувчи, машинист, ўқитувчи, профессионал футболчи томонидан бажариладиган ишлар «мехнат» тушунчаси билан қамраб олинган.

Тадбиркорлик қобилияти. Бунда тадбиркорлик қобилияти ёки оддий тадбиркорлик деб номланувчи ўзига хос инсон ресурси тўғрисида сўз юритиш мумкин. Тадбиркорнинг тўрт ўзаро боглик вазифаларини белгиллаган ҳолда ушбу атаманинг ўзига хос аҳамиятини очиб берамиз.

1. Тадбиркор товар ёки хизматни ишлаб чиқаришнинг ягона жараёнида ер, капитал ва мехнат ресурсларини бирлаштириш ташаббусини ўз зиммасига олади. Катализатор ва ўт олдирувчи ролини бажариб, тадбиркор бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришни ҳаракатлантирувчи кучи ва фойдали иш бўлиши кутилаётган жараёни амалга ошириш учун ҳар хил ресурсларни бирлаштирувчи воситачи бўлиб ҳисобланади.

2. Тадбиркор бизнесни юритиш жараёнида асосий қарорлар, яъни корхона фаолият йўналишини белгилаб берувчи мураккаб қарорларни қабул қилиш вазифасини ўз зиммасига олади.

3. Тадбиркор - бу тижорат асосида ҳаётга янги маҳсулот, янги ишлаб чиқариш технологиялари ва ҳаттоки бизнесни ташкил этишнинг янги шакллари тадбиқ этишга интилувчи шахс, янгилик эгасидир.

4. Тадбиркор - бу таввақал қилувчи инсон. Бу юқоридаги уч вазифани атрофлича ўрганишдан келиб чиқади. Капиталистик тизимда тадбиркорга фойда қафолатланмаган. У томонидан сарфланган вақт, куч ва қобилиятга муқофот сифатида қатта фойда ёки зарар ва охир оқибат банкротлик бўлиши

Капитал. «Капитал» ёки «сармоявий ресурслар» тушунчаси товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва якуний истеъмолчига етказишда қўлланилувчи барча ишлаб чиқариш воситалари, яъни турли хил дастгоҳлар, машиналар, ускуналар, завод-фабрика, омборхоналар, транспорт воситалари ва сотиш тармоқларини қамраб олади. Ушбу ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва жамғариш жараёни сармоялаш деб номланади.

Шу ўринда икки жиҳатни таъкидлаш лозим. Биринчидан сармоявий товарлар (ишлаб чиқариш воситалари) истеъмол товарларидан қуйидаги жиҳати билан фарқ қилади, яъни охиригиси эҳтиёжни бевосита, биринчиси эса билвосита қондиради. Иккинчидан, бу ерда келтирилган «капитал» атамаси пулни назарда тутмайди. Тўғри менеджер ва иқтисодчилар машина, ускуналар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш учун фойдаланиш мумкин бўлган пулни назарда тутиб «пул капитали» тўғрисида кўпроқ сўз юритадилар. Лекин пуллар ўзича бирор буюмни ишлаб чиқармайди, демак уларни иқтисодий ресурс деб бўлмайди. Реал капитал – дастгоҳлар, машина ва бошқа ишлаб чиқариш ускуналари – бу иқтисодий ресурс; пуллар ёки молиявий капитал бундай ресурс бўлиб ҳисобламайди.

Мехнат. Мехнат бу товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда қўлланилувчи инсонларнинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини белгилаш учун иқтисодчилар фойдаланувчи кенг тушунчадир (алоҳида тоифадаги инсонлар иқтидори бундан мустасно). Шу тариқа дарахт кесувчи, сотувчи, машинист, ўқитувчи, профессионал футболчи томонидан бажариладиган ишлар «мехнат» тушунчаси билан қамраб олинган.

Тадбиркорлик қобилияти. Бунда тадбиркорлик қобилияти ёки оддий тадбиркорлик деб номланувчи ўзига хос инсон ресурси тўғрисида сўз юритиш мумкин. Тадбиркорнинг тўрт ўзаро боғлиқ вазифаларини белгилаган ҳолда ушбу атаманинг ўзига хос аҳамиятини очиб берамиз.

1. Тадбиркор товар ёки хизматни ишлаб чиқаришнинг ягона жараёнида ер, капитал ва мехнат ресурсларини бирлаштириш ташаббусини ўз зиммасига олади. Катализатор ва ўт олдирувчи ролини бажариб, тадбиркор бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришни ҳаракатлантирувчи кучи ва фойдали иш бўлиши қўлга келтирилган жараёни амалга ошириш учун ҳар хил ресурсларни бирлаштирувчи воситачи бўлиб ҳисобланади.

2. Тадбиркор бизнесни юритиш жараёнида асосий қарорлар, яъни корхона фаолият йўналишини белгилаб берувчи мураккаб қарорларни қабул қилиш вазифасини ўз зиммасига олади.

3. Тадбиркор - бу тижорат асосида ҳаётга янги маҳсулот, янги ишлаб чиқариш технологиялари ва хаттоки бизнесни ташкил этишнинг янги шакллари тадбиркорлик этишга интилувчи шахс, янгилик эгасидир.

4. Тадбиркор - бу таввақал қилувчи инсон. Бу юқоридаги уч вазифани атрофлича ўрганишдан келиб чиқади. Капиталистик тизимда тадбиркорга фойда қафолатланмаган. У томонидан сарфланган вақт, куч ва қобилиятга муқофот сифатида қатъи фойда ёки зарар ва охир оқибат банкротлик бўлиши

мумкин. Тадбиркор нафақат ўз вақти, меҳнати ва мавқеи, балки қўйилмалари - ўз шериклари ёки хиссадорлар маблағлари билан таввакал қилади.

Ресурслар учун тўлов қайд этилган ресурслар пул даромадлари эвазига хусусий тадбиркорларга қандай етказиб берилади. Моддий ресурсларни хом ашё ва капитал ускуналар етказиб беришдан олинadиган даромад - рента даромади ёки фоиз қўринишидаги даромад деб номланади. Ўз иш кучини таклиф этувчилар томонидан олинadиган даромад иш ҳақи дейилади, ҳамда маош ва бонус, комисион тўловлар, гонорар, патентдан фойдланиш ҳуқуқи учун тўлов ва ҳ.к. шаклидаги турли қўшимча тўловларни ўз ичига олади. Тадбиркорлик даромади фойда дейилади ва у албатта салбий аҳамият, яъни зарар шаклини ҳам касб этиши мумкин.

Ишлаб чиқариш омиллари ҳам деб номланувчи иқтисодий ресурсларнинг ушбу йирик тўрт гуруҳи муайян ресурсларни таснифлаш лозим бўлганда тортишувлар предметиға айланади. Масалан, фараз қилайлик «Экксон» корпорациясининг сизға тегишли бўлган акцияларига дивиденд олмакдасиз. У «Экксон» акцияларини сотиб олиш натижасида сиз берган пулларға компания сотиб олган капитал ускуналарига фоиз қўринишидаги даромадингиз бўлиб ҳисобланадими? Ёки бу ушбу корпорация акцияларини сотиб олиш билан боғлиқ таввакалчиликни қопловчи фойда қўринишидаги даромадми? Эгаси бир вақтнинг ўзида ҳам тадбиркор ҳам ишчи кучи бўлиб ҳисобланган бир шахсға тегишли савдо дўконидан олинган даромадни қандай қўриш керак? Бундай ҳолатда савдо дўкони эгасининг даромадини иш ҳақи ёки фойда деб ҳисоблаш керакми? Охириги икки саволға жавоб «кисман у ҳам бу ҳам». Бу ерда қуйидаги жиҳат муҳимдир: даромадининг мазкур турини иш ҳақи, рента, фоиз ёки фойдаға қўшиш тўғрисидаги масалада қанчалик иккиланмайлик, ҳар қандай даромадни ҳеч шубҳаланмай ушбу умумий тоифаларнинг бириға қўшиш мумкин.

Ресурсларнинг нисбий тақчиллиги. Барча иқтисодий ресурслар ёки ишлаб чиқариш омиллари бир умумий туб хусусиятға эға: улар тақчил ёки чекланган микдорда мавжуддир. Бизнинг «Ер космик (фазовий) кемамиз» товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин бўлган ресурсларнинг чекланган микдориға эға. Ҳайдаладиган ерлар, фойдали қазилмалар, капитал ускуналар ва иш кучи (иш вақти) – уларнинг микдори муайян чегара билан чекланган. Ишлаб чиқариш ресурсларининг тақчиллиги ва ишлаб чиқариш фаолияти олдиға тақчиллик қўйган чегара оқибатида ишлаб чиқариш ҳажми ҳам зарурат туфайли чеклангандир. Жамият ўз хоҳишидаги товар ва хизматлар ҳажмини тўлиғича ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш имкониятиға эға эмас.

4.3. Иқтисодиёт ва самарадорлик

Иқтисодиёт – бу жамиятни чексиз эҳтиёжларини (ишлаб чиқариш мақсади) энг юқори ёки максимал даражада қондиришға эришиш имконини берувчи тақчил ресурсларни (ишлаб чиқариш воситаларини) қўллаш ёки фойдаланиш муаммосини тадқиқ этувчи ижтимоий фандир. Иқтисодиёт мавжуд омиللардан фойдаланишнинг энг яхши йўлини ўрганади. Бизнинг

Жамиятимиз танлаши мумкин бўлган 4.1. жадвалда келтирилган автомобил ва нон миқдорининг муқобил нисбатлари мисолида фикр юритамиз. Бу ва кейинги жадваллардаги маълумотлар фаразли (гипотетик) эканлигига қарамасдан, улар ёрдамида акс эттирилувчи ҳолатлар катта амалий аҳамиятга эга. А муқобилликка мувофиқ иқтисодиётимиз ўзининг барча ресурсларини автомобил, яъни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирган бўлур эди. Е муқобиликда эса барча мавжуд ресурслар нон, яъни истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришда қўлланилар эди. Бу икки муқобил йўналишлар ҳақиқатдан йироқ ҳолатларни акс эттиради; ҳар қандай иқтисодиёт одатда ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ва истеъмол товарлари ўртасида ўз ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмини тақсимлашдаги мувозанатни топишга ҳаракат қилади. А дан Е муқобиллик томон ҳаракатланиш сари истеъмол товарларини (нон) ишлаб чиқаришни кўпайтириб борамиз. қандай қилиб? Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришдан ресурсларини қайта йўналтириш йўли билан. Истеъмол товарлари эҳтиёжларимизни бевосита қондиришини билганлигимиз боис, Е муқобиллик томон шар қандай ҳаракат биз учун кизиқиш уйғотади. Бу йўналишда ҳаракатланиб жамият ўзининг жорий эҳтиёжларини тўлароқ қондириб боради. Лекин, бундай сиёсат қимматга тушади. Ресурсларнинг бу каби қайта тақсимоли вақт ўтгани сайин жамиятга таъсир кўрсатади, чунки унинг ишлаб чиқариш воситалари заҳираси қисқариб боради ёки одатий суръатда кўпайиб боришдан тўхтайтиди. Натижада, келгусидаги ишлаб чиқариш салоҳияти пасаяди. қисқа қилиб айтганда, А дан Е муқобиллик томон ҳаракатланиб жамият кейинчалик янада кўпроқ «сиёсати ўрнига» «ҳозир кўпроқ» сиёсатини танламоқда. Аксинча, Е дан А муқобил ҳаракатланиб жамият жорий истеъмолдан ўзини тийиш сиёсатини танлайди. Жорий истеъмолдан бу каби воз кечиш, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун фойдаланиш мумкин бўлган ресурсларни бўшатилишини таъминлайди. Бундай йўл билан ўз капитал заҳирасини кўпайтириб бориб жамият кўпроқ ишлаб чиқариш ҳажми ва ўз ўзидан келгусидаги кўпроқ истеъмолга умид қилиши мумкин.


4.1. жадвал. Ресурсларнинг тўлиқ бандлигида автомобил ва нон ишлаб чиқариш имкониятлари (шартли маълумотлар).

Маҳсулот тури	Ишлаб чиқаришнинг муқобил йўналишлари				
	А	В	С	Д	Е
Нон (юз минг)	0	1	2	3	4
Автомобил	10	9	7	4	0

Бундаги асосий ғоя қуйидагича: ҳар қандай вақтда тўлиқ бандлик ва тўлиқ ишлаб чиқариш ҳажми иқтисодиёти кўпроқ Y маҳсулот олиш учун X маҳсулотни бир қисмидан воз кечиши лозим. Иқтисодий ресурсларни тақчиллигини билдирувчи ҳал қилувчи омили бундай иқтисодиётга бир вақтнинг ўзида ҳам Y ҳам X маҳсулотни кўпайтириш имконини бермайди.

4.6. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги

Ишлаб чиқариш имкониятлари жадвалини чуқурроқ тушуниш учун унда келтирилган маълумотларни график кўринишида кўриб ўтамин. Оддий икки ўкли графикдан фойдаланиб ихтиёрий равишда 4.1. расмда кўрсатилганидек вертикал ўқда автомобиллар (ишлаб чиқариш воситалари) ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотларни, горизонтал ўқда эса нон (истеъмол буюмлари) ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотларни жойлаштирамиз. Нукта билан белгилаш услубига мувофиқ, худди шу 4.1 расмда ишлаб чиқариш имкониятлари ёки трансформация² эгри чизигини акс эттиришимиз мумкин. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигидаги ҳар бир нукта икки турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг маълум максимал ҳажмини билдиради. Шундай қилиб, бу эгри чизиқ аслида муайян чегарани акс эттиради. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигида кўрсатилган нон, автомобиллар ишлаб чиқаришнинг турли нисбатларини амалга ошириш учун, жамият ресурсларнинг тўлиқ бандлиги ва тўлиқ ишлаб чиқариш ҳажмини таъмин этиши лозим. Эгри чизикдаги нон ва автомобиллар ишлаб чиқариш нисбатлари барча мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида олиниши мумкин бўлган уларнинг максимал миқдорини билдиради. Эгри чизиқ ташқарисида, мисол учун IV нукта каби, жойлашган нукталар, эгри чизикдаги ҳар қандай нуктадан афзал бўлур эди, лекин ресурсларнинг мавжуд миқдори ва мавжуд ишлаб чиқариш технологияси шароитида бундай нукталарга эришиб бўлмайди. Ресурсларнинг чекланганлик тўсиғи ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги ташқарисида жойлашган нуктада ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни қандайдир нисбатини амал қилиш имконини бермайди.



4.1 Расм. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги.

Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигидаги ҳар бир нукта икки маҳсулотни ҳар қайсисини ишлаб чиқаришни максимал ҳажмини акс

²Нима учун трансформация атамасидан фойдаланамиз? Чунки бир муқобилликдан иккинчиси, айтилган В дан С га ўтиш жараёнида, моҳияти жиҳатидан биз биринчисини ишлаб чиқариш иккинчисини ишлаб чиқаришга ресурсларни қайта тақсимлаш натижасида роботларни пиццага айлантирамиз.

эттиради. Жамият бу махсулотларнинг қандай нисбатини хоҳлаётганлигини аниқлаб олишга мажбур: кўпроқ автомобиллар камроқ нон дегани ва аксинча. Инсон ва моддий ресурсларнинг чекланганлиги W нуктаси каби ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги ташқарисида жойлашган нуктада акс эттирилувчи нон ва автомобиллар ишлаб чиқаришни ҳар қандай нисбатини амалга оширишига тўсиқ бўлади.

4.7. Ўсиб боровчи ўзгарувчан харажатлар қонуни

Юқорида таъкидланганидек, кондириш учун ресурслардан фойдаланиш мумкин бўлган чексиз эҳтиёжларга нисбатан ресурслар тақчилдир. Шунинг учун уларни қўллашдаги муқобил йўналишлар орасидан таллашга тўғри келади. Аникроғи, X (нон) кўпроқ миқдори Y (автомобилларнинг) камроқ миқдорини билдиради. Ҳар қандай муайян турдаги махсулотга эга бўлиш учун, бошқа бир турдаги махсулотдан воз кечиш - ушбу махсулотни ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан харажатлари деб номланади. Бизнинг мисолимизда X (нон) қўшимча бирлигига эга бўлиш учун воз кечишга тўғри келувчи Y (автомобил) миқдори 4.1 жадвалда A дан B муқобилликка ҳаракатланиб, бир бирликдаги нон ишлаб чиқариш харажатлари бир бирликдаги автомобил ишлаб чиқариш харажатларига тенглигини аниқлаб оламиз. Лекин, B дан C га, C дан D га ва ҳ.к. каби қўшимча ишлаб чиқариш имкониятларига ўтишдаги харажатлар томон ҳаракатланиб борганимиз сайин - биз учун муҳим иқтисодий тамойил очилмоқда. A дан E муқобилликка ҳаракатланиш жараёнида ноннинг қўшимча бирлигига эга бўлиш учун воз кечишга тўғри келувчи автомобиллар қиймати ошиб боради. Бир бирликдаги қўшимча нон ишлаб чиқариш учун A дан B га ўтишда бир бирликдаги автомобилдан воз кечилади, лекин B дан C га ўтишда бир бирликдаги нон ишлаб чиқариш учун энди иккита автомобилдан воз кечишга тўғри келади, сўнг мос равишда бир бирликдаги нонга - уч бирликдаги автомобил, ва ниҳоят бир бирликдаги нонга тўрт бирликдаги автомобил. Аксинча E дан A га ҳаракатланишда қўшимча бирликдаги автомобил ишлаб чиқариш харажатлари мос равишда $1/4$, $1/3$, $1/2$ ва ҳар тўртинчи ҳаракатланишда бир бирликдаги нон ишлаб чиқариш харажатларига тенгдир.

Ботиқлик. График кўринишида ўсиб боровчи ўзгарувчан харажатлар қонуни ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги шаклида акс эттирилади. Аникроғи, бу эгри чизик координаталар нуктасидан оғган ёки ички томон эгилган шаклга эга. Нима учун? Чунки, 4.1. расмдаги перпендикуляр чизикларнинг далолат беришича, иқтисодиёт A дан E муқобиллик томон ҳаракатланаётганда нон миқдорини тенг нисбатларда ўсишига эришиш учун (горизонтал ўқдаги $-1,1,1,1$), боскичма-боскич тобора кўпроқ миқдордаги автомобиллардан воз кечишга мажбур (вертикал ўқдаги $-1,2,3,4$). Техник нукта назардан бу A дан E томон ҳаракатланиш сари ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигининг оғиши тобора кескинлашиб боришини билдиради ва табиийки бундай эгри чизик координаталар бошланишидан қаралганда ички томон эгилган чизик кўринишини ҳосил қилади.

Мантикий асослаш. Ўсиб боровчи ўзгарувчан харажатлар қонунининг иқтисодий мазмуни қандай? Нима учун нон ишлаб чиқаришнинг кўпайиши

тобора кўпроқ микдордаги автомобилдан воз кечиш зарурати билан боғлиқ? Бу саволнинг жавоби бирмунча мураккабдир.

Лекин содда шакллантирилганда, у куйидаги кўринишга эга бўлади: иқтисодий ресурслар муқобил маҳсулотлар ишлаб чиқаришда улардан тўлиғича фойдаланиш учун яроқсиздир. Нон ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳаракат қилаётганимизда, бу учун кам даражада мослаштирилган ресурсларни ишлаб чиқаришнинг ушбу тармоғига мажбуран жорий қилиш, «тиқиштиришга» тўғри келади.

А дан В муқобилликка ўтиб бораётиб биз даставвал нон ишлаб чиқариш самарадорлигини автомобил ишлаб чиқариш самарадорлигига нисбатан юқори бўлган ресурсларни танлаш имконига эга бўламиз. Лекин В дан С га, С дан Д га ва х.к. ҳаракатланганимиз сари нон ишлаб чиқариш жараёнида жуда самарали бўлган ресурслар тобора тақчил бўлиб боради. Кўпроқ нон ишлаб чиқаришда энди автомобил ишлаб чиқаришда самарадорлиги юқори бўлган ресурслардан ҳам фойдаланишга тўғри келади. Маълумки, кўшимча нон бирлигини ишлаб чиқариш учун тобора кўпроқ ресурс талаб қилинади, демак, автомобил ишлаб чиқаришдаги бунга мос ресурсни қайта йўналтиришга тўғри келади. Бу эгилувчанлик ёки ўзаро ўрнини босиш имкониятининг йўқлиги ресурсларни ва бундан келиб чиққан ҳолда бир турдаги маҳсулотни кўшимча бирлигини тобора кўпроқ микдорда ишлаб чиқариш учун бошқа турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга қайта йўналтирилаётган ресурслар микдорини кўпайтириш зарурати – ўсиб боровчи ўзгарувчан ҳаражатлар қонунининг иқтисодий мазмунини ташкил этади ва бу ҳолатда доллар ва цент кўринишида эмас, балки маҳсулотлардан натурада воз кечиш кўринишида акс эттирилган.

Ўқувчи куйидагиларда ишонч ҳосил қилиши лозим: 1) ресурслар ўзаро ўрнини босиши тўғрисидаги ҳақиқатдан йироқ эҳтимолда графикда ишлаб чиқариш имкониятлари доимий ўзгарувчан ҳаражатларни назарда тутувчи тўғри чизикни ташкил этади; 2) ўсиб боровчи ўзгарувчан ҳаражатлар қонуни эгри чизик бўйлаб Е дан А муқобиллик томон юқорига ҳаракатланиши билан ўз тасдиғини топади.

Хулосалар. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигидаги тўрт асосий ғояни акс эттириш учун фойдаланиш мумкин. Биринчидан, ресурслар тақчиллиги ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигининг ташки томонидида жойлашган маҳсулотларни ишлаб чиқариш нисбатларини амалга ошириш мумкин эмаслигини кўзда тутати. Иккинчидан, танлаш имконияти ушбу эгри чизикда (ёки ичида) жойлашган турли эришиш мумкин бўлган маҳсулотлар нисбатидан танлаш жамият учун зарурат билан изоҳланади. Учинчидан, эгри чизикнинг пастга оғиши ўзгарувчан ҳаражатлар тушунчасини билдиради. Ниҳоят тўртинчидан, эгри чизикнинг ички томон эгилганлиги ўзгарувчан ҳаражатларнинг органлигини кўрсатади.

Атама ва иборалар

Эхтиёжлар, иқтисодий ресурслар, товарлар, хизматлар, ресурслар тақчиллиги, оқилона фойдаланиш, ер ресурслари, капитал ресурслар, меҳнат ресурслари, иқтисодиёт, самарадорлик, тўлиқ бандлик, тўлиқ ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқариш имкониятлари жадвали, фаразлар, самарадорлик, ресурслар микдори, технология, икки маҳсулот, ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги.

Назорат саволлари

1. «Чексиз эхтиёжлар» деганда нимани тушунасиз?
2. Иқтисодий ресурслар нима?
3. Ресурслар тақчиллиги қандай муаммони келтириб чиқаради?
4. Ресурслар қандай турларга бўлинади?
5. Иқтисодиёт нима?
6. Тўлиқ бандлик деганда нимани тушунасиз?
7. Тўлиқ ишлаб чиқариш ҳажми нима?
8. Ишлаб чиқариш имкониятлари жадвали ёрдамида нимани таҳлил қилиш мумкин?
9. Ишлаб чиқариш имкониятлари жадвалини қуришда қандай фаразлар қилинади?
10. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги қандай қурилади?
11. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги ёрдамида нимани таҳлил қилиш мумкин?

Адабиётлар рўйхати.

1. Кэмпбелл Р. Макконнелл, Стэнли Л. Брю. «Экономикс» том 1, 1993 Таллин. стр. 36-41.
2. Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue «Economics: Principles, Problems and Policies», 14 изд-ние, 1999 г., стр. 22.


5-боб.
**РЕСУРСЛАРНИНГ БАНД БЎЛМАСЛИГИ, ИҚТИСОДИЙ
ЎСИШ ВА КЕЛАЖАК**

5.1. Ресурсларнинг банд бўлмаслиги ва тўлиқсиз фойдаланиш

Мазкур масалани кўриб ўтишда айрим шартларга эътибор қилиш лозим. Биринчиси, иқтисодиётимизни ресурсларнинг тўлиқ бандлиги ва тўлиқ ишлаб чиқариш ҳажми билан тавсифланиши. Агар фойдаланилмайдиган ресурслар (банд бўлмаслиги) мавжуд бўлганда ёки ресурслардан самарасиз фойдаланилганда (тўлиқсиз фойдаланиш) бизнинг таҳлил ва хулосаларимиздан нималарни кўриш мумкин? Ресурсларнинг тўлиқ бандлиги ва тўлиқ ишлаб чиқариш ҳажмида беш муқобил йўналишларимиз максимал ишлаб чиқариш ҳажми сифатида намоён бўлади, яъни улар иқтисодиёт тўлиқ қуввати билан амал қилмаётган шароитда нон ва автомобил сонини қандай нисбатларда ишлаб чиқариш мумкин эканлигини кўрсатади.

Лекин ресурслардан фойдаланилмаслик ёки тўлиқсиз фойдаланиши шароитида 4.1. жадвалда кўрсатилган ҳар бир муқобил йўналишдагиға нисбатан иқтисодиёт кам-роқ маҳсулот ишлаб чиқарган бўлур эди.

Ресурслар банд бўлмаслиги ва тўлиқсиз бандлиги билан боғлиқ вазият график кўринишида 5.1 расмда кўрсатилган ишлаб чиқариш имкониятларининг дастлабки эгри чизиги таркибидаги нукта кўринишида акс эттирилади. У айнан ўша нукта бўлиб ҳисобланади. Бу ерда биз ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигида барча нукталарда акс эттирилган робот ва пиццалар ишлаб чиқаришнинг турли максимал комбинацияларидан иқтисодиёт ортда қолаётганини кўришимиз мумкин. 5.1 расмдаги чизиклар ресурслар тўлиқ бандлиги ва тўлиқ ишлаб чиқариш ҳажмига қайтадан эришишнинг уч йўлини кўрсатмоқда.



5.1. расм. Ресурсларни банд бўлмаслиги ва ишлаб чиқариш имкониятларининг эгри чизиги.

Бунда ресурслар тўлиқ бандлиги ва тўлиқ ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш йўлидаги ҳаракат бир ёки ҳар иккала турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмини ортишига олиб келади.

У каби ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги таркибидаги ҳар қандай нуқта ресурсларни банд банд бўлмаслиги ёки тўлиқсиз бандлигини кўрсатади. Чизикларнинг кўрсатишича, уларни тўлиқ бандлиги ва тўлиқ ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш йўлида, жамият бир ёки ҳар иккала турдаги маҳсулотни кўпроқ микдорда ишлаб чиқариши мумкин.

5.2. Иктисодий ўсиш

Ресурслар сифати, микдори ва технологияси ўзгармас ҳолатда қолиш эҳтимолидан воз кечганимизда ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги қандай кўриниш ҳосил қилади? Жавоби қуйидагича: ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги оғиб боради, яъни иктисодиётдаги ишлаб чиқаришнинг потенциал умумий ҳажми ортади.

Ресурсларнинг ўсиб бораётган таклифи. Барча турдаги ресурслар, жумладан ер, капитал, иш кучи ва тадбиркорлик қобилияти микдор ва сифат жиҳатидан ўзгармаслигича қолиш эҳтимолидан воз кечамиз. Соғлом фикрлар шуни кўрсатқомқдаки, вақт ўтиши билан мамлакат аҳолисининг ўсиши иш кучи ва тадбиркорлик қобилиятининг микдор жиҳатидан ўсишига олиб келади³. Шу билан бирга иш кучи сифати ҳам одатда вақт ўтиши билан ортади. Мисол учун, иш кучи таркибида ўрта маълумотли кишилар салмоғи 1960 йилдаги 30 % дан 1987 йилдаги 40% гача ошди. Тарихан А+Ш капитал жамғармалари барқарор бўлмасада юқори суръатлар билан ўсиб борган. Энергетик ва минерал ресурсларимизни тугатиб боришимизга қарамасдан, уларни янги манбалари очилмоқда. Ботқокликларни қуриштиш ва ирригация дастурларини амалга ошириш ҳайдаладиган ер майдонларини кенгайтирмоқда. Ресурсларнинг тўлиқ бандлиги ва тўлиқ ишлаб чиқариш ҳажми сақланиб қолиш эҳтимолида робот ва пиццани кўпроқ микдорларда ишлаб чиқариш имконияти ишлаб чиқариш омиллари ўсишининг пировард натижаси бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, айтилиши 2010 йилда 4.1 жадвалда келтирилган ишлаб чиқариш имкониятлари тўғрисидаги 1990 йилги маълумотлар эскириши ва ўз ўрнини 5.1 жадвалда келтирилган маълумотлар учун бўшатиши мумкин. Эътибор беринг, ресурсларнинг ортиши ҳар бир вариантда бир ёки ҳар иккала турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг потенциал ҳажмини ортишига олиб келади: маҳсулотнинг потенциал ҳажмини ортишида кузатилувчи иктисодий ўсиш рўй беради.

³ Бундан аҳолини ўсиши қўйиладиган ҳолат эканлиги аён бўлмоқда. Аҳоли сонининг ўсиб бориши кўпчилик пастроқ даражада ривожланган мамлакатларда турмуш фаровонлигини чекловчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини кўради. Индустриял ривожланган мамлакатларда аҳоли сонининг ўсиб бориши атроф муҳит ҳолати ва ҳаёт кечириш сифатига салбий таъсир этиши мумкин.

Бирок куйидаги муҳим омилга эътиборни қаратинг: ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигининг ушбу оғиши иқтисодиёт эгри чизикдаги нукта билан белгиланган режимда фаолият юритишидан кафолат бермайди. Иқтисодиёт ўзининг янги имкониятларини тўлиғича амалга ошира олмаслиги ҳам мумкин. Ҳозирги вақтда қарийб 120 млн. иш кучи тўлиқ бандликни таъмин этиши мумкин, лекин 10 ёки 20 йил ўтгандан сўнг иш кучи сони аҳоли сонининг ўсиши ҳисобига ортиб боради ва 120 млн. иш кучи тўлиғ бандликни таъмин этиш учун етарли бўлмайди. қисқача қилиб айтганда, ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги оғиши мумкин, ишлаб чиқариш эса ушбу эгри чизикдаги нукта белгиланган ҳажмда амалга оширилмаслиги ҳам мумкин.

Техник тараққиёт. Биз томонимиздан қабул қилинган яна бир хулоса бу теҳнологиянинг доимийлиги ёки ўзгармаслигини тан олинганлигидир. Далилларнинг далолат беришича, техника ва теҳнология узок давр мобайнида сезиларли равишда тараққий этди. Бу эса техник тараққиётни келтириб чиқаради? Янги ва юқори сифатли товарлар, шунингдек ушбу товарларни ишлаб чиқариш усулларини такомиллаштирилишига олиб келади. Ҳозирча техник тараққиёт факатгина ишлаб чиқариш воситаларини такомиллаштирилишига олиб келади деб ҳисоблаймиз — юқори самарали машина ва ускуналарни яратиш. Бундай техник тараққиёт юқорида кўриб ўтилган иқтисодиёт муаммолари тавсифини қандай ўзгартириши мумкин? қуйидагича: ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига техник тараққиёт ресурсларнинг ўзгармас миқдориди жамият учун кўпроқ товарлар ишлаб чиқариш имкониятини беради. Ресурслар миқдорини оширишдаги каби, техник тараққиёт кўпроқ автомобил ва нон ишлаб чиқариш имконини беради.

5.1. жадвал Ресурсларнинг тўлиқ бандлигида автомобил ва нон ишлаб чиқариш имкониятлари, 2010 й. (тахмин қилинган маълумотлар)


Маҳсулот тури	Ишлаб чиқаришнинг муқобил йўналишлари				
	A'	B'	C'	D'	E'
Нон (юз минг)	0	2	4	6	8
Автомобиллар	14	12	9	5	0

Техника ва теҳнология такомиллашганда ёки ресурслар таклифининг ошиши рўй берганда 5.1 расмдаги ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги қандай ўзгаради? 5.2. расмдаги А-Е нукталарининг кўрсатишича эгри чизик ташки томонга ва ўнгга оғади. Иқтисодий ўсиш — кўпроқ ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти — ишлаб чиқарш имкониятлари эгри чизигининг ўнгга оғиши билан ифода этилади; техник тараққиёт ва ресурслар таклифининг ортиши натижасидир. Ресурсларнинг тўлиқ бандлигида иқтисодиётимиз кўпроқ ҳажмдаги автомобил ва нон ишлаб чиқарилишини таъминлаши ш иқтисодий ўсишнинг натижаси бўлиб ҳисобланади. Ўсиб бормайдиган иқтисодиёт кўпроқ Y олиш учун X қисминини

воз кечишга мажбур бўлса, тез суръатлар билан ўсиб боровчи иктисодиёт кўпрок миқдордаги Х ва У эга бўлиши мумкин.

Одатда иктисодий ўсиш турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича миллий иктисодиёт қувватларини мутаносиб равишда ошиб боришини келтириб чиқармайди. 5.3 расмга кўра, иктисодиёт икки мартаба кўпрок нон ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлсада, бироқ автомобил ишлаб чиқаришдаги ўсиш фақатгина 40% ташкил этмоқда. 5.3 расмда талаба янги иккита ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигини чизиши лозим: бири автомобил ишлаб чиқариш такомиллаштирилган технологияси яратилган, лекин нон ишлаб чиқариш технологияси ўзгармаслиги қолган вазиятни кўрсатиши лозим, иккинчи эгри чизиқ эса автомобил ишлаб чиқариш технологияси ўзгармаслигича қолганда нон ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологиясини кўрсатиб бериши лозим.


Ўсиб бораётган иктисодиётни тавсифловчи ресурслар тақлифининг ошиб бориши ва техник тараққиёт ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигини ташқи томонга ва ўнгга огишига олиб келади. Бу иктисодиёт учун ҳар иккала турдаги маҳсулотнинг кўпрок ишлаб чиқариш имконини беради.



5.2. расм Иктисодий ўсиш ва ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги

Дастлабки бўлимлар куйидаги муҳим тезисни шакллантириш имконини берди: иктисодиётни ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигидаги нуктани эндиги танлови бу эгри чизикнинг келгусидаги пасайишининг асосий детерминанти бўлиб хизмат қилади. Бу тезисни акс эттириш учун 5.3(а) ва (б) расмларда кўрсатилганидек ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигининг иккита ўқида «ҳозирги вақт учун товарлар» ва «келажак учун товарларни» белгилаймиз.

5.3. Ҳозирги давр муқобил йўналишлари ва келгусидаги имкониятлар



5.3-расм. Ҳозирги вақт учун ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигидаги иқтисодий ҳолатини танланиши эгри чизикнинг келажакдаги ҳолатини белгилаб беради.

«Келажак учун товарларга» ишлаб чиқариш воситалари, илмий тадқиқотлар ва таълим, профилактик тиббиётни киритиш мумкин. Шубҳасиз улар яхлитликда моддий ресурслар сифатини ошириш ва сонини кўпайтириш, технологик ахборот ҳажмини кенгайтириш ва меҳнат ресурслари сифатини ошириши лозим. Юқорида кўриб ўтганимиздек, «келажак учун товарлар» иқтисодий ўсишнинг таркибий элементлари бўлиб ҳисобланади. «Ҳозирги вақт учун товарлар» деганда фақатгина истеъмол товарлари тушунилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, ноъанавий товарлар, автомобиллар, чим ўргичлар ва ҳ.к.

Графикда «Бугунги кун товарлари» фойдасига Алфания томонидан килинган танлов: а) эгри чизикни бирмунча оғишига олиб келади. Келажак товарлари фойдасига Бетания томонидан килинган танлов; б) эгри чизикни ўнг ўнг томонга кўпроқ оғишига олиб келади.

Ҳозирги вақтда барча жиҳатлари билан бирдек бўлган Алфания ва Бетания иқтисодийлари мавжуд деб фарз қилайлик, ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигида Алфания «келажак товарларини» эмас «жорий товарларни» афзал деб билади. 5.3 (а) расмдаги нукта ушбу муқобилликни акс эттиради. Ўз навбатида, ҳозирги вақтда Бетания «жорий товарлар» ҳажмини камайтириш ҳисобига «келажак товарлар» ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга интиломда. (5.3. (б) расм). Демак, барча ҳолатлар ўзгармаслигича қолганда, Бетания келажак ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги, Алфания эгри чизигига нисбатан кўпроқ ўнгга оғиши рўй беради. Бошқача айтганда, Бетания технологик жараёни яхшилаш, моддий ва меҳнат ресурслари миқдорини кўпайиши ва сифатини ошишини таъмин этувчи ишлаб чиқариш тузилмасини танлаб, ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигини ўнгга оғишига хизмат қилувчи товар ва хизматларга камроқ даражада йўналтирилган ишлаб чиқариш тузилмасини танлаб олган Алфанияга нисбатан юқори иқтисодий ўсишга эришади. Фақатгина ишлаб чиқариш воситалари устиворлигига эътибор қаратган

Бетания, «ўз миллий фабрикасида» кўпроқ қўшимча қурилишлар қилишни, яъни Алфанияга нисбатан ўз жорий маҳсулотининг кўпроқ улушини сармоялашни афзал билади. Бу эса Бетанияни келажакдаги юқори ишлаб чиқариш кувватлари кўринишидаги юқори иқтисодий ўсиш шаклидаги фойда ёки қопламага эга бўлишини таъминлайди. Табиийки, бу жорий эҳтиёжлар учун истеъмол молларининг камроқ ҳажми ҳисобига эришилади.

5.4. Маъмурий иқтисодиёт

Иқтисод қилиш муаммосини ҳал қилиш учун жамият кўплаб институционал тузилмалар ва мувофиқлаштириш механизмларини қўллаши мумкин.

Жаҳоннинг индустриал ривожланган мамлакатлари икки белги бўйича фарқланади: 1) ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик шакли бўйича ва 2) иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш ва бошқариш усули бўйича. Бозор ва баҳо ролини тавсифлаш учун иқтисодий тизимларни икки «қутб»ларининг асосий жиҳатларини қисқача кўриб ўтишимиз зарур.

Соф капитализм ёки эркин рақобат даври капитализми (*laissez faire*) ресурсларга бўлган хусусий мулкчилик ҳамда иқтисодий фаолиятни бошқариш ва мувофиқлаштириш учун бозор ва баҳо тизимидан фойдаланиш билан тавсифланади. [1].

Бундай тизимда ҳар бир иштирокчини хулқ атвори унинг шахсий эгоистик манфаатлари билан асосланади: ҳар бир иқтисодий бирлик қарорларни якка тартибда қабул қилиш асосида ўз даромадини кўпайтиришга интилади. Бозор тизими индивидуал қарорлар ва устиворликлар ошқор этилувчи ва мувофиқлаштирилувчи механизм сифатида амал қилади. Товар ва хизматларни ишлаб чиқарилиши, ресурслар эса рақобат шароитида тақлиф этилиши, ҳар бир маҳсулот ва ресурсларнинг мустақил фаолият юритувчи сотувчиси ва харидори кўп эканлигини билдиради.

Натижада иқтисодий ҳукмронлик тарқоклашиб кетади. Соф капитализм тарафдорлари бундай иқтисодий тизим ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва бандликни барқарорлаштириш иқтисодий ўсишни жадаллаштиришга хизмат қилади, деб таъкидлайдилар. Шунинг учун бу ерда ҳукуматни режалаштириши, назорати ва иқтисодий жараёнга аралашувига зарурат жуда кам ёки умуман йўқ. Аслида, *laissez faire* атамасининг таржимаси «қандай бораётган бўлса, шундай борсин» ("*let it be*") маъносини англатади. Яъни ҳукумат иқтисодиётга аралашмасин. Бунинг мазмуни бундай аралашув бозор тизимини самарали амал қилишига тўқсинлик қилади деб изоҳланади. Шу боис, ҳукумат роли хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш ва эркин бозорларни амал қилишини енгиллаштирувчи тегишли ҳуқуқий тузилма ўрнатиш билан чекланади.

Маъмурий иқтисодиёт. Маъмурий иқтисодиёт ёки коммунизм соф капитализмга қарама-қарши муқобил тизим бўлиб ҳисобланади. Бу тизим деярли барча турдаги моддий ресурсларга жамоат мулкчилиги ва марказлашган иқтисодий режалаштириш орқали иқтисодий қарорларни жамоавий тартибда қабул қилиниши билан тавсифланади. Фойдаланилаётган ресурслар ҳажми, маҳсулот таркиби ва тақсимоти, ишлаб чиқаришни ташкил

етишга доир барча муҳим қарорлар марказий режа органи томонидан қабул қилинади.

Корхоналар давлат мулки бўлиб ҳисобланади ва давлат кўрсатмаси асосида ишлаб чиқаришни амалга оширади. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқариш режалари ҳар бир корхона учун режалаштириш органи томонидан белгиланади, бунда режа ўз ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши учун ҳар бир корхонага ажратилиши лозим бўлган ресурслар миқдорини аниқлаштиради. Ишчилар мутахассилиги бўйича бириктирилиши ва ҳаттоки географик ҳудудлар бўйича режага мувофиқ тақсимланиши мумкин. Истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқариш воситаларининг ялпи миллий маҳсулотдаги нисбатлари марказлаштирилган тартибда ўрнатилади, худди шу тариқа аҳоли ўртасида истеъмол товарлари тақсимоти ҳам амалга оширилади. Марказий режалаштириш органи томонидан белгиланадиган узоқ муддатли истикболлар асосида тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш воситалари тақсимланади.

Аралаш тизимлар. Реал ҳақиқатда иқтисодий тизимлар соф капитализм ва маъмурий иқтисодиёт ўртасида жойлашади. Бу тизимга кўшма Штатлар иқтисодиёти киритилади, бунда ҳукумат иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш, бозор тизимида етарли даражада ёки умуман ишлаб чиқарилмайдиган товар ва хизматлар билан таъминлаш орқали иқтисодиётда фаол рол ўйнайди. Ўз навбатида, Собиқ Иттифоқ мамлакатлари, маъмурий тизимга яқиндир ва маълум даражада бозор белгилаб берган баҳоларга таянган ва хусусий мулкчиликнинг айрим қолдиқларини сақлаб қолган.

Лекин хусусий мулкчилик ва бозор тизимига таяниш, жамоат мулкчилиги ва марказлашган режалаштириш каби бир вақтнинг ўзида бири-бири билан паралел равишда амал қилмаган. Масалан, нацистик Германия фашизми авторитар капитализм деб номланган, чунки у ерда иқтисодиёт кучли назорат остига олинган ва бошқарилган, бироқ мулкчилик хусусийлигича қолган. Бунга зид равишда ресурсларга жамоат мулкчилиги ва шу билан иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадига қаратилган эркин бозорларга таяниш бозор социализми шаклланган Югославия иқтисодиётига хос бўлган. Швеция иқтисодиёти ҳам аралаш тизим сифатида намоён бўлади. Хўжалик фаолиятининг 90% ортик қисми хусусий фирмаларда мужассамланганлигига қарамасдан, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва даромадларни қайта тақсимлашида ҳукумат фаол иштирок этади. Ўз навбатида Япония иқтисодиёти режалаштиришнинг ривожланганлиги ҳамда ҳукумат ва хусусий сектор иқтисодий фаолиятининг «мувофиқлаштирилганлиги» билан ажралиб туради. 5.2-жадвал юқорида қўлланилган икки мезон асосида иқтисодий тизимларни таснифлашнинг турли усуллари тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

5.2-жадвал. Иқтисодий тизимларнинг таққослама таҳлили.

Ресурсларга мулкчилик	Мувофиқлаштириш механизми	
	Бозор тизими	Марказлаштирилган режалаштириш
Хусусий	кўшма штатлар	Нацистик Германия
Жамоат	Югославия	Совет Иттифоқи

Аъъанавий иқтисодиёт. 5.2-жадвал идустринл ривожланган ёки ярим ривожланган мамлакатларни камраб олади. Аксарият иқтисодий кучсиз ривожланган мамлакатларда аъъанавий ёки одатларга асосланган иқтисодий тизимлар амал қилади. Ишлаб чиқариш техникаси, айрибошлаш тизими, даромадлар тақсмоти одатларга асосланади. Ирсият ва табакалар индивидлар иқтисодий ўсишини, аниқ ифодаланган ижтимоий-иқтисодий таназзулни келтириб чиқаради. Техник тараккиёт ва инвестицияларни жорий қилиш ўта чекланган, чунки улар аъъаналарга зиддир ва жамоат тизимини барқарорлигига хавф солади. Бу ерда иқтисодий фаолиятга нисбатан диний ва маданий бойликлар бирламчидир, жамият эса эски тузумни саклаб қолиш тарафдоридир. Аъъанавий иқтисодиёт ҳукм сураётган мамлакатларни иқтисодий ривожланиш йўлига ўтиши тўғрисидаги қарорни қабул қилишда 5.2-жадвалда келтирилган моделларнинг қайси бири уларни иқтисодий ўсишини таъмин этади ва бир вақтнинг ўзида мазкур жамиятда тан олинган иқтисодий ва ноиқтисодий мақсадларга камроқ даражада мувофиқ келмайди деган савол туғилиши табиий.

Реал ҳаётда иқтисод қилиш муаммосини ягона ва умум қабул қилинган ечими мавжуд эмас. Турли маданий ва тарихий ўтмиш, одат ва аъъаналар қарама-қарши мавкуравий ғояларга эга (бир биридан миқдор ва сифат жиҳатидан фаркланувчи ресурслар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади) турли жамиятлар ресурсларнинг нисбий тақчиллиги муаммосини ҳал қилиш учун турли институтлардан фойдаланилади. Масалан МДХ, қўшма Штатлар, Англия каби мамлакатлар ўзларида тан олинган мақсадлар, мафкуралар, технологиялар даражаси, ресурслар таъминоти ва маданий бойликлар доирасида ҳар бири ўзига хос тартибда ресурслардан самарали фойдаланишга эришишга интиломқда. Бир иқтисодий тизим доирасида «чексиз эҳтиёжлар - чекланган ресурслар» муаммосини ҳал қилишнинг энг яхши усули бошқа тизим учун номувофиқ бўлиши мумкин.

5.5. Доиравий айланиш модели (маҳсулот ва даромадлар)

Ушбу мавзу вазифаси барча замонавий иқтисодий тизимларга хос бўлгани каби капиталистик иқтисодиёт мисолида даромаднинг доиравий айланиш моделини кўриб ўтишдир. Капитализмнинг аниқ ва умум қабул қилинган таърифи йўқ бўлгани сабабли биз қуйидаги институт ва тамойиллар орқали соф капитализмнинг асосий жиҳатларини келтираимиз:

1. Хусусий мулкчилик.
2. Тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги
3. Шахсий манфаат хатти-ҳаракатнинг бош омили сифатида.
4. Рақобат
5. Баҳолар тизими ёки бозор тизимига таяниш.
6. Ҳукумат ролининг чекланганлиги.

Бундан ташқари, барча замонавий иқтисодий тизимларга хос бўлган фаолият юритишнинг айрим институтлари ва шакллари мавжуд. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) илғор технология ва ишлаб чиқариш воситаларидан кенг миқёсда фойдаланиш. 2) иқтисослаштириш ва 3) пулдан

фойдаланиш. Ихтисослаштириш ва илғор технология ҳар қандай иқтисодиётда ресурслардан самарали фойдаланиш негизи бўлиб хизмат қилади. Жамиятда пуллардан фойдаланиш ихтисослаштиришни йўлга қўйиш, энг илғор технологияни қўллаш ва бундан фойда олиш имконини берувчи кенг қўламли иқтисодиёт сифатида намоён бўлади.

Барча замонавий иқтисодий тизимлар, капиталистик, социалистик ёки коммунистик мафкура асосида қурилишидан қатъий назар, илғор технология ва ишлаб чиқариш воситаларини кенг қўламда фойдаланишга асосланади. Танлаш эркинлиги билан бир қаторда, шахсий фойдани кўпайтиришга интилиш ва рақобат соф капитализм шароитида техник тараққиётни таъмин этиш қуроли бўлиб хизмат қилади. Капиталистик тузум янги маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш учун рағбатларни мужассамлаштиришда юқори самарага эга. Нима учун? Чунки, бунда яратилаётган пулли мукофот бевосита янгилик эгасига тегишли бўлади. Шунинг учун соф капитализм мураккаб ишлаб чиқариш воситалари, асбоблар, машиналар, йирик фабрикалар, омборхоналар ва усқуналар, транспорт воситалари ва маркетингни кенг қўламда қўллашни ва нисбатан тез суръатларда ривожланишини талаб этади.

Илғор технологияларнинг мавжудлиги ва ишлаб чиқариш воситаларини кенг қўламда қўллаш нима учун муҳим? Чунки маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг содда тўғри усули одатда энг самарасиз бўлиб ҳисобланади². Ҳаттоки Робинзон Крузо ҳам самарасиз қўл меҳнатидан фойдаланишга нисбатан унга нисбатан «билвосита» ишлаб чиқариш, яъни меҳнат қуролларидан фойдаланишни қулай деб билган. Кичик ўлчамдаги томорқага эга бўлган фермер ҳам қўл меҳнатидан фойдаланганда қулгили бўлур эди. Шу нарса аёнки, ишлаб чиқариш жараёнини енгиллаштириш учун меҳнат қуроллари, яъни ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаш самаралироқ ишлаб чиқаришга эриши, яъни кўпроқ маҳсулот ҳажми кўринишида юқори даромадлар келтиради. Сув олишнинг энг яхши усули бу уни олиш учун қувирга шўнғиш эмас, балки уни қувирдан тортиб олишдир. Лекин бу ерда бизни тузёқ қутмоқда. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи ва иқтисод қилиш муаммоларининг асосий жиҳатлари таҳлиллари бўйича ресурсларнинг тўлиқ бандлиги ва тўлиқ ҳажмдаги ишлаб чиқариш шароитида истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришга ўтиш жоиз. Истеъмолчилар сифатида келгусида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва кўпроқ ҳажмда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш имкониятини берувчи ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш учун ресурсларни йўналтиришда бугун биз белбоғларни таранглаштиришга мажбурмиз. Аксарият истеъмолчилар ўзлари истеъмол қиладиган ҳеч бир товар ва хизматларни ўзи ишлаб чиқармайдилар, аксинча, улар ишлаб чиқарилаётганидан кам миқдорда ёки умуман истеъмол қилмайдилар. Бутун ҳаёти давомида реактив двигателлар учун деталлар тайёрловчи ишчи самолётда саёҳат қилишни «истеъмол» қилмаслиги мумкин.


² эслатиб ўтамиз, «истеъмол товарлари» эҳтиёжни бевосита қондиради, ишлаб чиқариш воситалари эса келажақда истеъмол товарларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўли билан уларни билвосита қондиради»

Камдан-кам ҳолатларда уй ҳўжаликлари ўз истеъмоли учун озик-овқат, уй-жой, кийим-кечакни ўзлари ишлаб чиқаришга интилади. Кўпчилик фермерлар ўз фермасида етиштирилган сутни маҳаллий сут заводида сотади, ўзлари эса маргаринни савдо дўконидан сотиб олади. Ўз-ўзини таъминлаш самарасизликни келтириб чиқариши жамият учун аллақачон маълум.

Барча ишни бажаришга киришаётган инсон, жуда ёркин шахс бўлиши мумкин, лекин меҳнат унумдорлигининг юқорилиги билан ажралиб турмайди.

Ихтисослаштириш-ишчилар меҳнат тақсимои - улар меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий йўли бўлиб ҳисобланади. Бир хил турдаги ишни доимий равишда бажариш, бир иш турини иккинчиси билан алмаштирилиши ва йўқотишлардан ҳолис этади, яъни меҳнат тақсимотининг пировард натижаси бу меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишдир. Ҳар биримиз ўзимиз учун қанчалик кам ишлаб чиқарсак, бошқалар томонидан амалга оширилувчи ишлаб чиқаришга шунчалик кўпроқ қарам бўлиб қоламиз. Бу муаммо иқтисодиётда пулдан фойдаланиш масаласини кўриб ўтишимизни тақозо этади.

Деярли барча иқтисодий тизимларда, муомила воситаси вазифасини бажарувчи пулдан фойдаланилади. Ихтисослаштириш ва айрибошлаш жараёнини энгиллаштириш учун пул тизимини амал қилиш эҳтиёжи билан боғлиқ муаммоларни кўриб ўтиш капиталистик иқтисодиётда баҳолар ва бозорлар ролини аниқроқ тавсифлаш заруратини келтириб чиқармоқда.



5.4-расм. Ресурслар, маҳсулотлар ва даромадларнинг доиравий айланиши.

Расмнинг юқори қисмида ресурс бозорининг кўриниши берилган. Бу ерда барча иқтисодий ресурсларга бевосита ёки билвосита (улар эгаллигида бўлган савдо-саноат корпорациялари орқали) эгалик қилувчи уй ҳўжаликлари уларни корхоналарга³ етказиб беради.

³ Бизнинг мақсадларимиз учун маъзур таҳлил даражаларида корхоналар уларга ҳаёт баҳишловчи ва уларни «фаолият юритувчи фирмалар» қилувчи капитал, ҳом-ашё, иш кучи ва тадбиркорларни қобилиятдан фарқли ўлароқ ташкилий схемалар яъни, қозғоғдаги институтлар сифатида кўриб ўтилиши лозимдир.

Ер, капитал, меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятидан фойдаланганлиги учун тўланадиган баҳолар, диаграмманинг юқори қисмида кўрсатилган ресурс бозорида белгиланади. Бу ерда корхоналар талабни билдирувчи ролида, уй хўжаликлари эса таклиф агентлари ролида намоён бўладилар. Тайёр буюмлар ва товарлар баҳолари диаграмманинг пастки қисмида кўрсатилган маҳсулотлар бозорида шаклланади. Бу ерда энди уй хўжаликлари талабни билдирувчилар ролида, корхоналар эса таклиф агентлари ролида намоён бўладилар. Албатта, корхоналар ресурсларга талаб билдирадилар, чунки охиригилар ёрдамида фирмалар товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи восита бўлиб хизмат қилади. Талаб ва таклиф кўп сонли меҳнат ва моддий ресурслар билан ўзаро алоқадорлиги уларнинг бир-бирига баҳо белгилаб беради. Корхоналар ресурсларни сотиб олиб амалга ошираётган тўловлари, ушбу корхоналар харажати ташкил этади, шу билан бирга ресурсларни етказиб берувчи корхоналарни иш хақи, рента, фоизлар ва фойда олишини таъмин этади.

Энди диаграмманинг пастки қисмида кўрсатилган маҳсулотлар бозорига эътиборни қаратамиз. Ресурслар савдоси ҳисобига уй хўжаликлари томонидан олинаётган пул даромадлари реал қимматга эга эмас. Истеъмолчилар танга ва қоғоз пуллари еийши ёки қийиши мумкин эмас. Шунинг учун пул даромадларини сарф қилиш жараёнида уй хўжаликлари кўп сонли товар ва хизматларга бўлган талабини акс эттирадилар. Шу вақтнинг ўзида корхоналар ишлаб чиқариш учун сотиб олинган ресурслар ва шу бозордаги товар ва хизматлар таклифини бирлаштирадилар. Талаб ва таклиф тўғрисидаги ушбу қарорларнинг ўзаро таъсири маҳсулотлар баҳосини белгилайди. Эътибор қилинг, корхоналар нуктаи назаридан товар ва хизматларга истеъмол харажатлари оқими, улар томонидан ушбу товар ва хизматларни сотишдан олинган даромад ёки тушумни ташкил қилади.

Доиравий айланиш модели (ресурслар, маҳсулотлар ва даромадлар) иктисодий фаолият ва қарорлар қабул қилиш жараёнлари, мураккаб ўзаро боғлиқликни акс эттиради.

Иккала асосий бозорда ҳам уй хўжаликлари ва корхоналар намоён бўлиши, лекин ҳар бир ҳолатда қарама-қарши томонларда юзага келишига эътибор беринг. Ресурслар бозорида корхоналар сотиб олувчилар, яъни талаб томонида акс эттирилса, уй хўжаликлари, ресурслар эгаси ва таъминотчилар сифатида, яъни таклиф томонида акс этирилади. Маҳсулотлар бозорида улар ўз ўрнини алмаштириладилар: уй хўжаликлари, истеъмолчилар сифатида талаб томонида акс эттирилади, корхоналар эса сотувчилар лагерида бўлиб, таклиф томонида акс эттириладилар. Шу билан бирга ушбу иктисодий гуруҳларнинг ҳар бири ҳам сотиб олади ҳам сотади.

Ушбу битимлардан сўнг тақчиллик белгиси турибди. Корхоналарни таъминлаш учун уй хўжаликлари чекланган ресурсларга эга бўлганлиги сабабли, истеъмолчилар пул даромадлари ҳам чеклангандир. Бу ҳар бир истеъмолчи даромадини ўз чегарасининг белгиланишини билдиради. Долларнинг чекланган миқдори истеъмолчи сотиб олишни хоҳлаган барча товар ва хизматларни сотиб олишга имкон бермайди.

Ресурслар чекланганлиги сабабли, тайёр маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳам бунга мос равишда чекланган. Таҳлил давомида ресурслар тақчиллиги ва уни ҳал қилиш йўлини танлаш масаласи кўриб ўтилган.

Хулоса қиламиз. Монетар иқтисодий тизимда уй хўжаликлари ресурслар эгалари сифатида уларни корхоналарга сотади, истеъмолчилар сифатида эса товар ва хизматларни сотиб олиш учун ресурслар савдосидан олинган пул даромадини сарфлайдилар. Товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун корхоналар ресурсларни сотиб олиши лозим, уларнинг тайёр буюмлари кейинчалик уй хўжаликларига уларни истеъмол харажатларига айрбошлаш шаклида сотилади ёки корхоналар нуктаи назаридан ёндашилганда уларнинг тушуми айрибошланади. Соат милларига қарши иқтисодий ресурсларнинг реал оқими соат миллари бўйлаб истеъмол харажатлари ва даромадларнинг пул оқими бу жарёнининг якуний натижаси бўлиб хизмат қилади. Бу оқимлар бир вақтда рўй беради ва доимий қайтарилади.

Чекловлар. Соф капитализмни амал қилиши жараёнида ресурслар, маҳсулотлар ва даромадлар доиравий айланишининг умумий тавсифида айрим камчилик ва нуқсонлар мавжуд.

1. Доиравий айланиш модели (ресурслар, маҳсулотлар, даромадлар) алоҳида уй хўжаликлари, корхоналар, маҳсулотлар ва ресурслар бозорларига доир бўлган ҳақиқатни акс эттирмайди. Шунингдек у корхона ва уй хўжаликлари ичида рўй бераётган битимларни ҳам кўрсатмайди. Аслида ресурслар, маҳсулотлар ва даромадлар доиравий айланиш моделининг асосий афзаллиги шундаки, у соф капитализмни амал қилишининг фундаментал тамойилларини очиб беради, лекин кузатувчига унинг асл моҳияти билан танишиш имконини бермайди. Бу ерда биз умумий ўрмонга назар ташладик, унинг алоҳида дарахтларини ўрганишга кейинчалик киришамиз.

2. Доиравий айланиш модели (ресурслар, маҳсулотлар ва даромадлар) ҳукумат иқтисодий ролига умуман тааллуқли эмас. Бунинг сабаби нима? Соф капитализм институтлари, ҳукумат роли муҳим бўлмаган, берк, ўз-ўзини тартибга солувчи иқтисодиётни яратишни назарда тутати.

3. Бу модел, уй хўжаликларини ўз пул даромадларини тўлиғича сарф қилиши, ўз навбатида даромад ва харажатлар оқими ўзгармас миқдор бўлиб ҳисобланишини назарда тутати. Реал ўлчамларда бу ишлаб чиқариш ва бандлик даражалари ҳам ўзгармаслигини билдиради. Макроиктисодиёт даромадлар ва маҳсулотлар оқимидаги тебранишларнинг сабаб ва оқибатларига бағишланган.

4. Доиравий айланиш моделини (ресурслар, маҳсулотлар ва даромадлар) доимий двигател сифатида кўриш керак эмас. Ушбу модел орқали ёритилаётган иқтисодий жараёнлар инсон энергиясини тугатади ва моддий ресурсларни тўлалигича истеъмол қилади. Бундан ташқари кенг кўламда ёритилган атроф муҳитни ифлосланиши муаммоси, ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларига сарф қилинаётган ресурсларнинг катта қисми чиқиндиларнинг у ёки бу кўринишида тизимга қайтарилишидан келиб чиқади.

Атама ва иборалар

Фойдалилик, иктисод килиш (тежаш) муаммоси, р, капитал, меҳнат, тадбиркорлик қобилияти, сармоялар, тўлиқ бандлик (ресурслар), тўлиқ ишлаб чиқариш ҳажми, истеъмол товарлари, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш имкониятлари жадвали (эгри чизиғи), ўсиб боровчи ўзгарувчан харажатлар қонуни, иктисодий ўсиш, соф капитализм, маъмурий иктисодиёт, авторитар капитализм, бозор социализми, анъанавий ёки одатларга асосланган иктисодий тизимлар, хусусий мулкчилик, тадбиркорлик эркинлиги, танлаш эркинлиги, шахсий фойда ва шахсий манфаат, рақобат, бозор, «билвосита» ишлаб чиқариш, ихтисослаштириш ва меҳнат тақсимоти, муомала воситаси, доиравий айланиш модели, ресурс бозорлари ва маҳсулот бозорлари.

Назорат саволлари

1. Ресурсларнинг банд бўлмаслиги деганда нима тушунилади?
2. Ресурслар тақчиллиги деганда нима тушунилади?
3. Иктисодий ресурслар деганда нима тушунилади?
4. Иктисодиётнинг ўсиш омиллари нималардан иборат?
5. Ўзгарувчан қиймат деганда нима тушунилади?
6. «Ҳозирги вақт учун товарлар» ва «келажак учун товарлар» деганда нима тушунилади?
7. Нима учун ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигидаги ҳолат танлови иктисодий ўсишнинг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилади?
8. Соф капитализм, бозор социализми ва маъмурий иктисодиёт иктисодий ресурслар тақчиллиги муаммосини ҳал қилишга интилаётган усулларни таққослаб ўтинг.
9. Даврий айланиш модели (ресурслар, маҳсулотлар ва даромад) мисолида соф капитализмнинг амал қилиш жараёнини ёритинг.
10. Ресурслар ва маҳсулотлар бозорларини тавсифлаб беринг, ва бунда ресурслар тақчиллиги муаммосини мунтазам равишда таъкидлаб ўтинг.
11. Даврий айланиш моделининг чекловларини санаб ўтинг (ресурслар, маҳсулотлар ва даромад).

Адабиётлар рўйхати

1. Кэмпбелл Р. Макконнелл, Стэнли Л. Брю «Экономикс» том 1, 1993 Таллин. стр. 42-50
2. Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue «Economics: Principles, Problems and Policies», 14 изд-ние, 1999 г.

ИНДИВИДУАЛ БОЗОРЛАР ТАҲЛИЛИ: ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ

6.1 Бозорлар таърифи

Бозор (Market) деб ўзаро манфаатли савдо битимларини амалга ошириш учун сотувчи ва харидорни бир-бири билан алоқа қилиш имконини берувчи ижтимоий-иқтисодий институтга айтилади. Битимлар объекти ва уларни амалга ошириш шартлари ҳар бир муайян ҳолатда турлича бўлганлиги боис, бозорларнинг ҳам бир неча турлари мавжуд.

Бозорлар тўғрисида муносабатлар тизими сифатида сўз юритилганда, ушбу муносабатларнинг асосий субъектлари – сотувчи ва харидорлар, энг асосий жиҳати эса – рақобат эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тегишли бозорда товарни таклиф этаётган ҳам жисмоний ҳам ҳуқуқий шахс *сотувчи* сифатида намоён бўлиши мумкин. Қолаверса у товарни ишлаб чиқарувчи ва даставвал уни харидори бўлган воситачи сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ишлаб чиқариш ва унинг асосий субъекти корхонани сотувчи ўзида акс эттиради.

Товарни сотиб олаётган ҳам жисмоний ҳам ҳуқуқий шахс бозорда харидор бўлиши мумкин. Лекин у воситачи ҳам бўлиши мумкин ва товар сотиб олинганидан сўнг у сотувчи бўлиб ҳисобланади. Бирок ҳар қандай ҳолатда ҳам харидор истеъмол томонига бўлади.

Шунинг учун ҳам бозор нафақат сотувчи ва харидор, балки ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳаси, яъни кенг қўламли айрибошлаш соҳасининг энг муҳим бўлаги сифатида намоён бўлмоқда.

Бозорларни битимлар объекти бўйича истеъмол товарлари, бозори, ишлаб чиқариш омиллари (ишлаб чиқариш омиллари, меҳнат ресурслари) бозори, пул ва кредитлар бозорларига ажратиш мумкин.

Фаолият юритиш шартлари бозорлар таснифи ҳам турлича. Уларнинг айримларида (ким ошди савдолари, биржалар) мувозанат махсус агентлар (ким ошди савдоларини олиб борувчилар, маклерлар) ёрдамида ўрнатилади ва бундай бозорлар тартибли деб номланади. Тартибсиз бозорларда талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат тартибсиз равишда ўрнатилади.

Бозор амалиётларида ҳар бир хоҳловчининг иштирок этиши мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда бозорлар очик ва ёпик турларига бўлинади.

Битимларнинг айрим шартлари, барча сотувчи ва харидорлар белгиланган вақтда ва маълум жойда учрашадиган “нуктали” бозорда, бошқалари эса бир неъмат турли жойда ва вақтда сотиладиган “фазовий” бозорда юз беради.

Сотувчи ва харидорларнинг ўзаро муносабатлар ва ўртасидаги рақобатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозорларни тегишли тур ва шаклларга бўлиш мумкин. Бунини 6.1 жадвал ёрдамида амалга ошириш кулайдир.

Бозорларни географик жойлашуви (маҳаллий, минтакавий, миллий, жаҳон), тавсифи ва сотиш ҳажми (чакана, улгуржи савдо), товар

ассортименти (балик, гўшт, кийим-кечак, пойафзал, уй-жой бозори) ва бошқа бир қатор белгилари бўйича кўриб ўтиш мумкин. Лекин бизни кейинги мавзуга алоқадор бўлган ва кўриб ўтилган ишлаб чиқариш ресурслари турлари ёки объектлари бўйича бозорларни бўлиш қизиқтиради ("Таклиф ва талаб: Бозор мувозанати").

6.1-жавдал

Бозор турлари ва шакллари

Харидорлар	Сотувчилар		
	Кўп	Бир нечта	Битта
Кўп	Мукамал бозор	Олигопол бозор	Монопол бозор
Бир нечта	Олигопсонияли бозор	Иккиламчи олигополияли бозор	Монопол бозор
Битта	Монопсонияли бозор	Монопсонияли бозор	Иккиламчи монополияли бозор

6.2.Талаб. Талаб эгри чизиги. Талабдаги ўзгаришлар


Даставвал сизларни тўловга тайёрлилик (willingness to pay) тушунчаси билан таништириб ўтмоқчимиз. Бунда нимани тушуниш мумкин? қиймати маълум бир нарсадан воз кечиш имконияти ва тайёрлилик даражаси билан бешиланувчи маълум бир товар ёки хизматларни танлашда ҳар бир инсоннинг ўз нуктаи назари мавжуд бўлади. Бу инсон воз кечиши мумкин бўлган ҳар қандай нарса бўлиши мумкин.

У ёки бу турдаги товар ва хизматларни олиш учун қанча инсон маълум бир нарсадан воз кечиши мумкинлигини қандай аниқлаш мумкин? Буни аниқ бир мисолда кўриб ўтайлик. Фараз қилиайлик видео кассетага эга бўлиш учун Аҳмад муайян суммада пул тўлашга тайёр. Бунгача Аҳмад ихтиёрида ҳеч қандай кассета йўқлигини биз асос деб қабул қилдик. Биз ундан 1 кассета учун 3500 сум тўлашга у тайёрлигини сўрадик. Буни график кўринишида акс эттириш мумкин (5.1 чизма). Биринчисига эга бўлганидан сўнг ундан иккинчи кассетани сотиб олишга у қанча тўлашга тайёр эканлигини сўрадик. Графикка кўра уни жавоби 2600 сўмни ташкил этди. Шу тарика биз ҳар бир қўшимча кассета учун тўлашга тайёрлиликни билиб оламиз. Мазкур ҳолатда 3 кассета учун тўлашга тайёрлилик 2100 сўмни, 4 кассета учун эса 1800 сўмни ташкил этмоқда. Тўлашга тўйёрлилик тўғри тўртбурчанинг баландлиги шаклида акс эттирилади. Тўлашга тайёрлилик баҳони аниқлаш учун фундаментал асос бўлиб ҳисобланади.

Талаб ва таклиф амал қилувчи бозорда товар ва хизматларнинг баҳоси шаклланади. Шу мулоҳазалар нуктаи назаридан талаб ва таклифга доир муаммоларни босқичма-босқич кўриб ўтамыз.

Талаб (Demand) деб оқилона ёки муҳит таъсири остида ҳаракат қилишидан қатъий назар маълум баҳода харидор сотиб олишга тайёр бўлган тегишли бозордаги мавжуд товар ва хизматлар миқдорига айтилади.

У ёки бу турдаги товарга бўлган талаб иктисодиётнинг муайян бир тармоғига бўлган талабни билдиради.



6.1 расм. Тўлашга тайёрлилик.

Мазкур таъриф талабни микроиктисодиёт томонидан ўрганилаётган объект сифатидаги куйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиб олиш имконини беради.

1. Микроиктисодиёт маълум бир турдаги товарга бўлган талабни ўрганади. Товарга бўлган талаб индивидуал ва яхлит бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда бу иктисодиётни айрим субъектларининг талаби, иккинчисида эса яхлит

харидор сифатида иктисодиёт субъектлари учун зарур бўлган тегишли товарнинг жами ҳажмига бўлган талабдир. Охиргилар бу уй ҳўжалиги ёки фирмалар вакиллари бўлган истеъмолчилардир.

2. Талаб нафакат товарни харидор учун кераклиги, балки уни ҳақ тўлаш қобилиятини ҳам акс эттиради. Демак талаб субъектнинг сотиб олиш қобилиятини акс эттиради.

3. “Талаб” тушунчаси товарни сотиб олинганлигини билдирмайди, чунки товарга бўлган талаб товар мавжуд бўлмаган ҳолатларда ҳам рўй бериши мумкин.

4. Маълум бозорларда маҳаллий, минтакавий, миллий, жаҳон бозорларда талаб юз беради.


5. Талаб вақтинчалик тавсифга эга, у муайян бир дақиқада, кунда, ҳафтада, ойда ва х.к. бўлиши мумкин. Шунинг учун, агар нисбатан узок давр олинса, у ёки бу турдаги товарга бўлган талаб динамикаси тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Муайян давр мобайнида амал қилаётган баҳоларнинг маълум бир даражасида истеъмолчилар сотиб олиш имконига эга бўлганда маҳсулот миқдорини акс эттирувчи график кўринишида келтириш мумкин. Шунингдек талабни жадвал кўринишида ҳам акс эттириш мумкин. У баҳоларнинг ҳар бир даражаси бўйича харидор сотиб олиш ҳоҳишига ва имкониятига эга бўлган маҳсулот миқдорини кўрсатади (бир хил шароитларда баҳолар фойдалилиги нуктаи назаридан турли баҳоларда талаб билдирилади). 6.2. жадвал бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу жадвал баҳоларнинг ҳар бир даражаси бўйича битта харидор сотиб олиш истагига ва имкониятига эга бўлган гуруҳ баҳоси ва миқдори ўртасидаги алоқадорликни кўрсатади.

Индивидуал харидорнинг гуручга бўлган талаби (шартли рақамлар)

1 тонна гуруч баҳоси (миңг сўм)	Ойлик талаб ҳажми (тонна)
500	1
250	2
200	3
170	4
100	5

Талабни миқдорий нуктаи назардан кўриб ўтиш ҳам тўғридир. Ҳар хил баҳоларда қанча миқдордаги товар сотилиши мумкин деб сўраш ўрнига, товарнинг турли миқдорларини истёмолчилар қандай баҳоларда сотиб олишга тайёр деб сўраш мумкин.



Талаб қонуни (the law of demand) деб номланувчи талаб ҳажми ва баҳоси ўртасидаги тесқари алоқадорлик мавжуд. Бу тесқари алоқадорлик, горизонтал ўқ (дона) талаб ҳажми ва вертикал ўқда (сўм) эса талаб баҳосини кўрсатувчи оддий график кўринишида акс эттирилади.


Шу тариқа олинган эгри чизик талаб эгри чизиги деб номланади (demand curve) ва D ҳарфи билан белгиланади ("талаб"ни билдирувчи инглизча "Demand" сўзидан) 6.2. расм.

Эгри чизик пастга ва ўнга эгилади, чунки талаб ҳажми ва баҳоси ўртасидаги алоқадорлик манфийдир.

Графикни таҳлил қилиш асосида бозор баҳоси ва сотилган товар ҳажми ўртасида муайян тесқари алоқадорлик мавжуд эканлигини кўриш мумкин. Товарнинг юқори баҳоси унга бўлган талабни чеклайди, баҳосининг пасайиши эса одатда унга бўлган талабнинг ортишини келтириб чиқаради. Акс эттирилган талаб эгри чизиги ҳажм ва баҳо ҳолатини тавсифлайди 6.2 расм. Муайян вақтда маҳсулотга бўлган талаб ҳажми. Мазкур эгри чизик талабни ўзгариш қонунини кўрсатади. У манфий тавсифга эга, бу харидорларни пастроқ баҳоларда кўпроқ миқдордаги неъматларни сотиб олиш истагини билдиради. Умумий кўринишда $QD=F(P)$, бу ерда QD – талаб ҳажми (demand), P – баҳо (price).

Бу ҳолатда талаб қонунини битта эгри чизик ёрдамида акс эттириш мумкин. Графиклар мураккаб алоқадорликларни акс эттириш мумкин бўлган таҳлилнинг қимматли дастаги сифатида намоён бўлади.

Лекин талаб Q – ўзгарувчан микдордир. Бунда талаб ҳажми ва тавсифининг ўзгаришини ажратиш лозим. Тегишли товар баҳоси ўзгарувчан бўлган ҳолатдагина талаб ҳажми ўзгаради. Илгари ўзгармас катталикларга эга бўлган омиллари ўзгаргандагина талаб тавсифи ўзгаради. Талаб ҳажмининг график ўзгаришлари эгри чизик бўйлаб пастга ёки юқорига бўлган “ҳаракатини” акс эттиради (6.2 расм). Талаб эгри чизигининг ўнгга ёки юқори бўйлаб “ҳаракати” талабнинг ўзгаришини акс эттиради (6.3 расм).



6.3 расм. Талабдаги ўзгаришлар.

Талаб турли омилларнинг мураккаб яхлилиги билан белгиланувчи шароитларда шаклланади. Товарга бўлган талаб (Q_D) бир қатор омиллар функцияси деб айтиш мумкин:

$$Q_D = f(a, b, c, d, e, f).$$

Ушбу формулада харфлар остида қуйидаги омиллар тушунилади:

a – товар баҳоси

b – товарга бўлган эҳтиёж (хохиш, мода ва ҳ.к.)

c – харидорлар сони

d – харидорлар даромадлари

e – бошқа товарлар баҳоси

f – истеъмол сабри

Талабнинг барча омилларини баҳоли ва баҳосиз омилларга бўлиш мумкин. Товар баҳосининг ўзгариши талаб қонунини амал қилишига мос равишда талаб ҳажмининг ўзгаришига олиб келади. Баҳосиз омилларнинг ўзгариши талабни ўзгаришига олиб келади. Бундай таъсир график кўринишида талаб эгри чизигининг ўнгга ёки чапга ҳаракати билан акс эттирилади.

6.3. Индивидуал ва бозор талаби

Юқорида биз муаммони битта ягона истеъмолчи нуқтаи назаридан кўриб ўтдик. Ракобтнинг мавжудлиги харидорлар кўп бўлган бозорни кўриб ўтишни тақозо қилмоқда. Индивидуал талаб шкаласидан бозор талаби шкаласига ўтиш турли баҳолар даражасида ҳар бир истеъмолчи томонидан билдириладиган талаб ҳажмини жамлаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.


Бозор талаби эгри чизиғи – бу умумий манфаатга эга бўлган инсонлар индивидуал талаби эгри чизикларининг суммасидир.

Бозорда 3 харидор бор деб фараз қилайлик. Уларнинг ҳар бири маълум баҳодаги муайян товар миқдорини сотиб олиш истаги ва имкониятини акс эттирувчи ўзининг турли талаб ҳажмига эга. Бу мисол баҳонинг ҳар бир даражасида талабнинг умумий миқдорини осонлик билан аниқлаш мумкин бўлган 6.3 жадвалда кўрсатилган.

6.3 жадвал. Бозор талаби эгри чизиғи – индивидуал талаблар суммаси

1 тоннаси баҳоси (гуруч)	Талаб ҳажми			Ойлик талабнинг умумий ҳажми
	1-чи харидор	2-чи харидор	3-чи харидор	
500	1	2	3	6
250	2	3	4	9
200	3	4	5	12
170	4	5	6	15
100	5	6	7	18

Ушбу жамлаш жараёни график кўринишда 6.3 расмда акс эттирилган, бунда фақат битта баҳо қўлланилган – 1 тонна гуруч учун 200 минг сўм. Таъкидлаш жоизки, бу график чизмасини бажаришда талабнинг умумий эгри чизигини ифода этиш учун биз 3 индивидуал талаб эгри чизикларини бирлаштирдик.



6.4 расм. Бозор талаби эгри чизиғи – индивидуал талаб эгри чизикларининг суммаси.

6.4. Таклиф

Таклиф (Supply) деганда маълум шароитларда муайян вақтда тегишли товарни бозорда сотувчилар сотиш истагида бўлган ва сотиши мумкин бўлган товар миқдори тушунилади.

Мазкур таърифнинг моҳияти қуйидаги тартибда очиб берилади:

1. Таклиф сотиш учун ишлаб чиқарилган маълум бир турдаги товар, неъматга доирдир. Масалан, фермер картошканинг бир қисмини шахсий истеъмоли учун, бир қисмини эса сотиш учун етиштириши мумкин. Айнан иккинчи қисми мазкур товарнинг таклифини таъминлайди.

2. Таклиф алоҳида сотувчилар таклифининг суммаси сифатида намоён бўлади. Бироқ монопол бозорда у битта сотувчи томонидан таъминланади.

3. Товарни таклиф этаётганларнинг барчаси сотувчи сифатида тушунилади: ишлаб чиқарувчи – корхоналар, улгуржи ва чакана сотувчилар, омборлар, савдо дўконлари ва х.к..

4. Тегишли товар таклифи муайян бозорда таъминланади: маҳаллий, минтақавий, миллий.

5. Таклиф ҳажми маълум вақт учун аниқланади: муайян давр, ҳафта, ой ва х.к. Бунга мос равишда муайян давр учун бўлган таклиф мавжуд бўлган товарларни ўз ичига олади, узоқ давр учун белгиланган таклиф эса кўшимча равишда маълум давр мобайнида ишлаб чиқариладиган ва сотиш учун таклиф этиладиган товарларни ҳам ўз ичига олади.

Таклиф шаклланувчи шaroитлар мазкур товарга бўлган баҳолар ва таклифни таъминлаш манбалари билан белгиланади. Баҳо ишлаб чиқарилган товар таклиф этилмайдиган даражада ҳам бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш таклифнинг асосий манбаси бўлиб ҳисобланади. Лекин бундайларга товар захираларини ҳам киритиш мумкин. Мисол учун, товар ишлаб чиқарилди, лекин баҳоларнинг ноқулайлиги ҳисобига у бозорга эмас, омборга йўналтирилди, ва қулай баҳо ўрнатилганга қадар у омборда сақланади. Агар бундай баҳо белгиланса товар омбордан бозорга йўналтирилади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ишлаб чиқариш таклифни белгилаб берганлиги боис, бевосита ишлаб чиқаришни ўзини белгиловчи омиллар таклифнинг асосий омиллари бўлиб ҳисобланади. Таклиф (Q_s) турли омиллар (a, b, c ва х.к.) билан функционал боғлиқликда бўлади деб таъкидлаш мумкин:

$$Q_s = f(a, b, c, d, e, f).$$

a – ишлаб чиқариш учун ресурсларнинг мавжудлиги

b – ишлаб чиқариш технологияси

c – ишлаб чиқариш харажатлари

d – товар баҳоси

e – товар ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар сабри

f – бошка товарлар баҳоси

6.5. Таклиф қонуни. Таклиф эгри чизиғи.

Таклифдаги ўзгаришлар

Товар таклифига унинг баҳоси таъсир кўрсатади. Бошка ўзгармас шaroитларда баҳонинг ўсиши таклифнинг ўсишига олиб келади, баҳонинг пасайиши таклифнинг қисқаришига олиб келади. Бу барқарор алоқадорлик **таклиф қонуни** (the law of supply) сифатида тавсифланади.

У сотувчиларни кўпроқ миқдордаги товарни ишлаб чиқариш ва юкори баҳоларда сотишга чиқариш истагини кўрсатади.

Мазкур қонуннинг амал қилиши талаб қонуни каби таклиф шкаласи, шунингдек эгри чизик ёрдамида акс эттирилади.

Бозордаги яхлит таклиф тармоқ бозорда тўлиғича сотишга тайёр бўлган товарни миқдори ва баҳоси ўртасидаги алоқадорлиқни кўрсатувчи, бир хил тарзда йўналтирилган, **таклиф эгри чизиги** сифатида намоён бўлади. Умумий кўринишда $Q_S = F(P)$, бу ерда Q_S – таклиф (*supply*) ҳажми, P – баҳо.

Агар биз юқорида қайд этилган чизмани кўриб ўтадиган бўлсак, у ҳолда мазкур товарнинг таклиф динамикаси қуйидагича кўриниш ҳосил қилади.


6.3 жадвал. Товар таклифи шкаласи

Гуруҳ баҳоси (минг сўм)	Гуруҳ таклифи, тонна
4	100
5	200
6	300
7	400
8	500

Жадвал маълумотларини график кўринишида келтириш мумкин.

6.5. расм таклиф ва баҳо ўртасидаги алоқадорлиқни яхшироқ тушуниш имконини беради. Биз товар баҳосининг ошиши, ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиш бориши шароитида ҳам ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш корхона учун фойдали эканлигини билиб оламиз. Товар уни ишлаб чиқариш харажатлари турлича бўлган кўплаб корхоналар томонидан ишлаб чиқарилганда, баҳонинг ўсиши кўп харажат қилаётган корхоналар учун ҳам товарни ишлаб чиқариш имкониятини яратиб беради.


6.5. расм. Таклиф эгри чизиги.



Пастрок баҳолар ўрнатилган шароитда бу корхоналар томонидан мазкур товарни ишлаб чиқариш билан шуғулланиш фойдасиз бўлур эди. Шу тарика таклиф эгри чизиги турли корхоналардаги ишлаб чиқариш харажатлари даражасининг турличалигини кўрсатади.

Таклиф қонуни, талаб қонуни каби истисноли жиҳатларга эга бўлиши мумкин. Баҳонинг ошиши таклифнинг ўсиши эмас, балки унинг қисқаришига олиб келувчи вазиятлар ҳам рўй бериши мумкин. Бу монопол бозорларда рўй беради, бунда ягона сотувчи товар савдосидан олинadиган даромадни ўзгармас баҳоларда ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга нисбатан тез суръатларда ўсиши имконини берувчи даражада баҳони ошириб боради. Баҳони ўсиб боришида таклифнинг қисқариши меҳнат бозорларида рўй бериши мумкин. Бу ерда иш хақи баҳо бўлиб ҳисобланади ва унинг маълум даражасида ишчилар учун иш хақини ўстириш эмас, балки ишдан бўш вақтни кўпайтириш афзаллик касб этади.

Баҳонинг пасайиб бориши натижасида таклифнинг ортиши рўй бериши мумкин. Бу монопсонияли бозорларда бўлиши мумкин. Бунда ягона харидор товар баҳосини камайтириш йўли билан бунинг натижасидаги ялпи тушумни саклаб қолиш учун сотувчиларни сотиш ҳажмини оширишга мажбур қилади.



6.6. расм Таклифнинг ўзгариши.

Умуман олганда талаб каби, товарлар таклифи ҳам баҳоли ва баҳосиз омилларга боғлиқ эканлигини кўриб турибмиз. Баҳосиз омилларнинг таклифга таъсири график кўринишида таклиф эгри чизигини ўнгга ёки чапга огиши билан акс эттирилади.

Демак хулоса қилганда бир хил баҳода таклиф ортиши ёки камайтиши мумкин.

Атама ва иборалар

Бозор, талаб, талаб эгри чизиги, талабнинг ўзгариш қонуни, индивидуал талаб, бозор талаби, таклиф, таклиф қонуни, таклиф эгри чизиги.

Назорат саволлари

1. Бозор деб нимага айтилади? Унинг асосий элементлари қандай?
2. Бозор қандай функцияларни бажаради?
3. Бозорларнинг қандай турлари ва шакллари мавжуд?
4. Бозорнинг мукаммаллиги ва номукаммаллиги нималарда намоён бўлади?
5. Қандай бозорлар тартибли деб номланади?
6. Тартибли бозорлар тартибсиз бозорлардан нимаси билан фарқ қилади? Тартибли ва тартибсиз бозорларга мисол келтиринг.
7. Талаб деб нимага айтилади? Талаб эҳтиёждан нимаси билан фарқ қилади?
8. Қандай омиллар талабни белгилайди? Бу омилларни қандай гуруҳларга бўлиш мумкин?
9. Талаб қонунининг амал қилишини тушунтиринг.
10. Таклиф қонунининг амал қилишини тушунтиринг.
11. Товарлар таклифини ишлаб чиқариш доимий равишда белгилаб берадими?
12. Таклифнинг мавжуд бўлган барча омилларини санаб ўтинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Кэмпбелл Р. Макконнелл, Стэнли Л. Брю. «Экономикс» том 1, 1993 Таллин. стр. 61-68.
2. Г. Габиш, П.И. Гребенников, А.И. Леусский, Л.С. Тарасевич «Микроэкономика», студия "Компакт-Дизайн".
Веб-сайт: <http://www.uef.ru/rus/parts/microeconomics/chap4/41left.htm>
3. В.В. Седов «Экономическая теория», Часть 2 «Микроэкономика», Учебное пособие, Челябинск, 2002г., стр. 47-80
4. Ермешин П.Г. «Основы экономической теории», Веб-сайт:
5. Электронный учебник «Экономическая теория», Ташкентский Финансовый Институт, 2003г. Веб-сайт:
6. Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue «Economics: Principles, Problems and Policies», 14 изд-ние, 1999 г., стр. 5.

ТАКЛИФ ВА ТАЛАБ: БОЗОР МУВОЗАНАТИ

7.1. Бахонинг ўзаро тенглаштирувчи вазифаси

Талаб ва таклиф категориялари кўриб чиқилганда талаб вақт бўйича таклифга нисбатан ўзгарувчан эканлиги кўзга ташланади. Бу кўп ҳолларда нарх сезиларли даражада ортганда талаб тезда қисқариши сабабли рўй беради. Аксинча, нархларнинг кўтарилиши ишлаб чиқарувчи учун мавжуд қувватларни кенгайтириш, ишлаб чиқаришга қўшимча ресурсларни жалб қилиш ва бу асосда товар таклифини кўпайтиришга дастлабки огоҳлантириш ҳисобланади.

Бозорда талаб ва таклифнинг аниқ нисбати товар заҳиралари миқдори, улар баҳосининг ўзгариши ва аҳолининг пул даромади, сотишни ташкил қилиш, реклама ва бошқа омилларга боғлиқ. Бу нисбат учта вариантда бўлиши мумкин. Улардан бири **товар таклифини харидор талабидан ортиб кетиши** билан характерланади. Бундай ҳолат нафақат ортиқча ишлаб чиқариш натижасида, балки юқори сифатга эга бўлмаган товар нарҳини ортиқча кўтариб юбориш, аҳолида пулнинг тақчилиги ва бошқа ҳолатлар натижасида ҳам юз бериши мумкин.

Иккинчи вариант биринчи вариантдан товарга бўлган **талабнинг таклифдан устун келиши** билан фарқ қилади. Бу ҳолатда қониқтирилмаган талаб ва товар тақчилиги юзага келади. Бозор тақчилликка тўғидан-тўғри ва яширинча нарх ошиши билан жавоб беради. Талаб ортиб кетган товар ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтириш, нархларни ошириш, аҳолининг пул даромадларини камайтириш ушбу ҳолатдан чиқишнинг асосий йўли ҳисобланади.

Учинчи вариантда талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати бир томондан товарга бўлган таклиф ҳажми ва таркиби ўртасидаги ўзаро мувофиқлик ва иккинчи томондан таклиф ҳажми ва таркибининг бир бирига мослиги, яъни талаб ва таклифнинг ўзаро мувозанати билан характерланади.


Бозор иқтисодийги шароитида рақобат талаб ва таклиф нарҳини синхронлайди ва бу талаб ва таклиф ҳажмининг ўзаро тенглашишига олиб келади. Бу нарх барча сотувчи ва харидорлар учун мажбур бўлган миқдорни ўзида акс эттиради.

Биз аввал кўриб чиққан талаб ва таклиф функциялари талаб ва таклиф эгри чизиклари бир-бирига худди ойнадагидек ўхшаш деган хулоса қилишга имкон беради (7.1-расмга қаранг)

Мувозанатли баҳо (Р_е)-рақобат кучлари таъсири натижасида талаб ва таклиф функциясини ўзаро тенглаштирувчи баҳо ёки талаб ва таклифнинг ўзаро таъсири натижасида маҳсулотга қўйиладиган баҳо.

Лекин мувозанат маълум бир омилларнинг таъсири натижасида бузилиши мумкин. Бундай ҳолатларда реал нарх мувозанатли нархдан фарқ қилади. Ҳозирги пайтда барқарор мувозанат ва нобарқарор мувозанат бир биридан ажратилади.

Агар оғиш дастлабки ҳолатга кайтиш билан рўй берса, барқарор мувозанат деб аталади. Бунга тескари ҳолат **нобарқарор мувозанат** деб аталади.



7.1-расм. Бозор мувозанати графиги

Рақобатли бозор нархи қандай аниқланишини белгилаш учун талаб таҳлили билан таклиф таҳлилини бирлаштириш, уй хўжалиklarининг маҳсулот сотиб олиш тўғрисидаги қарори билан ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотни сотиш тўғрисидаги қарорининг ўзаро таъсирига чиқиш лозим. Шу пайтгача биз мумкин бўлган нархларни кўриб чиққан эдик. Биз қайд қилган эдикки, агар нарх шундай бўлса, сумма бошқача бўлади. Шартли равишда кўзда тутилган эдики, ўзаро таъсир баъзи бир харидор ва баъзи бир сотувчи ўртасида бўлади. Хусусий мулк эгаси талабни кўрсатади ёки баҳолар таркиби, ўзида мавжуд бўлган захиралар таркиби ва хоҳишдан келиб чиққан ҳолда ўз товарини таклиф қилади. Хоҳишни амалга ошириш қуйидаги тўсикка дуч келиши мумкин: ёки зарур маҳсулот йўқ, ёки у бор лекин етарли миқдорда эмас, ёки нархи тўғри келмайди.

Бозорда сотувчи ва харидорлар жуда кўп. Уларнинг ҳар бири маълум бир талаб ёки таклиф эгри чизикларига эга. Тўла рақобат муҳитида улардан ҳеч бири, на сотувчи ва на харидор маҳсулот нархига сезиларли таъсир қила олмайди. Сотувчи ва харидорларнинг сони ва гуруҳ таркиби нарх ўзгаришига қараб ўзгариб туради. Бирор бир турдаги маҳсулотнинг нисбий нархлари юқори бўлганда бозорда жуда кўп сотувчилар пайдо бўлади; аксинча, нисбий нарх тушиб кетганда кўпчилик ушбу маҳсулотни сотишдан воз кечадилар ва улар харидор бўлиб қолишлари ҳам мумкин. Сотишга чиқарилган маҳсулот миқдори худди шу нархда талаб билан мос тушгандагина бозор мувозанати ўрнатилади.

Талаб ва таклиф ўзаро тенглашадиган нарх мувозанатли нарх деб аталади. Мувозанатли нархдан юқори бўлган ҳар қандай нархда таклиф

ҳажми талаб ҳажмидан юкори бўлади. Маҳсулотнинг кўплиги ўзидаги ортикча нарсадан тезроқ кутулишга интилаётган сотувчилар ўртасида нархларни рақобатли равишда тушишига олиб келади. Нархнинг тушиши таклифни қисқартиради ва шу билан бир вақтда харидорларни ушбу маҳсулотни кўп миқдорда сотиб олишга ундайди. Мувоzanатли нархдан паст бўлган ҳар қандай нарх маҳсулотни етишмаслигини(тақчиллигини) келтириб чиқаради.

Талаб ва таклиф рақобат кучларининг сотиш ва сотиб олиш тўғрисидаги қарор ўзаро мувофиқ келган даражада нархни ўрнатиш имконияти баҳонинг ўзаро тенглаштирувчи функцияси деб аталади. Мувоzanатли нарх сотувчида жуда кўп ортикча маҳсулот қолишига ва потенциал харидорлар ўртасида сезиларли тақчиллик пайдо бўлишига йўл қўймайди. Талаб ва таклифнинг ўзаро таъсири ўзаро мослашиш жараёнини ўзида акс эттиради. Нарх ўзгарган шароитда кишилар ўзларини тутишларини ҳам ўзгартирадилар.

Жуда кўп сондаги алмаштирувчилар бўлган шароитда бозор кучли силкинишларга дош бера оладиган барқарор тизим сифатида намоён бўлади. Барча бозорларда мувоzanат ҳолатини ўрнатишга олиб келадиган бундай нархлар тўплами мавжуд бўлишининг асосий шарти кўпгина ишлаб чиқариш имкониятлари ва истеъмол хоҳишларининг яққол кўзга ташланишидир.

Агар соҳада фақат битта маҳсулот ёки хизматлар ишлаб чиқарувчи бўлса, у таклиф ҳажмини тўла назорат қила олади ва нархга таъсир қила олади. Соҳага кириш тўсиқлари қанчалик юкори бўлса ва муайян маҳсулотнинг алмаштирувчилари бўлмаса монополистнинг қудрати шунчалик кучли бўлади. Ривожланган мамлакатларнинг реал иқтисодиётида соф рақобат бўлмагани каби соф монополия ҳам мавжуд эмас. Нисбатан кўзга ташланадиган монополизм ишлаб чиқариш ҳажми ва нархлар соҳа томонидан ўрнатилган ва давлат назорати остида турган собик СССР иқтисодиётида пайдо бўлган эди. Нархлар тўла эгилувчан талаб ва таклиф тебраниши бўлмаган шароитда маҳсулотлар тақчилиги келиб чиққан ёки маҳсулот хаддан ташқари кўпайиб кетган. Совет кишиларида навбатга турувчи психологияси пайдо бўлган. Маҳсулот учун навбатда туриш зарурияти истеъмолчи учун сотиб олиш харажатлари сотувчи томонидан ўрнатилган нарх ва навбатда туриш туфайли йўқотишлардан ташкил топади.


Монополия ҳукмронлигини чеклаш мақсадида бир қатор мамлакатларда XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларидаёқ трестга қарши қонунлар қабул қилинган эди.

7.2.Талаб ва таклифнинг ўзгариши


Юқорида эслатиб ўтилганидек, талаб истеъмолчилар дидлари ёки даромадларидаги тебранишлар, истеъмол қутишлар ёки ўхшаш маҳсулотлар нархидаги тебранишлар натижасида ўзгариши мумкин. Бошқа томондан таклиф технология, ресурсларнинг нархлари ва солиқларнинг ўзгариши натижасида ўзгариши мумкин. Агар биз бу ерда талаб ва таклиф

ўзгаришининг мувозанатли баҳога таъсирини кўриб чиқишга эътибор бермасак, таҳлилларимиз тўлиқ бўлмаган бўлур эди.

Талабнинг ўзгариши. Дастлаб 6.4-расмда таклиф ўзгармасдан қолади деб қабул қилган ҳолда талабнинг ўзгариши оқибатларини таҳлил қиламиз. Айтайлик, талаб 7.2-расмда кўрсатигандек ортиб бормоқда. Бу нарх-навога қандай таъсир қилади? Талаб ва таклиф эгри чизикларининг янги кесишиш нуқтаси баҳо ва миқдор ўқларидаги кўрсаткичлар кесишган нуқтасидан юқорилигини қайд қилган ҳолда қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин: бошқа тенг шароитларда(таклиф) талабнинг ортиши **нарх ошиши** ва **маҳсулот сифатининг ортиши** самарасини келтириб чиқаради. (График таҳлилнинг муҳимлиги аниқ кўринади; маҳсулот миқдори ва нархга таъсирни аниқлаш учун рақамли устунлардан фойдаланишнинг ҳолати қолмайди, бу ерда графикда бу кўрсаткичлар кесишиш нуқталарини эскиси билан янгисини солиштиришнинг ўзи етарли). 7.3-расмда кўрсатилганидек, талабнинг камайиши билан нарх пасайиши самараси, ҳам маҳсулот миқдори камайиши самараси рўй беради. Бошқача қилиб айтганда, биз талабнинг ўзгариши ва бундан келиб чиқадиган ҳам мувозанатли баҳо, ҳам маҳсулот миқдориди ўзгаришлар ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни кўришимиз мумкин.




7.2-расм. Талабнинг ортиши



7.3-расм. Талабнинг камайиши


Таклифнинг ўзгариши. Энди тескари жараёни амалга оширамиз ва талаб доимий деб қабул қилган ҳолда таклифнинг ўзгаришини баҳога таъсирини таҳлил қиламиз. 6.4-расмда кўрсатилганидек, таклиф орган пайтда таклиф ва талаб кўрсаткичларининг янги кесишиш нуқтаси мувозанатли баҳодан паст бўлади. Лекин маҳсулотнинг мувозанатли миқдори ортиб боради. Бошқа томондан таклифнинг қисқариши маҳсулот нархининг ортишига олиб келади. 6.5-расм худди шу ҳолатни акс эттиради. Бу ҳолатда нарх ортади, маҳсулот миқдори эса камаёди. Бошқача қилиб айтганда, таклифнинг ортиши нарх пасайиши ва маҳсулот миқдори ортиши самарасини келтириб чиқаради. Талабнинг ўзгариши ва бундан келиб чиқадиган мувозанатли баҳо ўзгариши ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд, лекин таклиф ўзгариши ва бундан келиб чиқадиган маҳсулот миқдори ўзгариши орасидаги боғлиқлик тўғри бўлиб қолади.



7.4-расм. Таклифнинг ортиши

Мураккаб ҳолатлар. Талаб ва таклифнинг ўзгариши натижасида янада мураккаброк ҳолатлар юзага келиш эҳтимоллиги ҳам мавжуд. Таклиф ва талаб тескари йўналишларда ўзгариши кўзда тутилганда иккита ҳолат юзага келиши мумкин. Дастлаб айтийлик, таклиф ортиб талаб эса қисқарган ҳолат бўлсин. Бу жараён мувозанатли баҳога қандай таъсир кўрсатади? Бу мисолда нарх пастлашининг иккита самараси ўзаро бирлашади ва бунга қўшимча охир оқибатда нарх пастлаши агар ҳар бир

омил алоҳида бўлганида эришилиши мумкин бўлгандан кўра кўпроқ бўлади. Маҳсулотнинг мувозанатли миқдори билан боғлиқ масалалар қай ҳолатда? Бу ерда таклиф ва талабнинг ўзгариш оқибатлари турли йўналишда бўлади: талабнинг камайиши маҳсулот мувозанатли миқдорининг камайишига олиб келган бир вақтда таклифнинг ортиши маҳсулотнинг мувозанатли миқдорини ортишига олиб келади. Маҳсулот миқдорининг ўзгариш йўналишлари таклиф ва талаб ўзгаришининг нисбий кўрсаткичларига боғлиқ.



7.5-расм. Таклифнинг камайиши

Иккинчи юз бериши мумкин бўлган ҳолат-бу таклиф қисқариб, талаб ортадиган ҳолатдир. Бу ердан нарх ортишининг иккита самараси кузатилади. Бу ерда мувозанатли нархнинг ўсиши бу мавжуд омиллardan ҳар бири алоҳида равишда келтириб чиқариши мумкин бўлган кўрсаткичдан кўп бўлишини олдиндан кўриш мумкин. Мазкур ҳолатда маҳсулотнинг мувозанатли миқдориға таъсир қилиш тури хил йўналишда бўлиб, у таклиф ва талаб ўзгаришининг нисбий кўрсаткичларига боғлиқ. Агар таклифнинг ўзгариши талабнинг ортишиға нисбатан кўпроқ бўлса, маҳсулотнинг мувозанатли миқдори дастлаб бўлганиға нисбатан кам бўлади. Лекин, агар таклифнинг қисқариши талабнинг ортишиға нисбатан кўп бўлса, бу ўзгаришлар натижасида маҳсулотнинг мувозанатли миқдори ортади. Олинган ҳулосаларни тасдиқлаш учун сиз мазкур иккала ҳолатни графикда тасвирлашингиз лозим.

Талаб ва таклиф бир хил йўналишда ўзгарадиган ҳолатларда нима рўй беради? Айтайлик, бошланишида талаб ҳам таклиф ҳам ортсин. Бу мувозанатли нархға қандай таъсир қилди? Бу ерда баҳоға иккита қарама-қарши таъсирни – таклифнинг ортиши натижасида нархларнинг камайиш самарасини ва талабнинг ортиши натижасида нархларнинг ортиши самарасини ўзаро солиштириш лозим. Агар таклифнинг ўсиш қўлами талабнинг ортиш қўлаמידан катта бўлса, мувозанатли баҳо пасаяди. Агар қарама-қарши ҳолат юз берса, мувозанатли нарх ортади. Маҳсулотнинг мувозанатли миқдориға таъсир бир хил: ҳам таклиф, ҳам талабнинг ўсиши маҳсулот миқдорининг ортишиға олиб келади. Бу маҳсулотнинг мувозанатли миқдори ҳар бир омил алоҳида таъсир қилганда ортиши мумкин бўлган миқдодан кўпроққа ортишини билдиради. Иккинчидан, талаб ва таклифнинг бир вақтда камайишини ҳам шундай таҳлил қилиш мумкин. Таклифнинг камайиш қўлами талабнинг қисқариш қўлаמידан катта бўлса, мувозанатли нарх пасаяди. Талаб ва таклифнинг бир вақтда камайиши маҳсулот миқдориға камайитирувчи таъсир кўрсатса, маҳсулотнинг мувозанатли миқдори дастлаб бўлгандан кўра кам бўлишини ишонч билан кутиш мумкин.

Дарвоқе, талаб ва таклифнинг қадайдир вақтда параллел ўзгариши ҳам истисно қилинмайди. Аслида битта ходиса бир вақтнинг ўзида таклифға ҳам, талабға ҳам таъсир этиши мумкин. Пишлоқ тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш табиий сутға бўлган таклифни ҳам, талабни ҳам пасайтириб юбориши мумкин.

Талаб ва таклифнинг камайиши бир томондан ва таклифнинг ортиши бошқа томондан бир-бирини тўла нейтраллаб қўйиш ҳолатлари рўй бериши ҳам мумкин. Ушбу ҳар иккала ҳолатда мувозанатли баҳоға натижавий таъсир нолға тенг бўлади ва нарх ўзгармайди. Келтирилган барча ҳулосаларни текшириб кўриш учун ушбу нисбатан мураккаб ҳолатларни талаб ва таклиф эгри чизигида акс эттириш лозим.

7.3. Ресурслар бозори

Бозорни географик ҳолати(махаллий, худудий, миллий, халқаро), хусусияти ва сотиш ҳажми(чакана, улгуржи савдо), маҳсулотлар ассортименти(балиқ, гўшт, кийим-кечак, пойафзал, уй-жой бозори) ва бошқа бир қатор хусусиятларига кўра кўриб чиқиш мумкин. Энг йирик бозорлардан бири ресурслар бозоридир.

Ресурслар бозори – бу бевоста маҳсулот ишлаб чиқарувчилар бир бири билан ўзаро муносабатда бўладиган жуда катта бозордир. Барча корхоналар бир бирлари билан машиналар, жиҳозлар, хом-ашё, ёки қилми ресурсларини етказиб берувчи ва истеъмол қилувчи сифатида органик тарзда боғланиб кетганлар. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар асосан катта ҳажмларда улгуржи олди-сотди қилинади. Улгуржи савдо ишлаб-чиқарувчи корхоналар билан истеъмолчи корхоналар ўртасида воситачи вазифасини бажаради. Бу ерда ҳар бир харидор ва сотувчи ўзига тўғри келадиган шериғи, маҳсулоти ва нархини топади. Ресурслар бозори худди шу тартиб бўйича ҳар доим ривожланган ва ишлаб чиқаришдаги тараққиётга олиб келган.

Ресурслар бозорида танлов рақобат асосида амалга оширилади. Таклиф эгри чизиклари, одатда кўтарилиувчи бўладилар, ёки улар ресурс нархи ва унинг таклиф миқдори ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни акс эттиради, чунки ресурс эгаларининг ўзларининг манфаатлари учун кўпроқ миқдордаги ресурс паст нархларда эмас, балки юқори нархларда етказиб берилади. Баъзи касб ва соҳада ишловчи ишчиларга уй хўжаликлари иложи борица кўпроқ меҳнат ва моддий ресурсларини етказиб берган ҳолда юқори даромад тулашини рағбатлантиради. Паст даромадлар қарама-қарши йўналишда таъсир қилади, улар ресурс эгаларини аниқ касб ёки соҳага ресурс етказиб бермасликка ундайди ва ресурсларни бошқа мақсадларга йўналтиришга сабаб бўлади. Масалан, кўпгина коллежларнинг талабалари меҳнати юқори даромад берадиган мутахассислик(касб)ни танлашга ҳаракат қилишлари тўғрисида ишончли исботлар бор.

Ресурсларга бўлган талабга келганда шуни айтиш мумкинки, корхоналар қайси ресурснинг нархи ортиб кетса, ўша ресурсни камроқ сотиб олишга ва уларни нисбатан арзонроқ ресурсларга алмаштиришга ҳаракат қиладилар. Конкрет ресурсга талаб унинг нархи паст бўлганда юқори бўлади ва турли хил ресурсларга талаб эгри чизиги пасаяувчи бўлади.

Ресурснинг бозордаги нархи маҳсулотлар нархи каби корхоналар таклиф агентлари ва истеъмолчилар-талаб агентлари, уй хўжаликлар-таклиф агентлари ва корхоналар-талаб агентлари қарорлари билан аниқланади.

Атама ва иборалар

Мувоzanатли нарх, nobарқарор мувоzanат, бозор мувоzanати графиги, талабнинг ўзгариши, таклифнинг ўзгариши, бозор мувоzanати ўзгаришидаги мураккаб ҳолатлар, бозор муносабати ўзгаришидаги алоҳида ҳолатлар, ресурслар бозори, бозордаги ресурслар нархи, ресурс нархи ва ресурс таклифи ҳажми орасидаги боғлиқлик.

Назорат саволлари

1. Бозор мувозанати қандай аникланади?
2. Мувозанатли нарх деганда нимани тушунаси?
3. Барқарор мувозанат нима?
4. Нобарқарор мувозанат нима?
5. Нима учун талаб ва таклифда ўзгариш рўй беради?
6. Қуйидагилар нархга қандай таъсир қилади:
 - талабнинг ошиши;
 - талабнинг камайиши;
 - таклифнинг ортиши;
 - таклифнинг камайиши;
 - таклиф ва талаб қарама-қарши йўналишларда ўзгарганда;
 - таклиф камайиб талаб ортганда мувозанатли нархга қандай таъсир қилади?
7. Ресурслар бозори.
8. Ресурс нархи ва унинг таклифи ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?

Адабиётлар рўйхати

1. Кэмпбелл Р. Макконнелл, Стэнли Л. Брю. «Экономикс» том 1, 1993 Таллин. стр. 61-67.
2. П.Г. Ермишин «Основы экономической теории» (курс лекций) Веб-сайт: <http://www.aup.ru/books/m63/6.htm> 2003г
3. Г. Габиш, П.И. Гребенников, А.И. Леусский, Л.С. Тарасевич «Микроэкономика», Экономическая школа, студия "Компакт-Дизайн". 2002 г. Веб-сайт: <http://www.uef.ru/rus/parts/microeconomics/chap4/41left.htm>
4. В.В. Седов «Экономическая теория», Часть 2 «Микроэкономика», Учебное пособие, Челябинск, 2002г., стр. 47-80
5. Открытый учебник «Экономическая теория», глава 14, Ташкентский Финансовый Институт, Первое издание, 2003г. Веб-сайт: <http://www.tfi.uz/et/gl14.html>

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФУНКЦИЯСИ

8.1. Ишлаб чиқариш функцияси: ўзгарувчан омиллар ва изокванталар.

Ишлаб чиқариш—бу маълум бир миқдордаги ресурсларни (ишлаб чиқариш омилларини) истеъмол қилинадиган маҳсулотга қайта ишлаш ёки ўзгартириш жараёнидир. Ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмолга тўла яроқли тугалланган кўринишга эга бўлиши ёки уни қайта ишлаб, истеъмолга яроқли ҳолга келтирадиган корхона учун ҳам ашё бўлиши ҳам мумкин. Бозор шароитида хўжалик кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ресурслардан фойдаланиш юзасидан мураккаб равишда қарор қабул қилади.


Кўпгина иктисодчилар ишлаб чиқариш омилларини, аниқроғи уларни физик ҳолатда тушунарли тарзда бир хил ўлчамга келтиришда кийинчиликлар мавжудлигини таъкидлашади. Чунки, кишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун сарфланадиган ишлаб чиқариш ресурслари, яъни, ер, сув, ўғит, уруғлик, озука ва бошқалар турли хил кўринишга ва ўлчамга эга. Уларнинг ўлчамини миқдор жиҳатдан факат иктисодий баҳолаш орқали пулда ифодалаш мумкин. Кишлоқ хўжалигининг якуний маҳсулотини эса тўлалигича сезиш ва ўлчаб кўриш мумкин. Агар ишлаб чиқарувчи энг юқори даражада маҳсулот олишга эришиш учун (масалан, 1 гектардан) маълум миқдордаги ресурслар гуруҳини танласа, иктисодчи бу танлов қанчалик мақбул ва асосланганлигини аниқлаб бериши лозим.

Ишлаб чиқариш омиллари уч тоифага бўлинади. Булар: ер, меҳнат ва капитал. Иктисодчилар ерни табиий, қайта тикланадиган ресурс, бошқача қилиб айтганда, табиат инъоми деб айтишади. Меҳнат ишлаб чиқариш жараёнидаги инсоннинг jisмоний ва ақлий ҳаракатидир. Капитал эса аввалги ишлаб чиқариш натижасида олинган маблағ ҳисобидан ишлаб чиқаришга сарфланадиган ресурсдир. Капитал ўз навбатида бошқа корхона ва фирмаларнинг маҳсулоти ҳисобланган техника, бино, иш қуроллари каби предметларни ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилади. Ер, меҳнат ва капитал билан бир қаторга қўйиладиган тўртинчи омил ишлаб чиқаришнинг у ёки бу омилдан фойдаланиш бўйича қарор қилиш орқали намоён бўладиган бошқариш ёки тадбиркорлик омилidir. Шу билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг доимий (fixed) ва ўзгарувчан (variable) омиллари ўртасидаги фарқни билиш ҳам фойдали бўлади. Бу фарқ ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишнинг даврийлигида ўз аксини топади. Ишлаб чиқариш омиллари иккита сабаб туфайли, яъни биринчидан, ишлаб чиқариш жараёнига ресурсларни жалб қилиш даврига бир неча йиллар кетиши; иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёни бир неча йилларга чўзилганда, янги қарорлар қабул қилиш жараёни ҳам бир неча йилларга чўзилади.

Таъкидлаш жоизки, омилларнинг иккита гуруҳи ўртасидаги фарқ ўта ноаниқ. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун одатда қисқа муддатли ҳисобланадиган ўсимликчиликда экинларни вегетация даври ёки чорвачиликда чорва хайвонининг ҳаёт цикли кўриб чиқилади. Бундай шароитдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришнинг доимий омилларини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Масалан, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш

йилининг бошида фермер фойдаланлаётган уруғ, ўғит, ёкилиги ва меҳнат ёки бошқача қилиб айтганда, ўзгарувчан омилларни кўпайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга қарор қабул қилади. Лекин фермер ўз экин майдонини кўпайтира олмайдиган ва унга бошқа фермерлардан ер сотиб олишга тўғри келади. Қуриш талаб қилинадиган катта объектларнинг (масалан, молхона) қишлоқ хўжалиги йили давомида тез кўпайиб кетиши ҳам катта муаммо ҳисобланади. Қурилиш лойиҳа ишлаб чиқишни, режалаштиришни, тегишли рухсат олишни, пудратчи топишни ва кейин бино қуриш учун маълум бир вақтни талаб қилади. Агар бошланаётган мавсум учун катта микдорда жиҳозлар олиш имконияти бўлса ҳам, ундан самарали фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш кейинги қишлоқ хўжалик мавсумида ҳам давом этади. Ер, бино техника каби ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришнинг доимий омиллари сифатида қаралади ва уларни ишлатиш бўйича қарорлар узоқ муддат учун қабул қилинади.

Юқорида таъкидланганидек, ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспериментал тарзда физик ҳажмда ўлчанади. 8.1 чизмада ғалла ишлаб чиқариш ва иккита турдаги ўғит: нитратлар ва фосфатларни турли микдорда қўллаш орасидаги ўзаро боғланиш баҳоланган. Бунда бошқа турдаги ресурслардан фойдаланиш доимий бўлиб қолади.



Нитратларни ишлатиш (кг/га) горизонтал тўғри чизик билан, фосфатларни ишлатиш вертикал тўғри чизик билан белгиланади. Чизмада учинчи ўзгарувчи ҳосил олишда қатнашадиган иккита турдаги ўғитнинг ўзаро комбинациясини кўрсатадиган изоквант (изокванта тенг маҳсулот ёки тенг ишлаб чиқаришни билдиради) деб аталувчи эгри чизик сифатида кўрсатилган. 8.1 чизмада акс эттирилган изокванта қишлоқ хўжалигидаги ресурслар ва ҳосил ўртасидаги жуда кўп ўзаро нисбатлар учун ҳосилдир.

Агар биз 8.1 чизмада кўрсатилганидек $y=60$ ва $y=80$ даражалари бўйича горизонтал линиялар чизадиган бўлсак, маҳсулот изоквантаси билан эгри чизик кесишиши маҳсулот изоквантасининг ҳар бир эгри чизиги билан

белгиланадиган A маҳсулотни ишлаб чиқаришга эришиш учун зарур бўладиган X миқдордаги харажат миқдорини беради.

8.2. Харажат ва маҳсулот ишлаб чиқариш.

Ишлаб чиқариш функцияси (И.Ф.) –бу ишлаб чиқариш натижаларининг ишлаб чиқариш омилларига боғлиқлиги ва алоқаларининг математик ифодаларидир. И.Ф. одатда битта тенглама билан ифодаланади ва бунда ишлаб чиқаришнинг натижавий кўрсаткича(y) бир нечта омиллarning функцияси ҳисобланади:


$$Y = f(x_1, x_2, \dots, x_n),$$

Бу ерда: $x_1, x_2, \dots, x_n$ - ишлаб чиқариш омиллари

И.Ф. дан фойдаланиш турли хил ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таҳлил қилиш, натижавий кўрсаткич даражасини башорат қилиш, иқтисодий жиҳатдан мақбул (оптимум) даражани топиш, қўшимча омиллarnи аниқлаш имконини беради.

Ишлаб чиқариш ва маҳсулот чиқиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни характерлайдиган учта асосий натижа мавжуд.



Доимий натижа. 8.2 чизмада акс эттирилган ишлаб чиқариш функциясининг кўрсатишича харажатнинг ҳар бир қўшилган бирлиги ўзидан аввалгиси каби бир хил даражада натижага эга бўлади. Натижада ишлаб чиқариш функцияси тўғри чизикка эга бўлади.



8.2 чизма Доимий натижали ишлаб чиқариш функцияси

Олинадиган натижанинг кўпайиши. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига қўшилган ҳар бир бирлик ўзидан олдин қўшилган бирликдагига нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келади. 8.3 чизма. Лекин таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишлаб чиқариш билан боғлиқ чекловлар мавжудлиги туфайли узок давом эта олмайди.

Олинадиган натижанинг камайиши. Харажатнинг ҳар бир қўшилган бирлиги ишлаб чиқариш даражасини кўпайтиради, лекин бу кўпайиш олдинги харажат бирлиги қўшилгандаги кўпайишдан кам бўлади. 8.4 чизма. Бундай жараён ишлаб чиқаришни кам даражада ўсишини кўрсатади. Бу қўшимча харажат эвазига қўшимча маҳсулот чиқишини камайишини билдиради. Харажатлардаги ўзгаришларга бўлинган ишлаб чиқаришнинг ўзгариши кам бўлганда ишлаб чиқариш функциясининг бурилиш бурчаги вaкт билан қиялама бўлади.



8.3. Типик ишлаб чиқариш функциясининг уч асосий концепцияси.

Маърузада тўла, ўртача ва маржинал физик маҳсулотга таъриф берилган. Типик ишлаб чиқариш функцияси жадвал ва чизма кўринишларда акс эттирилган. Физик маржинал маҳсулотнинг ўзгаришини тўла ва ўрта маржинал маҳсулотга таъсири кўрсатилган.

Типик ишлаб чиқариш функциясини тадқиқ қилиш учун одатда учта асосий концепциядан фойдаланилади. Уларнинг ҳар бири ҳўжалик миқёсида қарор қабул қилиш учун ўзининг ҳиссасини қўшади.

1. Тўла физик маҳсулот (*total physical product TTP or TP*) –бу бир бирлик харажат эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори. Бу кўрсаткичдан асосан иқтисодий таҳлил қилишда фойдаланилади.

2. Ўртача физик маҳсулот (*average physical product APP*) –мос ҳолдаги харажатларга бўлинган ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даражасидаги ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини ўзида акс эттиради. Бошқача қилиб айтганда, Y/X APP ни билдиради. Бу кўрсаткич харажатларни ўртача унумдорлигини (масалан, пахта терувчининг даладаги 8 соатлик иши қанчалик маҳсулдор) кўрсатади..

3. Маржинал физик маҳсулот (*marginal physical product MPP*) – харажатларни кўпайтириш ҳисобига ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот миқдорини акс эттиради.

Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида олиниши мумкин бўлган даромад ёки қайтиمنىнг уч типини аниқлашда ишлаб чиқаришда қўшимча бирликдаги ресурсни ишлатишдан олинган қўшимча маҳсулот ҳажминини кўрсатувчи MPP кўрсаткичидан фойдаланилади. Ўз навбатида маржинал физик маҳсулот қуйидагича ҳисоблаб топилади:

$$\Delta Y / \Delta X$$

бу ерда Δ (дельта) белгиси «га ўзгариш»ни билдиради. Шундай қилиб бу формула қўшимча (маржинал) харажат бирлигини сарфлаганда қанча қўшимча (маржинал) маҳсулот олиш мумкинлигини кўрсатади. MPP тўла физик маҳсулот эгри қизигининг эгиллиш бурчагини аңлатади (математик жиҳатдан у тўла физик маҳсулот ҳосиласини билдиради). Ёдла тутиш



зарурки, MPP ва APP лар тўла физик маҳсулотнинг ресурслар-маҳсулот нисбатидан тўғридан-тўғри олинган ва тўла физик маҳсулот каби вариациялашади.

Бу уч концепция 8.5 жадвал ва 8.6 чизмада кўрсатилган ишлаб чиқариш функцияси кўринишида акс эттирилган. MPP бир даражадан иккинчи даражага ўтилаётган пайтда нималар рўй беришини аниқлаб беради. Икки даража оралиғидаги MPP бирлигини ҳам чизмада, ҳам жадвалда қўйиш қабул қилинган. MPP бирлигини шу тарзда кўрсатиш бизга маржинал ўзгаришлар ҳамда қўшимча birlik маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинadиган самарани таҳлил қилаётганлигимизни унутиб қўймаслигимизга имкон беради.

X	TPP (Y)	MPP ($\Delta Y/\Delta X$)	APP (Y/X)
0	0	0	∞
1	1	1	1
2	5	4	2.5
3	9	4	3
4	11	2	2.75
5	12	1	2.4
6	11	-1	1.8

8.1. жадвал. Типик ишлаб чиқариш функциясига мисол


8.6. чизма Типик ишлаб чиқариш функциялари



Ишлаб чиқариш функциясининг келтирилган мисолида қайтим ёки даромад функциясининг барча уч босқичи кўрсатилган: ресурслардан фойдаланишнинг учинчи даражасини қўшган ҳолда даромаднинг қўпайиши, иккинчи даражадан учинчи даражагача доимий даромад, ресурслардан фойдаланишнинг бешинчи даражасида пайдо бўлган даромаднинг камайиши. Келтирилган мисолда ҳисобланган нукталарни бирлаштирувчи қирқимлар

билан чекланган эгри чизик кўрсатилган. Ўргатиш мақсадида 8.7. чизмада кўрсатилганидек ишлаб чиқаришни барча даражаларини ўзида бирлаштирадиган эгри чизикдан фойдаланиш яна ҳам фойдали бўлади.

8.7. чизма



Тўла, маржинал ва ўртача физик маҳсулот орасидаги ўзаро боғлиқлик 8.7- чизмада акс эттирилган. Даромаднинг кўпайиши тўла физик маҳсулот нуктасида, яъни эгри чизикни эгилиш нуктасида (inflection point) намоён бўлади. Бунда TPP камаювчи даража билан ортади, чунки бундай даражадаги даромад камайиб боради. Бу нукта шунингдек камаювчи қайтим (натижа) diminishing returns нуктаси ёки ресурснинг қўшимча бирлиги олдинги бирликдан кўра камроқ қўшимча (маржинал) маҳсулотни яратиш нуктаси деб ҳам аталади. (3) нуктадан кейин даромад салбий бўла бошлаётган тўла физик маҳсулот камая бошлайди.

Шундай қилиб, (1) нуктагача ҳар бир нуктада кўпайиб борадиган маржинал физик маҳсулот тўла физик маҳсулот эгри чизигининг эгилишини ўзида акс эттиради. (1) нуктадан (3) нуктагача натижа камайиб боради ва (3) нуктадан кейин салбий бўлади ва бу TPPнинг энг юқори нуктаси билан ўзаро мос келади.

APPнинг энг юқори нуктаси (2-нукта) TPP эгри чизигига уринма ўтказиш орқали топилади. Бу чизик ишлаб чиқариш харажатларига (горизонтал тўғри чизик) маҳсулот чиқишининг (абсциссанинг вертикал ўқи) энг юқори нисбатини акс эттиради. Бу нисбат шунингдек, ўртача физик маҳсулотни аниқловчи бўлиб ҳам ҳисобланади. MPP APP билан кесилган нуктада ўртача физик маҳсулот энг максимал деб ҳисобланади. Ўртача физик маҳсулот APP MPP дан катта бўлгунча кўпайиб

боради, чунки юкори ҳосилдорлик берилган даражага барча харажатларнинг ўртача кўрсаткичини оширади. Bishop & Toussaint томонидан берилган куйидаги нисбатларни ёдда сақлаш лозим:

Қачонки, $MPP > (\text{катта}) APP$ бўлса, APP кўпаяди.

Қачонки, $MPP = (\text{тенг}) APP$ бўлса, APP максимал.

Қачонки, $MPP < (\text{кичик}) APP$ бўлса, APP камаяди.

Атама ва иборалар

Ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш омиллари, ишлаб чиқариш функцияси, ишлаб чиқариш функциясининг асосий турлари, тўла физик маҳсулот, ўртача физик маҳсулот, маржинал физик маҳсулот нимани кўрсатади.

Назорат саволлари

1. Ишлаб чиқариш жараёнига таъриф беринг
2. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг – қайси турларини биласиз? Якуний(туғалланган) маҳсулот нима?
3. Ишлаб чиқариш омиллари нима?
4. Ишлаб чиқаришнинг қайта тикланадиган омилларига таъриф беринг.
5. Ишлаб чиқаришнинг тўртта асосий омилларини айтиб беринг.
6. Ишлаб чиқаришнинг доимий ва ўзгарувчан омиллари қайсилар?
7. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қиска муддатли ва узок муддатли даврларига таъриф беринг.
8. Ишлаб чиқариш функциясининг қайси уч типини биласиз?
9. Тўла, ўртача ва маржинал физик маҳсулотга таъриф беринг.
10. Маржинал физик маҳсулотнинг математик ва график ифодасини беринг.
11. Чизмада камаювчи натижа нуктасини кўрсатиб беринг.
12. MPP ва APP ўртасидаги нисбатнинг қайси уч турини биласиз?

Адабиётлар рўйхати


1. Agricultural Economics: Principals and Policy by Christopher Ritson pp. 54-70
2. Economics by David Begg, Stanley Fischer
3. Economics and Agricultural Management: An Introduction by Kenneth L. Casavant, Craig L. Infanger

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФУНКЦИЯСИДАГИ ҲАРАЖАТЛАР

9.1. Ишлаб чиқаришнинг рационал ва иррационал босқичлари.

Ишлаб чиқарувчи ўз фаолиятини бошлаш пайтида даставвал қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим: «Қанча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш керак»? Ёки маълум бир миқдорда ресурслар мавжуд бўлган шароитда: «Ресурслардан фойдаланишнинг қайси даражаси энг юқори даражада фойда олиш имконини беради»? Бундан ташқари қанча ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннархи ва қийматини билиш ҳам мақсадга мувофиқ. Лекин ишлаб чиқарувчида бу турдаги маълумотлар бўлмаса ҳам ишлаб чиқариш функциясини рационал ва иррационал деб синфлаштириладиган ишлаб чиқариш босқичларига бўлиш мумкин ва бу 9.1-чизмада акс эттирилган.

9.1-чизма. Ишлаб чиқариш босқичлари



I-босқичда, яъни (0) нуқтадан (A) даражасигача ҳеч қандай ресурсдан фойдаланилмайди ҳамда бу ерда $MPP=APP$ ва AP унинг энг юқори даражаси ҳисобланади. A нуқта энг юқори даражадаги(максимал) физик(техник) самарадорлик нуқтаси ҳисобланади. Бу нуқтада ўртача физик маҳсулот энг юқори даражада бўлади. Агар биз тезлик билан ўз ишлаб чиқаришимизни бошламоқчи бўлсак, маҳсулотни кўпи билан A нуқтасигача ишлаб чиқарамиз, чунки ҳар бир қўшилган ресурс ўртачадан юқори ҳисобланган маржинал маҳсулот олиш имконини беради. Агар биз ҳар бирлик ресурс ҳисобига энг юқори даражада маржинал маҳсулот(B) олишга қарор қилсак ҳам қамаювчи натижа қонуни бунга йўл қўймайди. Лекин ҳар бир қўшилган ресурс бирлиги ҳисобига олинаётган маҳсулот қамайиб борган тақдирда ҳам биз ресурсларни $MPP=APP$ нуқтасигача ишлатишни давом эттираверамиз. Мисол сифатида қуйидаги ҳолатни келтириш мумкин: сиз тест топширигини ечиш учун 100 балл олишни хоҳласангиз ва ҳар бир дастлабки топширилган тест ўртача баллдан юқори бўлади ва натижада ўртача баллни кўпайтиради. Шундай қилиб, биз биламизки, бизнинг MPP(навбатдаги тестнинг баллар йиғиндиси) APP(тестнинг ўртча балли)дан юқори бўлганда $MPP=APP$ бўладиган нуқтагача ишлаб чиқаришни тўхтатиш нораціонал ҳисобланади; шундай қилиб A босқичи ишлаб чиқаришнинг нораціонал босқичи ҳисобланади.

Ўз-ўзидан равшанки, III-босқич ҳам ишлаб чиқариш учун нораціонал ҳисобланади. III-босқич TRP нинг энг юқори нуқтасида MPP 0 га тенг бўлганда бошланади. Бу нуқтадан бошлаб ҳар бир қўшилган ресурс умумий ишлаб чиқариш даражасини пасайишига олиб келади ва бу ишлаб чиқаришнинг мазкур босқичида фойдани максималлаштиришнинг имкони йўқлигидан далолат беради. Бу қарор маҳсулот нархлари тўғрисида маълумот бўлмаган ҳолатда қабул қилиниши мумкин.

II-босқич ишлаб чиқаришнинг рационал босқичи ҳисобланади, яъни мазкур босқичда ресурслардан фойдаланилганда фойда максимал даражада бўлади. II-босқичда ресурслар даражаси $MPP=APR$ даражадан $MPP=0$ бўлган даражагача TRP максимал ҳисобланади.

Бизнинг келгуси мунозарадаримизда ишлаб чиқариш функциясининг II-босқичидаги ишлаб чиқариш жараёни кўриб чиқилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида турли хил вариациядаги ресурслар ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг баҳосига(таннархига) ва микорига қай даражада таъсир қилишини билиш муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннарҳини билиш учун биз ресурслар сотиб олинган нархлар билан ишлаб чиқарилган маҳсулот нархларини солиштиришимиз лозим.

9.2 Ишлаб чиқариш функциясидаги ҳаражатлар

Аввалги маърузаларда ресурслардан фойдаланишнинг икки хил даври, яъни қисқа муддатли ва узок муддатли даврлар кўриб ўтилган эди. Қисқа муддатли давр бирор нарсани ўзгартириш учун етарли бўлмаган давр ҳисобланади. Узок муддатли давр капитал, ахборот ва бошқаришни ўзгартириш учун етарли давр ҳисобланади. Барча бошқарув қарорлари эса асосан яқин муддатдаги истикбол учун қабул қилинади.

Ўзгармас ҳаражатлар деб ишлаб чиқариш даражаси ўзгарган пайтда ҳам бир хилда қоладиган ҳаражатларга айтилади. Ўзгарувчан ҳаражатлар эса ишлаб чиқариш даражасининг ўзгаришига қараб ўзгариб боради. Амортизация ажратмалари, олинган кредитнинг фоиз ставкаси, ижара хаки, солиқ, сугурта тўловлари-(кўп ҳолларда DIRT¹ абревиатураси билан белгиланадиган). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланишни давом эттириш керакми ёки бошқа соҳа билан шуғулланиб кўриш керакми деган масала юзасидан қарор қабул қилинаётган пайтда ўзгармас ҳаражатлар муҳим аҳамият касб этади. Жами ҳаражатлар эса ўзгармас ва ўзгарувчан ҳаражатларнинг йиғиндисидир. Ҳаражатлар таркибида қўшимча бирлик маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган қўшимча ҳаражат ҳисобланган маржинал ҳаражатлар муҳим ўрин тутadi. Маржинал ҳаражатлар ҳам қарор қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Snodgrass & Wallace⁶ ишлаб чиқариш функциясини ифодалаш учун ҳаражатларнинг қуйидаги концепциясини берганлар.

Тўла ҳаражатлар Total Costs(TC)

Тўла ўзгармас ҳаражатлар Total Fixed Costs(TFC)

⁶ Milton M. Snodgrass & Wallace

Тўла ўзгарувчан харажатлар Total Variable Costs(TVC)
 Ўртача тўла харажатлар Average Total Costs (ATC)
 Ўртача ўзгармас харажатлар Average Fixed Costs(AFC)
 Ўртача ўзгарувчан харажатлар Average Variable Costs(AVC)
 Маржинал харажатлар Marginal Costs(MC)


Куйидаги формулаларни қилинадиган ҳисоб-китобларда ишлатиш фойдали бўлади:

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даражасида $TC = TFC + TVC$
TFC = ишлаб чиқаришнинг қайси даражаси бўлишидан қатъий назар барча харажатлар йиғиндиси (одатда DIRT)
TFC = ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси $(P_x(X))$ ўзгарувчан харажатлар бирлигини қийматини сарфланган ўзгарувчан харажатлар миқорига кўпайтиришдан ҳосил бўлган
$ATC = TC$ - маҳсулот чиқиш даражаси (Y)
$AFC = TFC$ - маҳсулот чиқиш даражаси (Y)
$AVC = TVC$ - маҳсулот чиқиш даражаси $P_x(X)/Y$
MC = маҳсулот чиқишидаги ўзгаришлар натижасида тўла қийматнинг ўзгариши $\Delta = TC/Y \Delta$


Уларнинг ўзаро алоқалари ва ҳисоб китоблари 9.2-жадвал ва 9.3 ва 9.4 чизмаларда кўрсатилган. Эгри чизиклар графигидан бир нечта муҳим хулосалар келиб чиқади. Тўла ўзгармас харажатлар ишлаб чиқаришнинг барча даражаларида, шу жумладан, 0 даражада ҳам доимий ҳисобланади ва умумий харажатларни кўпайтиради. Ўртача ўзгармас харажатлар доимий камаювчи функция ҳисобланади ва шакли жихатдан квадрат гиперболага ўхшайди. Шунингдек, TFC миқдори (Y) нинг усиб бораётган миқдори билан бўлиганини ифодалайди.

9.2-жадвал. $TFC = \$10$ ва $P_x = \$$, бўлган шароитда гипотетик харажатлар эгри чизиғи

X	Y	TFC	TVC ($P_x \cdot X$)	TC	AFC (TFC/Y)	AVC (TVC/Y)	ATC (TC/Y)	MC ($\Delta TC/\Delta Y$)
0	0	\$ 10	\$ 0	10	Аниқ эмас.	0	Аниқ эмас.	\$ 4.00
1	1	10	4	14	\$ 10	\$ 4	\$ 14.00	1.00
2	5	10	8	18	2.0	1.60	3.6	1.00
3	9	10	12	22	1.11	1.33	2.44	2.00
4	11	10	16	26	0.91	1.45	2.36	4.00
5	12	10	20	30	0.84	1.67	2.51	-4.00
6	11	10	24	34	0.91	2.18	2.09	



9.3-чизма. Тўла харажатларнинг типик эгри чизиклари



9.4-чизма Харажат бирлигига типик эгри чизиклар

Мисол сифатида 100 бош қорамолга эга бўлинганда 1000 бош қорамол учун чорвачилик фермаси қурилишини олиш мумкин. Ўзгармас харажатлар 100 бош қорамол ҳисобига боради. Агар фермада 1000 бош қорамол бўлса, ўзгармас харажатлар 1/1000 қилиб ҳисобланади. Бу менежерларнинг капитал қўйилма ва бошқа ўзгармас харажатлардан интенсив тарзда фойдаланишга ҳаракат қилишига сабаб бўлади. Ўртача тўла, ўртача ўзгарувчан ва маржинал харажатлар одатда ялпи даромад(натижа)нинг ўсиши кузатиладиган ишлаб чиқаришнинг бошланғич даражасида камайдиган ва кейинчалик натижасининг пасайиши билан қўпаядиган U шаклидаги эгри чизикни ҳосил қилади.

Бу ерда харажат эгри чизиклари орасида ўзига хос боғлиқлик кўзга ташланади. TC ва TVC орасидаги фарк доимо тўла ўзгармас харажат ҳисобланади(такқослаш учун 9.4-чизма ва 9.2-жадвални кўриш мумкин).

Тўла харажатлар эгри чизиги харажатлардаги ўзгариш туфайли юз берадиган биргина фарк билан тўла ўзгарувчан харажатлар эгри чизигига ўхшайди. Ўртача тўла харажатлар ўртача ўзгарувчан харажатларга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг юқори даражасида ўзининг энг пастки нуктасига етади. Чунки харажатлар AVC минимумидан кейин ранжировкаланади. AFC AVC нинг қўпайишига нисбатан тезроқ камаydi ва бу вақтнинг ўзида ATC қисқа вақт оралиғида камайишни давом эттиради. AVCда қўпайиш AFCнинг камайишига нисбатан ортиқроқ бўлса, ATC қўпайишни бошлайди. Маржинал харажатлар ҳар бир эгри чизикнинг энг паст нуктасида ўртача ўзгарувчан ва ўртача тўла харажатлар эгри чизигини кесиб ўтади. Бу маржинал харажатлар ўртача харажатларга нисбатан кам бўлганда ўртча кўрсаткичлар камайишига мос келади. Шундай қилиб,


$MC=AVC$ бўлган ёки АТС даражасигача маржинал ҳаражатлар кўпайган тақдирда ҳам эгри чизиклар камаяди. Менежерлар ҳаражат бирлиги ҳисобига эгри чизикка эга бўлишни фойдали деб ҳисоблашади, чунки уларни бозор баҳоларига солиштириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, чизмаларда учинчи босқич кўрсатилмаган, чунки бу босқич ишлаб чиқариш учун иррационал ҳисобланади.

9.3. Типик ишлаб чиқариш функциясининг уч асосий концепцияси.

Ишлаб чиқариш функциясининг физик жиҳатлари ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳаражатлар орасидаги боғлиқликни аниқлаш қарор қабул қилиш учун нихоятда муҳим аҳамиятга эга. Бу боғлиқлик график ва математик кўринишда акс эттирилиши мумкин. (9.5-чизма).

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, MC ва AVC маржинал ҳаражатлар ва (1), (2), (3) нукталар MPP ва APP эгри чизикларининг акс кўринишидир. MPP кўпайиб, ресурслар нисбатан кўпроқ унумдор бўлганда кам ҳаражат эвазига маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилади ва ўз-ўзидан маржинал ҳаражатлар камаяди. Натижа камайган пайтда эса аксинча тесқари ҳолат юзага келади, яъни қўшимча бирликдаги маҳсулотни етиштириш учун қўшимча ҳаражатлар кўпайишни бошлайди. (1-нуктадан бошлаб юқорига). Таъкидлаш лозимки, ўқлар ҳар хил бўлса ҳам, ишлаб чиқариш функциясининг физик характеристикалари ҳаражатлар эгри чизигининг иқтисодий кўрсаткичларига тўғридан-тўғри ўтказилиши мумкин. Чизмалар таҳлили натижаларини қуйидаги ўлчамларда акс эттириш мумкин:



9.5-чизма. Ишлаб чиқариш ва ҳаражатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.

Физик ёки техник	Иқтисодий
1) Қачонки, $MPP > APP$, $APP \uparrow$	1) Қачонки, $MC < AVC$, $AVC \downarrow$
2) Қачонки, $MPP = APP$, $APP \rightarrow \max$	2) Қачонки, $MC = AVC$, $AVC \rightarrow \min$
3) Қачонки, $MPP < APP$, $APP \downarrow$	3) Қачонки, $MC > AVC$, $AVC \uparrow$

Бу боғлиқларни алгебраик жиҳатдан қуйидагича кўрсатиш мумкин:

Ўртача ўзгарувчан харажатлар учун:

$$AVC = \frac{TVC}{Y} = \frac{P_x X}{Y} = \frac{P_x X}{Y} = \frac{P_x}{\frac{Y}{X}} = \frac{P_x}{APR}$$

APR ортиб боради ва P_x га бўлинади, AVC камайиб боради. AVC эгри чизигининг кўриниши ишлаб чиқари функциясига боғлиқ бўлади, лекин AVC нинг микдори ва даражаси маҳсулот чиқиши ва ресурслар баҳосига боғлиқ.

Маржинал харажатлар учун:

$$MC = \frac{\Delta TC}{\Delta Y} = \frac{\Delta TVC}{\Delta Y} = \frac{\Delta P_x X}{\Delta Y} = \frac{\Delta X \cdot \frac{P_x}{X}}{\Delta Y} = \frac{\Delta Y}{\Delta X} = \frac{PX}{MPP}$$

MPP кўпайиб борадига ҳолат юзага келса, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг катта қисми P_x доимий нархга бўлинади ва бунга мос равишда маржинал харажатлар камайиб боради. Назарда тутиш керакки, TVCнинг ўзгариши фақат TC тўла харажатларнинг ўзгаришига олиб келади, ўз навбатида маржинал харажатлар фақат ўзгарувчан харажатлар ўзгарганда ўзгаради.

Ишлаб чиқариш функцияси ва ишлаб чиқариш таннархи орасидаги алоқага тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган менежмент учун маълум шароитлар мавжуд. Ишлаб чиқариш функциясининг (хўжалик унумдорлигининг) ортиши ишлаб чиқариш учун сарфланаётган харажатларни тўғридан-тўғри камайишига олиб келади ва ўз-ўзидан олинадиган фойда микдори кўпаяди. Ресурслар турли хил сифатга ва ўз навбатида турли хил баҳога эга бўлган ҳолатда менежер иқтисодий таҳлиллардан фойдаланган ҳолда, яъни паст нархлар ёки паст унумдорликни танлаши лозим бўлади.

Нативавий концепция

Ресурслар учун қилинадиган харажатлар қиймати аниқлаб олингандан сўнг етишмай турган маълумот бизга ресурслардан фойдаланишнинг ҳар бир альтернатив даражасида қанча микдорда маҳсулот ишлаб чиқариш керак деган саволга жавоб топишга имкон беради. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ялпи маҳсулотнинг физик кўринишдаги қиймати ҳисобланади ва бунда харажатлар чиқариб ташланганда фойда аниқланади. Бизнинг ҳисоб китобларимиз учун зарур бўлган ягона маълумот олинган ялпи маҳсулотнинг баҳоси P_y ҳисобланади.

Олинадиган ялпи маҳсулотга асосланган нативавий концепция

Ишлаб чиқарилган маҳсулот учун олинадиган даромад ялпи маҳсулот (TR) қиймати деб аталади ва 9.6-жадвалда кўрсатилган.


Ялпи маҳсулот (MR) маржинал баҳосининг концепцияси иқтисодий таҳлил учун жуда фойдали ҳисобланади. MR ҳар бир маҳсулот бирлиги (физик ҳажмда акс эттирилган) ҳисобига олинган ялпи маҳсулотнинг қўшимча қиймати сифатида аниқланади; мукамал бозор шароитида бунинг P_y билан белгиланган мумкин. Ялпи маҳсулотнинг ўртача нархини ҳам P_y орқали

ифодалаш мумкин, чунки бизнинг мисолимизда ҳар бир маҳсулот бирлиги ҳисобига бир хил баҳо олинган. Бу концепция 9.7-чизмада кўрсатилган.

9.6-жадвал. Натижавий концепция асосида ҳисобланган ялпи маҳсулот.

Y	TR	(TR/ΔY) MR	AR
1	2	2	2
2	4	2	2
3	6	2	2
4	8	2	2
5	10	2	2
6	12	2	2

9.7-чизма. Натижавий концепция асосида ҳисобланган ялпи маҳсулот киймати.



Фойдаланиладиган ресурсларга асосланган натижавий концепция

Шу пайтгача биз ишлаб чиқариш жараёнидаги харажатлар ва олинадиган маҳсулот ўртасида физик боғлиликни белгилаб берадиган ишлаб чиқариш функциясида фойдаландик. Бизнинг олдимизда турган эндиги вазифа бу концепция қандай қилиб харажатлар концепциясига ўтишини аниқлашдан иборат. Бунда тўла ялпи маҳсулот (TRP), ўртача ялпи маҳсулот (ARP) ва маржинал ялпи маҳсулот (MRP) каби янги кўрсаткичлардан фойдаланилади. 9.7.-чизмадан бу кўрсаткичлари ишлаб чиқариш функцияси қисмларини маҳсулот баҳосига P_y кўпайтириш орқали олинганлигини кўриш мумкин. Биз буни амалга оширганимизда графикда кўрсатилган маълумотни акс эттириш учун маҳсулот миқдорини акс эттирадиган вертикал ўқни долларга ўзгартиришимиз лозим.

Шундай қилиб, биз ресурслардан фойдаланишнинг ҳар бир муқобил даражасида олинган ялпи маҳсулотнинг қийматини анклашимиз мумкин. Натижада эса биз фойдани максималлаштириш учун қанча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш деган саволга жавоб бериш учун яна бир қадам ташлаймиз.

Атама ва иборалар

Ишлаб чиқариш, рационал, иррационал, ишлаб чиқариш функцияси, ресурсдан фойдаланиш, босқичлар, харажатлар, харажатлар эгри чизиклари, натижавий концепция,

Назорат саволлари

1. Ишлаб чиқаришнинг рационал ва иррационал босқичларига таъриф беринг.
2. Ишлаб чиқариш функциясининг графигида ишлаб чиқаришнинг рационал ва иррационал босқичларини кўрсатинг.
3. Ишлаб чиқариш жараёни қандай иккита даврга бўлинади?
4. Қандай харажатлар ўзгармас харажатлар деб аталади?
5. Қандай харажатлар ўзгарувчан харажатлар деб аталади?
6. Ўртача тўла харажатлар нима ва улар қандай ҳисоблаб топилади?
7. $MPP > APP$, $APP \uparrow$ ни тушунтириб беринг.
8. $MC < AVC$, $AVC \downarrow$ ни тушунтириб беринг.

Адабиётлар рўйхати

1. Kenneth L. Casavant, Craig L. Infanger, Economics and Agricultural Management: An Introduction, стр. 38-48

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ КИЛИШ

10.1. Ресурслар чекланмаган ҳолатда қарорлар қабул қилиш

Харажат бўйича ёндашув. Энг макбул қарор қабул қилиш учун харажатларнинг янги концепцияси билан танишиш лозим бўлади. Харажатларнинг маржинал омили (Marginal Factor Cost) деб қўшимча бирликдаги ресурсларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатларга айтилади ва у P_x билан белгиланади. Агар бу кўрсаткич иш ҳақи харажатларига нисбатан қўлланилса, у ҳолда P_x ёлланма ишчи учун тўланадиган минимал иш ҳақини ўзида акс эттиради. Ўғитга нисбатан ишлатилганда бу харажатлар қўшимча(маржинал) миқдорда ўғит сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни билдиради. Мисол сифатида 10.1-жадвал ва 10.2-чизмани кўриб чиқамиз.


Фойдани максималлаштирадиган маҳсулот чиқиш даражаси $MRP \geq MFC$ қоида­сига мувофиқ қарор қабул қилиш йўли билан ёки MRP^4 қўшимча равишда ресурс қўшиш харажатлар миқдорига тенг ёки юқори бўлиши керак. 10.2-чизмада бу нукта (1) нукта сифатида кўрсатилган. 10.1-жадвал графика нисбатан қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини аниқроқ кўрсатади. Қиймат ўлчами (MRP) ресурсни ишлатиш харажати (MFC)дан юқори бўлгунча ресурсларни қўшишни давом эттираверамиз. Ресурслар бирлигининг тўртинчи позициясидан бошлаб биз $MRP - \$6$ ($MRP_x P_y$ ёки $2 \times \$3 = \6) натижасини оламиз ва хўжаликнинг фойдасига $\$2$ қўшган ҳолда ресурс учун $\$4$ харажат қиламиз. Ресурсларнинг 5 бирлиги(позицияси)ни ишлатиш фойдали эмас, чунки ўз даромадимизни фақат $\$3$ гача ошириш учун ресурслар учун $\$4$ сарфлашимиз керак. Бу албатта зарар келтиради.

10.1-жадвал. Харажатлар бўйича ёндашувга асосланган қарор қабу қилиш учун маълумот.

тахмин	X	Y	MPP	TRP	MRP	MFC	Бир бирлик хисобига соф даромад*	Тўла соф даромад
$P_x = \$4$	0	0		\$0		\$4		
$P_y = \$3$			1		3		\$ - 1	\$ - 1
	1	1	4	3		4		
	2	5		15	12	4	8	7
			4		12		8	15
	3	9		27		4		
			2		6			
	4	11		33		4	2	17
			1		3			
	5	12		36		4	-1	16
			-1	33	-3			
	6	11		33			-8	9

* Хар бир алоҳида олинган бирлик учун бир бирлик хисобиган соф даромал $MRP - MFC$ га тенг. Бир бирлик хисобига соф даромад суммаси хар бир даражадаги соф даромад суммасига тенг.

⁴ MRP – Marginal Revenue Product маъшулотнинг чегаравий(маржинал)нариши



10.2-чизма .TRP, MRP, MFC
ва фойдани максималлаштириш.


Нативавий ёндашув. Чекланмаган микдорда ўзгарувчан ресурсларга эга бўлинган шароитда ялпи махсулот қийматига асосланган нативавий усул энг макбул қарор қабул қилиш усули ҳисобланади. Ялпи махсулот тўла қиймати концепциясини тўла харажатлар концепцияси билан уйғунликда ишлатиш ва чизма ҳолида ҳам жадвал ҳолида ҳам акс эттириш фойдани максималлаштиришга имкон берадиган ялпи махсулот ҳажмини аниқлаш имконини беради. 10.3-жадвал ва 10.4-чизмада ана шундай қарор учун мисол келтирилган.

Мазкур жадвал энг юкори \$7 фойда 11 бирлик махсулот ишлаб чиқарилганда олинганлигини кўрсатиб турибди. Шунга қарамай 9,11,12 бирлик махсулот ишлаб чиқарилганда ҳам маълум микдорда фойда олинган. $TR \geq TC$ бўлган нуктага эришилган ҳолат критик ҳолат ҳисобланади ва ялпи махсулотнинг 5 ва 9-даражалари оралиғида бўлади. Бизнинг мисолимизда яна бир критик нукта махсулот чиқишининг 12- ва охириги даражаларида пайдо бўлади. Бу боғлиқлик 10.4-чизмада (1) ва (3)-нукталарда кўрсатилган.

10.3-жадвал. Нативавий ёндашишга асосланган ҳолда қарор қабул қилиш учун маълумот.

Тахмин	X	Y	TR	TFC	TVC	TC	фойда (TR - TC)
$P_x = 4\$$	0	0	\$ 0	\$10	\$ 0	\$ 10	-\$ 10
$P_y = 3\$$	1	1	3	10	4	14	-11
$TFC = 10 \$$	2	5	15	10	8	18	-3
	3	9	27	10	12	22	5
	4	11	33	10	16	26	7
	5	12	36	10	20	30	6
	6	11	33	10	24	34	-1

Фойданинг энг юкори даражаси TC(узук чизик) эгри чизигига уринма ҳолатда TR параллел чизигини ўтказиш орқали аниқланади. Уринма чизик($MC=MR$) энг юкори даромад даражаси ҳисобланади (2-нукта 10.3-жадвалдаги 11- махсулот чиқиш даражасига мос келади).



Кўпгина ишлаб чиқарувчилар ҳамда менежерлар махсулотнинг тўла қиймати ва харажатларга қараб қарор қабул қилмайдилар; қарорлар кўпинча «маржалар»⁵ асосида қабул қилинади. Масалан, «Маълум бир турдаги махсулотни ишлаб чиқариш учун қандай унча катта бўлмаган ўзгаришлар ёки қўшимчалар қилиш лозим?» деган савол қўйилади. Ишлаб чиқаришга қўшилаётган ёки ундан олиб қўйилаётган маржинал ёки қўшимча бирликларни тадқиқ қилиш асосида иқтисодчилар қимматли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Махсулот чиқиши эгри чизиги билан

комбинациялашган харажатлар эгри чизиги қуйидаги саволга жавоб беришга имкон яратлади: «чекланмаган ресурслар шароитида энг юқори даражада фойда олиш учун қанча ўзгаришчан ресурсларни ишлатишимиз керак?». 10.5-жадвал ва 10.6-чизма ушбу ҳолатда энг мақбул қондани қабул қилишга имкон беради: ресурслардан фойдаланишни $MR \geq MC$ даражасигача кўпайтириш лозим. Бошқача қилиб айтганда, қўшимча бирликдаги махсулот ишлаб чиқариш ҳудди

шу махсулот бирлигига оладига қўшимча фойдамиздан кўп бўладиган ҳолатда уни ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлмайди. 10.5-жадвалда маржинал даромад (P_y) \$3 ни ва 12 бирлик махсулот ишлаб чиқарилгунга қадар қўшимча махсулот ишлаб чиқариш учун маржинал харажатлардан кўпни ташкил этди. Бу нуктагача 12 бирлик махсулот ишлаб чиқариш учун харажатларни \$4 га кўпайтириш зарур, лекин биз бу махсулотни ишлаб чиқариш учун \$3 олганмиз. Ўз-ўзидан маълумки, бу ўша бирликдаги махсулотни ишлаб чиқаришни иқтисодий жиҳатдан самарасиз қилиб қўяди. Бу 10.4-чизмадаги (1) нуктадир.

Бу даража учун соф фойда ҳудди шу даража учун ўртача тўла харажатлардан фойдаланиш йўли билан, уни ялпи махсулотнинг (P_y) ўртача ўлчамидан айриб ташлаш йўли билан, кейин уни махсулот чиқиш даражасига кўпайтириш йўли билан топилиши мумкин. Бу мисолда 2-16 чизмадаги фойда \$2.36 ни ташкил қилади ва P_y эса \$3 ни ташкил қилади. Шундай қилиб ҳар бир бирлик учун соф даромад 64 центни ташкил этади. 64 цент 11 бирликка кўпайтирилганда \$7.04 ни, яхлитлаб олинганда эса \$7 ни ташкил қилади ва бу аввал айтиб ўтилган $MRP = MFC$ ёки $TR = TC$ ўхшашлигини исботлайди.

⁵ «Marginal» сўзи қўлланилган жойига қараб чегаравий, қўшимча, турлича, ажратилган деб таржима қилиниши мумкин. Ушбу ҳолатда чегаравий ёки қўшимча деган сўзлар энг яқин келади.

10.5-жадвал. Натижавий ёндашишга асосланган ҳолда қарор қабул қилиш учун маълумот


таҳмин	X	Y	AFC	AVC	ATC	MC	MR
$P_x = 4\$$	0	0	-	-	-		
						\$ 4.00	\$3.00
$P_y = 3\$$	1	1	\$ 10.00	\$ 4.00	\$ 14.00		
						1.00	3.00
$TFC = 10 \$$	2	5	2.00	1.60	3.60		
						1.00	3.00
	3	9	1.11	1.33	2.44		
						2.00	3.00
	4	11	0.91	1.45	2.36		
						4.00	3.00
	5	12	0.84	1.67	2.51		
						-4.00	3.00
	6	11	0.91	2.18	2.09		

Қарор қабул қилувчи шахс даромад ёки харажат қисмига эътибор беришидан қатъий назар юқорида кўрсатилганидек, иккала кўрсаткич ҳам бир хил.

Бу алоқаларга қуйидагилар далил бўлади:

Қарор қабул қилиш

Харажат бўйича ёндашув	Натижавий ёндашув
$MRP = MFC$	$MC = MR$
$MRP = P_x$	$MC = P_y$
$MPP \times P_y = P_x$	$P_x = P_y$
$\frac{dY}{dX} \times P_y = P_x$	MPP
$dY \times P_y = dX \times P_x$	$P_y = P_y$
(Ялпи маҳсулотнинг қўшилган киймати реурсларга қўшилган қўшимча харажатларга тенг бўлиши керак)	$\frac{dY}{dX} \times P_x = P_y$
	$dY \times P_x = dY \times P_y$
	(Харажатларнинг қўшилган киймати ялпи маҳсулотнинг қўшилган кийматига тенг бўлиши керак)



10.2. Ресурслар чекланган шароитда қарорлар қабул қилиш

Ресурсларнинг чекланганлиги энг аввало капитал ёки ернинг етишмаслигида намоён бўлади. Шунинг учун ресурслардан энг юқори даромад оладиган даражада фойдаланиш лозим. Чекланган ресурслар шароитида иккита ўзаро боғлиқ концепция, яъни, муқобил харажатлар *opportunity cost*(қайтим) ва эквомаржинал қайтим таъмоили *equimarginal return* концепциялари фойдали бўлиб қолади. Муқобил харажатлар «биз кўзда тутган ишимизни амалга ошириш учун нимадан воз кечишимиз мумкин» деган савол орқали аниқланади ёки иқтисодий тил билан айтганда «ресурслардан муқобил фойдаланиш натижасида йўқотилган натижа»дир. АҚШда талабалар асосан таълим олиш, яшаш, овқатланиш, китоб сотиб олиш ва бошқа шу каби харажатлардан кўпроқ азият чекишади. Лекин бир вақтнинг ўзида талаба ўқиш давомида ишлаб топмаётган даромадидан бўладиган йўқотишлар тўғрисида қайғурмайди. Даромаддаги йўқотишлар таълим олиш учун қилинадиган харажатлар каби реалдир. Шундай қилиб, талаба ўқиш учун бир йилда 3000-4000\$ тўлаши билан бир вақтда йилига йўқотилган даромад ёки муқобил харажатлар учун 6000-8000\$ тўлайди. Шундай қилиб, бир йиллик тўлиқ харажатлар 9000-12000\$ ни ташкил этади.

Қарор қабул қилишда муқобил харажатлар концепциясидан фойдаланиш ресурслар чекланган шароитда муқобил харажатларни минималлаштиришга асосланади. Бошқача қилиб айтганда, ресурсларни маржинал даромад ва қайтим энг юқори бўлган жойда ишлатишга ҳаракат қилинади.

Юқорида муҳокама қилинганларни ўзида жамлаган концепция маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ хўжаликнинг ҳар бир фаолияти бўйича тенг маржинал қайтимни таъминлай оладиган даражада чекланган ресурслар ишлатилганда даромад энг юқори бўлишини белгилайдиган эквомаржинал қайтим таъмоилига асосланади. Масалан, 2-11 жадвалда мисол келтирилган хўжаликларни ресурслар билан таъминловчи магазин истеъмолчиларга ўз таклифини кенгайтириш учун тўрт имкониятга эга. Сарфланган инвестиция ҳисобига қутиалётган қайтим(даромад) ҳар бир

қўшимча 1000\$ инвестиция ҳисобига олинган қўшимча маржинал маҳсулотни ўзида акс эттиради. Бундай ҳолатда ҳар қўшимча 1000 \$ инвестиция харажатларнинг маржинал омили(marginal factor cost) сифатида қаралиши мумкин.

Жадвалга кўра агар менежер 20000\$ га эга ва уни чекланмаган ресурс деб ҳисоблаш мумкин бўлса, унинг 8000 \$ кимёвий воситалар учун инвестиция қилинади, чунки келгусидаги ҳар қандай инвестиция 1000 \$ дан кам даромад келтиради. Ўғит, боғдорчиликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва дизель ёкилғиси учун инвестициялар 5000, 2000, 5000\$ ни ташкил этади.

Агар менежер фақат 9000\$га эга бўлса, уни фақат энг юқори даромад келтирадиган жойга сарфлаши керак. Дастлабки 1000 \$ кимёвий воситалар учун инвестиция қилиниши керак, чунки бу соҳадан 2100\$ даромад олинади. Иккинчи 1000\$ ни ҳам кимёвий воситалар учун инвестиция илиш маслаҳат берилади, чунки бундан даромад бошқа 3 муқобил йўналишларга сарфланганда олинishi мумкин бўлган даромадлардан, яъни 1450\$, 1080\$, 1800\$ дан юқорирокни, яъни 2000 \$ ни ташкил қилади. Шундай қилиб, 5000 \$ ни кимёвий воситаларга, 1000\$ ни ўғитга, дизель ёкилғиси учун 3000\$ сарфланади ва боғдорчиликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ҳеч қандай маблағ сарфланмайди. Таъкидлаш жоизки, мавжуд тақсимлаш тизимида ялпи маҳсулотнинг маржинал баҳоси 1450 \$ ни ташкил қилади. Ўз-ўзидан маълумки, бундай қарорлар кундалик иш учун эмас, балки узоқ муддатли истикбол учун қабул қилинади.

Муқобил харажатлар, эквомаржинал даромад тамойили ва чекланган харажатлар тўғрисида мунозарани яқунлашдан олдин қуйидагиларни таъкидлаш керак:

1. Ресурслар чекланган ҳолатда иқтисодий таҳилда фойдаланиладиган харажат ёки баҳо кўрсаткичлари бизнинг R_x ҳолатимизда улар учун тўлайдиган ўлчамларга автоматик тарзда тенглаштирилмаслиги керак. Бу ўлчам ишлаб чиқариш жараёнида маълум бир турдаги ресурсни ишлатиш туфайли ололмаган даромадимизга тенг бўлиши керак.. Агар олинмаган даромад R_x дан кам бўлса, фақат шу ҳолатда R_x бизнинг менежерлик таҳлилимизда фойдаланиш мумкин бўлган энг мақбул баҳо ҳисобланади.

2. Чекланган ресурслар концепциясининг физик ва иқтисодий жиҳатлари ишлаб чиқариш ва таннарх жиҳатлари каби муҳимдир. Ресурслар сон жиҳатдан чекланган бўлиши мумкин, масалан ишга олиш мумкин бўлган 1000та эркак ва аёл мавжуд. Қарор қабул қилишда харажат ва даромадларни тенглаштириш қоидаси бизга фақат 750 кишини ишга қабул қилиш мумкинлигини эслатиб туради. Таъкидлаш жоизки, бу ресурслар иқтисодий жиҳатдан чекланмаган ресурслар ҳисобланади. Бунда гап менежер 100 кишини ишга олиши мумкинми ёки мумкин эмасми деган масала устида эмас, балки фойдали ишлаб чиқариш даражасига эришиш учун етарли даражада одам ёллаш мумкинми деган масала устида кетади.

Атама ва иборалар

Фойда, ресурс, чекланган, чекланмаган, қарорлар қабул қилиш, харажатлар, натижавий ёндошув, харажат ёндашуви, муқобил харажатлар, эквomarжинал қайтим, ишлаб чиқариш.

Назорат саволлари

1. Харажатларнинг маржинал омили(marginal factor cost) нима?
2. Чекланмаган ресурслар шароитида қарорлар қабул қилиш нимага асосланади? График тарзда тушунтиринг
3. Натижавий ёндашув харажат ёндашувидан нимаси билан фарқ қилади?
4. Чекланган ресурслар шароитида қарорлар қабул қилиш нимага асосланади?
5. Муқобил харажатлар нима? Муқобил харажатларга мисоллар келтиринг.
6. Эквomarжинал қайтим(equaimarginal return) таъйини нима? Мисоллар келтиринг.

Адабиётлар рўйхати

1. Kenneth L. Casavant, Craig L. Infanger, Economics and Agricultural Management: An Introduction

ХЎЖАЛИК НАЗАРИЯСИ: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА РЕСУРСЛАР ВА МАҲСУЛОТ ОРАСИДАГИ ФИЗИК ВА МОЛЯВИЙ БОҒЛИҚЛИК

11.1. Ишлаб чиқариш жараёнидаги харажатлар ва маҳсулот орасидаги физик нисбат.

«Иккита ресурс / битта маҳсулот» ишлаб чиқариш функциясидаги алоқага мисол. Айтайлик, A маҳсулот факат Y ва X ресурслардан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқарилди. Иккала ресурс ҳам, маҳсулот ҳам турличадир (масалан, ўғит ва ғалла) ва кичкина қисмларга бўлиниши мумкин. Олинаётган амҳсулот максимуми ва ишлатилаётган иккита ресурснинг микдори орасидаги нисбатни биз рамзий тарзда қуйидаги кўринишда тасвирлашимиз мумкин:

$$A = f(x, y) \quad (1)$$

бу ерда: a маълум вақт оралиғида ишлаб чиқарилган маҳсулот микдори, x ва y мана шу вақт оралиғида ишлатилган ресурслар микдори.

(1)- тенглама A маҳсулотнинг ишлаб чиқариш функцияси ёки ишлаб чиқарилган A маҳсулот мустақил ўзгарувчилар бўлган X ва Y ресурсларининг микдорига боғлиқ. Масалан, битта маҳсулот ва иккита ресурс ўртасидаги функционал боғлиқлик қуйидагича бўлади:

$$a = 1/2 x^{1/2} y^{1/2}$$

бундан кўриниб турибдики, маълум вақт оралиғида A маҳсулотнинг чиқиши ишлатиладиган Y ресурс микдори квадрат илдизига кўпайтирилган X ресурс квадрат илдизининг ярмига тенг. Масалан, агар $x=4$ бирлик ва $y=9$ бирлик бўлса, маҳсулот чиқиши $1/2 \times 2 \times 3 = 3$ бирлик A , агар $x=16$ бирлик ва $y=4$ бирлик бўлса, олинган маҳсулот $1/2 \times 4 \times 2 = 4$ га тенг бўлади ва ҳоказо.

Ишлаб чиқариш функциясини микдорий ифодалаш учун асосни шакллантирадиган A маҳсулот ва X ҳамда Y маҳсулот орасидаги функционал боғлиқлик бу бўлимда қуйидаги формула билан ифодаланган:

$$a = x^{2/3} y^{2/3} \quad (2)$$

1-чизмада ишлаб чиқариш функциясининг график кўриниши тасвирланган.

Иккала тенглама- $a = 1/2 x^{1/2} y^{1/2}$ и $a = x^{2/3} y^{2/3}$ ишлаб чиқариш функциясини акс эттиради ва Коб-Дугласс⁶ номи билан машхур. Бу тенглама иктисодчилар томонидан ресурслар ва маҳсулот чиқиши орасидаги боғлиқликни баҳолашда фаол қўлланилган. Бу тенглама кўпгина типик ишлаб чиқариш функция ҳолатларини тасвирлаш имконини беради ва математик тил ёрдамида тасвирлаш учун қулай.

Ресурслар/маҳсулот нисбатинининг асосий характеристикаларини 3 та категорияга бўлиш мумкин:

а) бир ресурс ва маҳсулот орасидаги боғлиқлик бошқа ресурслар микдори ва ишлатилишн ўзгармаганда омил/маҳсулот боғлиқлиги деб аталади;

⁶ Cobb, C.W. & Douglas, P.H. "A theory of Production." American Economics Review, 1928.

- б) бир ресурс билан иккинчи ресурс орасидаги боғланиш маҳсулот чиқиш микдори ўзгармасдан колса омил/омил боғлиқлиги деб аталади;
 с) маҳсулот ва ўзгармас ресурслар орасидаги боғлиқлик *returns to scale* сифатида аникланади.

Барча колган ресурслар доимий бўлган шароитда ялпи маҳсулот ва бир турдаги харажат орасидаги график боғлиқлик тўла маҳсулот эгри чизиги *total product curve* (TP) сифатида маълум.

Ишлаб чиқариш жараёнида ресурслар ва маҳсулот орасидаги молиявий боғлиқлик

Авалли маърузада маҳсулот чиқиши ва харажатлар ўртасидаги физик боғлиқлик кўриб чиқилган эди. Бу маърузада эса асосан молиявий боғлиқликлар, шунингдек, маҳсулотнинг тўла қиймати, маҳсулотнинг чегаравий(маржинал) баҳоси, омилнинг тўла баҳоси каби индикаторлар ҳам кўриб чиқилади. Маъруза материаллини тушунтириш услубиёти сифатида математик ёндашувлар ва чизмалардан фойдаланилади. Ишлаб чиқаришнинг ўзгармас ва ўзгарувчан омиллари билан боғлиқ харажатлар кўриб чиқилади. Хўжаликларнинг бозор таклифи таклиф функцияси сифатида акс эттирилади.

11.2.«Иккита ресурс / бир маҳсулот» ишлаб чиқариш функциясида харажатлар, ялпи маҳсулот ва фойда

Авалли мавзуда кўриб ўтилган мисолда соддалаштирилган «Иккита ресурс/бир маҳсулот» ишлаб чиқариш функцияси кўрсатиб ўтилган эди. Энди эса бу функцияга X ва Y (P_x ва P_y) ресурсларининг ва олинган $A(P_a)$ маҳсулот нархи тўғрисидаги ахборотни қўшамиз. Айтайлик, нархлар қуйидагича:

$P_x = 4\$$ бир бирлик учун; $P_y = 8\$$ бир бирлик учун; ва $P_a = 20 \$$ бир бирлик учун

Баҳоларни ўзгармас деб ҳисоблаймиз.

Маълум вақт оралиғида ресурсларнинг пул кўринишидаги умумий қиймати маҳсулот учун сарфланган умумий харажатлар деб аталади (*total cost TC*).

$$TC = P_x x + P_y y = 4x + 8y$$

Бу ерда x ва y маълум вақт оралиғидаги X ва Y ресурсларнинг микдорий кўриниши ҳисобланади.


Маълум вақт оралиғида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий қиймати ишлаб чиқаришнинг умумий ялпи маҳсулоти деб аталади (*total revenue TR*),

$$TR = P_a a = 20a$$

Бу ерда a A даври мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот микдори.


Фойда F ялпи маҳсулот ва ишлаб чиқариш учун тўла харажатлар орасидаги фарк орқали аникланади:

$$F = TC - TR = 20a - 4x - 8y$$



Бошқа ресурслар ўзгармай колганда умумий ялпи аҳсўлот ва бир ресурсдан муқобил фойдаланиш орасидаги бoғлиқлик махсўлот тўла киймати эгри чизиги деб аталади (*total value product TVP*). Мас равишда, бошқа ресурслар ўзгармасдан колган шароитда бир ресурснинг ўзгаришида махсўлот умумий кийматининг ўзгариш даражаси махсўлотнинг чегаравий (маржинал) баҳоси (*marginal value product MVP*) деб адалади.


Баҳони махсўлот миқдорига кўпайтириш йўли билан умумий ва маржинал махсўлот эгри чизигини баҳо бирликларига ўзгартирилганда X ресурс учун TVP ва MVP эгри чизиклари ҳосил бўлади ва 8 бирликка тенг Y ресурс ўзгармасдан қолади (11.1-чизма). Масалан, X ресурсдан фойдаланиш даражасини 4 бирликка тенг деб олсак, 7.2-чизмада махсўлотнинг умумий ҳажми 4 бирликка, маржинал махсўлот эса 0,4 га тенг бўлади. Махсўлот бирлигининг нархи 20 \$ га тенг бўлса, махсўлотнинг умумий киймати 80 \$ га, $x=4$ бўлган шароитда



махсўлотнинг маржинал баҳоси 8 \$ ни ташкил қилади. 11.2-чизмадан кўриниб турибдики, MVP TVP нинг букилиши ҳисобланади ва X нинг баҳоси (харажатларнинг маржинал омили) TFC нинг букилиши ҳисобланади.

Ресурслар учун тўлиқ тўланган баҳо ва ресурслар миқдори орасидаги бoғлиқлик омилининг тўла омили (*total factor cost TFC*) деб аталади.



X ресурси омилининг тўла киймати 11.1-чизмада X ресурсдан фойдаланишнинг ҳар бир муқобил даражасини унинг нархига кўпайтириш йўли билан олинган TFC_x чизиги остида кўсатилган. Шунинг учун нарх $x=10$ бўлганда X ресурсининг баҳоси $10 \times 4\$ = 40\$$ ни ташкил қилади.



Маҳсулотнинг умумий баҳоси X ресурсига килинган умумий харажатдан анча кўп бўлганда X ресурсдан фойдаланишдан олинган юнг юкори даромад даражаси 11.1-чизмада TVP эгри чизиғига $TFCx$ чизиғига бир неча бурчак остида уринма ўтказиш йўли билан кўрсатилган. Бу нуқта x тахминан 12,7 бирликка тенг бўлганда TVP эгри чизиғида пайдо бўлади.

11.2. Харажатлар, ялпи маҳсулот ва «иккита ресурс /битта маҳсулот» ишлаб чиқариш функциясидаги фойда.

Иккита ресурсдан фойдалилганда тайёр маҳсулот ўзгариши шароитида харажатлар ва ялпи маҳсулот киймати орасидаги боғлиқликни кўриб чиқамиз. 11.3-чизмада $a=1$ дан $a=7$ гача бўлган маҳсулот даражаси учун ресурслар комбинацияси кўрсатилган, эгри чизик унинг хар бир даражаси учун харажатларнинг энг кам изоквантаси (iso-cost) топиш оркали чизилган.



«Минимал» сўзи жуда муҳим, чунки ялпи маҳсулот ва харажатлар ўртасидаги боғлиқлик маҳсулотнинг ҳар бир танланган ишлаб чиқариш даражаси учун энг кам харажат усули билан кузатиб борилади. Бу боғлиқлик одатда умумий харажатлар эгри чизиғи орқали аниқланади ва шунинг учун минимум сўзи зарур.

Ялпи маҳсулот қиймати *total revenue (TR)* эгри чизиғи маҳсулотларнинг муқобил миқдорини сотишдан олинган пул миқдорини кўрсатади. Энг юқори фойда ялпи маҳсулотнинг тўла қиймати уни ишлаб чиқариш харажатларидан энг юқори даражада ортиқ бўлганда пайдо бўлади. Бизнинг мисолимизда А маҳсулотнинг чиқиши 4 бирликни ташкил этиб, 80\$ лик умумий қийматни берганда (ишлаб чиқишнинг энг кам харажатлари усули шароитида 4 бирлик А маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 8 бирлик Х ва 4 бирлик Y ресурс танланган) ва тўла харажатлар 64 \$ ташкил қилади. Шу сабабли энг юқори даражадаги фойда 16 \$ ни ташкил қилади.

11.1-жадвал

маҳсулот (А бирлик)	1	2	3	4	5	6	7
Умумий харажатлар \$	11.3	26.9	44.7	64	84.6	106.2	128.9
Ялпи маҳсулотнинг умумий қиймати \$	20.0	40.0	60.0	80	100	120.0	140.0
Фойда (TR – TC) \$	8.7	13.1	15.3	16	15.4	13.8	11.1
Маржинал харажатлар \$	14.1	16.8	18.6	20	21.1	22.1	23.0
Маржинал ялпи маҳсулот \$	20.0	20.0	20.0	20.0	20.0	20.0	20.0

Source: Production Function $a = x^{2/5} y^{2/5}$, $P_a = 20$ \$ бир бирлик учун, $P_x = 4$ \$ бир бирлик учун, $P_y = 8$ \$ бир бирлик учун.

11.5-чизма маржинал даврда харажатлар ва баҳо ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади. Маржинал харажатлар (*Marginal Cost MC*) маҳсулот чиқиши кўпайишида тўла (энг кам) харажатларнинг кўпайиш даражаси ҳисобланади. Маржинал ялпи маҳсулот *marginal revenue (MR)* маҳсулот чиқиши кўпайганда умумий ялпи маҳсулот баҳосининг кўпайиш даражаси ҳисобланади. Агар маҳсулотнинг нархи доимий бўлиб қолса, бир бирлик учун 20 \$ бўлган ҳолатда ялпи маҳсулотнинг маржинал баҳоси доимо маҳсулот нархига тенг бўлади, ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги учун 20 \$ га тенг даражада маҳсулотнинг умумий қиймати ортиб боради. Агар маржинал харажатлар маҳсулотнинг маржинал баҳосидан кам бўлса, маҳсулот чиқишнинг оз миқдорда кўпайиши умумий қийматга умумий зараратлардан кўра кўпроқ миқдорни қўшилишига имкон беради ва бу фойдани кўпайтиради. Ва аксинча, агар маржинал харажатлар маҳсулотнинг мажннал баҳосидан кўп бўлиб кетса, маҳсулот чиқишнинг оз миқдорда кўпайиши


ялпи махсулотдан кўра умумий харажатларга кўпроқ қўшади ва келгусида фойдани камайтиради.

Шундай қилиб, маржинал алокаларга боғлиқ ҳолда, маржинал харажатлар ялпи махсулотнинг маржинал баҳосига тенг бўлган шароитда фойда энг юкори даражага кўтарилади.

Энди ялпи махсулотнинг чиқиши бир ёки икки турдаги ресурснинг ўзгаришига эмас, балки қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган барча ресурсларга қандай акс таъсир қилиш ҳолатини кўриб чиқамиз. Бу ҳолатда, биринчидан, харажатлар ишлаб чиқаришнинг ўзгармас омиллари билан бирга бўлади ва ўзгармас харажатлар (*fixed cost*), деб аталади, иккинчидан, ўзгарувчан харажатлар дастлаб кўпайиб, кейинчалик камайишни намоён қиладиган ишлаб чиқариш ресурслари масштабида ишлаб чиқаришнинг маржинал харажатлари дастлаб камаяди.

Харажатларнинг бундай таркиби 11.6-чизмада акс эттирилган. 11.6-чизмада ўзгармас харажатлар FC горизонтал чизиғи Билан ифодаланган ва ўзгарувчан омиллар (*variable cost*) билан боғлиқ бўладиган харажатлар ўзгармас харажатларга қўшиб қўйилган ва умумий харажатлар (*total cost curve*) эгри чизиғида акс эттирилади. Умумий харажатлар дастлаб кам миқдорда ортиб боради ва кейинчалик кўпаяди. Маржинал харажатлар ҳам мос ҳолда камаяди ва q_2 нуктада энг паст даражага етади.


11.7-чизма махсулот ишлаб чиқаришнинг ўртача харажатларини *average cost* (AC) акс эттиради. Махсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун ўртача харажатлар тўла харажатлар миқдорини махсулот бирлигига бўлиш орқали аникланади.



11.6-чизма

11.6-чизмадан кўриниб турибдики, ҳар бир навбатдаги чизик тўла харажатлар эгри чизиғининг тобора баландроқ нуктасида ўтказилган шароитда бир неча шундай чизиклар ўтказилса, ҳар бир навбатдаги чизикнинг эгилиши биринчидан, аввалгисидан кўра кам, лекин охир оқибатда ҳар бир навбатдаги чизик каттарок эгилишга эга бўлади. Ўртача харажатлар ялпи махсулотнинг q_4 нуктасида энг паст даражага (минимумга) эришади, бу

ерда чизикнинг эгилиши ТС эгри чизиги бошидан бошланади ва бу эгри чизикка уринма ҳисобланади. Шундай қилиб, мазкур ўртача харажатлар ўртача харажатлар эгри чизигининг энг қуйи нуқтасидаги маржинал харажатларга тенг бўлиши керак.



11.7-чизма

11.3. Қишлоқ хўжалигида таклиф ва хўжалик юртишнинг вазифалари

Хўжалик юртиш назарияси бўйича олдинги бўлимларда кўриб ўтилган материаллар бу бўлимда ривожлантирилаётган қишлоқ хўжалигида таклиф масаласига асос бўлиб хизмат қилди. Таклиф қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти миқдори маълум вақт ичидаги, маълум ҳолатларда сотиш учун таклиф қилинаётган маҳсулот ҳисобланади. Хўжалик қишлоқ ўжалиги ишлаб чиқаришида ресурслардан фойдаланиш йўли билан қишлоқ маҳсулотлари етиштилади.

Биз таклиф функцияси орқали рамзий равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоридаги таклифга таъсир қиладиган асосий омилларни санаб ўтишимиз мумкин.

$$Q_s = f(T, P_p, P_1 \dots n, I_1 \dots m, O, N, R)$$

Бу ерда,

Q_s - маълум вақт оралиғидаги бозорда таклиф қилинган қишлоқ хўжалик маҳсулоти миқдори;

T - ишлаб чиқаришда фойдаланилган технологияга асосланган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш функцияси;

P_p - маҳсулот нархи;

$P_1 \dots n$ - бошқа n маҳсулотлар нархи;

$I_1 \dots m$ - m харажатлар миқдори;

O - хўжалик вазифаси;

N - бозорга маҳсулот ишлаб чиқариш билан шугулланаётган хўжаликлар

сони;

R -бозорни маҳсулот билан таъминлайдиган хўжаликлар таркалиш ўлчами, баъзан қишлоқ хўжалиги индустрияси таркиби деб ҳам аталади.

Шу пайтгача биз барча омилар харажатлар ва ялпи маҳсулот муносабатларида ишлаб чиқариш муносабатларига биргаликда таъсир қиладиган шароитда функциянинг биринчи тўртта омилини кўриб чиқдик. Кўриб чиқилган индивидуал хўжалик фаолияти назарияларини тўлдириш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг яна бир келгусидаги жиҳатини-хўжаликнинг мақсад ва вазифаларини кўриб чиқиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, технологик ва баҳо муҳитида айнан мана шу маҳсулотни ишлаб чиқаришга хўжаликни нима мажбур қилмоқда, бу маҳсулотни қанча миқдорда, қандай йўл билан ишлаб чиқариш керак деган масалаларни тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Индивидуал хўжалик таклифи назарияси бозор таклифи назарияси даражасигача кенгайтирилаётганда иккита омил-хўжаликлар миқдори ва қишлоқ хўжалиги индустрияси ҳажмини киритиш лозим.

Атама ва иборалар

Харажатлар, маҳсулот, чегаравий нарх, ялпи маҳсулот, фойда, омилнинг тўла қиймати, маржинал харажатлар, маржинал ялпи маҳсулот, ўзгармас харажатлар, ўзгарувчан харажатлар.

Назорат саволлари

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришида харажатлар, ялпи маҳсулот ва фойда қандай ҳисобланади?
2. Маҳсулотнинг чегаравий(маржинал) баҳоси(*marginal value product MVP*) деб нимага айтилади? Графикда кўрсатинг.
3. Омилнинг тўла қиймати (*total factor cost TFC*)деб нимага айтилади? Графикда кўрсатинг.
4. Графикда ялпи маҳсулот(*total revenue TR*) умумий қиймати эгри қизигини кўрсатинг.
5. Маржинал харажатлар(*Marginal Cost MC*) деб нимага айтилади? Графикда кўрсатинг.
6. Маржинал ялпи маҳсулот (*marginal revenue MR*) деб нимага айтилади, бу кўрсаткич маҳсулотнинг чегаравий нархидан нимаси билан фарқ қилади?
7. Ўзгармас(*fixed cost*) ва ўзгарувчан (*variable cost*)харажатлар деб нимага айтилади?
8. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоридаги таклифга таъсир қилувчи асосий омилар қайсилар?

Адабиётлар рўйхати

1. Christopher Ritson, *Agricultural Economics: Principals and Policy*, pp. 70 - 119
2. David Begg, Stanley Fischer, *Economics*
3. Kenneth L. Casavant, Craig L. Infanger, *Economics and Agricultural Management: An Introduction*

ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН МЕЪЁРИЙ МЕЗОНЛАР


12.1. Статик самарадорлик

Атроф муҳит кийматини ўзгартириш усулини танлаш муқаррар бўлганлиги сабабли, турли усуллардан энг мақбулини танлаш жуда муҳимдир. Биз дастлаб аниқ бир вақт учун ресурсларни тақсимлашда фойдаланиладиган мезонни қўриб ўтамыз. Сўнг кенгрок қўламни камраб оламыз ва кўйинчалик нафақат ҳозирги, балки келажак авлодга ҳам таъсир этувчи қарорларни қабул қилиш мезонларини қўриб ўтамыз.

Аниқ бир вақтда рўй берувчи турли тақсимотлар орасида танлаш учун меъёрий иқтисодиётнинг бош мезони **статик самарадорлик** (*static efficiency*) дейилади. Ресурслардан фойдаланиш ҳисобига тақсимот соф фойдани кўпайтирса, ресурслар тақсимоти статик самарадорлик мезонига жавоб беради, деб ҳисобланади. Соф фойда - фойданинг тақсимот келтириб чиқарган харажатлардан ортиқ қисмидир. Лекин фойда ва харажатларни қандай аниқлаш мумкин?

Фойдани ўрганилаётган ресурс учун талаб эгри чизиғи бўйича аниқлаш мумкин. Талаб эгри чизиғи турли нархларда инсонлар сотиб олишга тайёр бўлган муайян маҳсулотнинг миқдорини белгилайди. Одатда, инсонлар товар (ёки атроф муҳит хизмати) нархи қанчалик юқори бўлса, уни шунчалик камроқ сотиб оладилар. 12.1 чизмадан кўриниб турибдики, товар нархи p_0 тенг бўлганда u q_0 миқдорда сотиб олинади, лекин унинг нархи p_1 га ошса, уни харид қилиш q_1 гача камаяди.


Талаб эгри чизиғи мазмунини гипотетик (фаразли) мисол ёрдамида акс эттириш мумкин. Фараз қилайлик, сиздан «Агар Y товар нархи X сўмни ташкил этса, сиз ундан қанча сотиб оласиз?» деб сўралди. Сизнинг жавобингизни XY текисликдаги нукта билан белгилаш мумкин. Нархнинг турли кийматлари учун бу саволни кўп маротаба такрорлаб, текисликда кўплаб нукталарга эга бўламыз. Бу нукталарни бирлаштириб, бир харидор учун **талаб эгри чизиғи** (*demand curve*) ни ҳосил қиламыз.



12.1.расм. Индивидуал талаб эгри чизиғи.

P – товар нархи (бир бирлик товар учун сўмда),

Q – товар миқдори (бирликлар).



12.2 расм. Талаб ва тўлашга бўлган хохишнинг нисбати

R – баҳо (товар бирлиги учун сўм),


Q – миқдори (бирликлар),

S – тўлашга бўлган умумий хохиш

Хариднинг ҳар бир миқдорига мос равишда бозор талабни эгри чизиғидаги нукта маълум бир харидорнинг товарнинг охириги бирлиги учун тўлашга тайёр бўлган пул миқдорини билдиради. Мазкур товар миқдори, айтишлик, уч бирлиги учун ҳақ тўлашга умумий хохиш (*total willingness to pay*) уч бирлигининг ҳар бири учун ҳақ тўлаш истагининг йиғиндисидир. Яъни 3 бирлик учун тўлашга бўлган умумий хохиш мос равишда 1, 2 ва 3 бирликлар учун тўлаш истагининг йиғиндисидир. Бу фикрни умумлаштириб таъкидлаш мумкинки, тўлашга бўлган умумий хохиш бу бозор талаби эгри чизиғининг пастки ва харид кийматидан чапдаги юза. Мисол учун, 12.2 расмда 5 бирлик товарга ҳақ тўлаш умумий истаги чизмадаги штрихланган юзага тенг. Тўлашга умумий хохиш – бу умумий фойдани аниқлаш учун фойдаланиладиган тушунча. Яъни умумий фойда (*total benefits*) бозор талаби эгри чизиғи остидаги ва бошланғич нуктадан маълум кийматгача бўлган юзага тенг.

Мазкур координаталар системасида харажатларни ҳисоблаш мантикий жихатдан умумий фойдани ҳисоблаш билан бирдек. Таъкидлаш жоизки, атроф муҳит инсон иштирокисиз яратилган бўлса ҳам маълум кийматга эга. Барча харажатларни сарфланиши мумкин бўлган харажатлар сифатида тушуниш лозим.

Атроф муҳит хизматларининг ўзгарувчан харажатлари (*opportunity cost*) йўқотилган соф фойдага тенг, чунки хизматни таъмин этувчи ресурслар бундан буён фойда олиш максаларида фойдаланилиши мумкин эмас. Ресурсларни бошқа максалларда ҳам қўллаш мумкин бўлса, улар маълум кийматга эга бўлади. Масалан, фараз қилайлик, дарёнинг бир қисми каноз бўйича машқлар ўтказиш ёки электр токи ишлаб чиқариш учун фойдаланилиши мумкин. Электр токи ишлаб чиқариш учун керак бўлган тўсик (дамба), дарё қирғоқларини сув босишини келтириб чиқариши сабабли, бу икки мақсад ўзаро зиддир. Дарёни каноз машқлари учун сақлашнинг ўзгарувчан харажатлари электр токи ишлаб чиқаришдан йўқотилган соф фойдага тенг (ишлаб чиқариш ва тақсимлаш баҳоси ҳисоблангандан сўнг).



12.3. расм. Маржинал ва умумий харажатлар нисбати.


R- харажатлар (товар бирлиги учун сўм),

Q- миқдори (бирликлар),

S- умумий харажатлар.

Харажатларни график кўринишда акс эттириш учун чекланган ёки ўзгарувчан маржинал харажатлар эгри чизиғи (*marginal opportunity cost*) ва бунга мос равишда тўлаш истаги маржинал функциясидан (*marginal willingness-to-pay function*) фойдаланамиз. Ўзгарувчан маржинал харажатлар эгри чизиғи маҳсулотнинг охириги бирлигини ишлаб чиқариш учун қўшимча харажатларни белгилаб беради. Соф рақобат бозори шароитида, ўзгарувчан маржинал харажатлар эгри чизиғи таклиф эгри чизиғи билан бир хил кўринишга эга бўлади. Умумий харажатлар (*total cost*) бу маржинал харажатлар йиғиндисиدير. 3 бирлик товарни ишлаб чиқаришнинг умумий харажатлари товарнинг 1-, 2- ва 3-бирликларини ишлаб чиқариш харажатлари йиғиндисиға тенгдир. Тўлашға бўлган умумий хоҳиш ҳолатидаги каби, умумий харажатлар маржинал харажатлар эгри чизиғи остидаги юзаға тенг (12.3 расмда штрихланган FGIJK юза).

Соф фойда фойданинг харажатлардан ортган кисмини билдиради ва бундан келиб чиққан ҳолда соф фойда таклиф эгри чизиғи остида жойлашган талаб эгри чизиғи остидаги кисмға тенг. 12.2 ва 12.3 расмлардаги ахборотни бирлаштирган 12.4 расмни кўрамиз.



12.4 расм. Соф фойданинг келиб чиқиши

у- нарх (товар бирлиги учун сўмда),
х-товар микдори(бирликлар).

Самарали тақсимотни излаш, айтайлик, 4 бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ихтиёрий даражаси учун соф фойдани белгилаш билан бошланади. Бунинг учун умумий фойда киймати OLMNS га, умумий харажатлар эса OKNS га тенг. Демак, соф фойда KLMN юза билан белгиланади. 4 бирлик самарали тақсимот бўладими? Ҳа, агар у соф фойдани максималлаштирсан. 4 бирлик соф фойдани максималлаштирадими?

Буни текшириш учун, маҳсулот бирлиги 5 тагача кўпайтирилса, нима бўлишини кўрамиз. Графикдан кўриниб турибдики, бу ҳолатда соф фойда MNR га кўпаяди. 5 бирлик самарали бўлиб ҳисобланадими?

Бу саволга жавоб бериш учун, маҳсулот микдорини 6 бирликгача кўпайтирамиз. Графикдан кўринишича, қўшимча харажатлар (PRTQ юза) қўшимча фойда PRUQ га нисбатан кўпроқдир. Демак, RTU учбурчаги маҳсулотлар микдорини 5 тадан 6 тагача кўпайтирганда соф фойданинг канчага камайишини ифода этади.

Маҳсулотлар микдорини кўпайтирганда ҳам, камайтирганда ҳам соф фойда камайганлиги сабабли 5 бирлик соф фойдани максималлаштираувчи киймат бўлиб ҳисобланади.

Ушбу мисолдан келиб чиққан маржинал фойда маржинал харажатларга тенг бўлганда соф фойда максимал даражага етказилиши тўғрисидаги фикр кейинги боблар учун жуда фойдали бўлиб ҳисобланади.

12.2. Динамик самарадорлик

Статик самарадорлик мезони вақт муҳим омил бўлмаганда ресурслар тақсимланишини таққослаш учун жуда фойдалидир. Лекин аслида бугун қабул қилинган қарорлар келгусидаги кўрсаткичларга таъсир кўрсатиши аниқ. Вақт бу омилдир. Тугаб боровчи ресурслар бир марта ишлатилгандан кейин йўқ бўлади. Биологик қайта тикланадиган ресурслар (баликлар ёки ўрмонлар каби) дан хаддан зиёд фойдаланиш уларнинг микдорини чексиз камайтириб юбориши мумкин. Уларнинг энг чидамли турларигина маълум вақт ўтиши билан яна тикланиши мумкин. Турли даврларда фойда ва харажатлар кесишганда танловни қандай амалга ошириш мумкин?

Ушбу вазифани ечишда қўлланиладиган анъанавий мезон **динамик самарадорлик** (*dynamic efficiency*) дейилади. У шу пайтгача қурилган статик самарадорликнинг умумлашган ҳолидир. Бу умумлашувда мезон нафақат фойда ва харажатлар ўлчами, балки уларда вақт оралиғидаги ўзгаришлар тўғрисида ўйлашга ундайди. Ушбу мезон вақт оралиғида олинган турли кўрсаткичларни бирлаштириш учун муайян даврда олинган соф фойданинг бошқа даврларда олинган соф фойда билан таққосланишини таъминлайди. Бундай таққослашга имкон берувчи тушунча **жорий киймат** (*present value*) дейилади. Демак, динамик самарадорликни аниқлашдан олдин, жорий кийматни аниқлаб олишимиз лозим.

Жорий киймат пулларнинг турли вақтлардаги микдорларини аниқ бирлаштиради. Бугун 10 % ставка билан сарфланган 1000 сўм, бир йилдан сўнг 1100 сўмга етади (яъни дастлабки 1000 сўм ва унга қўшилган 100 сўм

фойда). Энди бир йилдан сўнг олинадиган пулларнинг ихтиёрий микдори (х)нинг жорий қийматини аниқлашимиз мумкин $X/(1+r)$, бу ерда r -тегишли фоиз ставкаси.

Икки йилдан сўнг, бизнинг 1000 сўм қанчага кўпаяди? Мураккаб фоизлар эвазига бу микдор $1000(1+r)(1+r) = 1000(1+r)^2$ сўмга тенг бўлади. Бунга кўра, икки йилдаги жорий қиймат $X/(1+r)^2$ тенгдир.

Энди қонуният аён. n йилда олинадиган бир маротаба соф фойданинг жорий қиймати қуйидагига тенг:

$$PV[B_n] = \frac{B_n}{(1+r)^n}$$

бу ерда: B_n – n -йилда олинадиган соф фойда (айрим ҳолларда рента деб номланади);

Даврий равишда n йилда олинадиган соф фойданинг умумий жорий қиймати $\{B_0, \dots, B_n\}$ қуйидагича ҳисобланади:

$$PV[B_0, \dots, B_n] = \sum_{i=0}^n \frac{B_i}{(1+r)^i}$$

бу ерда: r -тегишли фоиз ставкаси, B_0 -тезкор равишда олинадиган соф фойда микдори. Жорий қийматни ҳисоблаш жараёни ҳисобга олиш ёки дисконтлаш (discount) дейилади, r ставка ҳисоб ставкаси ёки дисконтлаш коэффициенти бўлиб ҳисобланади.

Жорий қийматни ҳисоблаш формуласи бўйича олинган рақамлар тўлалигича асосли изоҳга эга. Фараз қилайлик, ҳар 5 йилнинг охири кунда мос равишда 3000, 5000, 6000, 10000, 12000 сўм соф фойда олиш учун пулларимизни сармоя қилдик. Агар фоиз ставкаси 6% (ёки 0,06) га тенг бўлса, у ҳолда бу кетма-кетликнинг жорий қиймати 29210 сўмга тенг бўлиши юқоридаги формула ёрдамида аниқланади.

Бу рақамлар нимзани билдиради? Агар 6 фоизли ставка билан 29210 сўм сармоя қилсангиз ва ҳар беш йилнинг охири кунда мос равишда 3000, 5000, 6000, 10000, 12000 сўм ни қайтариб олсангиз, у ҳолда бу беш йилнинг сўнггида баланс 0 га тенг бўлади. Шундай қилиб сизга, фарқи бўлмаслиги лозим: ҳозир 29210 сўм олиш, ёки беш йил давомида 36000 сўмлик умумий фойда олиш ($36000 = 3000 + 5000 + 6000 + 10000 + 12000$). Шунинг учун ушбу усул жорий қиймат усули деб номланади, чунки у барча нарсани ортга, жорий қийматга ўтказadi.

Энди динамик самарадорликни аниқлаш мумкин. Агар n та даврда ресурсларни жойлаштириб, бу йўллар билан олинishi мумкин бўлган соф фойда жорий қийматини максималлаштира, n вақт оралигида ресурслар жойлашуви динамик жиҳатдан самарали бўлиб ҳисобланади.


Қайта тикланмайдиган ресурсларни жойлаштириш самарадорлигини аниқлаш учун, динамик самарадорлик мезонидан фойдаланиш мумкин. Динамик самарадорлик ресурслардан жорий ва кейинчалик фойдаланишни мувозанатлаш, ушбу ресурслардан фойдаланиш ҳисобига олинадиган соф фойданинг жорий қийматини максималлаштириш жамият мақсади бўлиб ҳисобланишини кўзда тутadi. Бунинг ресурслар фақатгина икки даврда

фойдаланилиши мумкинлигини кўзда тутувчи жуда оддий модел ёрдамида ёритамиз.

Ресурсларга эга бўлиш учун маржинал харажатлар ўзгармас, лекин уларни икки давр оралиғида жойлаштириш учун қайд қилинган таклиф мавжуд бўлган ҳолатдан бошлаймиз. Фараз қилайлик, талаб икки даврда ўзгармас бўлиб ҳисобланади, тўлашга бўлган маржинал хохиш $p=8000-400q$ формула билан берилган, маржинал харажатлар ўзгармас ва бир бирлик учун 2000 сўмга тенг (12.5 расм). Таъкидлаш жоизки, агар умумий таклиф 30 бирлик ёки ундан кўп бўлганда ва биз икки давр билан чегараланганимизда, у ҳолда самарали жойлаштирув фоиз ставкасидан катъий назар ҳар бир даврда 15 бирликдан ишлаб чиқарилган бўлур эди.

Талабни икки даврда кондириш учун таклиф етарли бўлиб ҳисобланади: 1-даврдаги ишлаб чиқариш 2-даврдаги ишлаб чиқаришни қисқартирмайди. Бу ҳолатда статик самарадорлик мезонидан фойдаланиш кифоа қилади, чунки вақт бу масалада муҳим эмас.

Мазкур талаб 30 дан кам, масалан 20 бирлик бўлганда нима рўй беришини кўриб чиқамиз. Самарали жойлаштирув қандай аниқланади? Динамик самарадорлик мезонига мувофиқ, самарали тақсимот бу соф фойда жорий қийматини максималлаштирувчи тақсимотдир. Икки давр учун соф фойда жорий қиймати бу ҳар бир даврдаги жорий қийматлар йиғиндисидир. Аниқ мисолни кўриб чиқиш учун қуйидаги микдорларни оламыз: 1-даврда 15 бирлик ва 2-даврда 5 бирлик. Бу жойлаштирувнинг жорий қиймати қандай ҳисобланади?



12.5 расм. Қайта тикланмайдиган ресурслар жойлашуви.

(a) – 1-давр, (b) – 2-давр.

P – баҳо (бирлиги учун минг сўм),


Q – миқдори (бирликлар), MC – маржинал харажатлар.

Биринчи даврдаги жорий қиймат геометрик шакл талаб эгри чизиғи остида таклиф эгри чизигидан юқорида жойлашган қисмига, яъни 45 минг сўмга тенг. Иккинчи даврдаги жорий қиймат геометрик шакл талаб эгри чизиғининг остида ва таклиф эгри чизиғининг юқорида ётган қисмининг 0 дан 5 гача ўлчамини $1/(1+r)$ кўпайтмасига тенг. Агар $r=0.1$ булса, у ҳолда иккинчи даврдаги соф фойда жорий қиймати 22730 сўм, ҳар икки даврдаги соф фойда жорий қиймати эса 37730 сўмга тенг.

Энди биз хар кандай жойлаштирув учун соф фойда жорий кийматини кандай топишни билиб олдик. Лекин жорий кийматни максималлаштирувчи жойлаштирув кандай топилади. Биринчи усул $q_1 + q_2 = 20$ бўлган q_1 ва q_2 турли ўлчамларни кўриб чиқишдир. Сўнг олинган микдорлардан максимал жорий кийматни топамиз. Лекин бу зерикарли ва мураккаб жараён, шунинг учун бошка усулни таклиф киламиз.

Динамик самарадорлик таксимоти 1 даврдаги охириги бирликдан олинган маржинал соф фойда жорий киймати 2 даврдаги маржинал соф фойда жорий кийматига тенг бўлиш шартига жавоб бериши лозим.

12-расмда икки даврнинг хар бири учун маржинал соф фойда жорий киймати кўрсатилган. Расмда маржинал соф фойда жорий кийматини ифодаловчи эгри чизикларнинг кесишган нуктаси сифатида самарали таксимотни осонлик билан топиш мумкин. Соф фойда умумий жорий киймати самарали таксимот нуктасигача бўлган 1 давр учун маржинал соф фойда эгри чизиги остидаги майдон (А майдон) кўшилган ўнг ўқдан унинг самарали таксимот нуктасигача бўлган 2 давр учун маржинал соф фойдалар жорий киймати эгри чизиги остидаги майдонга (В майдон) тенгдир. Самарали таксимотга эга бўлганлигимиз учун ушбу икки майдон йиғиндиси максималлашади.



12.6 расм. Динамик самарали таксимот.

MNB_1 – 1-даврдаги маржинал соф фойда (бир бирлиги учун минг сўм).

MNB_2 – 2-даврдаги маржинал соф фойда (бир бирлиги учун минг сўм).

PV_1 – 1-даврдаги маржинал соф фойда жорий киймати.

PV_2 – 2-даврдаги маржинал соф фойда жорий киймати.

1 давр – 1-даврдаги микдори.

2 давр – 2-даврдаги микдори.

Самарали таксимот нуктасида икки даврда истеъмол қилинадиган ресурс бирлиги микдори мос равишда 10,238 ва 9,762 га тенг бўлишини

осонлик билан хисоблаш мумкин. Тўловга хошиш функциясига ($p=8000-400q$) ушбу микдорларни қўйиб, $P_1=3905$ сўм ва $P_2=4095$ сўмни ҳосил қиламиз.

12.3. Барқарорлик

Иқтисодий ва экологик ривожланишнинг оқилона нисбатлари муаммосини ҳал қилишда уч асосий ёндашув мавжуд:

1. Инсон факатгина иқтисодий оқилоналикка интилмаслиги лозим, у фойдаланиш ташки самарани келтириб чиқарувчи умумфойдаланиш неъматларига кўпроқ эътибор қаратиши лозим.

2. Иқтисодий ривожланишга бўлган янгича ёндашув бевосита иқтисодий тизимни ва унинг таркибий қисмларини барқарор асосда қайта ишлаб чиқарилишини талаб этади.

3. Вакт ўтиши билан иқтисодий ривожланиш атроф муҳитга нисбатан тобора кўпроқ нейтрал бўлиб бориши, унга бўлган таъсир эса минимумгача туширилиши лозим. Техник минималлашув ишлаб чиқариш фаолияти натижасида атроф муҳитга етказиладиган зиённи минимумгача туширишга қаратилган.

«Барқарор ривожланиш» иқтисодиётнинг экологиялашувини аниқлаш учун асосий тушунча бўлиб ҳисобланади. Атроф муҳит ва ривожланиш муаммолари бўйича Халқаро комиссия томонидан берилган таърифни келтирамиз: «Келажақ авлод эҳтиёжларини қондириш имкониятларини камайтирмаган ҳолда жамиятнинг жорий эҳтиёжларини қондиришга олиб келувчи ривожланишни барқарор деб айтиш мумкин». Таърифда ҳозирги ва келажақ авлод тенглигига эришиш зарурати алоҳида қайд этилган. Бу ижтимоий-иқтисодий ривожланиш табиий ресурсларнинг тугаб бориши ва атроф муҳит ифлосланишининг келажақ авлод учун салбий оқибатларини минималлаштиришга йўналтирилган ҳолда боришини кўзда тутди. Агар иқтисодий ривожланиш ресурсларнинг тугашига олиб келса, у ҳолда уларнинг ўрни у ёки бу кўринишда келажақ авлод учун қоплаб берилиши лозим.

Бу ёндашув асосий капиталнинг ўзгармаслигини сақлаб қолиш заруратини эътироф этиш сифатида изоҳланади.

Уч турдаги капитал мавжуд:

1. Инсон томонидан яратилган (машина, ускуналар, инфратузилма) – K_m
2. Инсон капитали (аҳолининг билим даражаси, техник қўникмалари) – K_h .
3. Табиий капитал (табиий ресурслар салоҳияти) – K_n

Асосий капитал уч турдаги капиталдан ташкил топади:

$$K = K_m + K_h + K_n.$$

Бу ҳолда асосий капитални сақлаб қолиш қондаси қуйидаги тартибда ёзилади:

$$\frac{dK}{dt} = \frac{dK_m}{dt} + \frac{dK_h}{dt} + \frac{dK_n}{dt} > 0$$

Бу қондани қуйидаги тартибда изоҳлаш мумкин. Бир турдаги капиталнинг иккинчиси билан ўзаро қопланишини кўзда тутган ҳолда жами асосий капитални кўпайтирмасликка интилиш зарур. Яъни, агар инсон томонидан яратилган капитални оширишга рента даромадларини сармоялаш

билан табиий капиталнинг тугаб бориши копланса вазият баркарор бўлиб хисобланади. Экстремал ҳолатда бу ёндашув бошқа икки турдаги капиталнинг бирдек ривожланишида табиий капиталнинг тўлиғича тугаб боришига йўл қўйилиши мумкинлигини кўзда тутати.

Бу ҳолат, жами асосий капитални камайтирмасликни талаб этувчи заиф (кучсиз) баркарорлик деб номланади.

Заиф баркарорлик шарт бўлиб қуйидагилар хисобланади:

$$Z = \frac{S}{Y} - \frac{Dm}{Y} - \frac{Dn}{dY} > 0$$

бу ерда: S— омонатлар, D— амортизация (эскириш), Y— ЯММ.

Кучли баркарорлик учун қуйидаги нисбат бажарилиши лозим:

$$\frac{dKn}{dt} > 0 \quad \text{ёки} \quad \frac{Dn}{Y} < 0 ,$$

яъни, табиий капитал заҳиралари камаймаслиги лозим.

Айрим ҳолларда ҳозирги вақтда фақатгина қайта тикланадиган ресурсларга таянишимиз лозимлиги таъкидланади. Чунки ҳозирда фойдаланилаётган тугаб боровчи ресурсларнинг ҳар бир бирлиги келажак авлод учун етиб бормаслигини назарда тутсақ, тугаб боровчи ресурслардан фойдаланиш адолатсизликдир.

Динамик самарадорлик баркарорлик мезонининг бузилишига олиб келадими? Икки даврлик мисолимизга қайтамыз. 2-даврга нисбатан 1-даврга кўпроқ ресурслар жойлаштирилганлиги боис, 2-давргаги соф фойда 1-даврга нисбатан камроқ бўлади. Баркарорлик ҳозирги авлодга келажак авлод хисобига кўпроқ фойда олишга имкон бермайди.

Фараз қилайлик, икки давр оралигида ресурсларнинг бир текис тақсимоти динамик самарадорликдаги тақсимотга нисбатан яхшироқ бўлсин. Ҳар бир даврга 10 бирликдаги ресурсларни жойлаштирамиз. У ҳолда ҳар бир давргаги соф фойда 40000 сўмданга тўғри келади.

Энди иккала вариант учун соф фойдани таққослаймиз. Динамик самарадорликдаги тақсимотдаги 1-давргаги соф фойда 40466 сўмга, 2- даврга эса 39512 сўмга тенг. Агар ресурслар биргаликда фойдаланилмаса, баркарорлик мезони бузилиши мумкин.

Фараз қилайлик, ресурслар биргаликда фойдаланилади. Агар биринчи авлод соф фойда - 40000 сўмни сақлаб қолиб ва қолган 466 сўмни 10% фоизли ставка билан иккинчи авлод учун сармоя қилса, 2-даврга бу рақам 513 сўмгача ошади ($466 \cdot 1.1 = 513$). Бу рақамни бевосита динамик самарадорликдаги тақсимотда олинган соф фойдага (39512 сўм) қўшамиз, у ҳолда иккинчи авлод 40025 сўм олади. Иккинчи авлод икки даврлар оралигида ресурсларни тенг тақсимлашга нисбатан динамик самарадорликдаги тақсимотни қабул қилиб ва ресурслардан биргаликда фойдаланиб яхшироқ вазиятда бўлади.

Бу мисол динамик самарадорликдаги тақсимот фойданинг авлодлар ўртасида биргаликда фойдаланилишини таъминлаб, баркарорликка тўла мос келишини кўрсатади.

Атама ва иборалар

Мезон, самарадорлик, статик, динамик, қиймат, атроф мухит, қарорлар қабул қилиш, меъёрий иктисодиёт, талаб эгри чизиги, маржинал ҳаражатлар, умумий ҳаражатлар, тўлашга хоҳиш, жорий қиймат, соф фойда, барқарорлик, эҳтиёжлар, капитал, заиф барқарорлик, кучли барқарорлик.

Назорат саволлари

1. Статик самарадорлик деб нимага айтилади?
2. Динамик (ўзгарувчан) самарадорлик деб нимага айтилади?
3. Барқарорлик деб нимага айтилади?
4. Динамик самарадорлик барқарорлик мезонининг бузилишига олиб келадими?
5. Талаб ва таклиф функциялари маълумотлари бўйича ресурслар тақсимоти самарадорлигини аниқланг.
6. Фоиз ставкалари ва соф фойданинг берилган қийматлари учун умумий соф фойданинг жорий қиймати ва бир маротабали соф фойданинг қийматини аниқланг.

Адабиётлар рўйхати

1. Tietenberg T. Environmental and Natural Resource Economics. Harper Collins Publishers, 1992, стр. 22-43.
2. Голуб А.А., Струкова Е.Б. Экономика природных ресурсов., М., 1999, стр.51-57.
3. Папенев К.В. Экономика и природопользование. М., МГУ, 1997, стр. 27-28, 39-57.

БОЗОР ШАРОИТИДА ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАЛАРИ

13.1. Давлатнинг иқтисодий вазифалари

Бозор шароитида давлатнинг иқтисодий вазифалари ва унинг асосий шакллари кўриб чиқамиз. Чунки, давлатнинг айрим иқтисодий вазифалари бозор тизими фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадига хизмат қилади. Давлатнинг бир гуруҳ муҳим вазифаларига бозор тизими фаолият кўрсатишини такомиллаштириш ва кучайтириш қиради. Маърузада дастлаб давлатнинг юқорида санаб ўтилган вазифаларидан дастлабки иккитаси қисқача кўриб ўтилади ва ундан сўнг давлатнинг даромад ва бойликни қайта тақсимлаш, ресурсларни тақсимлаш, иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги роли атрофлича таҳлил қилинади.

Давлатнинг иқтисодий вазифаси кўп ва у жуда хилма-хилдир. Давлатнинг амалдаги иқтисодий роли шунчалик кенг қўламини камраб оладики, бу унинг иқтисодий вазифаларнинг тўлиқ рўйхатини тузиш имконини бермайди. Биз бу ерда ўз таҳлилимизга асос сифатида давлатнинг қуйидаги иқтисодий фаолияти шакллари кўриб чиқамиз ва бунда уларни қисман бирлаштириш муқаррарлигини ҳисобга оламиз.

Бу соҳада биз давлатнинг иккита энг муҳим вазифасини алоҳида қайд қиламиз:

1. Бозор тизимини самарали фаолият кўрсатишига таъсир килувчи ҳукукий асос ва жамият шароитини таъминлаш.

2. Рақобатни ҳимоя қилиш.

Давлат иккинчи гуруҳдаги вазифаларни бажариш йўли билан бозор тизими фаолият кўрсатишини кучайтиради ва такомиллаштиради. Бу ерда давлатнинг қуйидаги учта вазифаси муҳим аҳамиятга эга бўлади:

3. Даромадни қайта тақсимлаш.

4. Миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурсларни тақсимлашни ўзгартириб бориш.

5. Иқтисодиётни барқарорлаштириш ёки иқтисодий конъюнктуранинг тебраниши натижасида юзага келадиган бандлик даражаси ва инфляцияни назорат қилиш, шунингдек, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

Давлатнинг юқорида санаб ўтилган бешта вазифаси унинг иқтисодий ролини таҳлил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилсада, биз кейинчалик ҳукумат фаолият шакллари кўпчилиги ва сиёсий чора-тадбирлар у ёки бу даражада таъкидлаб ўтилган иқтисодий жараёнларга таъсир қилишини кўрамиз. Масалан, даромадни камбағаллар фойдасига қайта тақсимлаш ресурсларни тақсимлашга таъсир қилади, чунки камбағаллар жамиятнинг бой қатлами сотиб оладиган маҳсулотлар ва хизматлардан анча фарқ қиладиган маҳсулотлар ва хизматларни сотиб оладилар. Ўз навбатида, инфляцион кескинликни юмшатиш мақсадида давлат харажатларини камайтириш давлат секторидан хусусий секторга ресурсларни қайта тақсимлашга олиб келади.

13.2. Ҳукукий асос ва жамоатчилик фикри

Давлат бозор иқтисодиётини самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўладиган ҳукукий асосни таъминлаш ва баъзи бир бошқа шароитларни яратиш вазифасини ўз зиммасига олади. Хусусий корхоналарга қонуний мақом бериш, хусусий мулкчилик ҳуқуқини белгилаш ва шартномаларни бажарилишини қафолатлаш каби чора-тадбирлар бозор иқтисодиёти учун зарурий ҳуқуқий асос ҳисобланади. Шунингдек, давлат корхоналар, ресурс етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонуний «ўйин қоидаларини» белгилайди. Давлат мавжуд қонунчилик асосида иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳакам вазифасини бажариш, иқтисодий агентларнинг нопок амалиёт олиб бориш ҳолатларини аниқлаш ва тегишли жазо чораларини қўллаш учун ўз ҳокимиятини қўллаш имкониятига эга бўлади. Жамоат тартибини сақлаш учун полиция қучларини қўллаш, маҳсулот оғирлиги ва сифатини аниқлаш учун стандарт талабларини юритиш, товар ва хизматларни айрибошлашни енгиллаштириш учун пул тизимини яратиш давлат томонидан кўрсатиладиган асосий хизмат турлари қаторига киради.

АҚШда 1906 йилда қабул қилинган Тоза озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар тўғрисидаги Қонун ва унга киритилган қўллаб-қувватлашига ёрқин мисол бўла олади. Давлат ўзини тутиш қондаларини жорий қилади ва ишлаб чиқарувчилар ўзларининг истеъмолчилар билан бўладиган муносабатларида бу қоидаларга риоя қилишлари лозим. Қонун сохталаштирилган ёки ясама маркали озиқ-овқат ва дори-дармон маҳсулотларини сотилишини таъқиқлайди, маҳсулот ўралган ўрамида унинг соф оғирлиги ва таркибини кўрсатишни талаб қилади, руҳсат этилган дори дармонларнинг ёрлиғида кўрсатиш мажбур бўлган сифат стандартларини белгилайди. Бу барча чора-тадбирлар ишлаб чиқарувчиларнинг алдаш учун қиладиган ҳаракатларини олдини олиш ва бир вақтнинг ўзида халқда бозор тизимининг муқаммаллигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилади. Худди шунга ўхшаш қонунчилик ишчилар ва менежерлар ўртасидаги, фирмаларнинг ўзларининг ўртасидаги муносабатларга ҳам тегишлидир.

Ҳукуматнинг мана шундай фаолияти ресурсларни тақсимлашни яхшилайди. Бозорни моумала воситаси билан таъминлаш, маҳсулотларнинг қафолатланган сифати, мулк ҳуқуқини белгилаш ва шартнома шартларини бажаришга жавобгарлик каби барча омиллар савдо-сотик ҳажмининг ортишига ёрдам беради. Бу омиллар бозорларни кенгайтиради ва моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда янада чуқурроқ ихтисослаштиришга имкон беради. Бундай ихтисослаштириши эса ресурсларни янада самаралироқ тақсимлаш имконини беради. Лекин баъзилар давлат корхоналар, истеъмолчилар ва ишчиларнинг ўзаро муносабатларини меъёрдан кўпроқ тартибга солиши иқтисодий рағбатга ва ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади деб ҳисоблайдилар.

13.3. Рақобатни ҳимоя қилиш

Рақобот капиталистик иқтисодиёт шароитида асосий тартибга солувчи механизм бўлиб ҳисобланади. Рақобат шундай кучки, у ишлаб чиқарувчилар ва ресурс етказиб берувчиларни сотиб олувчиларга ёки истеъмолчилар суверенитетига тўла бўйсундириб қўяди. Рақобат шароитида айнан таклиф ва талаб тўғрисидаги кўпчилик сотувчи ва харидорларнинг қарори бозор нархларини белгилаб беради. Бу дегани хусусий ишлаб чиқарувчилар ва ресурс етказиб берувчилар бозор тизими қайд қилиб сотувчилар эътиборига ҳавола қилган сотиб олувчилар хоҳишигагина мослашиши мумкин. Бозор тизими талабларига бўйсунадиган рақобат қилувчи ишлаб чиқарувчиларни даромад ва ўз ўринларини янада мустахкамлаш кутади; кимки бозор қонунларини бузса, у зарар қўради ва охири оқибатда инқироз (банкрот)га учрайди. Рақобат шароитида харидор бу - хўжайин, бозор-уларнинг агенти, корхона эса уларнинг хизматкоридир.

Монополиянинг ривожланиши бу ҳолатни кескин ўзгартириб юборади. Монополия нима ўзи? Кенг маънода — бу ҳолатда сотувчилар сони шунчалик кам бўладики, бунда ҳар бир сотувчи таклифнинг умумий ҳажмига ва шунинг учун ҳам таклиф қилинаётган товар нархига таъсир кўрсата олади. Бундай ҳолатнинг аҳамияти қандай? Бу ҳолат шундай ҳолатки, бунда монополия рақобатнинг ўрнини эгаллайди, сотувчилар бозорга таъсир ўтказишлари ёки ундаги баҳони ўз фойдаларига ёки умумий жамиятнинг зарарига бошқаришлари мумкин. Монополистлар таклифнинг умумий ҳажмини бошқариш имкониятлари билан сунъий равишда маҳсулот ҳажмини қисқартиришлари ва бунинг натижасида маҳсулот учун нюқори нарх белгилашлари ва барқарор иқтисодий наф олишлари мумкин. Рақобатни йўқ қиладиган бундай нархлар ва даромадлар истеъмолчилар манфаатларига тўғридан-тўғри зиддир. Жамиятнинг иродаси монополистларни ўзаро рақобат қиладиган сотувчиларни бошқаргандек бошқара олмайди. Ишлаб чиқарувчининг бу даражадаги суверенитети рақобатни ўрнини эгаллаб олади. Натижада ресурслар шундай тақсимланадики, бу жамият эҳтиёжини қондириш мақсадида эмас, балки юқори даромад олиш мақсадида бўлган монополист сотувчилар манфаатларига тўла мос келади. Қисқа қилиб айтганда, монополия иқтисодий ресурсларни нооқилона тақсимланишига олиб келади.

АҚШда ҳукумат монополистлар устидан асосан икки хил йўл билан назорат ўрнатишга ҳаракат қилган. Биринчи ҳолатда, технологик ва иқтисодий шароитлар рақобат қиладиган бошқа бозорларни бўлишини истисно қиладиган «табiiй монополиялар» шароитида ҳукумат баҳоларни тартибга солиш учун давлат комиссияларини ташкил қилди ва кўрсатиладиган хизматларга стандартлар белгилаб қўйди. Транспорт, алоқа, электр энергияси ишлаб чиқариш ва таъминлаш ва бошқа жамият фойдаланадиган хизматлар у ёки бу даражада бундай тартибга солиниб туради. Маҳаллий ҳокимиятлар даражасида электроэнергетика ва сув билан таъминлаш корхоналари одатда давлат мулки ҳисобланади. Лекин иккинчи ҳолатда бозорларнинг аксари кўп қисмида юқори даражада рақобат ривожлангандагина самарали ишлаб чиқариш таъминланади. Шунинг учун

хам федерал ҳукумат бизнесни юритишнинг самарали регулятори сифатида рақобатни ҳимоя қилиш ва кучайтириш мақсадида 1890 йилдаги Шерман Қонунидан бошлаб қатор антимонопол ва антитрест қонунларни қабул қилган.

Капиталистик институтлар учун ҳуқуқий асос таъминланган ва рақобат ҳимоя қилинган шароитда ҳам давлат томонидан баъзи бир иқтисодий вазифаларни бажариб туришга эҳтиёж сезилади. Бозор тизими ўзининг энг мақбул вариантида ҳам давлат томонидан рағбатлантириб, такомиллаштириб турилиш зарур бўлган ўзига яраша камчилик ва нуқсонларга эга бўлади.

13.4. Даромадни қайта тақсимлаш

Бозор тизими ҳеч кимга қарашли бўлмаган, бетараф тизим бўлиб, ундаги даромадни тақсимлаш эса жамият орасида қутилганидан ортиқ адолатсизликни келтириб чиқариши мумкин. Бозор тизими туғма қобилияти ва ҳаёти давомида олган билими ва тажрибаси юқори бўлган шахсларга жуда катта даромад келтиради. Кимки меросга эга бўлиб ёки қаттиқ меҳнат эвазига катта миқдорда капиталга ва ерга эга бўлса, улардан ҳам катта даромад олади. Лекин жамиятимизнинг бошқа аъзолари унчалик катта қобилиятга эга эмас ва улар озгина маълумот ва малака олганлар. Ўз-ўзидан бу инсонлар ҳеч қандай моддий бойлик тўпламаганлар ва мерос қилиб ҳам олмаганлар. Бунинг натижасида уларнинг даромади жуда кам. Бундан ташқари, кўпчилик қариялар, ақлий ва жисмоний жиҳатдан заиф бўлган инсонлар, эрга тегмаган аёллар ва ёш бокиманда болалари билан қолган бевалар жуда кам пул ишлаб топадилар ёки бозор тизими доирасида ишсизлар каби ҳеч қандай даромадга эга бўлмайдилар. Қисқаси, бозор тизими пул даромадларини, ўз навбатида, шахсий уй хўжаликлари ўртасида миллий маҳсулотни тақсимлашда сезиларли даражада нотенгликни келтириб чиқаради. Баъзи бир илгарилашларга қарамасдан умумий тўқин-сочинлик ўртасида камбағаллик ўткир иқтисодий ва сиёсий муаммо бўлиб қолаверади.

Ҳукумат бизнинг жамиятда даромалар нотенглигини камайтириш вазифасини ўз зиммасига олган. Бу вазифа бир қатор сиёсий тадбир ва дастурларда ўз аксини топган. Биринчидан, трансферт тўловлари ўта эҳтиёжмандларни нафақа, ногирон ва бокимандаларни моддий ёрдам, ишсизларни эса ишсизлақ нафақаси билан таъминлайди. Ўз навбатида ижтимоий таъминот бўйича бизнинг дастурларимиз ва «Мэдикэр» касал нафақахўрлар ва қарияларга молиявий ёрдам кўрсатади. Бу дастурларнинг барчаси умуман даромадга эга бўлмаганларни оз миқдорда даромад билан таъминлашни амалга оширади. Иккинчидан, ҳукумат бозорга аралаштиш йўли билан ёки бошқача қилиб айтганда бозор қучлари билан белгиланадиган баҳоларни модификациялаш йўли билан даромадларни тақсимлашини ўзгартиради. Фермерлар учун қафолатланган нархлар, иш ҳақининг минимал миқдори тўғрисидаги қонунлар ҳукумат аҳолининг айрим қатламлари даромадларини ошириш мақсадида нархларни белгилаб қўйишига ёркин мисол бўлади. Нихоят АҚШ тарихида шахсий даромадлардан олинадиган солиқ камбағаллардан кўра бойлардан улар даромадининг катта қисмини олиб қўйиш учун қўлланилган. Шунинг учун ҳам солиқ даромадни

таксимлашда ўзига хос «Робин Гуд самараси»ни берган. Лекин яқинда шахсий даромаддан олинадиган соликлар қайта кўриб чиқилганда унинг қайта таксимлаш таъсирини анча камайтирди. Тўғри, ҳақиқий ҳаётда солиқ тизими даромадларни таксимлашга ўта мўътадил таъсир қилади деб ҳисобланади.

13.5. Жамият бойлиги ва хизматлар

Бозор тизимида шахсий истеъмол учун ишлаб чиқариладиган товарлар хусусиятини кўриб чиқамиз. Бу товарлар бўлинади. Ёки бошқача қилиб айтганда, улар харидорлар олиши имкони бўлиши учун етарлича кичкина бирликларга бўлинган ҳолатда бўлади. Бундан ташқари, шахсий истеъмол товарлари кимки нарх мувозанатини тўлашни ҳохласа ва бу имкониятга эга бўлса, маҳсулотни олади, кимки бу нархни тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки бунини ҳохламаса, ҳудди мана шу маҳсулот билан таъминланувчи наф олувчилар қаторидан чиқарилади деган истисно тамойилининг таъсирида бўлади.

Шундай кўринишдаги товар ва хизматлар борки, улар давлат ёки жамият бойликлари деб аталади ва уларни бозор тизими умуман ишлаб чиқаришни ҳохламайди. Чунки, уларнинг ўзига хос хусусиятлари шахсий истеъмол товарлари хусусиятлари билан тамоман қарама-қарши. Жамият бойликлари бўлинмас бўлади, улар шундай йирик бирликлар ҳолатида бўладики, уларни индивидуал харидорларга сотиш имкони бўлмайди. Яна шу ҳолат ҳам муҳимки, уларга истисно тамойилини қўллаб бўлмайди, ёки индивидларни пайдо бўлган жамият бойликларилирида фойдаланишдан четлатишнинг самарали усуллари мавжуд эмас. Индивидуал истеъмол товарларидан фойда олиш уларни сотиб олишга асосланган, жамият бойликларидан наф олиш жамият учун бу бойликларни ишлаб чиқариш орқали амалга ошади.

Иллюстрация. Жамият бойлигига ёрқин мисол қилиб кемаларни денгиз қирғоғи ёки бандаргоҳларга урилиб кетишидан сакловчи маёқни келтириш мумкин. Агар фойда(кема ҳалокати кам) ишлаб чиқариш харажатларидан кўп бўлса, маёқни қуриш иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлади. Лекин ҳар бир маёқдан фойдаланувчи ҳисобига тўғри келадиган наф бундай йирик ва бўлинмайдиган маҳсулотни сотиб олиш ўз ўзини оқламаслиги мумкин, ҳар ҳолда, маёқ ишлатила бошлагандан кейин унинг ёруғлик сигнали ҳамма кемаларга мўлжал бўлиб хизмат қилади. Баъзи бир кемаларни маёқдан келадиган нафдан фойдаланишдан маҳрум қилишнинг умуман иложи йўқ. Шунинг учун нима учун қайсидир кеманинг эгаси ўз хоҳишига кўра бундай нафни тўлаши керак? Маёқнинг ёруғлиги ҳаммага кўриниб туради, агар кеманинг эгаси бунинг учун пул тўламаслигини маъқул деб билса, кема капитанига маёқ сигналларидан фойдаланишни таъқиқлаб бўлмайди. Иқтисодчилар ҳодисани «фрирайдер» муаммоси деб атайдилар: инсонлар баъзи маҳсулотлар хизматидан уни ишлаб чиқаришга ҳеч қандай харажат қилмасдан фойдаланишлари мумкин. Чунки ушбу ҳолатда истисно қилиш тамойилини қўллашнинг иложи йўқ, чунки хусусий қорхона учун маёқ ишлаб чиқариб уни бозорга тақлиф қилишдан рағбат йўқ. Маёқнинг хизматини баҳолаб ҳам, сотиб ҳам бўлмаслигини инобатга олиб, хусусий

корхоналарга маёқ куриш учун ресурсларни йўналтиришдан ҳеч қандай фойда йўқ. Қисқаси, биз бу ерда жуда катта фойда келтирадиган, лекин уларни ишлаб чиқаришга бозор ҳеч қандай ресурс ажратмайдиган хизмат билан дуч келиб турибмиз. Жамият бойликларининг бошқа қўринишларига миллий мудофаа, сув тошқинларини бартараф қилиш, хашоратларга қарши кураш ва бошқалар қиради. Ўз навбатида, жамият бундай бойликлардан ва хизматлардан фойдалана олиши учун уларни давлат сектори таъминлаши керак, уларни ишлаб чиқаришни молиялаштириш учун эса солиқлар қўринишидаги мажбурий чора-тадбирлар қўлланилади.

Жилоланишнинг йирик фойдалари. Уларга истисно қилиш таъминлини қўллаш имкониятининг йўқлиги жамият бойликларини индивидуал истеъмол товарларидан кескин ажратиб турсада, ҳукумат инсонларни истисно қилиш таъминли қўллаш мумкин бўлган жуда кўп турдаги бошқа товарлар ва хизматлар билан таъминлайди. Жумладан, кўчалар ва автомагистраллар, полиция ва ўт ўчириш хизмати, кутубхона ва музейлар, профилактик медицина хизмати каби бойлик ва хизматлар тўлалагича истисно қилиш таъминли таъсирига тушиши мумкин, ёки уларга нарх белгилаш мумкин ва хусусий ишлаб чиқарувчилар улар билан бозор тизими орқали истеъмолчиларни таъминлашлари мумкин. Лекин юқорида таъкидланганидек, бу барча хизматлар ўзи билан жилоланишнинг сезиларли фойдасини олиб кетади ва бундан келиб чиқадики, бозор тизими уларни етарли даражада ишлаб чиқармайди. Шунинг учун ҳам ҳукумат бу соҳага ресурслар ажратилишини камайишини олдини олиш учун уларни ишлаб чиқариш ёки молиялаштиришни ўз зиммасига олади. Бундай товар ва хизматларни баъзан квазижамият(квазидавлат) бойликлари деб ҳам аташади. Шунинг учун соғлиқни сақлаш турар жой қурилишларини тўхтамаётганлигини тушиниш мумкин. Шахсий фойдаланиш учун ишлатиладиган бойликлар бозор тизимини орқали таъминланиши керакми, ёки бу квазижамият бойликларини давлат таъминлаши керакми?

13.6. Ресурсларни жамият фаровонлиги учун тақсимлаш

Баҳоларнинг бозор тизими жамият бойликлари учун умуман, квазижамият бойликлари учун эса етарли даражада ресурс ажратмаётган шароитда уларни ишлаб чиқаришни таъминловчи механизм қандай бўлиши керак?

Индивидларнинг ўзларининг мустақил қарорлари асосида хусусий корхоналардан сотиб олинadиган шахсий истеъмол товарларидан фарқли равишда жамият бойликлари гуруҳ ёки жамоа қарорлари асосида давлат воситасида сотиб олинади. Аниқроғи, турли хил жамият бойликларини ишлаб чиқариш ҳажми ва турлари демократик давлатда сиёсий усуллар ёки овоз бериш йўли билан аниқланади. Жамият бойликларини истеъмол қилиш ҳажми давлат сиёсати масаласини ўзида акс эттиради. Сиёсий саҳнада қабул қилинадиган бу гуруҳий қарорлар бешта фундаментал саволга жавоб беришчи уй ҳўжаликлари ва корхоналар қарорларига тўлдирish бўлади.

Қўрсатиб ўтилган гуруҳий қарорлар қабул қилинганлигини қўзда тутиб, биз шахсий истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан жамият бойликлари

ишлаб чиқаришга ресурслар қандай қайта тақсимланаётганлигини аниқлаб олишимиз керак. Тўла бандлик мавжуд бўлган иқтисодиётда давлат олдида шахсий истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳасидаги ресурсларни бўшатиш ва уларни жамият бойликлари ишлаб чиқаришга йўналтириш вазифаси туради. Хусусий сектордан ресурсларни бўшатишининг ўз-ўзидан маълум усули уларга бўлган шахсий талабни қисқартиришдир. Бу корхоналар ва уй хўжалигини солиққа тортиш ва бу орқали улар даромадининг ёки уларнинг потенциал тўлов қобилиятининг бир қисмини «даромад-харажат» оқимидан чиқариш йўли билан эришилади. Кам даромад ола бошлаган корхоналар ва уй хўжаликлари ўзларининг инвестицион ва истеъмол харажатларини қисқартиришга мажбур бўладилар. Қисқача қилиб айтганда, солиқлар шахсий истеъмол учун зарур бўлган товарлар ва хизматларга бўлган талабни камайтиради, бу эса ўз навбатида ресурсларга бўлган хусусий талабни камайтиришни келтириб чиқаради. Хусусий иқтисодий агентларнинг тўлов қобилиятини ҳукуматга бера туриб солиқлар ресурсларни хусусий секторда қўлланилишидан озод қилади. Кейинчалик ҳукумат солиқ тушумларини сарф қилган ҳолда бу ресурсларни жамият бойликлари ва хизматларни ишлаб чиқаришга йўналтириши мумкин. Масалан, корпорациялар даромадларидан ва шахсий фойдадан олинadиган солиқлар ресурсларни инвестицион (пармалаш станогли, автофургонлар, омбор бинолари ва бошқа) ва истеъмол (озик-овқат, кийим-кечак, телевизор ва бошқа) товарлари ишлаб чиқаришдан озод қилади. Ҳукумат бу ресурсларни бошқариладиган ракеталар, ҳарбий самолётлар, янги мактаблар ва автомагистраллар қурилишига сарфлаши мумкин. Ҳукумат мамлакатнинг миллий маҳсулоти таркибини ўзгартириш мақсадида онгли равишда ресурсларни қайта тақсимлайди. Тарихан шундай қарор топганки, ҳукуматнинг энг янги ва баъзи бир томондан энг муҳим вазифаси иқтисодиётни барқарорлаштириш ёки хусусий иқтисодиётга ёрдам бериш, ресурсларнинг тўла бандлигини таъминлаш ва нархларни барқарорлаштиришдан иборат. Мазкур ҳолатда биз умумий характеристика билан чекланмоқдамиз ва ҳукуматнинг барқарорлаштириш ролини (унга тўла-тўқис тушунтириш бермасдан) таъкидлаб ўтаёلمиз ҳолос. Бу ерда ҳал қилувчи нарса шунга олиб келадикки, ишлаб чиқариш даражаси умумий ёки жамн харажатлар ҳажмига бевосита боғланган бўлади. Умумий харажатларнинг юқори даражаси шунинг аниқлиги, кўпгина соҳалар учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш фойдали, бу шароит эса ўз навбатида моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда юқори даражага эришиш заруриятини келтириб чиқаради. Кўпгина иқтисодчиларнинг фикрича, капиталистик тизимда жами харажатларни тўла бандликни таъминлайдиган даражага кўтарадиган механизмлар йўқ. Иккита нуқулал ҳолатнинг юзага келиш эҳтимоли мавжуд.

1. Ишсизлик. Хусусий секторда харажатларнинг умумий даражаси тўла бандликни таъминлаш учун жуда ҳам оз бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳукумат хусусий ва давлат харажатларининг умумий миқдори тўла бандликни яратишга етарли бўлиши учун хусусий харажатларни тўлдириб туришга мажбур. Ҳукумат бунинг қандай қилиб амалга оширади? Бу саволга

битта жавоб шундан иборатки, ҳукумат харажатлари ва соликка тортиш усулини жамият бойликлари ишлаб чиқаришга ресурсларни қайта тақсимлаш учун қўллагандек қўллаш керак. Аниғи, ҳукумат бир томондан жамият бойликларини ишлаб чиқаришга ресурсларни қайта тақсимлаш учун ишлатилаётган ўз харажатлари ва соликка тортишни кўпайтириш керак. Яна ҳам аниқроғи ҳукумат зиммасида бир томондан жамият бойликлари ва хизматлар учун ўз харажатларини кўпайтириши, иккинчи томондан эса - хусусий сектор харажатларини рағбатлантириш учун соликларни қисқартириши керак.

2. **Инфляция.** Агар жамият иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш қуввати имкониятидан ортикча сарфхаражат қилишга интилса бошқача ҳолат келиб чиқиши мумкин. Умумий харажатлар миқдори тўла бандлик шароитида маҳсулот миқдоридан ортиб кетса, ортикча харажатлар нарх-навоининг ортиб кетишига сабаб бўлади. Умумий харажатларнинг ҳаддан ташқари катта ҳажми инфляцион характерга эга бўлади. Бундай ҳолатда ҳукумат ортикча сарф-харажатларни бартараф қилиши лозим. Ҳукумат бунга аввало ўз харажатларини камайтириш, шунингдек, хусусий сектор харажатларини камайтириш мақсадида соликларни ошириш йўли билан эришиши мумкин.


Аралаш иқтисодиёт шароитида ҳукумат иқтисодий организмни ташкил қилувчи моддий ва пул ресурслар айланишига тўла уйғунлашган бўлади. 3- бўлимда ёритиб ўтилган ҳукуматнинг ресурсларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва айланиш моделида иқтисодиётни барқарорлаштириш соҳасидаги ҳукуматнинг вазифаларини қайтадан таҳлил қилиш ибратлидир. 6-3-расмда 1-дан 4-гача товар-моддий маблағлар оқими шунчаки 3.2 расмни такрорлайди. 1-ва2- оқимлар корхоналарнинг уй хўжаликлари учун етказиб берадиган ресурсларни сотиб олиш учун қилган харажатларини акс эттиради. Кўрсатилган харажатлар — корхоналар харажатлари, лекин улар уй хўжалигининг иш хаки, рента, фоиз ва даромадларини эмас. 3- ва 4- оқимлар корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни сотиб олиш учун қилинган уй хўжаликларининг истеъмол харажатларини кўрсатади.

Ҳукумат харажатлари, соликлар ва трансферт тўловлар даромаднинг тақсимланишига таъсир кўрсатади. ресурсларнинг тақсимланиши эса иқтисодий фаоллик даражасига таъсир кўрсатади.

Энди эса ҳукумат иқтисодий жараёнга қўшилиши натижасида юз берадиган турли хил ўзгаришларни синчковлик билан кўриб чиқишган ҳаракат қиламиз. 5-дан 8-гача бўлган оқимлар маҳсулотлар бозорида ҳам, ресурслар бозорида ҳам харидни амалга оширади. 5- ва 6-оқимлар ҳукуматнинг хусусий корхоналардан, айтилиқ коғоз учун скрепка, компьютер, курулди кучлар учун курул ва моддий-техника таъминоти предметлари харид қилишини акс эттиради. Федерал ҳукумат конгрессменларга иш хаки тўлайди, курулди кучлар шахсий таркибини, адлия вазирлигидаги юристлар, бюрократик аппаратнинг турли хил ходимларини ва бошқаларни ушлаб туриш харжатларини тўлайди, ўқитувчилар, автобус ҳайдовчилари, полициячилар ва ўт ўчирувчилар штатларини таъминлайди. Федерал ҳукумат шунингдек, қайсибир ҳарбий базани кенгайтириш учун ер сотиб олиши ёки ижарага

олиши, муниципалитет эса янги бошлангич мактабларни куриш учун ер участкалари сотиб олиши мумкин.

13.1-расм. Даромад, ресурслар ҳамда маҳсулотнинг айланиши ва давлат сектори.



Шунингдек, ҳукумат уй хўжаликларига ҳам, корхоналарига ҳам жамият бойликлари ва хизматларини тақдим этади, буни 11- ва 12-оқимлар акс эттириб турибди. Охирига оқимларни биз соф солиқлар деб белгилладик, чунки уларга уй хўжаликларига қилинадиган трансферт тўловлари қўринишидаги «тесқари солиқлар» ва корхоналарга бериладиган субсидиялар ҳам қиради. Шундай қилиб 11-оқим нафакат корпорациянинг даромадидан, сотишдан олиннадиган солиқ, ҳукуматга корхоналардан тушадиган акциз йиғинини, балки ҳукуматнинг фермерларга, кема қурувчиларга ва баъзи авиакомпанияларга ажратадиган субсидияларини ҳам қўзда тутати. Ҳукумат, шунингдек, бевосита уй хўжаликларини ҳам солиққа (шахсий даромадлар, иш ҳақидан олиннадиган солиқ) тортади ва шу билан биргаликда уларга трансферт тўловларини (масалан, давлат хайрия нафақалари ва ижтимоий таъминот нафақалари) ҳам амалга оширати. бу 12-оқимда қўриниб турибди.

Биз тузган айланишнинг кенгайтирилган модели ҳукумат қандай қилиб даромадни тақсимлашни ўзгартиришини, ресурсларни қайта тақсимлашни амалга оширишини ва иқтисодий фаолликни мувофиқлаштиришни аниқ тушуниб олишга имкон беради. Солик ва трансферт тўловлар таркиби даромадни тақсимлашга сезиларли даражада таъсир ўтказиши мумкин. Айталик, 12-оқим бадавлат уй хўжаликларидан келадиган солиқ тушумларининг кам даромадли уй хўжаликларига тўланадиган трансферт тўловлари билан қўшилиб кетадиган солиқлар таркиби охир оқибатда даромадни тақсимлашда кенг миқёсдаги тенгликка олиб келади. 6- ва 8-оқимлар соф хусусий иқтисодиётдаги ресурс тақсимлашдан фарқ қиладиган ресурслар тақсимотини акс эттиради. Ҳукумат уй хўжаликлари сотиб оладиганлардан фарқ қиладиган товарлар ва ишчи кучини сотиб олади. Масалан, агар иқтисодиётда ишсизлик бўлса, ҳукумат харажатлари солиқларни ва трансферт тўловларини ўзгартирмасдан ушлаб турган ҳолатда умумий харажатлар, ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишига ва бандликни ошишига олиб келиши лозим. Ўз навбатида, ҳукумат харажатларининг бундай даражасида солиқларнинг қисқариши ёки трансферт тўловларининг кўпайиши даромадларни кўпайтириши керак ва бу даромадларни сарф-харажат учун ишлатиш ва бу билан шахсий харажатларни кўпайишини рағбатлантириши мумкин. Инфляция рўй берганда ҳукуматнинг тесқари сиёсати зарур бўлади: ҳукумат харажатлари қисқартирилиши, солиқларни кўпайтириш ва трансферт тўловларини камайтириш лозим.

Атама ва иборалар

Давлат, бозор, иқтисодий вазифа, ҳуқуқий асос, рақобат, даромад, миллий маҳсулот, жамоатчилик фикри, монополия, жамият бойликлари, ресурсларни тақсимлаш, ишсизлик, инфляция,

Назорат саволлари

1. Қуйидаги таърифни атрофлича характерлаб беринг: «Жамият одатда давлат томонидан сарфланган маблағга хусусий корхона томонидан сарфланган маблағга нисбатан кам маҳсулот олади.

2. Нима учун Америка иқтисодиёти «аралаш капитализм» деб аталади? Ҳукуматнинг энг асосий иқтисодий вазифаларини санаб, қисқача таърифлаб беринг.

3. Нима учун товланишлар бўлмаганда мувозанатли ва оптимал маҳсулот рақобат бозорида ўхшаш бўлади. а) Товланиш харажатлари ва б) товланиш фойдаси бўлган шароитларда мувозанатли ва оптимал маҳсулот миқдори орасида қандай фарқлар келиб чиқади? Ҳукумат бу фарқларни қандай бартараф қилади? «Товланиш харажатларининг мавжудлиги маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ресурсларни етказиб бериш тақчиллигини ва ҳукумат субсидияларига зарурият борлигини кўзда тутати». Сиз бу тезисга розимисиз? Тушунтиринг, товланиш харажатлари муаммосини ҳал қилиш

учун нима учун ҳудудий тарифлар ёки баҳолар ва автомобилларни хавфсизлик камарлари билан жиҳозлаш тўғрисида қонунлар керак?

4. Ҳукумат ишсизликни ва инфляция даражасини камайтириш мақсадида ўз харажатлари ва солиқ тушумларини қандай бошқаради?

5. «Ҳукуматнинг кўпгина тадбирлари бир вақтнинг ўзида даромаднинг, ресурсларнинг тақсимланишига, ишсизликка ва баҳоларга таъсир қилади». Қуйидаги ҳолатларнинг ҳар бири учун бу тезисни тасдиқлаш учун айланиш моделидан фойдаланинг: а) Блек-Хок графлигида янги мактаб қурилиши; б) корпорацияни даромадидан олинадиган солиқни 2 фоизга қисқартириш; в) камбағал оилаларнинг болалари учун мактабгача тарбия дастурларини кенгайтириш; г) «юлдузлар уруши» учун ҳарбий маҳкама харажатларини 50 млрд. долларга қўпайтириш; д) ҳавони ифлослантираётган корхоналарга махсус солиқлар солиш; ва е) соатбай иш ҳақи тўлашни 3 доллар 35 центдан 4 доллар 65 центга ошириш.

6. Вертикал ўқда жамият бойликларини акс эттирган ҳолда ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигини, горизонтал ўқда индивидуал истеъмолни акс эттиринг. Бошланғич ҳолатда иқтисодиёт ана шу эгри чизик асосида фаолият юритади деб ҳисоблаб, жамият бойликларини ишлаб чиқаришни қўпайтириш йўллари кўрсатиб беринг. Агар иқтисодиёт бошланғич ҳолатда эгри чизик ичидаги нуқтада кўрсатилганидек фаолият кўрсатса, жамият бойликлари қандай йўл билан қўпайтирилади?

Адабиётлар рўйхати

1. Кемпбелл Р. Макконнелл, Стенли Л. Брю. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Таллин 1993. Том 1. стр. 94-103.

14-боб
МУЛК ҲУКУКИ

14.1. Мулк ҳукуки ва бозорни самарали жойлаштириш

Устида зарарли чиқиндилари билан сувни ифлослантираётган кимё заводи ва сувни ювиш ва маҳсулот тайёрлаш учун ишлатадиган озик-овкат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи завод қурилган унчалик катта бўлмаган қўлни кўз олдимишга келтирамиз. Қайси сувдан фойдаланувчи уни ифлослантиряпти ва улардан қайси бири ифлосланишдан зарар кўряпти деган саволни берамиз. Биринчи қарашда бу саволлар маънога эга эмасдек туюлади, чунки кимёвий завод сувни ифлослантиряпти ва озик-овкат ишлаб чиқарувчи заводга зарар келтиряпти. Лекин бу далил билан баҳслашиш мумкин, чунки кимё заводи ҳам зарарли чиқиндиларни камайитириш ва назорат қилиш учун кимматбаҳо жиҳозлар ўрнатганидан зарар кўрмоқда. Барча муаммо қўл ресурсларидан фойдаланиш учун ким биринчи ҳуқуққа эгаллиги ёки қўлга бўлган мулк ҳуқуқи кимга тегишли эканлиги аниқланмаганлигидан келиб чиқади. Ресурснинг эгаси бўлмаганда ҳеч ким бу ресурслар тугаб кетиши ёки ифлосланиши билан қизиқмайди.

Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар табиий ресурслардан фойдаланадиган усуллар бу ресурсларни бошқарувчиларнинг мулк ҳуқуқига боғлиқ. Иктисодиётда мулк ҳуқуқи ресурслардан фойдаланиш бўйича мулк ҳуқуқи, имтиёз ва чеклашларни ўз ичига олган турли хил элементларга боғлиқ. Бу ҳуқуқлар кишиларнинг ҳулқига қандай таъсир қилишини тадқиқ қилган ҳолда атроф-муҳит муаммолари қандай қилиб бозорларни жойлаштириш ва давлат стратегиясига боғлиқ эканлигини яхшироқ тушуниш мумкин.

Капиталистик иктисодиёт шаротида мулк ҳуқуқига алоҳида шахслар(индивидлар), марказлашган режали иктисодиёт шароитида давлат эгалик қилиши мумкин. Одатда, капиталистик иктисодиёт шароитида атроф-муҳит муаммосининг манбаи бозор тизими ёки яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, фойда кетидан қувиш ҳисобланади деб гапириш қабул қилинмаган. Одатда, «Корпорация кишиларга нисбатан фойда олишдан кўра кўпроқ манфаатдор» деб гапирилади. Ким марказлашган режали иктисодиётга атроф-муҳитни ифлослантиришдан сақлашга имкон берувчи тизим сифатида қараса, шундай дейишади.

Мураккаб муаммоларни ечишга оддий жавобларни топиш жуда қийин: табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслар истисно қилинмайди. Совет Иттифоқи каби марказлашган режали иктисодиётга эга бўлган давлатлар ҳам атроф-муҳитни ифлослантиришнинг олдини ола олмаганлар. Лекин бир вақтнинг ўзида даромад олиш мақсади кишилар эҳтиёжига мос тушмаслиги шарт эмас. Фойда кетидан қувиш самарадорлик ва барқарорлик каби жамият мақсадларига тўғри келганда ва келмаганда бунини қандай тушунтириш мумкин.

Қўпгина ривожланган ғарб мамлакатларида хусусий мулкчилик институционал бошқаришнинг устун шакли ҳисобланади. Қўпгина ривожланаётган давлатлар ҳам мана шу йўналишда ҳаракат қилмоқдалар,

собик Совет Иттифоки давлатлари ҳам шулар жумласидандир. Машиналар, бинолар ва истеъмол товарлари каби инсон томонидан яратилган буюмлар ва воситаларга бўлган мулкчилик ҳаммага таниш. Капиталистик жамиятда ердан самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган энг мақбул шакл сифатида қараладиган ерга хусусий мулкчилик ҳам таниш мулкчилик шакли ҳисобланади. /арб олимлари атроф-мухитнинг зарарланиш муаммоси табиий ресурсларга бўлган мулк ҳуқуқи институтининг такомиллаштирилмаганидан келиб чиқади деб ҳисоблайдилар.

Бундай мафқуранинг қабул қилиниши барча табиий ресурсларни тезлик билан хусусийлаштириш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга ҳукумат ҳаражатларини минималлаштириш, барча экологик муаммоларни ечишнинг оғирлик марказини маҳаллий даражага ўтказишни кўзда тутди. Конкрет ифлослантирувчиларнинг аниқ ўзига ҳослиги, табиий ресурсларга бўлган мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг махсус технологияларини яратиш ва бу соҳадаги қонун бузилишларни олдини олиш мазкур ёндашишнинг ажралмас таркибий қисмлари ҳисобланади.

А. А.Голуб ва Е. Б. Струковаларнинг фикрича бундай ёндашиш ташқари томондан ўзига жалб қилгани билан мамлакатда бозор инфратузилмасининг ривожланмаганлигини, техник имкониятларнинг йўқлиги, экологик онгнинг етишмаслигини ҳисобга олмайди. Ташқи ва ички сабабларнинг бутун бир мажмуи кўп ҳолларда бизни табиий ресурсларга ёппасига хусусий мулкчилик эмас, балки давлат ва оралик мулкчилик шаклларида стратегиясида туришга мажбур қилади.

Хусусий мулкчилик тарафдорларининг фикрича, агар ресурслар жамоа мулки сифатида қолса уларни 1968 йилда Г. Хардин атрофлича ёзганидек жамият эгаллиги фожеасидан ҳеч нарса қутқара олмайди. «Фожеа»нинг маъноси шундан иборат бўладики, ҳаммага ва бир вақтнинг ўзида ҳеч кимга тегишли бўлмаган нарса йўқ бўлиб кетишга маҳкумдир. Мисол сифатида яйловлар маҳсулдорлигини сақлашга икки хил ёндашиш келтирилади. Биринчиси жамоа, иккинчиси эса хусусий бошқаришга асосланган. Хардин исботлайдики, яйловдан факат мана шу икки тизимдан бири бўлганда самарали фойдаланиш мумкин бўлади: у махсус тузилган ташкилотлар ёрдамида жамият томонидан ёки агар яйлов бўлиб олинса, мулкдорлар томонидан бошқарилиши мумкин. Ҳар қандай назорат бўлмаганда яйловлар қисқа вақт ичида иложсиз равишда йўқ бўлиб кетади. Бунинг сабаби хусусий мулкдорларда бу ўз ўзидан бўладиган ҳолатда фойдаланувчиларнинг табиатни муҳофаза қилиш объектларини етарли даражада назорат қила ва бошқара олмасликларидадир. Жамият мулкчини маъмурий бошқариш учун ташқи самараларни биргаликда бўлишини таъминловчи махсус механизмлар зарур бўлади.

Хардин ишларидан хулоса: иложи борица тезда барча ресурсларни хусусий мулк қилиб бериб юбориш керак ёки маъмурий ёндашиш самарадорлигини ошириш лозим.

Бундай фикр билан факат қисман қўшилиш мумкин, айнан: агар сўз табиий-ресурс потенциал бойлигини ташкил этувчи тизимлар эмас балки маҳаллий аҳамиятга эга бўлган тугаётган ресурслар устида бораётган бўлса.

Бозор иктисодиёти одатда узок истикболда «яшаб қолиш» мезони билан келиша олмайдиган бозор сигналларининг мослигига мўлжалланган ўзининг қонунлари бўйича таъсир қилади.

Табиий ресурсларнинг назоратсиз равишда хусусийлаштирилиши энергетик таназзул ва ички бозорда ҳам ашёнинг ўтқир тақчиллигига олиб келиши мумкин. Бир вақтнинг ўзида мулк эгасининг табиий ресурслардан иложи борица тезроқ ва иложи борица кўпроқ фойдаланиб қолишга интилиши ресурс қазиб олинаётган ҳудудларда атроф-муҳитнинг ҳалокатли тарзда ўзгариб кетишига олиб келади. Шундан келиб чиқиб, фақат пухта ўйланган стратегиягина бизни ёппасига хусусийлаштиришнинг ёмон оқибатларидан сақлаб қолиши мумкин.

14.2. Мулкка бўлган ҳуқуқнинг самарали таркиби

Яхши фаолият кўрсатаётган бозор тизимида самаралай жойлаштиришни амалга ошира оладиган мулкка бўлган ҳуқуқнинг самарали таркибини очиб беришга ҳаракат қиламиз. Самарали таркиб 4 та муҳим хусусиятга эга:

1. Умумийлик(универсаллик) -барча ресурслар хусусий мулк ҳисобланади ва барча меъёрлар тўла аниқлаштирилган.

2. Алоҳидалик (эксклюзивлик)- мулкдорга бошқа нарсаларни бевосита ёки билвосита йўл билан сотиш орқали келган ресурсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш натижасидаги барча харажат ва фойдалар.

3. Ўтувчанлик-барча мулк ҳуқуқи эркин алмаштириш шароитида бир мулкдордан иккинчи мулкдорга ўтувчан бўлиши лозим;

4. Мулк санкцияси билан таъминланганлик-мулк ҳуқуқлари ўзгалар тажовуздан сақланган бўлиши лозим.


Маълум мулк ҳуқуқларига (барча тўртта хусусиятга) эга бўлган ресурснинг эгаси бу ресурсларни ишлатиш учун қучли рағбатга эга бўлади, чунки бу ресурслар баҳосининг камайиши шахсий йўқотишларни билдиради. Ерга эга бўлган фермерлар пировардида маҳсулот ишлаб чиқариш ва даромад даражасини кўтариш учун суғориш ва ўғит солиш рағбатига эга бўлади. Бир вақтнинг ўзида улар ер унумдорлигини ошириш мақсадида экинларни алмаштириш рағбатига ҳам эга бўладилар.

Бозор иктисодиёти шароитида мулк ҳуқуқини алмаштириш аниқ йўлга қўйилган шароитда(ресурс ўз хўжайинини ўзгартириши кўзда тутилмоқда) самарадорликни рағбатлантиради. Мулкка бўлган ҳуқуқ яхши аниқланган шароитда бу нукта истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар рағбатларини таҳлил қилиш йўли билан кўрсатилиши мумкин. Агар истеъмолчи бунга пул тўлаш имкониятига эга бўлмаса, ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини сотмаслик ҳуқуқига эга. Истеъмолчи маҳсулотни бозор нархида сотиб олар экан ўзининг соф индивидуал манфаатини максималлаштириш учун қанча сотиб олиш мумкин эканлигини ўзи ҳал қилади(14.1-расм).

Талаб эгри чизиги остидаги майдондан харажатларни кўрсатган майдонни чиқариб ташлагандан кейин қолган майдон истеъмолчиларнинг соф индивидуал фойдаларни ҳисобланади. Бу майдон маҳсулотга қилинган харажатни ифода қилганда нарх чизиги остидаги майдон харажатларни ўзида

акс эттиради. P^* бирлик учун истеъмолчиларнинг соф фойдалари Od бирликни сотиб олишни танлаш йўли билан максималлаштирилади. А майдон олинган соф фойдаларнинг геометрик репрезентациясини ўзида акс эттиради ва истеъмолчилар кўплиги(*consumer surplus*) деб аталади. Бу талаб эгри чизиги остида лекин чапдан абсциссанинг вертикал ўқи ва ўнгдан кўриб чикилаётган маҳсулотлар микдори билан чегараланган нархдан юкори майдондир.


14.1-чизма. Истеъмолчининг танлови




Сотувчилар ҳам шунга ўхшаш танлов билан дуч келадилар(14.2-расм). P^* нарх учун сотувчилар Q_s бирлик маҳсулотни сотиш йўли билан ўз соф фойдаларини максималлаштирадилар. Сотувчилар томонидан олинган соф фойдалар(B майдон) ишлаб чиқарувчилар кўплиги(*producer surplus*) деб аталади. Бу нарх чизиги остида ва харажатларнинг маржинал эгри чизигидан кейин, чап томондан вертикал ўк ва ўнг томондан кўриб чикилаётган маҳсулотлар микдори билан чегараланган майдондир.

Талаб ва таклиф тенглашмагунча истеъмолчилар дуч келадиган нарх даражаси 14.3-расмда акс эттирилган. Бу нархларда истеъмолчилар ўз ортиқча нарсаларини максималлаштиради, ишлаб чиқарувчилар ҳам ўзларининг даромадларини ва бозордаги сотувларини максималлаштирадилар.

Бу жойлаштириш самаралими? Аввалги боблардаги статик самарага кўра тўғри жавоб – ҳа бўлади. Соф фойдалар бозорда жойлаштириш йўли билан максималлаштирилади ва 14.3-расмда кўрсатилганидек, фойдалар истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлар суммасига тенг. Шундай қилиб, соф фойдани ўлчаш учун жараён ва соф фойдалар қандай қилиб истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида тақсимланишини ўлчаш воситаси яратилди.



14.2-расм. Ишлаб чиқарувчи танлови



14.3-расм. Бозор мувозанати

Бу тақсимлаш фавқулудда зарур. Эсда тутиш керакки, самарадорлик истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар самарадорликка интилишлари ҳисобга эришилмайди. Балки, аниқ белгиланган мулк ҳуқуқларига ва бу ҳуқуқларни сотиб олиб ишлаб чиқарувчи ўз даромадларини, истеъмолчилар эса ўз истеъмол ҳажмларини максималлаштиришга интиладиги рақобатли бозор мавжудлиги учун бунга эришилади. Нарх шаклланиши тизими шундай тузилганки, у манфаатдор томонларларни жамият нуқтаи назаридан самарали танловни амалга оширишни рағбатлантирди. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб

чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг манфаатлари билан мотивлашган энергия ижтимоий маҳсулдор йўналишларга йўналади.

Тизим шундай қурилганки, у самарали маҳсулот ишлаб чиқариш ва бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчига танлаш имкониятини қолдиради. Бу бозор тизимининг энг муҳим ютуғи ҳисобланади.

Атама ва иборалар

Мулк ҳукуқи, табиат ресурслари, бозор иқтисодиёти, режали иқтисодиёт, ҳуқуқнинг таркиби, умумийлик, алоҳидалик, ўтувчанлик, мулк санкцияси, самарадорлик.

Назорат саволлари

1. Бозор иқтисодиёти шароитида мулк ҳуқуқи кимга берилади?
2. Марказлашган режали иқтисодиёт шароитида мулк ҳуқуқи кимга берилади?
3. Табиий ресурслар хусусий мулкчилик ҳуқуқининг тарафдорлари ўз фикрларини қандай исботлайдилар?
4. Табиий ресурсларнинг назоратсиз хусусийлаштирилиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
5. Мулк ҳуқуқининг самарали таркиби қандай тўртта муҳим хусусиятларга эга?
6. Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва унинг нархи ифодаланган графикда истеъмолчилар даромадини (consumer surplus) кўрсатинг.
7. Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва унинг нархи ифодаланган графикда ишлаб чиқарувчилар даромадини (producer surplus) кўрсатинг.
8. Қайси шароитда бозор мувозанатига эришилади? Буни графикда кўрсатинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Tom Tietenberg, Environment and Natural Resource Economics. Third edition, стр. 44 – 52.
2. Barry C. Field and Martha K. Field, Environmental Economics: an Introduction, стр. 201- 206
3. Голуб А.А., Струкова Е.В., Экономика природных ресурсов, стр. 167- 204.

15-боб ИККИЛАМЧИ САМАРА

15.1. Иккиламчи самара бозорлар nobарқарорлиги сифатида

Мулкчилик ҳукуки самарали тузилмасининг асосий тавсифларидан бири ўзига хосликдир. Лекин амалиётда ушбу тавсиф кўпинча бузилади. Кўп учрайдиган бузилишлардан бири бу қарор қабул қилувчи шахсни унинг ҳатти ҳаракати натижасида юз бериши мумкин бўлган барча оқибатлари ҳақида қайғурмаслигидадир.

Иккита компания бир дарёда жойлашган вазиятни фараз қилайлик. Улардан бири пўлат ишлаб чиқаради, бошқаси эса соғломлаштириш мажмуини бошқаради. Иккала компания ҳам дарёдан фойдаланади, лекин турли мақсадларда. Пўлат ишлаб чиқарувчи компания ишлаб чиқариш чиқиндиларини окизиб юбориш учун сувдан фойдаланади, иккинчиси соғломлаштириш мақсадларида дам олувчиларни жалб қилишга ҳаракат қилади. Агар ушбу икки компания эгалари турли шахс бўлса, у ҳолда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни кутиш ноўриндир. Пўлат ишлаб чиқарувчи компания нархи юқори ускуналарни жорий этиш ҳисобига ўз даромadini қисқартиришдан манфаатдор эмас, бу эса ўз навбатида дам олувчилар сонини қисқариши ва оқибатда даромадларнинг камайиши ва атроф муҳитни ифлосланишига олиб келиши мумкин.


Бундай вазият иккиламчи самара ёки externalities деб номланади. Иккиламчи самара – бу бозор тизимида иштирок этмайдиган учинчи субъект томонидан алоҳида шахс ёки гуруҳ ҳиссасига тушувчи фойда ёки ҳаражатдир. Иккиламчи самара инсонлар даромадлари ёки турмуш фаровонлигини улар фаолиятига ёки бошқа шахслар фаолиятига боғлиқ бўлган ҳолларда ҳар қандай вазиятда мавжуд бўлади. Мазкур мисолда, пўлат ишлаб чиқарувчи компаниянинг дарёга чиқиндиларни окизиши курортни иккиламчи ҳаражатларини кўпайтиради, тозалаш иншоотларига пўлат ишлаб чиқарувчи компаниялар сарфи, қанча чиқинди чиқариш лозимлигини аниқлаш учун етарли бўлиб ҳисобланмайди.

Пўлат бозоридаги иккиламчи ҳаражатлар самараси 15.1 расмда кўрсатилган. Пўлат қуёвчи саноат нафақат пўлат ишлаб чиқаради, балки чиқиндиларни окизиш йўли билан атроф муҳитни ифлослантиради. Пўлатга бўлган D талаб эгри чизигида кўрсатилган ва пўлат ишлаб чиқаришнинг хусусий маржинал ҳаражатлари (зарар ва ифлосланишни назорат қилишдан ташқари) MCp чизиги сифатида келтирилган. Жамият ифлосланиш ва пўлат ишлаб чиқариш ҳаражатларини кўриб ўтаётганлиги боис, ижтимоий маржинал ҳаражатлар функцияси (MCs) ҳар икки турдаги ҳаражатни ўз ичига олади.

Агар пўлат қуёвчи саноатни ифлослантириши устидан ташки назорат бўлмаса, у Qm ишлаб чиқаришга интилади. Рақобат шароитида бу танлов ишлаб чиқарувчининг, бизнинг мисолимизда пўлат қуёвчи компания даромадларини максималлаштиради. Бунга қарамадан, бу самарасиз эканлиги маълум бўлмоқда, чунки соф фойда Qm нуқтасида эмас, Q* нуқтасида максимал даражага етади.

15.1 расмга таяниб ифлосланишнинг иккиламчи самарасини келтириб чиқарувчи товарларни бозор жойлашуви тўғрисида қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин:

1. Ҳаддан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиши.
2. Ўта қўп зарарли чиқиндилар.
3. Ифлосланишни келтириб чиқарувчи товарлар баҳоси жуда паст.
4. Харажатлар ташқи бўлгунга қадар, ҳар бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришдан ифлосланишни қисқартириш бўйича бозорда рағбатлар бўлмайди.
5. Материаллардан такроран фойдаланиш тизимлари қўлланилмайди, чунки чиқиндиларни оқизиш ва табиатни ифлослантириш бирмунча арзондир.



15.1 расм

Шундай қилиб, бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун бозор номукаммаллиги самараси ҳам ашё, иш кучи ва х.к. таъсир кўрсатади. Бўсама бутун иқтисодиётдан ўтиб боради.

15.2. Иккиламчи самара турлари

Иккиламчи самара ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин. Тарихан иккиламчи самара иқтисодиёти ва дисиктисодиёти атамалари иккиламчи самарадан қўрилган зарар ёки олинган фойдада акс эттирувчи у ёки бу томон таъсири оқибатларини аниқлаш учун фойдаланилган. Аниқроқ қилиб айтганда сув ресурсларининг ифлосланиши иккиламчи самара дисиктисодиёти бўлиб ҳисобланади. Иккиламчи самара иқтисодиётини кимдир ҳудудни сотиб олиб у ерни ободонлаштириб жамоат фойдаланиши учун берган мисолда ёритиш мумкин. Умуман олганда, иккиламчи самара иқтисодиёти амал қилган бозорда ресурслар етишмовчилиги сезилади.

Атроф мухитни ифлосланишида акс эттирилувчи иккиламчи самарадан фарқ килувчи пулли, *resuniary externalities* деб номланувчи иккиламчи самаранинг яна бир туруни қайд этиш жоиз. Баҳоларнинг юқорилиги сабабли иккиламчи самара юзага келганда пулли иккиламчи самара рўй беради. Фараз қилайлик, завод янги худудда қурилди, бу эса ер нархининг ўсишини келтириб чиқарди. Бу ўсиш хонадонларни ижарага олганларнинг барчасига салбий таъсир этади, шу тарика иккиламчи самаранинг дисиктисодиёти келиб чикади. Бирок бундай турдаги дисиктисодиёт бозорнинг нобарқарорлигини келтириб чиқармайди, чунки ижара ҳақининг ошиши ерни етишмовчилигини акс эттиради. Ер бозори ер учун томонлар курашиши мумкин бўлган механизм, баҳолар эса ҳар хил турдаги ердан фойдаланувчилар учун ер қимматини акс эттирувчи кўрсаткич сифатида намоён бўлади. Пулли иккиламчи самарасиз баҳо сигналлари самарали жойлаштириш учун нобарқарор бўлади.

Дарёни ифлосланиши борасидаги мисол пулли иккиламчи самара бўлиб ҳисобланмайди, чунки баҳолар орқали самара ўз шаклини ўзгартирмайди. Ушбу мисолда баҳолар дарёни ифлосланишининг ортаётганлигини акс эттирмайди. Сув ресурсларининг етишмовчилиги пўлат куювчи завод учун баҳо сигнали бўлолмайди ва ер бозоридаги каби пулли иккиламчи самара механизми бўлиб ҳисобланмайди.

15.3. Ресурсларнинг ўзгарувчанлиги иккиламчи самара тури сифатида


Ресурслар самарали тақсимотини таъминлаш рақобатли бозор тизимининг ютукли томонларидан бири эканлигини ўтган маърузада қайд этган эдик. Бошқача айтганда, ресурсларнинг «тўғри» ёки макбул ҳажми кўплаб товар ва хизматларнинг ҳар бирини ишлаб чиқаришга тақсимланади. Бу билан рақобатли бозорда маҳсулотнинг мувозанатли ҳажми маҳсулотнинг макбул ҳажмига тенглаштирилади.

Шу билан бирга рақобатли бозорлар ўз-ўзидан тақсимотни самарали бўлишини таъминлаши тўғрисидаги ҳулоса, ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ барча харажат ва фойда, мос равишда бозор талаби ва таклифи эгри чизикларида тўлиғича ўз аксини топиши борасидаги мавҳум эҳтимолга таянади. Бошқача айтганда, ҳар қандай турдаги товар ва хизматни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш билан боғлиқ иккиламчи самара ёки ўзгарувчанлик мавжуд. Ўзгарувчанлик ҳар қандай турдаги товар ва хизматни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш натижасида фойда ёки харажат учинчи шахс, яъни бевосита сотувчи ёки харидор бўлмаган томон «харажатланганда» юзага келади. Ўзгарувчанлик иккиламчи самара деб ҳам номланади, чунки улар бозор битими иштирокчилари ҳисобланмаган индивид ёки гуруҳ зиммасига тушувчи фойда ёки харажат сифатида намоён бўлади.

Ўзгарувчанлик харажатлари. Товар ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш учинчи томонда копланмайдиган харажатларни келтириб чиқарган ҳолларда ўзгарувчанлик харажатлари юзага келади. Энг яққол ўзгарувчанлик харажатлари атроф мухитни ифлосланиши билан боғлиқ. Кимёвий корхона ёки гўшт консерва заводи ўз саноат чиқиндиларини дарё ёки қўлга оқизиб

юборса, у холда чўмилувчилар, баликчилар ва қайикда сайир қилувчилар, нормал сув таъминоти манбасини кидираётган шаҳарлар: буларнинг барчаси ўзгарувчанлик харажатлари қилади. Нефтни қайта ишлаш заводи атмосферани заҳарли тутун билан ифлослантирса ёки бўёқ ишлаб чиқарувчи завод атрофида маст қилувчи хидларни тарқатса у холда копланмайдиган ўзгарувчанлик харажатлари аҳоли зиммасига тушади.

Ўзгарувчанлик харажатлари ёки иккиламчи харажатлар ресурслар таксимотиغا қандай таъсир этади? Бу 15.2 расмда кўрсатилган. Ўзгарувчанлик харажатлари юзага келганда, яъни ишлаб чиқарувчилар ўз харажатларининг бир қисмини аҳоли зиммасига ўтказса, уларни ишлаб чиқариш харажатлари ўтказилмагандагига нисбатан бирмунча кам бўлиб чиқади. Бошқача сўзлар билан айтганда, таклиф эгри чизиги тўлиқ асос билан товар ишлаб чиқариш билан тенглаштирилувчи барча харажатларни ўз ичига олмади ёки «қамраб» олмади. Бундан қуйидаги хулоса келиб чиқади, яъни S ишлаб чиқарувчининг таклиф эгри чизиги ишлаб чиқариш харажатлари умумий ҳажмини пасайтиради, шунинг учун барча харажатларни ўз ичига олувчи S_i таклиф эгри чизигидан ўнгга жойлашган.




Атроф муҳитни ифлослантириб, яъни ўзгарувчанлик харажатларини келтириб чиқариб, фирма кам ишлаб чиқариш харажатлари қилмоқда ва унинг таклифи S эгри чизигига мос келади. Натижада 15.2 расмда кўрсатилганидек, Q_c маҳсулотининг мувозанатли ҳажми унинг Q_0 мақбул ҳажмидан кўпроқ бўлади. Бошқача айтганда, айнан шу товарни ишлаб чиқаришга ресурслар кўп миқдорда келиб тушмоқда.

Ўзгарувчанлик харажатлари шаклининг ўзгариши. Ўзгарувчанлик харажатлари билан боғлиқ ресурсларнинг номуносаби таксимотӣ муаммосини ҳал этиш учун ҳукумат қандай чораларни қўллаши мумкин? Янада аниқроқ қилиб айтганда ҳукумат ўзгарувчанлик харажатлари шаклини «ишлаб чиқариш ички харажатлари шаклига» қандай ўзгартириши мумкин? Одатда икки турдаги тузатувчи чоралар қўлланилади: конунчилик чоралари ва махсус солиқлар.

1. КОНУНЧИЛИК. Агар сув хавзалари ва ҳаво кенглигини ифлослантириш борасидаги мисолларимизга қайтадиган бўлсак, у холда бу ерда энг тўғри чора бўлиб ифлослантиришни ман қилувчи ёки чекловчи конунчиликни қабул қилиш ҳисобланади. Бу каби конунчилик потенциал ифлослантирувчиларни саноат чиқиндиларни йўқ қилишнинг ишончли усулини жорий қилиш бўйича харажатлар қилишга ундайди: масалан

фирмалар тутун тутқичлар, ишлаб чиқариш жараёнида ифлосланган сувни тозалаш бўйича ускуналарни сотиб олиши ва ўрнатиши лозим. Бундай конунчилик чоралари потенциал тартиб бузувчиларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни ўз зиммасига олишга ундайди. Қисқа килиб айтганда, конунчилик S таклиф эгри чизиғини 15.3. расмда кўрсатилган S_1 ҳолатига ўзгариши ва бу билан ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ва мақбул ҳажмини тенглигини таъмин этиши мумкин.




2. МАХСУС СОЛИҚЛАР. Иккинчи, унчалик тўғри бўлмаган чора солиқлар харажат сифатида фирма таклиф эгри чизиғи детерминанти кўринишида намоён бўлиш фактига асосланади. Ҳукумат маҳсулот бирлигига ўзгарувчанлик харажатларига яқин ёки тенг бўлган махсус солиқни жорий қилиши мумкин. Бундай солиқлар ёрдамида бошқача ҳолатларда у тартиб бузувчи фирма зиммасига хусусий саноат иктисод қилиши мумкин бўлган ўзгарувчанлик харажатлари ёки иккиламчи харажатларни юклайди. Мисол учун, 15.3 расмдаги T маҳсулот бирлигига тенг махсус солиқлар, фирма харажатларини оширади ва у таклиф эгри чизиғини S дан S_1 га суриб юборади. Натижада Q_0 маҳсулотнинг мувозанатли миқдори ва шу тарика ушбу маҳсулотга ўта кўп ресурслар ажратилишига чек қўйилади.

Ўзгарувчанлик фойдаси. Шу билан бирга ўзгарувчанлик фойда кўринишини ҳам олиши мумкин. Айрим турдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш учинчи томон ёки умуман жамият учун қопланишни талаб этмайдиган ўзгарувчанлик фойдасини келтириб чиқариши мумкин. Мисол учун, кўкрак қафаси рентгенограммаси ёки полиомиелитга қарши эмлаш бевосита истеъмолчига фойда келтиради. Шу билан бирга сил касалининг бошланишидаги ташхиз ва юқумли касалларнинг олдини олиш бутун жамият учун кенг миқёсда ва салмоқли ўзгарувчанлик фойдасини келтиради. Таълим ўзгарувчанлик фойдасининг яна бир классик мисоли бўлиб хизмат қилади. Таълим индивидуал истеъмолчига фойда келтиради: «юкори малакали» инсонлар одатда «малакаси паст» инсонларга нисбатан

юкори даромадлар кўради. Лекин таълим бутун жамият учун ҳам катта фойда келтиради; масалан, иктисодиёт бир томондан иш унуми юкори бўлган ва универсал иш кучидан кўпроқ фойда кўрса, иккинчи томондан жиноятни олдини олиш, конунларни ижроси устидан назорат ва хайрия дастурларига камроқ харажат килиш хисобига ютади. Аҳолининг сиёсий фаоллиги ҳам бевосита билим даражасига боғликлиги ҳам салмокли аҳамият касб этади, масалан, сайловда иштирок этаётган шахслар орасида билим даражаси бўйича сайловчилар улуши ортиб бормокда.

15.4 расмда ўзгарувчанлик фойдасини ресурслар таксимотида таъсири кўрсатилган. Ўзгарувчанлик фойдасининг мавжудлиги факатгина айрим шахс ва фирмалар фойдасини акс эттирувчи бозор талаби эгри чизиги фойданинг умумий ҳажмини камайтираётганлигидан далолат беради. Бозор талаби эгри чизиги ишлаб чиқарилиши ўзгарувчанлик фойдасини келтириб чиқарувчи товар ва хизматларни таъминлаш ва истеъмол килиш билан боғлиқ барча кўринишдаги фойдани камраб олмайди. Шу тариқа, 15.4 расмдаги D эгри чизиги айрим шахслар таълим олиши натижасида кўрилган фойдани аск эттиради; D_1 эгри чизиги ушбу хусусий фойдага умуман жамият учун келаётган қўшимча ўзгарувчанлик фойдаси ҳам қўшилгандаги фойдани ўз ичига олади.




15.4 расм

Шундай килиб, D бозор талаби ва S_1 таклифи Q_0 махсулотининг мувозанатли ҳажмини яратаётган бир вақтда, бу микдор Q_0 махсулотининг макбул ҳажмидан кам бўлиб чикмокда. Демак, бозор тизими етарли таълим даражасини таъминламаяпти; бунда ресурслар таълим максадлари учун талаб даражасида йўналтирилмайди.

Ўзгарувчанлик фойдаси шаклининг ўзгариши. Ўзгарувчанлик фойдасининг мавжудлиги билан боғлиқ ресурсларнинг ноокилона таксимоти муаммосини қандай ҳал килиш мумкин?


1. ТАЛАБНИ ОШИРИШ. Бундаги бир ёндашув бу ўзгарувчанлик фойдасини яратилиши билан боғлиқ бўлган муайян турдаги товар ёки хизматларни сотиб олиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган сотиб олиш қобилияти билан истеъмолчиларни таъминлаш йўлидир. Мисол: кам даромадли оилаларни овқатланиш рационини яхшилаш учун мўлжалланган озик-овқат талонлари дастури. Бундай оилаларга ҳукумат томонидан бериладиган талонлар, фақатгина озик-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун фойдаланилиши мумкин. Озик-овқат талонларини қабул қилувчи савдо дўконларига уларнинг пулдаги эквиваленти ҳукумат томонидан коплаб берилади. Бир томондан ушбу даструнинг моҳияти, овқатланишни яхшиланиши камбағал оилалар фарзандларини мактабларда яхшироқ ўқишига, кам ҳақ олувчи катта ёшдагиларга эса ўз ишини яхшироқ бажаришига ёрдам беради. Қисқа қилиб айтганда, дастур иқтисодий жараённинг унумдорлиги юқори иштирокчилари бўлиши учун кам таъминланган инсонларга ёрдам бериш, бунинг натижасида эса умуман жамият учун фойда келтиришни мақсад қилган. 15.5 расм мисолида кўриниб турибдики, дастур озик-овқатга бўлган талабни D эгри чизигидан D_t эгри чизиги томон ортишини таъминлаб, ресурслар тақсимотидаги номуаносибликни камайтирмоқда ёки умуман бартараф этмоқда.



2. ТАКЛИФНИ ОШИРИШ. Қарама-қарши ёндашув бозор таклифи томонидан амалга оширилади. Истеъмолчиларни муайян турдаги товар билан субсидиялаш ўрнига ҳукумат кулай ва маъмурий жиҳатдан оддий усул сифатида ишлаб чиқарувчиларни субсидиялаши мумкин. **Субсидия** – бу оддий «махсус солиқнинг акси»; солиқлар ишлаб чиқарувчилар учун қўшимча харажатларни келтириб чиқаради, субсидиялар эса ушбу харажатларни қисқартиради. 15.6 расмда маҳсулот бирлиги учун ишлаб чиқарувчиларга берилётган U субсидия харажатларни қисқартириши ва таклиф эгри чизигини S_1 дан пастга S_2 ҳолатига суриб юбормоқда. Натижада маҳсулот миқдори Q_0 дан Q_1 мақбул даражагача ортиб бормоқда, бу эса ушбу турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун ресурслар тақчиллиги бартараф этилганлигидан далолат беради. Олий таълимни давлат томонидан субсидияланиши, оммавий профилактик эмлаш дастурлари, давлат

касалхоналари ва поликлиникалари – буларнинг барчаси кўриб ўтаётган ёндашувимизни амалий қўлланилиш мисолларидир.

3. ХУКУМАТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ РОЛИДА. Ечимнинг учинчи варианты, ўзгарувчанлик фойдаси ўта юкори бўлганда юзага келади. Ҳукумат бандай тармоқларни молиялаштиришни ёки давлат мулкига айлантириши ва уларни бевосита бошқаришни ўз зиммасига олиши мумкин.



15.4. Индивидуал (якка тартибдаги) келишув (Коуз теоремаси)

Шу тариқа унинг муаллифи Рональд Коуз номи билан аталган Коуз теоремасига мувофиқ, ижобий ва салбий иккиламчи оқибатлар қуйидаги ҳолатларда давлат аралашувини талаб этмайди: 1) мулкчилик ҳукуки аниқ белгиланганда 2) кам сонли ишчилар жалб қилинганда ва 3) битим қиймати жуда кам бўлганда. Бундай ҳолатларда, давлат роли манфаатдор шахслар ёки гуруҳлар ўртасидаги келишувни рағбатлантиришда бўлиши лозим. Томонлар иқтисодий манфаатлари ҳал қилинаётганлиги боис, улар ўртасидаги келишув мулоқот йўли билан иккиламчи оқибатлар муаммосининг мақбул ечимини топиш имкониятини беради. Мулкчилик ҳукуки икки томон учун ўзгарувчан харажатларни келтириб чиқариб иккиламчи натижа баҳосини белгилаб беради. Шунинг учун уларда иккиламчи оқибатлар муаммосини ҳал қилиш йўлини топиш зарурати келиб чиқади.

Кенг тарқалган мисол. Фараз қилайлик, катта ўрмон майдони эгаси минглаб ерни катта ёшдаги игна баргли дарахтлардан тўлиғича тозалаш бўйича ўрмон тайёрлов компанияси билан шартнома тузмокчи. Ўрмон ҳудудида соҳилида бутун мамлакатга маълум курорт жойлашган қўлнинг борлиги мураккабликни келтириб чиқаради. Курорт ўрмон эгасига тегишли ерда жойлашган. Ушбу ҳудуднинг табиий чиройи бутун мамлакатдан сайёҳларни ўзига жалб этади. Штат ёки муниципалитет ҳукумати ушбу вазиятга қандайдир қўринишда аралашishi керакми?

Коуз теоремасига кўра, ўрмон ва курорт эгалари ушбу муаммони ҳукумат аралашувисиз ҳал этиши мумкин. Қандай? Агар томонларнинг бири

тортишув предмети бўлган объектга доир ҳуқуқга эга бўлса, у ҳолда иккала томонда ҳам улар учун мақбул бўлган ечим тўғрисида келишиб олишга рағбат бор. Бизнинг мисолимизда, ўрмон эгаси дарахтлардан тозаланиши лозим бўлган ерга мулкчилик ҳуқуқига эга. Шунинг учун курорт эгасида ўрмонни кесишнинг салбий оқибатларини камайтириш учун ўрмон эгаси билан келишувга эришиш юзасидан рағбат бор. Аёнки, курорт атрофидаги катта майдондаги ўрмонни кесиш натижасида сайёҳлар сони кискаради, демак, курорт эгаси даромадлари ҳам камаяди.

Курорт эгаси билан битим тузиш учун ўрмон эгасининг яққол кўза ташланмайдиган, лекин муҳимликда қолишмайдиган иқтисодий манфаатлари мавжуд. Нима учун? Бу саволга жавоб ўзгарувчан харажатлар тушунчасида яширинган. Ўрмонни кесиш натижасида ўрмон эгаси кўрадиган энг салмоқли зарарлардан бири бу игна баргли дарахтларни кесмасликка розилик учун курорт эгасидан қоплама ололмаслигидир. Сўзсиз, иккиламчи оқибатларни минималлаштириш ёки бартараф этиш учун курорт эгаси ўрмон эгасига бир вақтнинг ўзига ёки ҳар йили маълум суммани тўлаб боришга тайёр бўлади. Ёки курорт эгаси ўрмонни кесишига йўл қўймаслик учун ўрмон майдонини нисбатан юқори баҳода сотиб олишга хоши билдириши мумкин. Ўрмон эгаси нуқтаи назаридан ўрмон кесишига йўл қўймаслик учун тўлов ёки ўрмон билан биргаликдаги ер қийматидан бирмунча юқори бўлган харид баҳоси, ўрмонни кесишдаги харажатларни ташкил этади.

Бундай вазиятда игна баргли ўрмонни кесишдан кўра келишувга эришишни ҳар икки томон мақсадга мувофиқ деб топишини олдиндан айтиш мумкин. Коуз теоремасига мувофиқ ушбу потенциал иккиламчи оқибатни тўғрилаш учун ҳукуматни аралашувига зарурат бўлмайди.

Бундан ташқари, ушбу вазиятнинг ҳайратли жиҳати шундаки, бундаги самарали натижа икки томоннинг қайси бири мулкчилик ҳуқуқига эгаллигига боғлиқ бўлмайди. Деярли ҳақиқатдан йироқ эҳтимолга йўл қўямиз: ҳукумат олдиндан курортдан бир неча мил масофадаги ўрмонни кесишни юридик ман этиб уни эгасининг розилигисиз курорт эгасига «мулкчилик» ҳуқуқини берди. У ҳолда ўрмон эгаси юзага келган вазиятни курорт эгаси билан муҳокама қилишга интилади деб фараз қилайлик. Охири эса янги ўзгарувчан харажатлар қилади. Мулкчилик ҳуқуқларини янгича тартибда тақсимланишида курорт эгаси нисбатан катта ёшдаги дарахтларни ҳар йили кесишга рухсат учун ўрмон эгасидан қопламалар олиш имконига эга бўлади. Курорт эгаси нуқтаи назаридан, бу потенциал тўлов ўрмонни кесишга рухсатнинг йўқлиги билан боғлиқ ўзгарувчан харажатлар сифатида намоён бўлади. Энди ҳар икки томонда яна иккиламчи оқибатни камайтириш ёки бартараш этишга хизмат қилувчи ўзаро манфаатли келишувга эришишнинг иқтисодий рағбатлари вуҷудга келади.

Афсуски, аксарият салбий иккиламчи оқибатлар йирик битимлар билан боғлиқ кўп сонли манфаатдор томонларни четлаб ўтганича йўқ. Шунинг учун хусусий тартибдаги келишувлар бундай салбий иккиламчи самарани тузатиш имконини бермаяпти. Қўшма Штатлар ва Канадада истикомат қилувчи кўп миллионли инсонларга тегишли бўлган ишқорли ёмғирлар муаммосини бир мисол тариқасида келтириш мумкин. Иккиламчи самара камайиши юз

берувчи, кандайдир тартибда кўп сонли манфаатдор томонлар мустақил равишда келишувга эришишини кутиш керак эмас. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш технологияси ёки миқёсларини ўзгартиришга ушбу муаммо «айбдорларига» етарли бўлган суммани инсонларни ўз улушини ихтиёрий равишда тўлашга мажбур қилишда акс этувчи ижтимоий товар билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келиши мумкин. Ахир барча манфаатдор томонлар ишқорли ёмғирларни камайтириш бўйича эришилган келишувдан, бу учун улар тўловни тўлаш ёки тўламаслигидан катъий назар фойда олади. Бу каби ҳолатларда, иккиламчи оқибат муаммосининг ечимини топиш учун биз ҳукумат ёки ҳукуматларга таянишимиз лозим. Шунга қарамастан, Коуз теоремаси мулкчилик ҳуқуқини аниқ белгиланиши иккиламчи самарани камайтириш ёки бартараф этиш омили бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини ёдимизга солади.

15.5. Иккиламчи самара ҳуқуқи бозорининг шаклланиши

Салбий иккиламчи самарани бартараф этиш учун таклиф этилган энг янги ёндашувлардан бири Коуз теоремаси билан боғлиқ. Бу ёндашувнинг моҳияти иккиламчи самара ҳуқуқи бозорини шаклланишидадир¹. Бу каби ёндашувни бошқа иккиламчи оқибатларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин бўлсада, келинг фикрларимизни атроф муҳитни ифлосланиш муаммоси билан чегаралаймиз. Ҳаво, сув, қўл, уммонлар ҳамда истироҳат боғлари ва кўчалар каби давлат ер участкалари ифлосланишнинг бирламчи объекти бўлиб ҳисобланиши атроф муҳитни ифлослантириш ҳуқуқи бозорини шакллантириш учун асосий сабабдир, чунки ушбу ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи ёки жамиятга тегишли, ёки конун билан тартибга солинмайди. Натижада хусусий шахсларда ҳам идораларда ҳам ушбу ресурслардан фойдаланишни чеклаш, тозалик ва сифатни сақлашга рағбат йўқ, чунки бундай фаолият билан боғлиқ харажатларни қоплашга ҳеч қандай ҳуқуқ йўқ. Биз ўз мулкчимизни муҳофаза қиламиз – вақти-вақти билан ўз уйимизни таъмирлаймиз ва бўёқ қиламиз – чунки қисман бўлсада уни сотаётганимизда ушбу тадбирларнинг қийматини қайтариб оламиз. Лекин ҳаво, сув ва айрим ер участкаларига «ҳуқуқ» барчага тегишли бўлиб ва улардан барча эркин фойдаланар экан, уларни муҳофаза қилиш ёки улардан чекланган тартибда фойдаланишга рағбат бўлмайди. Бунинг оқибатида табиий ресурслар «хаддан зиёд фойдаланилади» ва бу билан ифлосланади.

Шунинг учун атроф муҳитни ифлосланишини назорат қилувчи тегишли идора сув ёки ҳаёо сифатини макбул даражада сақлаб туриш мақсадида мазкур ҳудудда йил давомида сув ёки ҳавога чиқарилиши мумкин бўлган ифлослантирувчи моддалар миқдорини белгиллаш тўғрисидаги таклиф киритилмоқда. Масалан, идора пойтахт қўлига 500 т ифлослантирувчи модда окизилиши ва табиат томонидан «қайта ишланиши» мумкинлигини белгилаб беради. Демак, жорий йилда эгасига 1 т ифлослантирувчи моддани қўлга окизиш ҳуқуқини берувчи ифлослантириш учун 500 ҳуқуқ ҳар йили сотишга чиқарилади. Ифлослантириш ҳуқуқи жами таклифи ўзгармайди, чунки 15.8 расмда

кўрсатилганидек у мутлок эгилувчандир. Ифлослантириш ҳукуки эгри чизиги, бошқа турдаги ҳар қандай ресурсга бўлган талаб эгри чизиги каби пасайиб боради. Юкори баҳолар амал қилганда атроф мухитни ифлослантирувчилар бундай қилишдан тўхтайдилар ёки тозалаш ускунасини сотиб олиб уни камроқ даражада ифлослантиришга ҳаракат қилади. Шундай қилиб, ифлослантиришга бўлган ҳукукка мувозанатли бозор баҳоси ўрнатилади— мазкур ҳолатда 100 дол., - ушбу баҳода атроф мухит тозалигини сақлаб қолиш имконини берувчи микдордаги ифлослантириш ҳукуки уни ифлослантирувчилар учун берилади. Эътибор беринг, бундай бозорсиз, яъни агар чиқиндилар оқизиш учун қўлдан фойдаланиш бепул бўлганда, унга 750 т ифлослантирувчи моддалар оқизилган ва ундан «ортиқча фойдаланиш» ёки 250 т ортиқча ҳажмда ифлослантирилган бўлур эди.


Вактлар мобайнида, аҳоли ва тадбиркорлар сонининг кўпайиши билан талаб 1990 дан 2000 гача ортади. Ифлослантириш ҳукуки бозорсиз ифлосланиш 2000 йилда табиат ўзлаштириши мумкин бўлган даражадан 500 т ортиб кетган бўлур эди. Ифлослантириш ҳукуки бозори мавжуд бўлганда уларнинг баҳоси 100 дан 200 дол. гача кўтариллади, ифлослантирувчи моддалар ҳажми яъни 500 т - қўл «қайта ишлаши» мумкин бўлган ҳажм ўзгармайди.

Бундай режа бир қатор афзалликларга эга. Потенциал "ифлослантирувчилар" атроф мухитни муҳофаза қилиш учун яққол моддий манфаатга эга бўлади: акс ҳолда улар ифлослантириш ҳукукини сотиб олишга мажбурдир. Атроф мухитни муҳофаза қилувчилар ҳукукларни сотиб олиш ва уларни ўз қўлларида сақлаш билан ҳукумат томонидан белгиланган меъёрларга нисбатан ҳақиқатдаги ифлосланишни камайтириш йўли билан ифлосланишга қарши курашиши мумкин. Ифлослантириш ҳукукига бўлган талабнинг ортиб бориши билан тегишли микдордаги ҳукукни сотишдан олинаётган даромад табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун фойдаланиши мумкин. Натижада вақт давомида ўсиб бораётган баҳолар ифлослантиришни назорат қилишнинг мукамаллашган усуллари излашга рағбатлантиради.

Маъмурий ва сиёсий қийинчиликларга қарамасдан ҳукумат кенг микёсли атроф мухитни ифлослантириш ҳукуки бозорини шакллантиришдан воз кечган бўлсада у ҳавони ифлослантириш ҳукуки бозори сифатида шаклланди. Тоза ҳаво тўғрисидаги Қонун шартларига мувофиқ атроф мухитни муҳофаза қилиш Бошқармаси (АММКБ) мамлакатнинг турли ҳудудлари учун ҳавони ифлослантириш меъёрларини белгилаб берган. Минимал меъёрларга амал қилинмайдиган ҳудудларда, агар ифлослантиришнинг мавжуд манбаларини камайтирилмаган ёки бартараф этилмаган бўлса янгиларини жорий қилишга рухсат берилмайди. Бундан ташқари, ушбу ҳудудлардаги ҳар бир фирма АММКБ томонидан у учун белгиланган меъёрларга мувофиқ ҳавони ифлослантиришни камайтиришга мажбур. 1977 йилда АММКБ фирмаларга улар учун белгиланган меъёрлардан кам даражада ифлослантирса, ифлослантириш ҳукукини янги ёки мавжуд бошқа фирмаларга сотишга рухсат бера бошлади. Мисол учун,

мазкур ҳудудда жойлашиш хохиши бўлган янги фирма йиллик чиқиндилар, айтайлик 20 т азот чиқиндиси чиқариш ҳукукини ўша ҳудудда фаолият юритаётган фирмдан сотиб олиши мумкин, албатта агар охиргиси ушбу захарли модда чиқиндиси у учун белгиланган меъёрдан қисқартиришга муваффақ бўлса. Бу 20 т азот чиқиндиси чиқариш ҳукуки баҳоси ифлослантириш ҳукукига бўлган талаб ва таклифга боғлиқ бўлади. Яқин ўтмишда шаклланган бундай ҳуқуқлар бозори тобора кенгайиб бормоқда.

Атроф муҳитни ифлослантириш сув хавзаси ёки атмосфера «кайта ишлаш» имконига эга бўлган ифлослантирувчи моддалар миқдорини белгиловчи ва бу чекланган миқдордаги ҳуқуқни атроф муҳитни ифлослантирувчиларга сотувчи давлат органи томонидан назорат қилиниши лозим. Атроф муҳитни маълум қийматга эга бўлган тақчил ресурсга айлантириш ушбу чоранинг асосий мақсадидир. Келажакда иктисодиётнинг ривожланиши ва аҳолининг ўсиши билан ифлослантириш ҳукукига бўлган талаб ошиб боради, лекин бу ифлосланишни кўпайишига эмас, балки ифлослантириш ҳукуки баҳосининг ошишига олиб келади.



15.8 расм. Атроф муҳитни ифлослантириш ҳукуки бозори.

Атама ва иборалар

Мулк ҳукуки, иккиламчи самара, ишлаб чиқариш, самара, атроф муҳит, табиат ресурслари, ифлосланиш, ресурсларнинг ўзгарувчанлиги, ўзгарувчанлик харажатлари, конунчилик, махсус солиқлар, ўзгарувчанлик фойдаси, талабни ошириш, таклифни ошириш, Коуз теоремаси.

Назорат саволлари

1. Иккиламчи самара нима? Атроф мухит муҳофазаси билан боғлиқ иккиламчи самарага бир нечта мисол келтиринг.
2. Иккиламчи самара турларини санаб ўтинг. Дисиктисодиёт деганда нима тушунилади?
3. Куйидагиларни график кўринишда акс эттиринг: а) ресурсларнинг ўзгарувчанлик харажатлари; б) ресурслар тақсимотига ўзгарувчанлик самарасини тўғрилаш, в) талаб томонидан ресурслар тақчиллигини тўғрилаш, г) таклиф томонидан ресурслар тақчиллигини тўғрилаш.
4. Коуз теоремасига мувофиқ потенциал иккиламчи муаммо самарасини яқка тартибдаги келишув ёрдамида куйидаги ҳолларда ҳал этиш мумкин: а) мулкчилик ҳуқуқи аниқ белгиланганда, б) манфаатдорлар сони кўп бўлмаганда ва в) келишув қиймати салмоқли бўлмаганда. Нима учун айнан юқорида санаб ўтилган ҳолатларда Коуз теоремаси амал қилишини тушунтириб беринг.
5. Ифлослантирувчи моддаларни маълум ҳажмини чиқинди сифатида чиқариш ҳуқуқини сотиб олиш ва сотиш мумкин бўлган атроф мухитни ифлослантириш ҳуқуқи бозори ифлослантириш баҳосини белгилаши ва бу билан фирмаларни уларни қискартириш ёки бартараф этишга рағбатлантиришини тушунтиринг.

Адабиётлар рўйхати

1. Кемпбелл Р. Макконнелл, Стенли Л. Брю. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Таллин 1993. Том 1. стр. 96-100.
2. Кемпбелл Р. Макконнелл, Стенли Л. Брю. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Таллин 1993. Том 2. стр.

ЖАМИЯТ (УМУМХАЛҚ) БОЙЛИКЛАРИ

16.1. Асосий концепциялар шарҳи

Аввалги маърузаларда асосий иқтисодий мақсад - «инсон эҳтиёжларини энг юқори даражада қондириш учун чекланган ва тақчил ресурслардан самарали фойдаланиш»га эришиш учун фойдаланиладиган мезонлар, шу жумладан, ресурсларни жойлаштиришнинг махсулдорлиги ва самарадорлиги ва унга эришиш йўллари ўрганилган эди. Мавжуд ресурслар шароитида энг юқори натижаларга эришиш учун зарур бўладиган асосий маржинал шароитлар ҳам ўрганилган эди.

Шунингдек, рақобатни мувофиқлаштириш - барча нарх ва ишлаб чиқариш муқобилларини билиш, мулк ҳуқуқини сақлаб қолиш, очик бозорларга эркин чиқиш, иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасига эркин кириб бориш имкони бўлган мукамал рақобат орқали энг юқори самарадорликка эришиш учун энг муҳим шароитлар ҳам ўрганилган.

Жамият бойликлари.

Жамоат секторидagi фаолиятнинг асосий натижалари жамият бойликларидир. Мазкур бобда ўқувчи аввалги микроиқтисодиёт курсида танишган жамият бойликлари назарияси ривожлантирилади. Линдал мувозанати ва Линдал нархи тушунчаси киритилади. Жамият бойликларини мақбул ишлаб чиқариш шароити қисман ва умумий мувозанат нуқтаи назаридан қўриб чиқилади. Самарали фаолият кўрсатадиган индивидларнинг жамият бойликларини ишлаб чиқаришдаги ўз хоҳишига кўра иштирок этиши учун зарур бўладиган шароитлар муҳокама қилинади. Жамият бойликларига тегишли бўлган афзал кўришни илғаб олиш жараёни ёритилади. Клублар назариясининг асосий қондалари баён этилади. Режали, бозор ва ўтиш иқтисодиёти шароитида жамият бойликларини ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилади.

Жамият бойликларининг хусусиятлари.

Жамият бойлиги иккита хусусияти: истеъмолдаги —ўлчаб бўлмаслик ва истисно қилиб бўлмаслиги билан ажралиб туради. Рақобатдан ташқарида бўлишлик шуни билдирадики, бойлик бир вақтнинг ўзида кўпгина истеъмолчиларга етади ва уни истеъмолчига етказиб беришнинг чегаравий харажатлари нолга тенг. Истисно қилиб бўлмаслик деганда бойликка бошқа истеъмолчиларни эгалик қилишини таъқиқлаб қўйишнинг имконияти йўқлиги тушунилади. Иккала хусусият ҳам юқори даражада тегишли бўлган бойликларга соф жамият бойликлари деб аталади. Лекин кўрсатилган хусусиятлардан бирортаси чекланган тарзда намоён бўлса, бу аралаш жамият бойлигидир.

Миллий мудофаа ёки қонунчилик соф жамият бойликларига мисол бўлиши мумкин. Аҳоли сонининг ортиб бориши ўз-ўзидан стратегик ядро қучлари қўламини кенгайтиришни талаб қилади. Масалан, озиқ-овқат махсулотларидан фарқли ўлароқ мудофаа тизими бутун мамлакат аҳолиси томонидан истеъмол қилинади. Бу ҳар бир фукарога фойда келтиради ва фойда ҳажми истеъмолчилар сонига боғлиқ эмас. Бир вақтнинг ўзида

мамлакатда яшовчи алоҳида фукаро «ядро соябони» остидан чиқариб ташланиши мумкин эмас.

Мудофаа ва қонунчиликдан келтирилган мисоллар бошқалардан фаркли ўлароқ кўзга қўринарли. Бунинг маъноси шуки, соф жамият бойликлари одатда оддий маҳсулотлар эмас, балки бир қатор моддий ва номоддий унсурларни бирлаштирадиган нисбатан мураккаб институционал қурилмалардир. Айтайлик, ҳарбий анжомлар жамият бойлиги ҳисобланмайди. Алоҳида патрон истисно қилиб бўлмаслик хусусиятига ҳам, ўрнини алмаштириб бўлмаслик хусусиятига ҳам эга эмас. Лекин ҳарбий анжомлар соф жамият бойлигини, айнан мудофаа тизимини ташкил қилувчи компонент сифатида намоён бўлади.

Институционал контекстнинг аҳамиятини қуйидаги мисол билан тушунтириш мумкин. Залда бўлаётган ва унга билет билан кириш мумкин бўлган концерт оммавий дам олинадиган паркда барча келувчилар қўриши мумкин бўлган концертдан фарқ қилади. Концерт аралаш жамият бойлиги ҳисобланса ҳам, унинг хусусиятлари жамият бойлигига хосдир, ва аниқ шароитлардан келиб чиққан ҳолда турлича даражада намоён бўлиши мумкин.

Жамият бойлигини қўшимча истеъмолчига етказиб бериш харажати нол даражаси шуни билдирадики, ижобий баҳолаш нуқтаи назаридан бошқалар бўлаётган пулни бўламайдиган индивид ҳам жамият бойлигидан фойдалана олиш имконига эга бўлади ва бунда ўша индивиднинг яшаш шароити яхшиланади, бошқаларники эса ёмонлашмайди ёки Парето-яхшиланиш жараёни бўлади.

Бошқа томондан, истисно қилиб бўлмаслик жамият бойлигини етказиб берувчи алоҳида истеъмолчи билан бўладиган иктисодий муносабатини бошқа истеъмолчи билан бўладиган муносабатидан ажрата олмасликни назарда тутати. Истисно қилиб бўлмаслик хусусиятига эга бўлмаган биргаликда истеъмол қилинадиган бойликлар бўлганда, шароит бошқачарок бўлади.

Аввал эслатиб ўтилган залда ўтказилган концерт мисолига мурожаат қиламиз. Ҳар бир концертга келувчи чипта сотиб олар экан шахсан ўзига кўрсатилган хизмат учун пул тўлайди. Бу хизмат шахсий бойлик ҳисобланади, залдаги аниқ битта жойни факат бир томошабин банд қилади. Концерт кўювчининг даромади сотилган чипталар миқдорига боғлиқ. Бундан ташқари ўриндиқларнинг залдаги жойлашишига қараб битта концертга сотилган чипталар ҳар хил баҳога эга бўлади. Бу бутун индивидлар тўпламига бир вақтнинг ўзида кўрсатилган хизмат тўла бир хил эмаслигидан далолат беради. Шундай қилиб, концерт бир бирига тўла ўхшамаган индивидул хизматлар тўпламига мисол бўлади, бунинг устига бу хизматларнинг ҳар бири алоҳида сотилади ва сотиб олинади.

Аралаш жамият бойликлари учун кўпроқ шу нарса характерики, ҳақиқатда тўланган пул учун етказиб берилган хизматлар тўплами мазкур бойликнинг етказиб берилиши мумкин бўлган потенциал имкониятидан кам бўлади. Бунинг тушунтириш учун, масалан, томошабинлар билан лик тўла концерт зали ва автомобиллар камдан-кам ўтадиган кўприкни солиштириш мумкин. агар концертга ҳамма билетлар сотилиб бўлган бўлса ҳам, у

ҳақиқатда жамият бойлиги(хатто аралаш ҳам) хусусиятига эга бўлмайди. Машиналар кам ўтадиган кўприк эса, ундан ўтш учун пул тўланса ҳам аралаш жамият бойлиги ҳисобланади.

16.2.Бозорнинг камбағаллиги-жамият бойлиги.

Агар бойлик бутун гуруҳга хизмат қилса ва у бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолатда истеъмол қилинадиган индивидуал хизматларга бўлинмаса, бу жамият бойлигига ёрқин мисол бўлади. Масалан қонунчилик шундай хусусиятга эга. Агар қонун бир вақтнинг ўзида жамиятнинг барча аъзоларига йўналтирилмаганда эди, у алоҳида индивид учун фойдали бўлар эди. Бошқа мисол-кўча ҳаракатини бошқариб турувчининг хизмати. Алоҳида ҳайдовчи бошқариб турувчининг фаолият кўрсатаётган ҳудудидаги бошқа ҳайдовчилар ҳам унинг хизматидан фойдаланаётганлиги учун ҳам унинг хизматидан наф кўрапти. Бундай мисоллар индивидуал хизматларни биргаликда истеъмол қилиш ҳолатларида(концерт эшитиш, автобусда юриш ва ҳоказо) шароитга қараб қайд қилинади.

Жамият бойликлари умуммиллий ва маҳаллий бўлиши мумкин. Улар орасидаги фарқ у ёки бу бойликнинг фойдаси қанча ҳудуднинг қамраб олишига қараб аниқланади. Агар юқорида келтирилган мисоллардан яна фойдаландиган бўлсак, бир томондан мудофаа ёки қонунчиликни умуммиллий бойлик деб, бошқа томондан эса кўча ҳаракатини бошқариб турувчининг ҳаракатини маҳаллий жамият бойлиги деб аташимиз мумкин.

Хусусий ва жамият бойликлари ўртасида ўзига хос оралиқ жойни эгаллайдиган алоҳида қимматга эга бўлган ёки ижтимоий аҳамиятга молик бойликлар ҳам мавжуд. Масалан, профилактик эмлаш аниқ индивидга кўрсатиладиган хизмат ҳисобланади. Шу билан биргаликда у нафакат касалликнинг ўзини камайтиради, балки охир оқибатда эпидемия пайдо бўлиш эҳтимолигини ҳам камайтиради. Бундай бойликларни ишлаб чиқаришнинг энг мақбул даражасининг ижобий таъқи самарасига фақатгина бевосита истеъмолчиларнинг уни истеъмол қилиши билан эришилмайди. Алоҳида қимматга эга бўлган бойликни истеъмол қилиш қисман ҳукумат томонидан қопланади, баъзан жамият маблағлари ҳисобидан тўла молиялаштирилади ва мажбурий ҳисобланади.

16.2. Жамият бойликлари ишлаб чиқариш соҳасидаги мувозанат

Жамият бойликларининг ўзига хос томонлари уларни ишлаб чиқариш соҳаси учун талаб ва мувозанат шароитини шаклланишида аниқ намоён бўлади. Маълумки, хусусий бойлик учун йиғилган талаб талабнинг индивидуал вазифаларини горизонтал бирлаштириш йўли билан шаклланади. Бунда мувозанат ҳолати ҳамма индивидлар учун ўзаро ўрин алмашишнинг чегаравий меъёрлари ўзаро тенг ва ўзгаришнинг чегаравий меъёри билан мос тушади ва ўша бойликнинг нархлари нисбати билан айнан ўхшаш бўлади. жамият бойликлари учун йиғилган талаб талабнинг индивидуал вазифаларини вертикал жамлаш орқали ҳосил бўлади.

Жамият бойликларига бўлган талаб ўзи нима эканлигини тушунтириш лозим. Умуман олганда, талаб – бу сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги бозор


муносабатининг бир жиҳати. Жамият бойликлари, айниқса, соф жамият бойликлари олди-сотди объекти бўла олмайди. Лекин бу маълум миқдорда ишлаб чиқарилган ҳар бир жамият бойлиги индивидлардан ҳар бири учун фойдали эканлигини (салбий ёки ижобий) истисно қилмайди. Жамият бойлигининг индивидлар учун чегаравий фойдалилигининг пулдаги ифодаси мазкур бойлик миқдори учун тўловнинг чегаравий тайёрлигини билдиради. Талаб ҳақида сўз кетганда худди шу нарса инобатга олинади.

Бу хусусий бойликларга талабнинг индивидуал функциясини горизонтал жамлаш ва жамият бойликларига бўлган талабнинг индивидуал функцияларини вертикал жамлаш ортида туради. Хусусий бойликлар ҳолатида индивидлар бир хил нарх билан рўпара келишса, улар танловидаги фарқ бир нархда бўлган товардан ҳар хил миқдорда сотиб олишларида юзага келади.

Йиғинди талаб бу миқдорларни жамлаш йўли билан шаклланади. Жамият бойлиги бир хил миқдорда ҳар бир истеъмолчига етиб боради. Танлашдаги фарқ шунда намоён бўладики, индивидлар бойликнинг ўша миқдорида пул тўлашнинг ҳар хил чегаравий тайёрлигини намоён қиладилар. Ҳар хил тўловлар бўлиши мумкин, чунки, ҳар бир индивид томонидан тўланган тўловлар бирлашиб ўша бойликни ишлаб чиқариш харажатини қопласа бўлди.

Агар истеъмолчилар талаби бир-бирига мос тушмаса, бир хил тўлов тўланганда кимнинг тўлаш тайёрлиги нисбатан паст бўлса, улар бой берадилар.

Улар учун мазкур жамият бойлигини ишлаб чиқариш ҳолатни ёмонлашишини билдирган бўлар эди. Бир вақтнинг ўзиде кимнинг жамият бойлиги учун тўлашга тайёрлиги ўртачадан юкори бўлса, улар бу бойликни пайасирилган нидивидуал нархда олган бўлар эдилар.




16.1-чизмада жамият бойлиги учун пул тўлашнинг индивидуал тайёрлиги функциясининг вертикал жамланмаси акс эттирилган.


Бу функциялар D_1 ва D_2 билан белгиланган. Координаталар ўқлари бўйича Q жамият бойлигининг сони ва P, S -таклиф функцияси «бахоси» қўйилади. D йиғинди талабнинг функцияси бу расмда синдирилган линия чизик билан акс эттирилади. Гап шундаки, индивидлар учун бойликнинг чегаравий фойдалилиги ёки салбий ёки нол ҳолатни кўзда тутди. Q^* нуктасидан ўнроқда D_2 индивидуал талаб ўлчами нолга тенг ва D йиғинди талаб функцияси D_1 индивидуал талаб функцияси билан мос тушади. Е-мувозанат нуктасидир. P_1 ва P_2 индивидуал «нархлар» йиғиндида P_E мувозанатли нархни беради.

16.2 расмда яна ҳам умумийроқ ҳолат (белгилар 16.1 расдаги билан бир хил) акс эттирилади. Жамият бойлигининг ҳеч бўлмаганда битта индивид учун чегаравий фойдалилиги уни ишлаб чиқаришнинг маълум критик даражасига эришиш бўйича салбий бўлиши мумкинлиги кўзда тутилади. Масалан, D_2 талаб функцияси индивиднинг танловини ва давлатнинг мудофаани кучайтиришга муносабатини акс эттиради. Мазкур индивид нисбатан унча катта бўлмаган курулланниш даражасини юқори баҳолайди ва шу билан биргаликда у давлатнинг ҳарбий қудратини ошириш маълум бир чегарадан ўтгандан кейин нобарқоралик ва ҳарбий низолабнинг чиқишига олиб келиши мумкин деб ҳисоблайди. D жамият бойликларига йиғилган талаб функцияси ҳали ҳам D_1 и D_2 ларни вертикал жамлаш орқали топилади. Лекин ушбу ҳолатда биринчи индивид томонидан тўланадиган P_1 «нарх» иккинчи индивид олиши лозим бўлган P_E миқдордан жамият бойлигининг мувозанатли ишлаб чиқариш унга салбий фойда олиб келгани учун ортиб кетади.

Пул тўлашга индивидуал чегаравий тайёрликнинг аҳамиятига мос келадиган жамият бойликларига бўлган нархлар мувозанати **Линдал нархлари** деб аталади. Бу нархларда эишиладиган мувозанат **линдал мувозанати** деб аталади.



16.2 - Расм



16.3.- Расм

16.3-расм индивидлар жамият бойликлари учун пул тўлашга тайёрлик функцияларини бир-биридан яширмаган ҳолатда Линдал мувознатига эришишни акс эттиради. Бу бойликларни ишлаб чиқариш соҳасидаги мувозанатнинг Парето-самарали ҳолати истеъмолчиларнинг бир овоздан қарор қабул қилиши натижасида юз бериши мумкин.

16.3-расмда А ва В индивидлар (ёки таъсири бўйича тенг индивидлар гуруҳи) томонидан жамият бойлигига талаб акс эттирилган. Бу иккита индивид ҳақиқатда истеъмол қилинаётган жамият бойлигига биргаликда пул тўлаши лозим. А ҳарфи билан А индивид томонидан тўланадиган тўлов (солик) ҳиссаси акс эттирилган. В индивиднинг ҳиссаси ўз-ўзидан $(1-h)$ ни ташкил этади. Жамият бойлигининг миқдори $O_A G$ ўқи бўйича жойлаштирилади. Биринчи индивид томонидан жамият бойлигига талаб функцияси АА эгри чизиги билан ифодаланади (координаталарнинг бошланиши O_A нуктасида). Иккинчи индивид томонидан жамият бойлигига талаб функцияси координатаси O_B нуктасидан бошланган эгри чизик билан ифодаланади.

Айтайлик, биринчи индивиднинг жамият бойликлари учун тўловдаги ҳиссаси h^1 , иккинчисиники эса $-(1-h^1)$ бўлган вариант кўриб чиқилмоқда. Тўловларни бундай тақсимлашда биринчи индивиднинг жамият бойлигига бўлган талаби G_1 ни, иккинчисиники эса G_2 ни ташкил қилган бўлар эди. Бошқача қилиб айтганда қилишилган қарорга эришилмас эди. Индивидлардан (ёки гуруҳлардан ҳар бири) ҳар бири ўз учун фойдали бўлмаган қарорни қабул қилмас эди ва ўз ўзидан жамият бойлигини қўнғилли равишда ишлаб чиқаришни имкон бўлмас эди.

Лекин агар истеъмолчилар ўзларининг нимани афзал кўришини яширмасалар, улар иккала томонни ҳам қониқтирадиган мувозанат нуктасини топадилар. Бу ҳолатда жамият бойлиги G_E миқдорда ишлаб чиқарилади. Биринчи истеъмолчига мазкур бойликни ишлаб чиқаришга кетган жами сарфнинг h_E ҳиссасини тўлаш тўғри келса, иккинчи истеъмолчининг ҳиссаси $(1-h_E)$ ни ташки этади.

Лекин муаммо шундаки, ҳар бир индивиднинг оқилона иш тутиши ўзининг тўловдаги ҳиссасини камайтиришни кўзда тутати. Шунинг учун ҳам

истеъмолчилар ўзларининг хакикий хохишларини яширишга мойил бўладилар. Уларнинг ҳар бири жамият бойлигига бўлган ўзларининг талабини камайтиришга ҳаракат қилишлари мумкин. Мана шу муносабат билан юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари жамоа ҳаракатига бағишланган параграфларда кўриб чиқилади. Лекин, аввало, биринчи навбатда жамият ва хусусий бойликлар иштирокида мувозанатга қандай эришилишига эътиборни қаратиш лозим.

Аслида олдинги таҳлиллар қисман мувозанат контекстида ўтказилган эди. Бунда фақат алоҳида жамият бойлигини ишлаб чиқариш соҳаси эътиборга олинган эди ва муаммо фақат агар индивидуал талаб функциялари берилган бўлса, мазкур бойликка йиғилган талаб қандай ҳосил бўлишида эди. Шунга қарамай жамият бойлиги хусусий бойлик билан бир қаторда аҳамиятга эга бўлган умумий мувозанат шароитини яратиш лозим.

16.3. Жамоавий ҳаракатлар

Жамият бойликларини яратиш ўзаро қелишилган жамоавий ҳаракатларни кўзда тутди. Улар мазкур бойлиқни ишлаб чиқаришда ёки тўғридан-тўғри иштирок этишда ёки уни ишлаб чиқаришни биргаликда молиялаштиришда намоён бўлади. Аслида фақатгина нисбатан камдан-кам ҳолатлардагина жамият бойликлари индивидуал асосда яратилган. Бу масалан, якка-қизиқувчи жамият томонидан бериладиган молиявий ёрдамдан фойдаланмасдан кейинчалик умумбашарий бойлик бўлиб қолган илмий кашфиёт яратганда рўй беради.

Лекин жамият бойлиги ундан потенциал фойдаланувчиларнинг барчаси ёки бир қисмининг меҳнат ёки молиявий хиссасисиз яратилиши мумкин бўлмаган ҳолат қонунийдир. Шунга қарамай жамоавий ҳаракатда кўнгилли равишда иштирок этиш автоматик тарзда таъминланмайди. Жамият бойликларини ишлаб чиқариш билан **чиптасиз киши муаммоси** пайдо бўлади. Унинг мавжуд бўлиши истисно қилиб бўлмайдиган жамият бойликлари учун характерлидир. Агар жамият бойлиги яратилса, ундан ишлаб чиқаришда ва молиялаштиришда қатнашганлардан ташқари индивидлар ҳам фойдаланадилар.

Жамоа ҳаракати муаммосини маҳбуснинг дилеммаси деб номланган оддий назарий-ўйин модели ёрдамида характерлаш қабул қилинган. Модел А. Таккер томонидан таклиф қилинган ва унинг маъноси индивидуал оқилоналик мезонига тўғри келувчи ўзни тутиш жамоавий оқилоналик мезонига қрама-қарши қилиши мумкин. Эслатиб ўтамиз, хусусий бойликлар бозорида кузатиладиган бошқачарок ҳолат иктисодчилар учун одатийдир. «Кўринмас қўллар» тамойилига мувофиқ хусий манфаатларга йўналтирилган оқилона ҳаракатлар Парето-самарали натижаларга олиб келади. Жамият бойликларини ишлаб чиқаришда бу умуман олганда рўй бермаслигини маҳбус дилеммаси акс эттиради.

Анъанага кўра у тахминан куйидагича тарзда баён этилади. бир қанча жиноятларни амалга оширганликда гумон қилиниб икки киши ушланган. Мавжуд далиллар уларни унчалик оғир бўлмаган жиноят билан айблашга етади ва бунинг учун, масалан, бир йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси

қўлланилиши мумкин, лекин ўзларининг берган кўрсатмалари асосида уларни оғирроқ жиноятлар билан айблаш ва бу кўпроқ муддатга, масалан, 8 йил камок жазоси берилишига сабаб бўлиши мумкин. Лекин агар иккала гумондордан биттаси кўрсатма берса, у одил суднинг ёрдами билан озод қилинади. Агар иккаласи ҳам жиноятни бўйнига олса, ҳар бири беш йилдан камок жазосига ҳукм этилади. Иккала ушланган шахс учун баён қилинган шартлар 16.4 –жадвалда акс эттирилган (жадвалдаги рақамлар қамалиш муддатларига мос келади).

16.4-жадвал. Маҳбуснинг дилеммаси

	Тан олиш	яшириш
Тан олиш	5;5	0;8
Яшириш	8;0	1;1

Ушланганлар бир-бирлари билан муомала қила олмайдлар ва шунинг учун улар ўзаро келишган ҳолда ўзини тутишни келиша олмайдилар. Бундай ҳолатларда уларнинг ҳар бири учун устунлик қиладиган стратегия тан олишдир (улар ўзларининг шахсий манфаатларига бўйсунадилар). Аслида ушланганларнинг ҳар бири куйидагича тарзда фикр юритадилар: «Менинг шеригим ўзини қандай тутишидан қатъий назар тўғри кўрсатма бериш мен учун фойдалироқдир. Агар у жиноятни яширса, мен озодликка чиқаман, агар у тан олса, мен ўз жиноятини тан олмаётган киши сифатида қолмайман, бунга яна ҳам каттиқроқ жазо берилади. Натижада бундай яқун ҳар иккаласи учун ёмон бўлса ҳам, ҳар бир жиноятчи беш йилдан камок жазосини олади.

Маҳбус дилеммаси шериклар билан ҳамкорлик қилишга қаратилган ҳаракат агар бошқа томондан ҳамкорлик қилишга қафолат бўлмаса индивид нуқтаи назаридан бевосита фойдали бўлмаслиги мумкинлигини аниқлаб беради.

Ҳамкорликнинг индивидуал номувофиклиги муаммосининг бошқачароқ контекстида «мумийлик фожеаси» номи билан маълум ҳолат юзага келади. Унинг маъноси алоҳида ҳуқуқларнинг ўзаро тан олинмаслигидир. Кўпгина фермер хўжаликлар фойдаланадиган яйловни кўз олдимизга келтирамиз. Уларнинг ҳеч қайсисида мазкур яйловда ўзларининг чорва ҳайвонларини боқишини қамайтиришига рағбат йўқ. Бунинг натижасида яйлов тезда яроксиз ҳолга келиб қолади. Худди шундай ҳолат балиқ овлаш ҳудудларига ҳам тегишли ва ҳ.к.

Келтирилган мисолларда ҳамкорлик салбий натижадан ҳоли бўлишга имкон берган бўлар эди. Лекин, ҳамкорлик ижобий натижаларни таъминлаганда ҳолатларда барча фикрлар (лекин иллюстрациялар эмас) қўллашга яроқлидир.

Бозорнинг фаолият кўрсатиши учун, умуман олганда, онгли муносабатлар талаб қилинмайди. Парето-самарали ҳолатларга эришиш учун ҳар бир бозор субъекти ўзининг шахсий манфаатини мақбул тарзда қондиришга ҳаракат қилиш итарлидир. Ҳар бир потенциал шерикнинг шахсий манфаатини қондиришга қаратилган индивидуал оқилона ҳаракатлар

жамият бойликлари ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик қилишга олиб келадими?

Атама ва иборалар

Жамият бойликлари, режали иқтисодиёт, бозор иқтисодиёти, хизматлар, жамоавий ҳаракатлар, ноқонуний фойдаланиш, Парето-самарали, маҳбус дилеммаси.

Назорат саволлари

1. Жамият бойликлари нима? Мисоллар келтиринг.
2. Жамият бойликларининг қайси иккита хусусиятини биласиз?
3. Аралаш жамият бойликлари нима?
4. Умуммиллий ва маҳаллий жамият бойликларига мисол келтиринг.
5. Линдал нархи ва Линдал мувозанати нима?
6. «Чиптасиз киши муаммоси»га мисол келтиринг, бу муаммони қандай ҳал қилиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. Голуб А.А., Струкова Е.Б. Экономика природных ресурсов. М., 1999.
2. Кемпбелл Р. Макконнелл, Стенли Л. Брю. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Таллин 1993. Том 1. стр. 99.

АТРОФ МУҲИТНИНГ ИФЛОСЛАНИШИ ВА УНИ БАҲОЛАШ

17.1. Атроф муҳитнинг ифлосланишидан кўриладиган иктисодий зарар

Инсониятнинг жуда кўп турдаги фаолияти у ёки бу даражада атроф муҳитга таъсир килади. Бу фаолият натижасида ҳосил бўлган зарарли моддалар атмосферага, ер усти ва ости сув объектларига тушиши, тупроқда тўпланиши мумкин. Ишлаб чиқаришнинг каттиқ чиқиндилари зарарсизлантирилиш, йўқ қилиниши, саклаш ёки кўмиб ташлаш учун тайёрланган махсус полигонларга жойлаштирилиши мумкин. Лекин, буларнинг ҳаммаси зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини олдини олишга тўла қафолат бермайди.

Атроф муҳитга антропоген таъсир жараёнида тўртта асосий «қатнашчи» мавжуд бўлади:

- Ифлослантириш манбалари(атроф муҳитни ифлослантирувчилар);
- Ифлослантирувчи моддалар(чиқиндилар);
- Географик, клим, метеорологик ва бошқа ўзига хос хусусиятларга эга ифлослантириладиган ҳудудлар;
- Бу ҳудудларда жойлашган реципиентлар(таъсир йўналтирилган объектлар)

Атроф муҳитнинг зарарланишидан кўриладиган иктисодий зарар(3) деганда реципиентлардаги қуйидаги йўналишларга йўналтирилган харажатлар суммаси тушунилади:

- Зарарли таъсирни олдини олиш X олд (таъсирдан саклаш, уни камайитириш)
 - Зарарли таъсир оқибатларини компенсациялаш X комп
- Ёки

$$3 = 3_{\text{олд}} + 3_{\text{комп}} = X_{\text{олд}} + X_{\text{комп}}$$

Олди олинган зарарни экологик баҳолаш атмосфера, сув ресурслари, тупроқ ва ер ресурслари, биологик ресурсларни қўшган ҳолда табиатни муҳофаза қилиш ресурслари турлари бўйича амалга оширилади. Олди олинган экологик зарар ҳажмини белгиловчи асосий омилларга зарарли чиқиндиларни ташлаш; тупроқни кимёвий моддалар билан зарарланишининг камайиши; рухсат этилмаган ахлатхоналар ташкил этилган майдонларни камайиши; деградацияга учраган ер майдонлари ҳажмининг камайиши; биохилма-хилликни саклаш ёки кўпайитириш ва бошқалар кирази.


Олди олинган экологик зарар атроф-табiiй муҳитни бутунлигича ёки унинг экологик ресурс компонентларини(атмосфера хавоси, сув ресурслари, ер ресурслари, ўсимлик ва ҳайвонот олами ресурслари) белгиланган меъёрлар даражасида асраш ёки экологик сифатини оширишга йўналтирилган табиатни муҳофаза қилиш фаолияти натижаларининг пулдаги ифодасидир.

Экологик зарарни олдини олиш бўйича энг муҳим вазифалардан бири ифлослантирувчи моддаларни тақсимлашнинг иктисодий нуқтан назардан самарали тақсимлаш йўлини топишдир. Бунн биз икки турдаги харажат: зарарли моддалар таъсирида олинган харажатлар(*damage cost*) ва зарарли

моддаларнинг таъсирини камайтириш учун килинган харажатлар(*control cost*)ни ўзида акс эттирган график кўринишида кўриб чиқамиз. Бунинг учун биз назорат даражасини кўпайтириш ёки камайитириш натижасида зарарли моддалар таъсирини камайитириш бўйича харажатлар қандай ўзгаришини, шунингдек, ифлослантирувчи моддалар таъсирида олинган харажатлар қандай ўзгаришини билишимиз зарур бўлади.

Одатда чегаравий зарар (*marginal damage*) қўшимча ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш кўпайиши билан кўпайиб боради. Оз миқдорда зарарли моддалар ташланганда чегаравий зарар унчалик катта бўлмайди, қўшимча(чегаравий) бирликлар эса сезиларли даражада катта зарарларга олиб келиши мумкин.

17.1-расм. Ифлослантирувчи моддаларни самарали жойлаштириш



Зарарли таъсирни олдини олиш учун килинган чегаравий харажатлар (*marginal control costs*), одатда, назорат даражасини ортириш билан кўпайиб боради. Айтайлик, алюмин ишлаб чиқарувчи завод чиқинди чиқариш даражасини 80 %га камайитирувчи электростатик фильтр ёрдамида атмосферага зарарли чиқиндиларни ташлашни камайитиришга ҳаракат қилмоқда. Ёки бошқача қилиб айтганда, бундай фильтр ўрнатилганда завод зарарли чиқиндилар чиқаришнинг 80 %га камайтиради ва фақат 20 % чиқиндини

атмосферага чиқариб ташланади. Агар завод атмосферага чиқарилаётган чиқиндилар миқдорини яна ҳам камайтиришга ҳаракат қилса, биринчи филтёрнинг тепасига яна бир филтёр ўрнатиши мумкин. Бунда иккинчи филтёр биринчи филтёрдан ўтган 20% чиқиндининг 80 %ини ушлаб қолиши мумкин. Бу чиқиндиларнинг умумий миқдоридан 16%ни $((100-80)*80)$ ташкил қилади. Бундан шундай ҳулоса чиқариш мумкинки, зарарли моддаларнинг қўшимча бирлигини камайтириш учун қилинган харажатлар зарарли моддалар бирлиги камайиши билан қўпайиб боради.

17.1-расмда Q^* нукта зарарли моддаларни самарали жойлаштириш нуктаси ҳисобланади, бу ерда зарарли моддаларнинг чегаравий бирликлари томонидан етказилган зарар уни олдини олишга қилинган чегаравий харажатлар билан тенглаштирилади. Чапга Q^* нуктасига силжиб борган ҳолда график назоратнинг юқори ҳажмини ва ифлослантирувчи моддаларнинг кичик ҳажмини кўрсатади. Назоратнинг юқори даражаси (Q^* нуктадан чап қисмда)самарасиз ҳисобланади, чунки зарарли таъсирни олдини олиш учун қилинган кейинги харажатлар зарарни камайишидан кўпроқ бўлади.

17.2. Ўзбекистондаги атроф муҳитни ифлослантирувчи асосий манбалар

Ҳавонинг ифлосланиши-ҳар хил газлар, сув буғи ва қаттиқ заррачалар(табiiй жараёнлар таъсирида ёки инсон фаолияти натижасида ҳосил бўлган)қўшилиши натижасида ер атмосфераси таркибининг ҳар қандай салбий ўзгаришидир. Ифлосланишнинг 90 % н антропоген характерга эга бўлиб, автомашиналар двигателида ёкилғи ёкиш(тутун кўринишидаги чиқиндини ташлаш), атмосферанинг ифлосланишига олиб келадиган турли хил ишлаб чиқариш жараёнлари унинг асосий манбалари ҳисобланади. Масалан, очик усулда қазилма бойликларни қазиб олиш, тупроқ эрозияси, дарё ва кўлларнинг қуриши(Орол денгизининг қуриши бунга ёрқин мисол бўлиши мумкин). Факат 10 % зарарли моддалар кул ажралиб чиқиш билан рўй берадиган вулкон отилиши, зич тутун тўплamlари ҳосил қиладиган ўрмон ёнғинлари каби табiiй жараёнлар натижасида атмосферага тушади. Ҳавода мавжуд бўладиган микроорганизмлар (гул чанглари, моғор замбуруғлари, бактериялар, вируслар) кўпгина инсонларда хуруж, аллергия ва юкумли касалликларни кўзгатади.


Ўзбекистонда транспорт ва саноат ҳавони ифлослантирувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади. Саноат ва транспорт фаолияти натижасида йилга атмосферага хом-ашёни қайта ишлаш, материалларга ишлов бериш ва ёкилғининг ёниши натижасида тутун, қурум, чанг ва томчи суюқлик кўринишида 4 млн тоннага яқин кимёвий моддалар чиқариб ташланади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, атмосферани зарарлашда юқори салоҳиятга эга бўлган зарарли моддалар чиқарувчи Ўзбекистоннинг нисбатан йирик индустриал(саноат) марказлари бир-бирига яқин жойлашган. Яна бир характерли хусусияти шундан иборатки, бир-бирига яқин йирик саноат корхоналарининг тор тоғ водийларида (масалан, Чирчиқ, Тошкент, Янгийўл) жойлашганлигидир. Бу ҳудудларнинг вертикал ҳаво алмашишининг

ёмонлиги ва атмосфера ёгинларининг тозаловчи хусусиятлари туфайли зарarli моддаларнинг ёкори даражада концентрациялашувига олиб келади. Буларнинг бари шаҳарлар ва ахол пунктлари ўртасида фаол алмашинишни юз беришига олиб келади.

Фаол транспорт окими мавжуд бўлган вилоятларда (Тошкент, Фарғона, Навоий) ҳавонинг олтингугурт 2 оксиди билан юқори даражада зарарланиши кузатилади. Углерод оксиди эса машинасозлик заводлари яқинида ва Тошкент шаҳридаги йўл чорраҳаларида кузатилади. Республика бўйича 1991-1996 йилларда олтингугурт 2 оксиди бўйича йўл қўйилиши мумкин бўлган концентрация (ПДК) улуши 0,3-0,4 ни ташкил этди; углерод оксиди бўйича худди шунга ўхшаш ҳажм 0,65-0,68 ПДК га тенг бўлган. Шундай ҳулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистоннинг йирик саноат шаҳарлари (Олмалик, Бухоро, Нукус, Самарқанд, Тошкент, Фарғона) атмосферага ўртача йиллик концентрацияси икки ва ундан ортик моддалар бўйича зарarli чиқиндиларни чиқарувчи йирик манбалар ҳисобланади.

Орол денгизининг қуриган тубидан ҳам катта микдордаги туз қумларининг ҳавога қўтарилиши натижасида атмосферага катта зарар етказмоқда.


Динамика изменения основных загрязняющих веществ в г.Ташкент за период 1991-1996 (за базовый уровень принят 1991г)



Ер ресурслари. Ўзбекистонда, шунингдек, ер ресурсларининг камайиши билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳам пайдо бўла бошлади. Экстенсив ҳўжалик юритиш шароитидаги иқтисодий муаммоларнинг сабаблари мамлактда ҳар қандай йўл билан пахта мустақиллигига эришиш мақсадида янги ерларни ўзлаштириш ва пахта ишлаб чиқариш ҳажмини қўпайтириш, алмашлаб экишни тўла жорий қилмаслик, минерал ўғит ва пестицидларни ҳаддан ташқарий қўп қўллаш ҳисобланади.

Янги ерларни оммавий тарзда ўзлаштириш натижасида шўрланган, кийин мелнорация қилинадиган, кам ҳосилли ерлар кишлок ҳўжалиги оборотида кириб қолди. Бу катта майдонларда табиий мувофиқлаштирувчи механизмларнинг емирилишига, тупроқнинг мураккаб экологик тизимдан солинган минерал ўғитларни ўсимлик илдизларига етказиб беришга хизмат қилувчи субстрат тизимга айланишига олиб келди.

Использование пестицидов



Ҳосилдорликни оширувчи асосий манба ҳисобланган тупроқдаги гумус(чиринди)нинг микдори кейинги ўн йилликда 30-40 %га камайиб кетди. Гумус билан кам ва ўта кам таъминланган тупроқлар жами суғориладиган ерларнинг 40 % ини(1,7 млн га) ташкил қила бошлади, паст унумли(кучли шўрланган, гипслашган, эрозияга учраган, тошлок) ерларнинг ҳажми 0,5 млн гектарга етди.

Тупроқдаги кислотада эрувчи ва сувда эрувчи ҳаракатчан симоб, мишьяк каби оғир металллар, нефть маҳсулотлари ва бошқа моддалар таҳлили шуни кўрсатадики, бундай металллар ионлари билан асосан Тошкент, Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ каби саноати ривожланган шаҳарлар атрофидаги тупроқлар зарарланган.

Самарқанд вилоятида тупроқлар мишьяк ва рух билан белгиланган меъёрга нисбатан 6-10 баробар кўп зарарланган ҳолатлар қайд қилинган.

Собиқ кишлоқ хўжалиги аэродромлари, заҳарли кимёвий моддаларни сақлаш омборларига яқин жойдаги тупроқларни зарарланиши ҳам алоҳида ташвиш туғдиради.

Сув ресурслари. Худуддаги барча дарёлар бутун оқими бўйлаб чорвачилик, майший-хўжалик, саноат чиқиндиларининг ифлослантирувчи таъсири ости бўлади. Республикадан ташқарида ер усти сувларига 5 мингдан ортик сувдан фойдаланувчиларнинг оқава-чиқиндилари чиқарилади ва бу очик сув объектларига чиқарилаётган жами оқаванинг ўртача 20 фоизини ташкил қилади.

Ифлосланган ва юкори даражада ифлосланган сув оқимларига аҳолиси зич бўлган саноатлашган шаҳар худудларида жойлашган ва кўпинча йирик шаҳарлардан ташқарида жойлашган дарёлар ҳам киради. Уларга органик моддалар ёки таркибида заҳарли бирикмалар мавжуд бўлган кўп компонентли концентрланган оқавалар чиқариб ташланади. Бундай сув оқимларида оғир металллар ионлари йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрга нисбатан 10 баробар ва ундан ҳам юкори бўлиши мумкин. Бу тоифага, масалан, Тошкент ва Янгийўл шаҳарларидан қуйи томонда жойлашган Солор дарёси киради.

Ер ости сувлари, асосан, йирик шаҳарлар ва фаолият кўрсатаётган саноат марказлари худудларида кучли даражада ифлосланган. Асосан, бундан 30-40 йил мукаддам ўрнатилган, оқава сувларини чиқариб ташлашга мўлжалланган ер ости қувурларининг ўта эскирганлиги, улардан тозаланмаган оқава сувларнинг филтрланиб, ер ости сувларига қўшилиб кетиши мавжуд ҳолатни яна ҳам кийинлаштиради.

Шу билан биргаликда, дарёлар водийсида шаклланадиган юқори сув тўпланувчи катламлардаги ер ости сувларининг сифати тобора ёмонлашиб бораётганлиги кузатилмоқда. Масалан, Чирчик водийсида ер ости сувларининг минерализация даражаси йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрдан 3 баробар, Охангарон водийсида минерализация ва сувнинг умумий каттиклик даражаси 1,2-1,7 баробар, натрий ионлари концентрацияси 1,5-2,5, сульфатлар концентрацияси 2,0, кадмий 2,0 баробарни ташкил этади. Зарафшонда ДДЕ микдори йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан 4 баробар ортди. Бу биринчи навбатда саноат оқава чиқиндилари тўпланадиган жойлардан филтрланаётган зарарли моддалар, шунингдек, қишлоқ хўжалигида захарли кимёвий моддаларнинг қўлланилиши билан боғлиқ.

Қўқон-Қақир ва Фарғона-Марғилон саноат ҳудудларларидаги ер ости сувларининг ҳолати алоҳида ташвиш уйғотади. Бу ерларда нефт маҳсулотлари ва фенолларнинг микдори йўл қўйилиши мумкин бўлган концентрациядан 100 баробар, азотли бирикмалар, турли хил тузлар ва организм учун зарарли бўлган бошқа моддаларнинг микдори 10 баробар ортди. Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Фарғона фуран бирикмалари Киме заводи мазкур ҳудудларда ер ости сувларини ифлослантирувчи асосий корхоналар ҳисобланади.


Мис ва қўрғошинни бойитувчи фабрикаларининг умумий чиқинди саклаш жойларидан, шунингдек, Тошкент вилояти Пскент туманидаги Киме заводининг фосфогипс чиқиндиларидан ерга филтрланаётган захарли моддалар ер ости сувларини ичиш учун яроқсиз аҳволга келтириб қўйди. Чиқиндихоналар дамбаларидан 5 км узоқликдаги ер ости сувларида селен, кадмий, фосфат тузларининг микдори йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрдан 2-8 марта ортди кетган.

Тақомиллашган агротехникани қўллашдаги сусткашлик, ирригация ва сув тақсимлаш тизими техник ҳолатининг коникарсиз аҳволда эканлиги, жихозларнинг эскирганлиги, сувни тежовчи технологияларнинг йўқлиги сув сифатининг ёмонлашишига, суғориладиган майдонларнинг шўрланишига, қўллашиш жараёнини тез сураётларда ривожланишига олиб келди.

Сувнинг сифатига бир катор табиий ва антропоген омиллар ҳам таъсир кўрсатмоқда. Табиий омиллар каторида, айниқса, тоғли ҳудудлар дарёларида каттик ёмғир ва жадал қор ва музларнинг эриши натижасида ҳосил бўладиган майда зарралар ҳосил бўлиши, дарё ўзани тупроғи жинсига боғлиқ ҳолда сувларининг минерализациялашувини таъкидлаш мумкин.

Сирдарё хавзасида дарё сувининг минерализациялашувини даражаси қарийб 50 %ни ташкил қилади. Бу Амударё хавзасига нисбатан 20 %га кўпдир. Антропоген омилларга сув хавзаларига ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш қиради. Кейинги йилларда жуда кўп саноат корхоналарининг фаолияти тўхтатилди ва бунинг натижасида сув хавзаларига чиқинди ташлаш ҳам сезиларли даражада камайди. Лекин оқава

сувларни тозалаш станцияларидаги қурилмаларнинг эскирганлиги, уларни таъмирлаш ёки янгиларини қуриш ишлари деярли амалга оширилмаётганлиги юқори қатламдаги ер ости сувларининг сифатини янада ёмонлашиб кетишига сабаб бўлмоқда. Атмосферадан тушаётган захарли моддалар, суғориладиган майдонлардан ювилиб тушаётган кимёвий моддаларнинг қолдиклари, дарё бўйларида яқин жойларда фермер хўжаликларин сонининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши натижасида чорва моллари чиқиндиларининг дарёга ювилиб тушиши, асосан, дарё бўйларида жойлашган боғдорчилик кооперативларидан захарли моддаларнинг ювилиб тушиши натижасида юза қатламдаги сувларнинг сифати тора ёмонлашиб бормоқда.



Сув хавзалари санитар химоя зоналари тартибига риоя қилмаслик сувларнинг зарарланишига таъсир қилаётган асосий омил бўлиб қолмоқда.

Мана шу сабаблар туфайли узок вақт мобайнида ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши ва ер майдонларининг ботқоклашиш жараёни юз бермоқда. 1990-1998 йиллар мобайнида ер ости сувларининг чуқурлиги 2 метрдан юқори майдонлар салмоғи ҳудуддаги жами суғориладиган ер майдонларига нисбатан 25 % дан 34 % га ортди.

17.3. Тўла иқтисодий киймат концепцияси

Натижаларни (самара, фойдалилик, наф) баҳолашда экологик бойликларнинг тўла иқтисодий киймати концепцияси муҳим ўрин тутди. Унинг ёрдамида турли хил кўринишдаги фойдали нарсалар, шу жумладан, тўғридан-тўғри пул кўринишида ўлчаб бўлмайдиган нарсалар ҳам баҳолашиши мумкин. Экологик бойликлар кийматининг таркибий қисмларини кўриб чиқамиз.

Киймат экологик объектлардан тўғридан-тўғри фойдаланиш билан ифодаланади. У табиий ресурслар ва экологик бойликлардан (масалан, ўрмон участкасида ёғоч тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан ҳосил йиғиштириш, ҳайвонларни овлаш ва бошқа) фойдаланишдан олинган даромад билан ўлчанади.

Билвосита фойдаланиш киймати, одатда, табиий муҳит инъом этган хизматлардан фойдаланишдан олинган даромад билан ўлчанади. Табиий муҳитнинг инсон организмни соғломлаштиришга таъсири, шунингдек, эстетик, рекреацион ва бошқа эҳтиёжларини қондириши каби фойдали томонлар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Кечиктирилган муқобиллик қиймати келажакда экологик бойликлардан фойдаланишдан даромад олиш имкониятини сақлаб қолиш билан боғланади. Одатда, у келажакда ҳам табиатдан фойдаланиш учун уни асраш учун маблағ сарфлашга тайёрлик билан ифодаланади. Мисоллар: бугунги кунда фойдаланилмаётган ўрмон участкасидан олинadиган потенциал даромад; биохилма-хиллик фармакология учун потенциал бойлик ҳисобланади.

Қолдириладиган мерос қиймати келгуси авлод фойдаланадиган соф табиий муҳит учун маблағ тўлаш учун тайёрлик оркали аниқланади.

Яшаш (мавжуд бўлиш) қиймати. Кечиктирилган муқобиллик қийматидан фарқли ўларок у экологик бойликлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган келажакда олиниши мумкин бўлган даромадлар билан эмас, балки табиий муҳитнинг тоза, хилма-хил, ва маҳсулдор ҳолатда мавжуд бўлиши билан аниқланади.

Таъкидлаш жоизки, табиат томонидан инъом этилган барча бойликларни комплекс баҳолаш учун фойдаланиладиган мезонлар хали шаклланиш босқичида бўлиб охиригача тўла ишлаб чиқилмаган. Шунга қарамасдан, кўриб чиқилган концепциянинг қиймати қуйидаги имкониятларга эга:

- Атроф муҳит томонидан инъом этилган фойдали нарсаларни турли-туманлигини кўрсатиш;
- Экологик бойликлар ва умуман, бутун табиий муҳит қийматини иктисодий(пул) кўрсаткичлар ёрдамида ифодалашнинг қийинлигини акс эттириш;
- Бу соҳада турли хил ҳисоблаш жараёнлари имкониятларини намоиш этиш.

17.4. Табиий муҳитнинг ифлосланишидан кўриладиган умумий иктисодий зарарнинг таркиби

Атроф муҳитнинг ифлосланиши деганда ушбу муҳитга инсон соғлиғи, флора, фауна ва умуман, бутун экологик тизимга салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай турдаги каттик, суюқ, газсимон моддалар, микроорганизмлар ва энергияларнинг тушиши тушунилади. Мазкур натурал кўринишдаги зарарларни пулда баҳолаш атроф муҳитнинг ифлосланишидан келган иктисодий зарар деб аталади. Табиий муҳитнинг ифлосланишидан олинган умумий иктисодий зарарнинг таркибини кўриб чиқамиз.

Моддий объектларга (ишлаб чиқариш ва истеъмол секторида) етказилган зарар коррозия натижасида жихозлар ҳамда биноларнинг муддатидан олдин эскириши ва бино томини янгилаш, олд қисмини бўйлаб, ишлаб чиқариш ҳудудлари ва яшаш кварталларини тозалаш учун кетган харажатларда акс этади.

Табиий муҳит таъсири туфайли инсонлар ҳаёти ва соғлиғига етказилаётган зарар аҳолининг касалланиш ва ўлим даражасининг ортиши, улар фаол ҳаёт кечиришининг қисқариши ва меҳнат унумдорлигининг камайиши орқали ифодаланади.

17.5. Баҳолаш услубиёти ва усуллари

Экологик бойликлар ва харажатларни баҳолашда асосий муаммо бозорга тегишли бўлмаган бойликлар ва руҳий катеориялар-саломатлик, инсон ҳаёти, ҳайвонот дунёси, ёввойи табиат қабиларга пулда баҳо бериш ҳисобланади. Бундан ташқари, биз атроф муҳитни ифлосланишининг оқибатлари, шунингдек, экологик бойликлардан олинадиган фойдаларнинг барчасини билмаймиз.

Атроф муҳитнинг зарарланишидан келадиган зарар ва ифлослантирувчилар устидан ўрнатилган назоратнинг фойдали томонлари

Фойдали жиҳатларни аниқлаш билан боғлиқ баъзи бир энг қийин муаммолар ифлослантирувчилар устидан самарали назорат даражасини белгилашда пайдо бўлади. Фойда атроф-муҳитга келтириладиган зарарнинг олдини олиш учун ифлослантирувчиларга ўрнатилган назоратдан олинади. Ифлослантирувчилар устидан назоратни кучайтиришдан олинадиган фойда зарарли моддаларни чиқариб ташлаш бир хил даражада ушлаб туриладиган даражадаги зарар даражаси билан яна ҳам кўпроқ назорат қилишга олиб келиши мумкин бўлган зарарнинг яна ҳам камроқ даражаси ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Фойдани ўлчаш бизнинг турли даражадаги ифлосланиш туфайли келиб чиққан зарарнинг аниқлай олиш қобилиятимизга боғлиқ.

Ифлосланишнинг зарари турли хил шаклда пайдо бўлиши мумкин. Биринчи ва энг кўзга кўринарлиси инсонлар соғлиғига таъсир ҳисобланади. Ифлосланган ҳаво ва сув касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Зарарнинг бошқа бир шакли ўзида очик ҳавода фаолият кўрсатишдан завқланишни йўқотиш ва ўсимликлар олами, ҳайвонларга келтирилган зарарни мужассамлаштиради.

Зарарнинг қўламини баҳолашда қуйидагилар зарур:

1. Таъсир остида қолган категорияларни аниқлаш
2. Зарарли моддаларни ташлаш (табиий манбалар билан бирга) ва зарарли моддалар таъсирга учраган зарар категорияси ўртасидаги табиий боғлиқликни баҳолаш
3. Зарар миқдорини камайтириш ёки олдини олиш бўйича акс таъсирни баҳолаш
4. Табиий зарарнинг пулдаги қийматини белгилаш

Таъкидлаш жонзқн, ҳар бир кадамни амалга ошириш жуда ҳам қийин кечади.

Маълум бир ҳаракат атроф-муҳитнинг зарарланишига сабаб бўлиши аникланса, навбатдаги кадам бу таъсирнинг ўзаро алоқаси ва зарарли моддаларнинг концентрациясини аниқлаш бўлади. Бошқача қилиб айтганда, нафакат агар ифлослантирувчи моддалар нафас йўллари касалликлари билан касалланиш ҳолатларини кўпайишига сабаб бўлаётган бўлса, бу моддаларни камайтиришдан нафас йўллари касалликларининг қанча камайиши кутилаётганлигини ҳам билиш лозим.

Жисмоний зарар аниқланганда иккинчи кадам зарарнинг пулдаги қийматини аниқлаш ҳисобланади. Иктисодчилар жисмоний зарарни камайишининг пулдаги қийматини аниқлашнинг бир қанча усулларидайдан фойдаланишади.

Алоҳида истеъмолчи нуктаи-назаридан бойликнинг 3 хил пулдаги ўлчами бор.

1. Бозор баҳоси;
2. Тўлашга тайёрлик (willingness to pay, WTP)-истеъмолчи бойликка эга бўлиши учун тўлашга тайёр бўлган маблаг суммаси;
3. Компенсацияни қабул қилишга тайёрлик(willingness to accept compensation, WTA) - истеъмолчи маҳсулотни истеъмол қилишни рад этгани учун қабул қилишга тайёр маблаг суммаси.

Бозор баҳоси истеъмолчи томонидан берилган баҳонинг энг қуйи чегараси ҳисобланади, экологик бойликларнинг иктисодий қийматининг тўларок ўлчами компенсация тўлаш ёки қабул қилишга тайёрлик ҳисобланади. Бунда оддий товарга пул тўлашга тайёрлик талаб эгри чизигидаги нукта ҳисобланади, белгиланган нархни тўлашга юқори даражада тайёрлик истеъмолчиларнинг кўплигини билдиради.

Шундай қилиб, истеъмолчилар учун экологик бойликнинг фойдалилигини ўлчаш учун бу бойликка бўлган индивидуал эгри талабни баҳолаш, уларни бирлаштириш ва кейин истеъмолчиларнинг жами ортиқча қисмини ҳисоблаш зарур. Эслатиб ўтиш лозимки, хусусий бойликлар горизонтал, жамият бойликлари вертикал равишда жамланади. «Вертикал» жамланган миқдор умумлаштирилган баҳо ҳисобга олинган истеъмолчилар миқдорига боғлиқ. Бу қимми истеъмолчилар доирасига қўшиш керак деган муаммони келтириб чиқаради. Экологик бойликларнинг «ишлаб чиқарувчиси» табиат эканлигини эслатиб ўтамиз ва шунинг учун ҳам фаровонликнинг бошқа таркибий қисми ҳисобланган ишлаб чиқарувчининг ортиқчалиги муаммоси пайдо бўлмайди.

Тўлашга тайёрлик ва компенсацияни қабул қилишга тайёрлик ўртасидаги фарқ аниқ бир бойликдан фойдаланиш ёки унга эга бўлишни акс эттиради. Агар истеъмолчи баҳоланадиган бойликка эга бўлмаса(келгусида шаҳарда ҳаво сифатининг яхшиланиши), тўлашга тайёрлик тушунчасидан фойдаланиш жонз бўлади. Агар истеъмолчи бойликка эга бўлса ёки бошқача қилиб айтганда, қво(ҳаво сифатининг ёмонлашиши) мақомининг пасайиб кетиши муаммоси мавжуд бўлса, компенсацияни қабул қилиш тушунчасидан

фойдаланиш лозим. Бир хил турдаги бойлик учун пул тўлашга индивидуал тайёрлик компенсацияни қабул қилишга тайёрликдан паст бўлади деб ҳисобланади. Бу истеъмолчиларнинг кўпинча таваккалчиликдан эҳтиёт бўлишга мойиллигидан келиб чиқади.

Атроф-муҳит қийматини баҳолаш усуллари:

1. **Тўлашга тайёрлик асосида тўғридан-тўғри бозордан ташқари(субъектив) баҳолаш усули.** Бу усул аҳоли томонидан улар фойдаланаётган атроф-муҳит ва экологик бойликлар қийматини баҳолаш учун мўлжалланган. Маълум бир жойда яшаётган аҳоли қандайдир табиий объект(масалан, ўрмон)ни сақлаш мақсадида ёки қандайдир табиий ресурс(масалан, сув)дан фойдаланиш учун тўлашга рози бўлган тўлов миқдорини аниқлаш мазкур усулнинг асосини ташкил қилади.

Баҳолаш мазкур жойдаги аҳоли ўртасида сўров ўтказиш йўли билан амалга оширилади, бу асосда экологик бойликлардан фойдаланаётган инсонларнинг тахминий сони ва маълум бир бойликни сақлаб қолиш ёки маълум бир ресурсдан фойдаланиш учун сўралганлар қанча миқдорда пул тўлашга тайёр эканлиги аниқланади. Аҳоли томонидан тўланадиган жами тўлов миқдори инсонларнинг тўлашга тайёрлиги орқали акс этган аҳоли томонидан тўлашга экологик бойлик ёки табиий ресурснинг умумий қиймати баҳосини аниқлаш имконини беради.

Ушбу усулдан аҳоли гуруҳи мавжуд бўлганда ва уларнинг манфаати кўриб чиқилганда ҳар қандай экологик муаммони кўриб чиқиш учун фойдаланиш мумкин. Бу усул жаҳон амалиётида кенг қўлланилади. Шунингдек, бу усулдан аҳолининг ичимлик сувини истеъмол қилишдан саломатлик учун потенциал экологик хавфни камайтириш ёки хаво сифатини яхшилаш учун пул тўлашга тайёрлигини баҳолашда ҳам фойдаланилади.

2. **Транспорт-йўл харажатлари асосида тўғридан тўғри бозордан ташқари баҳолаш усули.** Бу усул табиат объектининг рекреацион ва эстетик қийматини аҳолининг мазкур табиат объектига бориш учун қилган харажатларини аниқлаш ва солиштириш йўли билан аниқлаш учун мўлжалланган.

Табиат объектига бориш учун қилинган харажат дам олиш жойигача бориш-келиш, яшаш, овқатланиш ва бошқа харажатлардан таркиб топади. Келиб-кетувчилар сони ва улар томонидан қилинган харажатлар уларнинг ўзлари, маҳаллий аҳоли ва туристик фирмалар ўртасида ўтказилган сўров орқали аниқланади. Барча келиб кетувчилар қаердан келганлигига қараб географик ҳудудлар бўйича гуруҳларга ажратилади.

Ҳар бир географик ҳудуддан келиб кетувчиларнинг харажатлари қўшни географик ҳудудлардан келиб кетувчилар харажатлари билан таққосланади. Бу харажатлар ўртасидаги фарқ келиб кетувчилар сонига ва мазкур географик

худуд бўйича ўртача келиб-кейтишнинг ўртача йиллик кўрсаткичига кўпайтирилади. Бу кўрсаткич қўшни географик худудлардан келган келиб-кетувчиларга нисбатан мазкур географик худуднинг келиб кетувчилари тўлаётган ортиқча истеъмол харажатлари ўлчамини характерлайди. Мазкур географик худуд(i) бўйича ортиқча истеъмол харажатлари (ОХ) қуйидаги формула ёрдамида анкланади.

$$OX_i = (TP_{i+1} - TP_i) \times \Pi_i \times Ni,$$

бу ерда:

TP_i , TP_{i+1} - мос равишда i худуддан келган ва қўшни i+1 худуддан келган келиб-кетувчиларнинг йўл-транспорт харажатлари ўртача кўрсаткичлари;

Π_i - i-нчи худуд бўйича келиб-кетувчиларнинг ҳисоб-китоб қилинган миқдори, киши/йил;

Ni - i худуд бўйича ўртача келиб-кейтиш.

Ҳар бир географик худуд бўйича келиб-кетувчиларнинг ортиқча истеъмоли жамланади. Олинган миқдор табиий объектнинг рекреацион қийматини характерлайди. Бу усул АҚШда ишлаб чиқилган ва жаҳон амалиётида кенг қўлланилади.

3. Кўчишга кетган харажатлар ёрдамида атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш усули. Бу усул қандайдир лойиҳани амалга ошириш билан атроф-муҳит сифатининг ўзгариши натижасида жисмоний объектнинг силжитиш(кўчириш)га кетган ва атроф-муҳитда бўладиган ўзгаришларни олдини олиш тадбирлари учун сафланган харажатларни солиштириш учун мўлжалланган.

Жисмоний объектнинг кўчиши деганда, масалан, сув омборининг кўчириш ёки янги корхоналар қурилиши муносабати билан кишиларнинг кўчиши тушунилади.

Агар кўчиришга кетган харажатлар зарар оқибатларини бартараф қилишга кетган харажатлар миқдоридан кам бўлса, кўчириш тўғрисида қарор қабул қилинади. Баъзан лойиҳаларни кўриб чиқишда аҳолини кўчиришга кетадиган ва қурилишни кўчиришга кетадиган харажатлар лойиҳани амалга ошириш иктисодий самарадорлиги нуктаи назаридан солиштирилади.

4. Гедоник баҳо шаклланиши асосида тўғридан-тўғри бозордан ташқарини баҳолаш усули. Бу усул экологик муҳит омилларини кўчмас мулкларнинг бозор баҳосига таъсирини баҳолаш учун мўлжалланган. Гедоник баҳо шаклланиши асосида экологик бойликларнинг қийматини аниқлаш, уларнинг аҳолини яшаш(ёки) ишлаш муҳити қулайлигига таъсири ётади.

Мазкур усул турли ҳил ҳолатдаги табиий муҳитга эга худудлар бўйича кўчмас мулкнинг баҳоси тўғрисидаги ахборотни таҳлил қилишга асосланган.

Атроф мухит ва экологик бойликларнинг қийматини аниқлаш учун дастлаб нозекологик омиллар(майдон, хоналар сони, қурилган йили, транспортга қулайлиги ва бошқа) ажратиб олинади. Мана шунда уй, хонадонлар баҳосидаги айрим фарқлар экологик фарқнинг натижаси сифатида намоёиш этилиши мумкин.

Бир хил нозекологик хусусиятларга эга лекин тури хил экологик мухитларда жойлашган уйлар нархи ўртасидаги фарқ кишиларнинг қулай экологик мухитда яшашга бўлган хохишини акс эттирадиган миқдорни билдиради. Ўз навбатида, атроф мухит сифати характеристикасидан ташқари барча ўзгарувчи ҳисобга олиш натижасида олинган нархлардаги фарқлар атроф мухитнинг сифатий хусусиятларига сотиб олувчи томонидан берилган баҳони акс эттиради.

Бу усулни қўллашдаги асосий қийинчилик кўчмас мулк бозори бўйича жуда катта миқдордаги ахборотни қайта ишлаш билан боғлиқ. Бу усулни муваффақиятли амалга ошириш учун қуйидаги шарт-шароитлар зарур:

- Кўчмас мулк бозорининг фаоллиги;
- Истеъмолчидаги экологик афзалликка мойиллик.

Иктисодий зарарни баҳолашда, шунингдек, аввалги маърузаларда қўриб ўтилган «харажатлар-самарадорлик» таҳлили ва «харажатлар-натижалар» таҳлили каби бир қанча бошқа усуллар ҳам кенг қўлланилади.

17.6. Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштиришга иктисодий ёндашув

1. Меъёр

Экотизимнинг экологик меъёри деганда, унинг таркиби ва функцияси, шунингдек, ҳўжалик фаолиятида ҳисобга олиш учун зарур бўлган барча экологик компонентларини саклаб қолиш шароитидан келиб чиқиб, белгиланадиган экотизим кўрсаткичларининг миқдорий ўзгаришлари чегараси тушунилади. Бунда инсон томонидан баҳоланадиган экотизим учун меъёр тушунилади. Ҳўжалик фаолиятининг критик чегаравий қийматларини белгилаш ва ундан ўтиб кетмаслик экологик хавфсизликни кафолатлайди. Бу усулни иктисодчилар «бўйрук ва назорат» усули деб атайдилар. Меъёр атроф-мухитга чиқариб ташлашга руҳсат бериладиган зарарли моддаларнинг чекланган миқдорини билдиради.

Иктисодчилар бу усулни иктисодий нуқтаи назардан самарасиз деб ҳисоблайдилар. Чунки, айрим корхоналарда зарарли моддаларни чиқаришни белгиланган меъёрлар даражасига келтириш унчалик катта харажатлар талаб қилмайди, бир вақтнинг ўзида бошқа корхоналар учун бу анча катта харажатга тушиши мумкин. Атроф –мухитга зарарли моддалар ташлаш бўйича меъёрий жиҳатдан чегаралашлар уларни энг кам харажатлар эвазига

камайншини таъминламайди. Бу мақсадга эришиш учун ҳукумат атроф-муҳит ҳолатини бошқариш бўйича иқтисодий усулларни қўллаши лозим.

2. Ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаганлик учун солиқ

Ишлаб чиқариш ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятларини ўзаро мувофиқлаштириш бўйича яқин ўтмишда амалга оширилган амалий ҳисоб китоблар тажрибаси ва назарий тадқиқотлар жамиятнинг табиатга таъсирининг турли босқичларида атроф-муҳит сифатини бошқариш учун иқтисодий усулларни қўллаш диапазонини аниқлаш имконини беради. Юкламанинг иқтисодий оптимуми (мақбул даражаси) деганда ҳудудий даражада юкламанинг шундай даражаси тушуниладики, бунда экологик оғирлик ва экологик бузилишдан келиб чиқадиган иқтисодий зарарни бартараф қилишнинг чегаравий баҳолари ўзаро тенглиги шароитида энг паст даражада экологик харажатларга эришилади.

Зарарли моддаларни ташлаганлик учун солиқ деганда атроф муҳитга тушаётган зарарли моддаларнинг ҳар бир бирлиги учун тўланадиган ва давлат бюджетига тушадиган маблағ тушунилади. Бундай солиқнинг умумий миқдори қуйидагича топилиши мумкин:

$$СУМ = C * M$$

Бу ерда:

СУМ-солиқнинг умумий миқдори


C-солиқ ставкаси

M-атроф муҳитга чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори

Ифлослантирувчи моддаларнинг канча миқдорига корхона пул тўлаши керак? Агар корхона атроф муҳитга ифлослантирувчи моддалар ташлашдан кўра кўпроқ фойдани максималлаштиришга интилса, у чикинди ташлашни бу иш қимматлашиб кетгунча давом эттиради. Биз буни 17.2-расмда акс эттиришимиз мумкин.

Назорат қилинмайдиган чикиндиларнинг даражаси 15 бирликка тенг бўлади ва T солиқ зарарли чикиндиларнинг ҳар бир бирлиги учун тўланади. Шундай қилиб, агар корхона солиқ тўлашга қарор қилса, бу солиқнинг миқдори $OTBC(T*15)$ тўғри тўртбурчагининг майдонини ташкил қилади. Бу тўғри қарор ҳисобланадими? Албатта, йўқ. Чунки корхона солиқ тўлагандан кўра унча қатта бўлмаган харажатлар эвазига чикиндни ташлашни қамайтириши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, корхона зарарли моддаларни чиқаришга кетган чегаравий харажатлар солиқ миқдорига тенг бўлгунча зарарли моддаларни чиқаришни қамайтиради. Мазкур ҳолатда корхона харажатларни қамайтириш учун 10 бирлик зарарли чикиндиларни тозалайди ва ABCD тўғри тўртбурчаги кўринишида солиқ тўлаб, 5 бирлик зарарли моддани атроф-муҳитга ташлашда давом этади. 10 бирликни тозалашга кетган харажатлар

OAD учбурчак майдонини ташкил қилади. Шундай қилиб, умумий харажатлар миқдори OABC шакл майдонини ташкил қилади. Бу корхона ўзи чиқараётган зарарли моддаларни умуман тозаламаслик тўғрисида қарор қилганда тўлаши лозим бўлган солиқ миқдори-OTBC тўғри тўртбурчаги майдонидан сезиларли даражада кам.




17.2-расм. Ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаганлик учун солиқ.

Мазкур усул нафақат зарарли моддаларни ташлаш устидан назоратнинг янги ва нисбатан арзон воситаларини ривожлантиришни, балки техникавий тараққиёт соҳасидаги янги ютуқларни қўллашни ҳам рағбатлантиради.

3. Табиатдан фойдаланиш учун квоталар савдо-сотиғи (permit).

Ғарб мамлакатларида атроф муҳитнинг ифлослантирилганлик учун тўловдан ташқари табиатни муҳофаза қилишни иқтисодий жиҳатдан тартибга солишнинг бошқача йўллари ҳам ривожланиб бормоқда. Бу экологик таъсир кўрсатишга руҳсат олиш учун алоҳида бозорни шакллантиришга асосланган. Бунинг маъноси кўриб чиқилаётган ҳудуд доирасида юкламанинг ижтимоий жиҳатдан тўғри келадиغان даражасини белгилашдан иборат, ҳар бир «қоида бузувчи»нинг юкламанинг йўл қўйиладиган даражагача бўлган қисмига қўшган ҳиссаси «қоида бузувчи» корхоналар ўртасида руҳсат бериладиган таъсирга бериладиган квоталарнинг эркин, ўзаро фойдали савдо-сотиғи орқали аниқланади. Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, корхоналарда пайдо бўладиган мустақиллик янги технологияларни ривожлантиришга имкон беради, табиатни муҳофаза қилишга сарфланган инвестициялар корхонанинг даромадига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади. Бу эксплуатацион харажатлар, материалларни иқтисод қилиш, меъёрни бузганлик учун тўланадиган жарималарни қисқариши билан боғлиқ.



17.3.-чизма

Бундан ташқари, корхона атроф- мухит сифати меъёрига босқичма-босқич қўйиладиган талабнинг кучайишиги олдиндан тайёр бўлиб боради. Савдо-сотикнинг муҳим омили- ҳар бир олди-сотди битими ҳар йили атроф мухитга чиқинди ташлашни 20 %га камайтириб бориши керак. Бу билан бундай савдо-сотик динамикасида экологик юклама) оғирликни босқичма-босқич камайтириш таъминланади.

Ўзбекистон шароитида Ушбу усулни амалиётда қўллашда, биринчи наватда, тузилаётган шартномалар доирасида табиий мухит сифатининг янги меъёрларини ишлаб чиқиш зарурияти, уларни бажариш устидан назоратни таъминлаш, шартномалар тузиш бўйича Ўзбекистона лицензияга эга бўлган ташкилий структурани яратиш, экологик аудитни жорий қилиш билан боғлиқ маълум кийинчилик мавжуд. Агар, масалан, шартномаларга Россия ва АҚШдан ташқари учинчи мамлакатлар қўшилса, квоталар савдо-сотиги углерол кредити бўйича халқаро даражада ҳам амалга оширилиши мумкин.

Олайик, 1-манба 7 бирлик зарарли моддалар билан ифлослантиришга рухсат олган. Умуман олганда эса, 15 бирлик зарарли моддани чиқариб ташлайди. Бунда у қолган 8 бирликни атроф-мухитга туширмаслик учун тозалаши керак. Фараз қилайлик, худди шунингдек, иккинчи манбанинг 8 бирлик зарарли моддаларни чиқариб ташлашга рухсати бор. Бу нарса у қолган 7 бирликни тозалаши лозимлиги билдиради. Таъкидлаш лозимки, ҳар иккала манбада ҳам зарарли моддаларни чиқариб ташлашни камайтириш бўйича бир-бири билан савдо сотик қилишга манфаати бор. Иккинчи манбанинг(С) назорат қилиш бўйича чегаравий харажатлари биринчи манбанинг(А) харажатларига нисбатан анча кўп. Агар иккинчи манба биринчи манбанинг атроф мухитга зарарли чиқиндиларни ташлашга рухсатномасини С нархдан кўра пастроқ нархга сотиб олишга эришса, ўз

харажатларини бир мунча камайитириши мумкин. Бир вақтнинг ўзида биринчи манба учун ҳам зарарли моддаларни ташлаш учун ўз рухсатномасини А нархдан кўра юқорироқ сотиш фойдалироқ. С А дан юқори бўлар экан савдо-сотик бўлиши ўз-ўзидан маълум.

Рухсатномалар ҳаракати биринчи манбада 5 бирлик зарарли моддаларни чиқаришга рухсатнома қолгунча (10 бирликни у тозалаш лозим), иккинчи манба эса 10 та бирлик рухсатномага эга бўлгунча (қолган 5 бирликни у тозалаш лозим) давом этади. Бу нуктада 1 бирлик зарарли чиқинди ташлашга рухсатноманинг нархи В га тенг ва бу иккала манба учун 1 бирлик чиқиндини ташлашга рухсатноманинг чегаравий нархи (marginal value) бўлади ҳамда бундан буёғида иккала манбада ҳам савдо-сотикни амалга оширишга ҳеч қандай рағбат қолмайди. В нукта мувозанат нуктаси бўлади.

Шундай қилиб, маълум бир миқдордаги зарарли моддаларни чиқаришга рухсат ўрнатилгандан кейин зарарли моддаларни тақсимлаш бўйича қолган вазифаларни бозорнинг ўзи бажаради. Зарарли моддаларни ташлашни назорат қиладиган ташкилот зарарли моддаларни тозалаш харажатлари бўйича умумий тушунчага ҳам эга бўлмасдан туриб худди шу йўл билан харажатлар (cost-effective allocation) асосида зарарли моддаларни самарали тақсимлаши мумкин. Мазкур тизим давлатга ўз мақсадларига эришиш имконини беради, шунингдек, атроф муҳитга зарарли моддалар чиқараётган корхоналарга буни амалга ошириш учун катта қулайликлар беради.

Атама ва иборалар

Атроф муҳит, таъсир, ифлослантириш, зарар, харажатлар, ифлослантирувчи манбалар, ер ресурслари, сув ресурслари, тўла иқтисодий қиймат, гедоник нарх, назорат, меъёр, солиқлар.

Назорат саволлари

1. Атроф-муҳит ифлосланиши жараёнининг 4 та асосий ташкил қилувчисини айтиб беринг.
2. Иқтисодий зарар нима ва уни сиз қандай тушунасиз?
3. Ифлослантирувчи моддаларни самарали жойлаштириш нима? Буни 17.1-расм ёрдамида тушунтириб беринг.
4. Ўзбекистонда ифлосланишнинг асосий манбалари (хаво, сув, ер).
5. Иқтисодий қиймат концепцияси деганда нимани тушунасиз?
6. Қийматнинг ҳар хил турларини санаб беринг.
7. Зарарнинг турли хилларини айтиб беринг

8. Тўлашга тайёрлик асосида тўғридан-тўғри бозордан ташқари(субъектив) баҳолаш услуги нимадан иборат? Мисол келтиринг.
9. Транспорт-йўл харажатлари асосида тўғридан-тўғри бозордан ташқари баҳолаш услуги нимадан иборат? Мисол келтиринг.
- 10.Кўчиришга кетган харажатлар ёрдамида атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш усули тўғрисида айтиб беринг.
- 11.Гедоник нарх шаклланиши асосида тўғридан-тўғри бозордан ташқари баҳолаш усули тўғрисида айтиб беринг.
- 12.Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини тартибга солишга асосий иқтисодий ёндашувларни санаб беринг.
- 13.Меъёрий ёндашув нимадан иборат? Унинг камчиликлари борми? Агар бўлса, уларни санаб беринг.
- 14.Ифлослантирувчи моддалар учун солинадиган солиқ нима ва у қандай фаолият кўрсатади? Меъёрий ёндашувга қараганда унинг афзаллиги нимадан иборат?

Адабиётлар рўйхати

1. Tietenberg, Tom. *"Environmental and Natural Resources Economics"*. 3rd Edition. 1992. Chapter 4. Pg. 77-83.
2. Tietenberg, Tom. *"Environmental and Natural Resources Economics"*. 3rd Edition. 1992. Chapter 14, pg. 362-376.
3. Mankiw, Gregory. *"Principles of Microeconomics"*. 1st Edition. 1997. Chapter 10, pg. 210-216.
4. Pindyck, Robert. *"Microeconomics"*. 2nd Edition. 1992. Chapter 18, pg.-644-652.

Фойда-харажатлар таҳлили

18.1. Фойда-харажатлар таҳлили

Бозорни тартибга солиш жараёни ўзига хос харажатларни талаб қилади. Тартибга солувчи ходимлар таркиби бу жараён билан боғлиқ ҳужжатларни туза оладиган ва уларни бошқара оладиган ходимлардан таркиб топиши лозим. Қўшимча ходимлар ушбу ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ этиш ва рўй бериши муқаррар бўлган истиснолар ва норозиликлар (апелляциялар)ни бошқариши лозим. Тартибга солинадиган фирмалар тартибга солишда муқаррар бўлган ҳисоботларни тузиш ва тартибга солиш ҳужжатларини икдро этиш учун кўпроқ ходимларни ёллаши лозим. Тартибга солиш ҳужжатларининг ўзи номукамал бўлиши мумкин, натижада жамият соф фойданинг йўқотилиши кўринишидаги зарарни кўриши мумкин. Шу маънода тартибга солиш натижасида потенциал ютуқни чиқариб олиш муҳим ва бу ютуқ харажатларни қоплаши лозим.

Фойда-харажатлар таҳлили (*benefit-cost analysis*) энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. У қандай қарорлар самарали эканлиги тўғрисида энг аниқ хулосалар чиқариши билан бирга, ушбу хулосаларга келишда ахборотларга энг кўп талаб қўяди. Кўпчилик учун фаолият якунидаги фойда ва зарарларни қарорларни қабул қилишдан олдин баҳолаш лозим деган фикрни маъқуллаш осон. Бу усул кўпроқ мунозарали бўлиб боради, лекин маълум рақамлар кўзда тутилган фойда ва харажатларга боғланса, у ҳолда бу рақамларни қарорга ўзгартирувчи маълум қоидаларни келтириб чиқаради.

18.2. Қарорларни қабул қилиш қоидалари



Тадқиқотимизни фойда ва харажатлар тўғрисидаги ахборотга эга бўлгандан кейин ундан қандай фойдаланишни муҳокама қилишдан бошлаймиз. Қарорларни қабул қилишда уч асосий қоида қўлланилади, бу қоидалар эквивалент эмас.

Соф жорий қийматнинг максимумлик мезони динамик самарадорликни аниқлаш учун қўлланиладиган соф фойдани жорий қиймати мезонининг эмпирик нусхаси бўлиб ҳисобланади. Бу мезон ресурслардан олинаётган соф фойда жорий қийматини максималлаштирувчи максаллар учун фойдаланиш лозимлигини кўзда тутди. Агар бу усулдан талаб этиладиган даражада фойдаланилса, у ҳолда ресурсларнинг самарали тақсимотини аниқ белгилаб беради.

Лекин амалиётда иккита кўпроқ фойдаланиладиган мезонлар ресурсларни самарали тақсимотини аниқланишини қафолатламайди. Бу фойда-харажатлар нисбати мезони ва ижобий соф жорий қиймат мезонидир. Биринчи мезон учун қарорларни қабул қилиш қоидаи фойда жорий қийматининг харажатлар жорий қийматига нисбати бирдан катта бўлганда тегишли чоралар кўриш лозимлигини кўзда тутди. Иккинчи мезон учун қарорларни қабул қилиш қоидаи соф фойданинг жорий қиймати нолдан юқори бўлганда мунтазам равишда чоралар кўриш лозимлигини кўзда тутди.

Икки мезон ҳам фойдага нисбатан, жамиятни кўпроқ харажатларга олиб келувчи чораларнинг амалга оширилмаслигини кафолатлаб беришига қарамасдан, улар самарадорликни кафолатламайди. Статик самарадорлик таърифидан фойдаланиш йўли билан буни осонлик билан акс эттириш мумкин.

Самарадорлик маржинал фойда (*marginal benefit*) маржинал харажатларга (*marginal cost*) тенг бўлганда эришилишини ёдга олайлик. Фойда-харажатларнинг бирдан катта нисбати ҳам, соф фойданинг мусбат киймати ҳам маржинал шартлар амал қилишини кафолатламайди. Аслида, фойда-харажатлар нисбати бирга тенг бўлганда (ёки соф фойда нолга тенг бўлганда) умумий фойданинг умумий харажатларга тенглигини таъминлайди (18.1 расм).



18.1. расм. Фойда-харажатлар таҳлили ва самарадорлик

Q₁ да соф фойда максимум даражага етади. Бу нуктада маржинал фойда маржинал харажатларга тенглашади, демак умумий фойда умумий харажатдан максимал даражада юкори бўлади. Аслида соф фойда нолдан етарлича катта бўлган киймат E га тенгдир. Қандай таксимотда соф фойда нолга тенг бўлади? 18.1 расмда кўриниб турибдики Q₂ нуктада. График A майдон B майдонга тенг бўлишини ҳисобга олган ҳолда қурилган. B майдон соф харажатлар, A майдон эса соф фойдани акс эттирганлиги боис, Q₂ нуктада соф фойда нолга тенг. Бу ўртача фойда ўртача харажатларга, умумий фойда умумий харажатга, фойда-харажатлар нисбати эса бирга тенглигини билдиради. Бу натижа фойда-харажатлар нисбати ёки соф фойда жорий кийматининг мусбат булиш мезони ҳар сафар қўлланилганда раҳбарият самарасиз фаолиятни танлаши мумкинлигини кўзда тутати. Соф жорий кийматни максималлаштиришга бўлган ёндашувгина самарадорликка тўлиғича мос келади.

18.3. Фойдани ҳисоблаш

Ресурслар таксимотининг қўллаб масалалари учун фойдани ҳисоблаш нисбатан мураккаб эмас, чунки ўрганилаётган ресурс, яъни сотилаётган товар ҳамда истеъмол баҳоси ва миқдори тўғрисидаги ахборот талаб эгри чизигини қуришда фойдаланилиши мумкин. Талаб эгри чизиги қурилгандан сўнг фойдани ҳисоблаш учун қўлланиладиган тушунчани - тўловга хохишни аниқлаш мумкин.

Ўрганилаётган ресурс нормал бозор томонидан бошқарилмаса кийинчиликлар юзага чиқади. Ноёб ғор каби атроф муҳит ресурсини саклаб қолиш кўрсаткичини гидроэлектрэнергия каби ишлаб чиқариладиган ресурс билан таққослаганимизда классик мисол вужудга келади. Ишлаб чиқаришсиз дам олишдан келадиган фойдани электр энергиясини ишлаб чиқаришдаги фойда билан таққослашимиз лозим.

Дам олишдан келадиган фойда. Дам олишдан келадиган фойдани ушбу ресурсга бўлган талаб эгри чизигидан аниқлашимиз мумкин (агар у маълум бўлса). Лекин ҳақиқий талабни аниқлаш кийин, чунки дам олувчилар нормал баҳо белгиламайди, балки жамиятга тегишли дам олиш ҳудудидан фойдаланганлик учун номинал баҳо тўлайдилар.

Бу вазифани ечиш учун бозор баҳосини белгилаш мумкин бўлмаган ҳолларда ҳудуд учун дам олишга талабни белгилаб берувчи Clawson-Knetsch усули ишлаб чиқилган. Дам олишга келиш учун канча одам пул тўлашга розилик билдиришини аниқлашда ушбу усул келиб-кейтиш харажатларидан фойдаланади.

Ифлослантиришдан келадиган зарар ва ифлослантириш устидан назорат ҳисобига фойда. Ифлослантириш устидан назоратнинг самарали даражасини топиш жараёнида фойдани аниқлашнинг энг мураккаб масалалари вужудга келади. Ифлослантириш устидан назорат ҳисобига олиннадиган фойда олди олинган зарар ҳисобланади. Ҳалдан зиёд ифлослантириш устидан катъий назорат ҳисобига олинган фойда эмиссия бир даражада тартибга солинувчи ва янада катъий назорат натижаси бўлиб ҳисобланган кичикроқ зарар даражаси ўртасидаги фарқдир. У ҳолда фойдани

хисоблаш ифлосланишнинг турли даражаларида етказилган зарарни аниклаш имкониятларимизга боғлиқ.

Ифлослантиришдан кўрилган зарар турли шаклларга эга бўлиши мумкин. Биринчиси ва балки энг яққоли, бу инсон соғлигига таъсир. Ифлосланган ҳаво ва сув касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Зарарнинг бошқа шакллари - очик ҳавода булиш имкониятларининг йўқотилиши ва ўсимлик, ҳайвон ва материалларнинг йўқотилишидир.

Бу зарарни аниклаш қуйидагиларни талаб этади:

- таъсир этувчи тоифаларни аниклаш;
- ифлосланган чикиндилар (шу жумладан, табиий манбалар) ва таъсир этувчи тоифалардан кўрилган зарар ўртасидаги физик боғлиқликни белгилаш;
- зарарнинг олдини олиш ёки камайтириш мақсадида таъсир кўрсатувчи қисмларнинг оқибатларини аниклаш;
- физик зарарнинг пулдаги ифодасини аниклаш.

Кўп ҳолларда ҳар бир босқич мураккаб масалани ташкил этади.

18.4. Фойдани баҳолашдаги муаммолар

Фойда-ҳаражатлар тахлилини амалга ошириш учун масъул тадқиқотчи мулоҳаза юритишни талаб этувчи қарорларни қабул қилиш бўйича кўплаб нуқтаи назарларга дуч келади. Агар фойда-ҳаражатлар тахлилини олиб борсак, у ҳолда ушбу мулоҳазалар табиати равшан бўлиши лозим.

Бирламчи натижалар (самара) иккиламчи натижаларга нисбатан. Атроф муҳит лойиҳалари одатда бирламчи ва иккиламчи оқибатларга олиб келади. Масалан, қўлни тозалашнинг бирламчи самараси бўлиб дам олиш учун қўлдан фойдаланиш имкониятларининг ортиши ҳисобланади. Бу бирламчи самара қўлдан фойдаланувчилар сонини кўпайтириш учун таъминланадиган хизматлардаги мультипликатор самарасини келтириб чиқаради. Шу ўринда иккиламчи самарани ҳисоблаш мумкинми?

Жавоб атроф ҳудуддан фойдаланиш шароитларига боғлиқ. Агар бу талабнинг ортиши ишчи кучи каби илгари фойдаланилмаган ресурсларни қўллашга олиб келса, у ҳолда кўпайтирилган фойдаланиш кўрсаткичини ҳисоблаш мумкин. Агар талабнинг ортиши аввал фойдаланилган ресурсларни бир мақсадлардан иккинчисига қўллашга алмаштирилишига олиб келса, у ҳолда вазият бошқача тус олади. Умумий ҳолатда, иккиламчи қўллаш самарасини умуман фойдаланилмайдиган ҳудудларда ҳисоблаш лозим ёки айрим ҳоллардаги қўллашлар лойиҳа бошидан старчиқа фойдаланилмайди. Лойиҳа самарали фойдаланилаётган ресурсларни қайта йўналтиришга олиб келса уларни ҳисоблаш мумкин эмас.

Моддий фойда номоддийга нисбатан. Моддий фойда бу пул ифодасида аниклаш мумкин бўлган фойдадир. Номоддий фойда бу маълумотларни пулда акс эттириш ёки бу маълумотлар ишончсиз ёки бу микдорларни қандай ўлчаш ноаниқлиги ҳисобига пул кўринишида аниклаш мумкин бўлмаган фойдадир.

Номоддий фойда билан қандай йўл тутуш лозим? Бир жавоб аниқ, уларни рад этиш мумкин эмас. Номоддий фойдани рад этиш (ҳисобга олмастик)

натижаларга таъсир этади. Фойданинг номоддий эканлиги, унинг муҳим эмаслигини билдирмайди.

18.5. Харажатларни баҳолашга ёндашувлар

Ҳар қандай ҳолатда ҳам харажатларни аниқлаш, фойдани аниқлашга нисбатан осонроқ кечади, лекин шунга қарамасдан бу ҳам осон эмас. Фойдахаражатлар таҳлили «узукни кўра оладиган» булиши икки ҳолат учун ҳам асосий муаммо бўлиб ҳисобланади ва шунинг учун алоҳида турдаги стратегия қандай харажатлар талаб этишини белгилаш, мавжуд стратегия учун харажатларни аниқлашга нисбатан бирмунча мураккабдир. Иккинчи муаммо натижалар билан қизиқувчи фирмалар томонидан назорат қилинувчи ахборотларни йиғишда юзага келади. Яққол мисол-ифлосланишни назорат қилиш. Бу муаммони ҳал этиш учун иккита ёндашувдан фойдаланилади.

Шарҳли ёндашув. Харажатларни аниқлашнинг ушбу услуби сиёсат билан боғлиқ ва харажат қилувчилар орасида сўров ўтказиш ва сиёсатчиларга харажатлар миқдорини билиш учун, улар тўғрисида кўпроқ нарсани ўрганишда ифодаланади. Мисол учун, ифлослантириш манбаларини тартибга солиш органлари учун назорат қилиш харажатларини баҳолашни таъминлаш сўралиши мумкин. Ушбу ёндашувдаги муаммо бу кучли рағбат тўғри бўлиб ҳисобланмаслигидадир. Харажатларнинг ўта юқори баҳоси қатъий бўлмаган тартибга солиш чораларини қўллашга олиб келиши мумкин, демак, молиявий жиҳатдан юқори бўлмаган баҳоларни таъминлаш қулайроқдир.

Техник ёндашув. Бу ёндашув технологияларни сотиб олиш ва фойдаланиш харажатларини аниқлаш ва мақсадга эришиш учун фойдаланиш мумкин бўлган технологияларни яратишда умумий техник ахборотдан фойдаланган ҳолда тартибга солинадиган манбага эътибор бермайди.

Манбалар харажатларни минималлаштирувчи технологияларни қўллашлиги тўғрисидаги тахмин бу ёндашувда яқиний қадам бўлиб ҳисобланади. Бу ёндашувда ўзига ҳос муаммолар мавжуд. Биринчидан, ушбу баҳоларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган билимларнинг етишмаслиги. Иккинчидан турли фирмалар учун харажатлар ҳар хил бўлиши мумкин.

Аралаш ёндашув. Ушбу муаммоларни четлаб ўтиш учун таҳлилчилар кўп ҳолларда шарҳли ва техник ёндашувлар комбинациясидан фойдаланадилар. Шарҳли ёндашув мавжуд технологиялар, шунингдек фирманинг махсус ҳолатлари тўғрисидаги ахборотни йиғади. Техник ёндашув махсус ҳолатларда ушбу технологияларнинг ҳақиқий харажатларини олиш учун фойдаланилади. Бу комбинациялашган ёндашув мустақил олинаётган ахборотлар билан манбалардан олинаётган ахборотни мувофиқлаштиришга интилади.

18.6. Таваккалчиликнинг олдини олиш

Атроф муҳитнинг кўплаб муаммолари учун айрим ечимларнинг оқибатларини аниқ белгилаш имкони йўқ, чунки илмий натижалар кўп ҳолларда ноаниқ бўлиб ҳисобланади. Потенциал захарли моддаларга қарши самарали таъсирни аниқлаш катта дозаларнинг кичик дозаларга

экстраполяцияси натижаларини, шунингдек, хайвонларда ўтказилган тажриба натижаларини одамларга экстраполяция натижаларини олишни талаб этади.

Қарорларни қабул қилиш жараёнида таваккалчиликнинг олдини олиш икки асосий жиҳатга эга:

1. Таваккалчиликни кўра олиш ва ўлчаш.
2. Таваккалчиликнинг йўл қўйиладиган миқдори тўғрисидаги қарор.

Биринчи жиҳат асосан илмий ва ёритувчи, иккинчиси эса кўпроқ баҳоловчи ва меъёрийдир.

Фойда-харажатлар таҳлилида таваккалчиликни баҳолашда бир нечта усуллардан фойдаланилади. Фараз қилайлик, A,B,C,D каби қатор сиёсий қарорлар ва уларнинг ҳар бири учун E,F,G каби қатор натижалар мавжуд.

Фараз қилайлик, E натижа 0,5 эҳтимол, F натижа 0,3 эҳтимол G натижа эса 0,2 эҳтимол билан юзага келади. У ҳолда алоҳида қарорнинг кутилаётган соф фойда жорий қиймати куйидагича аниқланади:

$$EPVNB_j = \sum P_i PVNB_{ij}, \quad j = 1, 2, \dots, J,$$

Бу ерда:

$EPVNB_j$ - j қарор учун кутилаётган соф фойданинг жорий қиймати;

P_i - i натижанинг ҳосил бўлиш эҳтимоли;

$PVNB_{ij}$ - агар i натижа юз берса, j қарор учун соф фойданинг жорий қиймати;

J - қарорлар сони;

I - натижалар сони.

Якуний босқич соф фойданинг кутилаётган энг юқори жорий қиймати билан қарорни танлашдир.

18.7. Фоиз ставкасини танлаш

Фоиз ставкаси (*discount rate*) капиталнинг ижтимоий мавжуд қиймати сифатида аниқланиши мумкин. Фоиз ставкасини икки таркибий қисмга бўлиш мумкин:

1. Капиталнинг ҳатарсиз қиймати.
2. Хатар учун мукофот.

Жамоат сектори хусусий секторга нисбатан камроқ фоиз ставкасини қўлласа, у тўлов даври узокроқ бўлган кўпроқ лойиҳаларни топади. Шунингдек фоиз ставкаси авлодлар ўртасида ресурсларни тақсимлашда ҳам ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Иктисодчилар одатда кўрилаётган лойиҳани таваккалчилик даражасига боғлиқ бўлган таваккалчиликка мукофот сифатида белгиланган капитал қиймати ўлчами сифатида ҳукумат мажбуриятлари учун узок муддатли фоиз ставкаларидан фойдаланганлар.

18.8. Танкидий баҳолаш

Фойдани ҳисоблаш усуллари анча мураккабдир, лекин кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, олинган баҳолар қарорларни қабул қилиш жараёнида уларни қўллаш учун етарлича ишончли бўлиб ҳисобланмайди.

Баҳолар шубҳасиз яхши ва атроф муҳитни назорат қилишдан фойда катта эканлигини билдириши билан бир вақтда, улар ифлосланишнинг

самарали даражасини аниклашда фойдаланиш учун етарлича ишончли бўлиб ҳисобланмайди.

Фойда-харажатлар тахлилининг бошқа бир камчилиги, у ким фойда оляпти ва ким харажат қилаётганлигини аниклаш имконини бермайди. Айрим ҳолларда юқори соф фойда олишни тахмин қилиш мумкин, лекин бунда фойдани бир ижтимоий гуруҳ олса, харажатларни бошқаси амалга оширади. Бу экстремал ҳолат асосий тамойилни намойиш этар -хусусий қарор самарали бўлиши муҳим, лекин у доим ҳам жамоат қарори учун асос бўлолмайди. Шунингдек, ким фойда олаётганлиги, ким харажат қилаётганлиги ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади.

Қисқача айтганда, ижобий жиҳатдан фойда-харажатлар тахлили кўп ҳолларда қарорларни қабул қилиш жараёнининг фойдали қисми бўлиб ҳисобланади. Ҳаттоки асосий маълумотлар ишончсиз бўлганда ҳам натижалар ушбу маълумотларга у қадар боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Бошқа ҳолларда маълумотлар энг тўғри қарорларни қабул қилиш учун етарлича асосли бўлмаганда ҳам улар кенг қўламли сиёсий йўналишларнинг оқибатларини белгилашда етарлича ишончли бўлиши мумкин. Фойда-харажатлар тахлили тўғри амалга оширилганда, у қандай қарорлар жамиятга кўпроқ фойда келтиришини тушунтирган ҳолда сиёсий жараёнларга бошқа таъсирларга фойдали қўшимчани таъминлайди.

Салбий жиҳатдан фойда-харажатлар тахлили у аслида бериши мумкин бўлганидан кўра кўпроқ нарсани ваъда қилгани, айниқса фойда тўғрисида ишончли ахборотнинг мавжуд эмаслиги учун танқид қилинади. Бундай муносабатга икки хил жавоб бор. Биринчидан, жуда кичик ахборотлар билан бажарилиши мумкин бўлган ва шунга қарамасдан, зарур иктисодий хусусиятларга эга бўлган тартибга солиш жараёнлари ишлаб чиқилган.

Иккинчидан, ёндашув атроф муҳит хизматларининг пулдаги ифодаси бўйича мунозарали услубларга таянмасдан сиёсий жараённи фойдали ахборот билан таъминлайдиган усулларга доирдир.

Ҳаттоки фойдани миқдорий ўлчаш қийин ёки имкони бўлмаганда ҳам иктисодий таҳлил кўп нарсани таклиф этиши мумкин. Қарорларни қабул қилувчи шахслар, масалан, ҳатто самарали қарор танловини ишончли тарзда аниклаш имкони бўлмаганда ҳам, турли сиёсий қарорлар қандай харажатларга олиб келиши, улар жамиятга таъсири қандай эканлигини билиши лозим.

18.9. Харажатлар-самарадорлик тахлили

Таҳлил ёрдамида фойдани тўғри ҳисобламасдан самарали тақсимотни аниклаш мумкин эмаслигини тушуниш харажатлар-самарадорлик тахлили учун бошлангич нукта бўлиб ҳисобланади. Демак, қарорларни қабул қилишдаги мақсадлар бошқа асосда аниқланиши лозим.

Одатда белгиланган мақсадларга эришиш учун бир нечта усуллардан фойдаланиш мумкин, бунда уларнинг айримлари нисбатан арзон булиши, бошқалари эса жуда қиммат бўлиши мумкин. Вазиятни таҳлил қилмасдан мақсадга эришишнинг энг арзон усулини аниклаш имконининг йўқлиги, кўп ҳолларда масалани мураккаблаштиради.

Харажатлар-самарадорлик тахлилида кўпинча оптималлаштирувчи процедуралар қўлланилади. Оптималлаштирувчи процедуралар бу ҳолатда энг кам харажат эвазига мақсадга эришиш усулини аниқлаш учун ягона тизимли ёндашувдир. Бу процедуралр умумий ҳолда самарали тақсимотни амалга оширмайди, чунки олдиндан белгиланган мақсад самарасиз бўлиши мумкин. Барча самарали қарорлар харажатли-самарали бўлиб ҳисобланади, лекин барча харажатли-самарали қарорлар ҳам самарали бўлиб ҳисобланмайди.

Бу тамойилларни ифлослантиришни назорат қилиш бўйича кутилаётган қарорларни аниқлашда акс эттириш мумкин. Харажатлар-самарадорлик тахлилини алоҳида стандарт ва у билан боғлиқ харажатларни таққослашдаги кам харажатли усулни аниқлаш учун фойдаланиш мумкин. Мисол. АҚШ Атроф Мухитни Мухофаза Қилиш Агентлиги (Environmental Protection Agency, USA) томонидан ҳавода натрий оксидини (NO_2). камайитириш харажатларини баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Масала қуйидагича қўйилган эди: «Ҳавода NO_2 таркиби меъёрини 500 мг/м^3 дан 250 мг/м^3 га ўзгартирилса харажат қанчага қўпаяди»? Чикаго шаҳрида ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, 500 мг/м^3 меъёрни таъмин этиш 1 млн. АҚШ долл., 250 мг/м^3 меъёр эса 24 млн. АҚШ долл.га тенг харажатни талаб этади. Бошқача айтганда ҳаводаги NO_2 таркиби меъёрини икки маротаба камайитириш харажатларнинг 24 маротаба ортишига олиб келади. Бундай таҳлил қўшимча харажатлар самарадорлигини билдирмайди. Бунинг учун фойдани баҳолаш зарур.

Бундай таҳлил натижалари атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича қарорларни қабул қилишда қатъа ёрдам беради.

Атама ва иборалар

Фойда, харажат, жорий қиймат, динамик самарадорлик, маржинал фойда, маржинал харажатлар, зарар, назорат, бирламчи натижалар, иккиламчи натижалар, моддий фойда, номоддий фойда, шарҳли ёндошув, техник ёндошув, аралаш ёндошув, таваккалчилик (риск).

Назорат саволлари

1. Қарорларни қабул қилишнинг уч асосий қондасини айтинг.
2. Фойда-харажатлар таҳлили усули моҳиятини тушунтиринг.
3. Атроф муҳит масалаларида фойда қандай аниқланади?
4. Харажатларни баҳолашга қандай ёндашувлар мавжуд?
5. Атроф муҳит бўйича қарорларни қабул қилишдаги таваккалчиликнинг олдини қандай олиш мумкин?
6. Маълум бир қарор учун соф фойданинг кутилаётган жорий қиймати қандай аниқланади?
7. Харажатлар-самарадорлик таҳлили қандай амалга оширилади?
8. Харажатлар-самарадорлик таҳлиlining афзаллик ва камчиликлари нималардан иборат?

Адабиётлар рўйхати

1. Tietenberg T. Environmental and Natural Resource Economics. Harper Collins Publishers, 1992, стр. 72-99.
2. Barry C. Field, Martha K. Field. Environmental Economics. McGraw-Hill Companies, New York, 2002, стр. 111-179.
3. Паленов К.В. Экономика и природопользование. М., МГУ, 1997, стр.70-88.

ЗАРАРНИ БАҲОЛАШ ВА ХАВФНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

19.1.Зарарни баҳолаш

Атроф муҳитга етказилаётган зарарни баҳолаш усуллариға тўхтаб ўтилади. Йўқотилган ресурс хажми ва ресурсларни тиклашға кетган харажатлар зарар ўлчамлари сифатида кўриб чиқилади. Табиий ресурсға келтирилган зарарни қоплаш билан боғлиқ муаммолар келтирилади.

Хавфни таҳлил қилиш босқичлари: хавфнинг табиатини тадқиқ қилиш, хавфни иктисодий баҳолаш, хавфни бошқариш кўрилади.

АҚШда 1980 йили «Атроф муҳитға тўла жавобгарлик, зарарни қоплаш ва мажбуриятлар тўғрисида АКТ» (Comprehensive Environmental Response, Compensation and Liability Act) қабул қилинган. Ушбу қонун давлатнинг федерал, штат ва маҳаллий даражадаги органларига табиий ресурсларға эғалик қилиш ва ушбу ресурсларға зарар етишға сабаб бўладиган захарли моддаларни чиқиб кетишға жавобгар/қишиларни қонун бўйича таъкиб қилишға ваколат беради. Бу зарарни баҳолаш (damage assessment) деб деб номланадиган тадқиқотларни амалға оширишға олиб келди. Ушбу тадқиқотларнинг мақсади келтирилган зарарни суд ёрдамида ундириб олиш учун ресурсға етказилган зарар миқдорини аниқлашдан иборат. АҚШ Ички ишлар вазирлигига (ИИВ) бундай ҳолатларда зарарни қандай қилиб ўлчашни аниқлаш вазифаси топширилди.

АҚШ ИИВ қарорига кўра келтирилган зарарлар қуйидаги миқдорларини энг кам қийматиға тенглаштирилади:

1. Ресурсларнинг йўқотилган хажми.
2. Ресурсни тиклашға кетадиган харажатлар.

	А	В
Ресурснинг йўқотилган хажми	\$1,2 млн	\$1,6 млн
Ресурсни тиклашға кетадиган харажатлар	\$ 0,6 млн	\$3,8млн

А ҳолда нефть ёки хавфли чиқиндиларнинг оқиб кетиши натижасида ресурснинг йўқотилган хажми \$1,2 млн.ни, қайта тиклашға кетадиган харажатлар \$0,6 млн.ни ташкил этади. Шунинг учун бу ҳолда зарарнинг ҳақиқий ўлчами сифатида ресурсни тиклашға кетадиган харажатлар олинади. В ҳолда йўқотилган ресурс хажми қайта тиклашға кетган харажатдан анча кам. Бу ҳолда ўз-ўзидан биринчи кўрсаткич зарарнинг ҳақиқий ўлчами сифатида қабул қилинади.

Табиий ресурс сифатининг пасайиши билан боғлиқ иктисодий йўқотиш жуда кўп мавқаларда келиб чиқиши мумкин. Масалан, автотуризм, туризм, казиб олинаётган табиий ресурслардан энергия ишлаб чиқаришда фойдаланиш ва тоғ иши, сугориш, турар жойлар ва саноат корхоналарининг сув таъминоти учун дарё сувларидан фойдаланиш. Бу кўрсаткичларни

ўрганишдаги вазифалар фойда-харажатни таҳлил қилишдаги босқичларга жуда ўхшайди.

Кейинги йилларда зарарнинг нисбатан кўпроқ мақбул ўлчами сифатида келажакда уни тиклашга кетадиган харажатлар қабул қилинмоқда. Қайта тиклашга кетадиган харажатлар қайта тиклаш, реконструкция қилиш, бир-бирининг ўрнини босувчи ресурсларни алмаштириш ва/ёки топишдан иборат бўлади. Юзаки қараганда қайта тиклашга кетадиган харажатларни ўлчаш йўқотилган ресурс хажмини ўлчашга қараганда осонроқ туюлади. Қайта тиклаш асосан табиий ва биологик фанлар бўйича билимларга асосланган техник ишларни ўз ичига оладиганга ўхшайди, лекин аслида қайта тиклаш нисбатан мураккаб жараёндир. Баъзи ҳолларда йўқотилган ресурснинг ичида бебаҳо унсур мавжуд бўлса қайта тиклаш техник жиҳатдан амалга ошириб бўлмайдиган жараён бўлиб қолади. Ресурснинг баъзи бир табиий хоссаларини қайта тиклаш (масалан, тупроқнинг РН кўрсаткичи, сувнинг ҳарорати ва бошқа) унинг барча экологик хусусиятларини тиклаш имконини бермайди. Шунинг назарда тутиш керакки, моддий харажатларни кўриб чиқмай туриб табиий хусусиятларни тиклаш тўғрисида баҳс юритиб бўлмайди. Зарарланган табиий ресурсни қайта тиклашга кетган харажатларни баҳолашда жуда кўп мураккаб муаммолар мавжуд. Масалан:

1. Ресурснинг бошланғич ҳақиқий сифатини аниқлаш.
2. Харажатлар-самарадорлик таҳлил қилиш усули билан боғлиқ қайта тиклашнинг муқобил йўллари таълаш.
3. Йўқотилган ресурсга нисбатан табиий ресурснинг эквивалент ўлчами деганда нима назарда тутилаётганлигини аниқлаш.

19.2. Хавфни таҳлил қилиш

Келажакни ҳеч қачон ишонч билан олдиндан айтиб бўлмайди. Келажакдаги фойда ва харажатлар ҳақидаги ноаниқлик жуда кўп сабаблар туфайли келиб чиқиши мумкин.

Атроф муҳит сифатига бизга нисбатан бошқача қарайдиган келгуси авлоднинг хоҳиш истакларини олдиндан башорат қилиш анча қийин. Дунё метеорологик тизимларининг мураккаблиги атроф-муҳитнинг келажакдаги глобал омиллари тўғрисидаги башоратни ишонарсиз бўлишига олиб келади. Ифлослантиришни назорат қилиш технологияларидаги арзимас ривожланиш келгусидаги харажатларни сезиларли даражада ўзгартириши мумкин. Янги кимёвий моддалар ва аввалдан яхши маълум бўлган моддалар ҳам умуман номасъум зарарли таъсирга эга бўлиши мумкин.

Атроф муҳит омилларининг ишонарсизлиги юқори даражада бўлганлиги учун тадқиқотчилар атроф муҳит бўйича қарорларда хавф омилга йўналтирилган махсус таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқмоқдалар. **Хавфни таҳлил қилиш (Risk analysis)** — ушбу асосий босқични ўз ичига олади:

- Хавфнинг табиатини тадқиқ қилиш. Хавф каерларда рўй бериши ва кишилар одатда унга қандай муносабатда бўлишларини тадқиқ қилиш.
- Хавфни иқтисодий баҳолаш. Кишилар хавфнинг қамаишини тўлашга хоҳиш қилиб терминларда қандай баҳолашларини тадқиқ қилиш.

• Хавфни бошқариш. Қабул қилинадиган қарорлар кишилар дуч келадиган хавфга қай даражада таъсир қилишини ўрганиш.

Хавф табиатини таҳлил қилиш. Айтайлик, бир неча йиллар давомида зарарли кимёвий моддалар тўпланган ахлатхона мавжуд. Шунингдек, яна айтайлик, атрофдаги яшайдиган аҳоли ўша ердаги маҳаллий ер ости сувидан фойдаланади. Ушбу ҳолда хавф табиатини тадқиқ қилиш ахлатхона туфайли аҳоли дуч келадиган хавфнинг тарқалишини аниқлашни билдиради.

Бу тадқиқот бир неча босқичларни ўз ичига олади:

1. Таъсирга учрашни таҳлил қилиш: муҳандислар, гидрологлар ва бошқа мутахассислар кимёвий элемент сув турадиган қатламда қандай ҳаракат қилишини ва у аҳолига қай даражада таъсир қилиш эҳтимоллигини аниқлаши лозим. Таъсирнинг бошқа усуллари ҳам кўриб чиқиши лозим.

2. Меъёрга боғлиқликни таҳлил қилиш: олимлар кимёвий элемент таъсирга учраш даражаси ва унинг рақ билан касалланишга таъсири орасидаги боғлиқликни аниқлашлари лозим.

3. Хавфни характерлаш: (1) ва (2) босқичларни ўзаро бирлаштириб, аҳоли қандай алоҳида хавфларга дуч келиши мумкинлигини аниқлаш мумкин (масалан, қутилаётган муддатдан олдин ўлимлар). **Хавфни иқтисодий баҳолаш.** Хавфнинг табиатини тадқиқ қилиш физиклар ва медикларнинг вазифаси бўлган бир пайтда, хавфни иқтисодий баҳолашни, асосан, иқтисодчилар амалга оширадилар. Агар ахлатхона тозаланса, аҳоли дуч келадиган хавф даражаси камаяди. Бу ютуқнинг ҳақиқий баҳоси қандай аниқланади?

Бундай саволларга жавоб бериш учун махсус тушунчалар зарур бўлади. Ана шундай тушунчалардан бири қутилаётган миқдор ёки математик қутиш (expected value) тушунчаларидир. Агар ходисаларнинг амалга ошиши тасодифий ходиса бўлса, улар амалга ошишининг «кўпроқ эҳтимоллиги бўлган» ёки «кўпроқ қутилаётган» миқдорини белгилашимиз мумкин. Зарарли чикиндилар ташланган ахлатхона туфайли келиб чиқадиган ҳар йилги рақдан ўлим кўпайиши миқдорини олдиндан айтиб бериш муаммосини кўриб чиқамиз.

Олайлик, олимлар томонидан зарарли чикиндилар тўпланган ахлатхона туфайли ҳар йили рақдан рўй бериши мумкин бўлган ўлимлар эҳтимоли аниқланди (19.2-жадвал). 19.2-жадвал рақ туфайли ўлим кўпайиши эҳтимоллигининг тақсимланишини кўрсатиб турибди. Масалан, бир йилда ҳеч қандай ўлим бўлмаслик эҳтимоли 0,80 га тенг; битта ўлим бўлиши 0,14 га тенг. Тўртта ва ундан ортиқ ўлим бўлиш эҳтимоли шунчалик пастки, уни нолга тенг деб олиш мумкин. Рақ туфайли ўлимнинг қутилаётган қиймати ҳар бири ўлим сонига мос ҳолатда эҳтимоллик билан ўлчанадиган ўртача кўрсаткич билан ўлчанади. Бундай ҳисоб-китобга кўра бир йилда қутилаётган ўлим миқдори 0,27 га тенг.

19.2-жавдвал. Зарарли чикиндилар ташланган ахлат туфайли раk касалидан ўлимнинг йиллик кутилаётган кийматини ҳисоблаш

Ўлим сони	эҳтимоллик	Ўлимнинг кутилаётган миқдори
0	0,80	$0 * 0,80 = 0$
1	0,14	$1 * 0,14 = 0,14$
2	0,05	$2 * 0,05 = 0,10$
3	0,01	$3 * 0,01 = 0,03$
4	0,00	$4 * 0,00 = 0,00$
		Кутилаётган киймат: 0,27

Энди хавфни баҳолаш тўғрисидаги саволга жавоб бериш мумкин. Айтайлик, зарарли чикиндилар ташланган ахлатхонани тозалаш кутилаётган муддатидан олдин ўлим кўрсаткичини 0,27 дан 0,04 га камайтиради. Аҳоли учун бу камайишнинг баҳоси қанча? Тажриба шуни кўрсатадики, турли манбалардан келадиган хавф тўғрисидаги илмий натижалар кишиларнинг ҳақиқатдаги ҳолати билан тўғри келмаслиги мумкин. Масалан, кишилар зарарли кимёвий моддаларни тозалашга гарчи бу моддаларнинг улар соғлиғига таъсири унчалик юқори бўлмаса ҳам катта миқдорда пул тўлаши мумкин. Бир вақтнинг ўзида улар мавжуд хавфни анча камайитириши мумкин бўлган хавфсизликни кучайтиришга пул тўлашни хохламасликлари ҳам мумкин.

Хавфли ҳолатларни кишилар қандай баҳолашларини ўрганишнинг усулларидан бири кутилаётган киймати бир хил лекин, хавфлилик даражаси ҳар хил ҳолатларни тадқиқ қилишдир.

Куйидаги мисолни кўриб чиқамиз (19.3 - расм). Ушбу иккита дастур бир хил кутилаётган қийматга эга.

Айтайлик, ана шу дастурлардан бирини, масалан, атом ва оддий электростанция қуришни танлаш керак. Фойда эса ноаник бўлиб, лекин турли манбалардан фойда олиш эҳтимоли деярли тенг. Лекин, Б дастур А дастурдан тубдан фарк қилади. 500 млн. сўм фойда олиш эҳтимоли жуда юқори. Лекин бу ерда катта харажатларга сабаб бўлувчи авария бўлишининг кичик эҳтимоли ҳам мавжуд.

19.5- жавдал

А дастур		Б дастур	
Соф фойда	Эҳтимоллик	Соф фойда	Эҳтимоллик
500 млн.сум	0,475	500 млн сум	0,99
3 млн. сум	0,525	-10000 млн сум	0,01
Кутилаётган киймат	395 млн. Сум	Кутилаётган киймат	395 млн сум

Агар биз фақат кутилаётган киймат асосида қарор қабул қилсак, ушбу иккала дастур бир хил бўлиб қолади ва биз улардан хоҳлаганимизни танлаб олишимиз мумкин. Бу ҳолат хавф-нейтрал ҳолат деб аталади. Лекин, агар бу бир марталик қарор бўлса, катта йўқотишларнинг кичкина эҳтимоллиги бўлган хавфга учрашни биз хоҳламаган бўлар эдик ва бу ҳақда қарор қабул қилар эдик. Бу ҳолатда биз А дастурини танлаб олиб хавфни бартараф қилган бўлар эдик.

Хавфни бартараф қилиш шубҳасиз энг яхши қарор ҳисобланган атроф-муҳитнинг ифлосланишини назорат қилишга доир кўпгина ҳолатлар мавжуд. Бутун ер шари атмосферасидаги ўзгаришлар келажакда инсониятнинг ўта хавфли кўчишларига сабаб бўлади.

Бу таъсирнинг потенциал кўлами хавфнинг олдини олувчи консерватив қарорлар тўғри эканлигини исботлаб бермоқда. Шунингдек, бундай қарорлар бирор бир турнинг камайиб кетиш ҳолатларида қабул қилинади; бугун қабул қилинган қарорлар келгусида баъзи кичкина турлар генетик ресурсининг ҳалокатли тарзда йўқолиб кетишига ва бу инсоният фаровонлигига салбий таъсир кўрсатишига олиб келиши мумкин.

Кўпчилик аҳоли пунктларида яшовчи аҳоли ер ости сувлари жойлашган қатламларнинг ифлосланиши билан дуч келишлари мумкин. Бундан ташқари инсон ҳаётига хавф соладиган ҳар қандай фаолиятда инсон ўша хавфнинг олдини олишни маъқул кўради.

Хавфни бошқариш. Қарор қабул қилувчи шахслар атроф-муҳитга зарар келадиган ҳолатларда хавф ва хавфлилик даражасини кишилар қандай баҳолашини биладилар, улар бу хавфни бошқаришга қаратилган қарорларни кўриб чиқадиладар. Ушбу иш **хавф-фойда таҳлили** (Risk-benefit analysis) ни ўз ичига олиш мумкин.

Айтайлик, маъмурият қуйидаги саволни кўриб чиқмоқда: айрим пестицидларни сотишга рухсат бериш мумкинми? Бу масалани пестициддан фойдаланилганда фермерлар ва истеъмолчилар кўрадиган нафни, шунингдек, мана шу пестицид билан ишлайдиган фермер хўжалиги ишчисининг соғлигига хавфнинг ортиши ва агар етиштирилган маҳсулотда пестициднинг қолдиғи қолса, бу истеъмолчилар соғлигига қанчалик хавф туғдиришини ўзаро солиштирган ҳолда тадқиқ қилиш мумкин. Маъносига кўра бу фойда – ҳаражатлар таҳлили бўлиб, унда ҳаражат томони кўпроқ акс эттирилади.

Таҳлилнинг бошқа тури **солиштирма хавфни таҳлил қилиш** (comparative – risk analysis) ҳисобланиб, бу қарорлар натижасида келиб чиқадиган турли хил сиёсий қарорлар хавф даражасини ўрганишга қаратилган. Масалан, ахлатхона билан боғлиқ мисолда ҳокимият ахлатхонани бошқаришнинг ва сув билан таъминлашнинг турли хил йўллари ҳар бир альтернатив (муқобил) олиб келиши мумкин бўлган хавф даражаси кўрсаткичларида кўриб чиқиш мумкин.

Атама ва иборалар

Зарар, ресурс, баҳолаш, қонун, ресурсни тиклаш, харажатлар, ресурс сифати, хавф, таҳлил, иқтисодий баҳолаш, хавфнинг табиати, эҳтимол, кутилаётган миқдор, хавфни бошқариш, хавф-фойда таҳлили.

Назорат саволлари

1. Зарарни баҳолаш қандай амалга оширилади?
2. Зарарланган табиий ресурсни қайта тиклашга кетадиган харажатлар қандай баҳоланади?
3. Хавфни таҳлил қилиш жараёнини тушунтириб беринг.
4. Хавфни таҳлил қилиш қандай босқичларни ўз ичига олади?
5. Хавф табиатини тадқиқ қилиш қандай амалга оширилади?
6. Хавфни иқтисодий баҳолаш нимадан иборат?
7. Хавфни бошқариш қандай амалга оширилади?

Адабиётлар рўйхати

1. Barry C. Field, Martha K. Field. Environmental Economics. McGraw-Hill Companies, New York, 2002, стр. 117-136.
2. Папенев К.В. Экономика и природопользование. М., МГУ, 1997, стр.70-88.

20.1. Атроф муҳитга таъсирни таҳлил қилиш

«Таъсир қилиш» - бу ҳар қандай амалдаги ёки тақлиф қилинаётган қарорнинг таъсирини билдирадиган жуда кенг тушунчадир. Таъсир қилишнинг жуда кўп турлари мавжуд экан, таъсирни таҳлил қилишнинг (*impact analysis*) ҳам жуда кўплаб турлари мавжуд.

Атроф муҳитга таъсирни таҳлил қилиш (*Environmental Impact Analysis*) мазмунига кўра амалга оширилган тадбирлардан атроф муҳитга сезиларли таъсирга эга бўлган оқибатларни ўрганadi. Кўпгина ҳолларда аввалги башоратлар қанчалик тўғри қилинганлигини ўрганиш зарур бўлган ҳолларда амалга оширилган тадбирларнинг таъсирини таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлсада, асосий эътибор тақлиф қилинаётган қарорларнинг таъсирига берилади. Атроф- муҳитга таъсир таҳлилини ижтимоий, жамият ёки хусусий, саноат ёки уй ҳўжалиги, маҳаллий ва давлат миқёсидаги таъсирлар учун ўтказиш мумкин. Бу лойиҳалар ва ресурсларнинг атроф-муҳитга физик таъсирини аниқлаш устида ишловчи табиатшунос олимларнинг жуда кенг фаолият соҳасидир.

Жуда кўп мамлакатларда ҳам хусусий, ҳам давлат дастур ва лойиҳаларини муҳокама қилишда унинг атроф-муҳитга таъсирини ўрганишни талаб қилувчи қонунлар мавжуд. Масалан, АҚШда 1970 йилда «Атроф муҳит тўғрисидаги акт» (*National Environmental Policy Act of 1970*) қабул қилинган. Мазкур қонун федерал хизмат агентларига тақлиф қилинаётган қонунлар ва «инсонни ўраб турган муҳит сифатига ҳар хил таъсир қилувчи бошқа асосий федерал ҳаракатларни» баҳолаш вазифасини юклайди. Бундай баҳолашнинг натижаси «Атроф-муҳитга таъсир тўғрисида баёнот» (*Environmental Impact Statement*) бўлади.

«Атроф муҳит сиёсати тўғрисидаги акт» қонунига мувофиқ асосий вазифаси «Атроф-муҳитга таъсир тўғрисида баёнот» тузиш ва атроф-муҳит ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни чоп қилиш бўлган Атроф Муҳит Сифати бўйича Консуллик (*Council on Environmental Quality*) тузилган.

«Атроф-муҳитга таъсир тўғрисида баёнот»ни тузиш табиатшунос олимларнинг иши бўлсада, иктисодчилар ҳам бу ишда муҳим рол ўйнайдилар. Атроф-муҳитга таъсир фақат экологик муносабатлар орқали амалга ошмайди, улар, шунингдек, иктисодий алоқалар орқали ҳам амалга ошади. Масалан, бир томондан баъзи дарё водийларини сув босишига сабаб бўладиган, иккинчи томондан дам олиш учун имконият яратилишига сабаб бўладиган дамба қурилиши тақлиф қилинмоқда. Атроф муҳитга таъсирнинг асосий қисми бевосита сув тошқини ва унинг оқибатлари ёки ҳайвон ва ўсимликларнинг, табиий дарёда дам олиш имконияти, экин экиладиган ерлар ва бошқаларнинг йўқолиши туфайли юз беради. Лекин, бу таъсир лойиҳа таъсирида кишиларнинг ўзини тутишидаги юз берган ўзгаришлар натижасида юз бериши ҳам мумкин. Дам олувчиларнинг келиб кетиши хавонинг ифлосланишига ва йўлларда машиналарнинг тикилинч ҳолати пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Дам олиш имкониятларидан келиб чиққан

холда янги уйлар куриш, тижоратни ривожлантириш атроф мухитга салбий таъсир қилиши мумкин. Шундай қилиб, дамба қурилишининг атроф мухитга таъсирининг бутун тизимини ўрганиб чиқиш учун дамба ва сув омборларининг нафақат физик таъсирини, балки кишиларнинг янги шароитга акс таъсири ва уларнинг мослашишини ҳам ўрганиш лозим.

Ўзбекистонда атроф мухитга таъсирни мувофиқлаштирувчи қонунчилик асосларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни (ўзгаришлар билан) бу соҳада асосий қонун ҳужжати ҳисобланади.

Атроф мухитга таъсир бўйича қабул қилинган баъзи қонунлар рўйхатини келтирамыз:

1. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 06.05.93 й.
2. «Алоҳида қўриқланадиган табиий объектлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 07.05.93 й.
3. «Табиий бойликлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 23.09.94 й.
4. «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 27.12.96 й.
5. «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 26.12.97 й.
6. «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 26.12.97 й.
7. «Ўрмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 14.04.99 й.
8. «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 25.05.00 й.

Бу қонунларни тадбиқ этиш корхоналар, цехлар ва бошқа объектларнинг атроф мухитга салбий таъсирини камайтиради. Масалан, 1999-2001 йилларда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан 4448 та корхона ва цехлар (1999 йилда-934 та, 2000 йилда – 1737, 2001 йилда – 1777 та) фаолияти тўхтатилди ва бунинг натижасида атроф мухитга зарарли чиқиндиларни ташлаш 241 тоннага, ифлослантирувчи оқаваларни чиқариш 11,5 млн м^3 га камайди. Атмосферага зарарли чиқиндиларни чиқариш 1991-2001 йиллар давомида 3,81 млн. тоннадан 2,25 млн тоннага ёки 39,6 фоизга камайди. Очик сув хавзаларига ифлосланган саноат оқаваларини ташлаш ҳажми 1990-2001 йиллари 327,3 млн м^3 дан 168,6 млн м^3 га ёки 48,5% га камайди.

20.2. Иқтисодий таъсирни таҳлил қилиш

Баъзи бир тадбирлар-янги қонун, янги йирик фан ютуғи, импортнинг янги манбалари иқтисодий тизимга қандай таъсир қилиши билан қизиққаннимизда, иқтисодий таъсирни таҳлил қилиш (*Economic Impact Analysis*) тўғрисида гапирамыз. Жуда кўп мамлакатларда, айниқса ривожланган мамлакатларда одатда атроф мухит бўйича қабул қилинган қарорлар иқтисодий ўсиш суръатига қандай таъсир қилиши билан

кизиқадилар. Баъзан бу кизиқиш энг муҳим деб ҳисобланган баъзи бир иктисодий микдорлар учун жамият дастурларини ривожлантиришга йўналтирилиши мумкин. Масалан, атроф муҳит бўйича қарорларнинг ишсизлик даражасига таъсири, импортни чеклашнинг саноатда технологик ўзгаришлар суръатига, атроф муҳит бўйича қарорларнинг ифлосланиш устидан назорат қилиш бўйича саноатнинг ўсишига таъсири ва бошқа алоҳида кизиқиш уйғотиши мумкин.

Иктисодий таъсир таҳлилини ҳар хил даражаларда ўтказиш мумкин. Масалан, атроф муҳит бўйича маҳаллий гуруҳлар ботқоклашган ҳудудлар тўғрисидаги қонунни аҳолининг ўсиш суръатига таъсирини ўрганишига кизиқишлари мумкин. Худудий гуруҳлар умумдавллат қарорларини уларнинг хусусий иктисодий шароитларига таъсири билан кизиқишлари мумкин. Глобал даражада эса CO_2 таркибини назорат қилишга уриниш, бой ва камбағал давлатларнинг нисбий ўсиш суръатларига қандай қилиб таъсир қилиш муҳим масала бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай даражада ҳам иктисодий таъсир таҳлили иктисодиёт қандай фаолият кўрсатаётгани, унинг турли қисмлари қандай ўзаро муносабатда бўлаётганини катъий тушунишни талаб қилади.

Иктисодий таъсирни тадқиқ қилишнинг асосий усули **ҳаражат-даромад (натижа)ни таҳлил қилиш** (input-output analysis) ҳисобланади. Бу усул баъзи натижалар бошқа натижалар учун ҳаражат эканлигини тушунтиришга имкон беради. Ўрганилаётган масаланинг ҳаражат ва натижалар жадвалини тузиш таҳлил қилишда биринчи қадам ҳисобланади. 20.1-жадвалда иккита маҳсулот - ғалла ва бойитилган тупроқ ва битта ифлослантирувчи унсур – ифлосланган сув билан ҳаражат ва натижалар кўрсатилган.

20.1-жадвл

Харажатлар	Натижалар	
	ғалла	Бойитилган тупроқ
Ғалла, т	0,4	0,1
Бойитилган тупроқ, т	0,2	0
Ифлосланган сув, минг куб. м	0,2	0,1

Ғалла юкори сифатли тупроқда ўсади ва ўсиш жараёнида эрозия ва озуқа моддалари сарфи сифатида тупроқнинг бир қисмидан фойдаланади. Бойитилган тупроқ ҳам кейин ўғитлаш учун гўнг етказиб берадиган чорва молларини озиклантириш йўли билан ишлаб чиқарилади. 20.1-жадвал харажатлар ва ўғит орасида ушбу боғлиқликни куйидагича кўрсатади. Жадвалдан кўриниб турибдики, 1 тонна ғалла ишлаб чиқариш учун 0,4 тонна ғалла (уруғлик сифатида) ва 0,2 тонна бойитилган тупроқ керак бўлади. Бундан ташқари ғалла етиштириш жараёнида эрозия туфайли 200 м^3 оқар сув қолдиқлар билан ифлосланади.

Харажатлар-натижалар таҳлилининг характерли томони куйидаги оддий тушунтиришни аниқлашдир: хўжалик юртишнинг умумий натижалари (ғалла ва бойитилган тупроқ чишлаб чиқариш) бу маҳсулотларни

ишлаб чиқарувчилар томонидан оралик истеъмол ва уларни истеъмолчилар томонидан якуний истеъмоли йигиндисига тенг бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир маҳсулотнинг таклифи талабга тенг бўлиши керак. Аслида истеъмолчилар тупрокни емайдилар. Лекин истеъмолчилар табиий капитални саклаб қолиш учун канча микдорда маблағ сарф қилиш тўғрисида қарор қабул қиладилар. Истеъмолчилар ёки тупрокни бойитиш ёки кучсизлантириш тўғрисида қарор қабул қиладилар. Шундай қилиб иккита муносабатга эга бўламиз:

Жами ишлаб чиқарилган ғалла = ғалла ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ғалла + тупрок ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ғалла + кишилар томонидан истеъмол қилинадиган ғалла;

Жами «ишлаб чиқариладиган» тупрок = ғалла ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган тупрок + тупрок ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган тупрок + тупрок захираларининг соф кўпайиши (камайиши).

Энди алгебрадаги баъзи бир тушунчалардан фойдаланамиз ва харажатлар-фойдалар таҳлили қандай ишлашини кўрамиз. X^c ва X^s орқали ғалла ва тупрокнинг жами йиллик натижаларини, Y^c Y^s орқали эса истеъмолчиларнинг ушбу маҳсулотга бўлган якуний талабини белгилаймиз. Бунда юқорида сўз билан айтилган тенгламалар қуйидагича ёзилади:

Таклиф = талаб

$$\text{Ғалла:} \quad X^c = 0,4X^c + 0,1X^s + Y^c$$

$$\text{Тупрок:} \quad X^s = 0,2X^c + 0 + Y^s$$

Биз 4 та номаълумли иккита тенгламадан иборат тизимга эгамиз. Бу тизимни ечиш учун талабнинг охириги микдорини белгилаб олиш керак. Айтайлик, харидорлар 10 тонна ғалла истеъмол қилиб, табиий капитал (бойитилган тупрок)нинг киймати узгармас булишини хоҳлайдилар. Шу ҳолда хўжалик юритиш барқарор бўлади. Шундай қилиб ғалла ва тупрокка бўлган якуний талаб мос равишда $Y^c = 10$, $Y^s = 0$ га тенг.

Бу рақамларни тизимга қўйиб, қуйидаги ечимни оламиз: $X^c = 17,3$ ва $X^s = 3,5$. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий максад ғаллага бўлган якуний талабни қондириш ва бундан ташқари бойитилган тупрок захираларини доимий ушлаб туриш ҳисобланади. Бунга эришиш учун умумий дон ишлаб чиқариш хажми 17,3 тонна ва ишлатилган тупрок ўрнига бойитилган тупрок ишлаб чиқариш хажми 3,5 тонна бўлиши керак. Бу ҳолатда ифлосланган сувнинг умумий хажми $17,3 \cdot 200 + 3,5 \cdot 100 = 3810$ куб м.

Шу пайтгача биз ғалла ва тупрокка бўлган якуний талаб бу маҳсулотлардан канчаси оралик босқичда истеъмол қилинишини белгилашни кўрсатиб келдик. Энди бу оддий моделни қуйидаги ҳолатни аниқлаш учун қўллашимиз мумкин. Таклиф қилинаётган технология «тоза» ҳисобланадими?

Айтайлик фермерлар тупрок эрозиясини камайтиришнинг янги усулини топнишган ва бунга мувофиқ 1 тонна ғалла етиштириш учун 0,1 тонна тупрок

керак бўлади. 1 тонна махсулот ишлаб чиқариш учун тупроқ эрозияси камаяр экан, сувни ифлосланиши ҳам 100 м^3 гача қисқаради.

Таклиф қилинаётган технологиядан атроф-муҳитга қандай наф бор?

Дастлаб бевосита фойдаларни кўриб чиқамиз.

Аввалги хўжалик юритишда 17,3 тонна ғалла ишлаб чиқарилган ва ҳар бир тонна ғалла ишлаб чиқариш учун 200 м^3 ифлосланган сув тўғри келган. Ифлосланган сувнинг 100 м^3 даги камайиш жами ифлосланган сув ҳажмини 3810 дан 2080 м^3 гача ($17,3 \cdot 100 + 3,5 \cdot 100 = 2080$) камайтириши лозим. Лекин, бу ғалланинг бир қисми тупроқни бойитишга ишлатиладиган гўнг ишлаб чиқариш учун чорва моллари томонидан истеъмол қилинишини эслатиб ўтамиз. Янгича ёндашув туфайли эрозия камаяр экан хўжалик тупроқни тўлдириш учун камроқ ресурс сарфлайди. Бу энди камроқ ғалла ва гўнг ишлаб чиқарган ҳолда атроф муҳит бўйича кўпроқ фойда (билвосита фойда) олиш имкони туғилишини билдиради.

Буни кўриш учун аввалги иккита тенгламани хўжалик юритишнинг янги технологиясидан фойдаланган ҳолда кўчириб чиқамиз. (иккинчи тенгламада X^c нинг коэффицентини 0,1 га ўзгартирамиз):

Таклиф = талаб

Ғалла: $X^c = 0,4X^c + 0,1X^s + Y^c$

Тупроқ: $X^s = 0,1X^c + 0 + Y^s$

Истеъмолчилар талаби 10 тонна ғалла ва тупроқнинг табиий захираларини доимий ушлаб туриш бўлиб қолаверади. Бунда $Y^c = 10$ ва $Y^s = 0$ микдорларни тизимга қўйиб ва ечиб қуйидаги ечимни оламиз: $X^c = 16,9$ ва $X^s = 1,7$. Хўжалик юритишнинг нисбатан самарали усулида ғалла ишлаб чиқариш 16,9 тоннага, тупроқ ишлаб чиқариш 1,7 тоннага камаяди. Натижада ифлослаган сувнинг умумий микдори $16,9 \cdot 100 + 1,7 \cdot 100 = 1860$ ни ташкил қилади. Шундай қилиб, ғалла ва гўнг ишлаб чиқаришни камайтиришда билвосита фойдани қўйиш бевосита фойдаларга қўшимча 220 м^3 ($2080 - 1860 = 220$) ифлосланган сувнинг камайишига олиб келади.

Бу мисол бош нуктаи назарни ифода қилади: Ҳар доим технология харажатларни камайтирса, у шунингдек, иктисодиёт соҳалари билан боғлиқ бўлган ифлослантиришни ҳам камайтиради. Шундай қилиб, тўғри самарадан кўра аралаш (бевосита ва билвосита) фойдалар кўпроқ бўлади.

Атама ва иборалар

Таъсир, атроф мухит, қонун, Ўзбекистондаги қонунчилик, иқтисодий таъсир, маҳаллий гуруҳлар, ҳудудий гуруҳлар, глобал гуруҳлар, харажатлар ва даромадлар таҳлили, талаб, таклиф.

Назорат саволлари

1. Таъсир таҳлили қачон қўлланилади?
2. Таъсир таҳлилининг маъноси нима?
3. Атроф-мухитга таъсирни таҳлил қилиш маъносини тушунтириб беринг.
4. Иқтисодий таъсирни таҳлил қилиш маъносини тушунтириб беринг
5. Қабул қилинаётган қарорларнинг ресурсларни тақсимлаш самарадорлигига таъсири қандай?
6. Куйидаги усулларнинг афзал ва камчилик томонларини солиштиринг: фойда-харажатлар таҳлили, фойда-харажат таҳлили ва таъсир таҳлили.

Адабиётлар рўйхати

1. Tietenberg T. Environmental and Natural Resource Economics. Harper Collins Publishers, 1992, pp.95-96.
2. Barry C. Field, Martha K. Field. Environmental Economics. McGraw-Hill Companies, New York, 2002, pp.113-117.
3. E.S.Goodstein. Economics and the Environvent. Prentice Hall, 1999, стр. 529-538.
4. Национальный доклад "О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан", Ташкент, 2002, стр. 11-15, 116-139.

БАҚТЛАРАРО САМАРАЛИ ЖОЙЛАШТИРИШ

Тугайдиган ва қайта тикланадиган ресурсларни (*depletable and renewable resources*) жойлаштириш самарадорлиги кўриб чиқилади. Ресурсларни жойлаштиришнинг икки даврли ва N даврли моделларига тўхтаб ўтилади. Шунингдек, тугайдиган ресурсни бошқа ресурс билан алмаштириш мумкин бўлган ҳол ҳам кўриб чиқилади.


21.1. Икки даврли модель

Биз 12-бобда (Қарорлар қабул қилиш учун меъёрий мезонлар) доимий маржинал харажатлар билан казиб олинадиган органик ресурсларни иккита даврга жойлаштиришни ўзида мужассам этган ҳолни аниқлаган эдик. Барқарор талаб эгри чизигида ресурсни самарали жойлаштириш унинг ярмидан кўпроғини биринчи даврда, ярмидан озроқ иккинчи қисмини иккинчи даврда жойлаштиришни билдиради. Бундай жойлаштириш казиб олишга кетган маржинал харажатларга ҳам, фойдаланувчининг маржинал харажатларига ҳам таъсир қилади.


Тугайдиган ресурсларнинг захиралари ўзгармаслиги ва чекланганлиги туфайли бугун маълум бир бирликдаги маҳсулот ишлаб чиқариш эртага худди шунча микдордаги маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини йўқ қилади. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда ишлаб чиқариш учун қарор қабул қилишда келгусидаги олинадиган соф фойда ҳисоб-китобидан келиб чиқиш лозим. Фойдаланувчининг маржинал харажатлари — бу ўзаро мувозанатни ўрнатишга имкон берадиган харажатларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган ўлчамидир.

Қазиб олишга кетадиган харажатлар доимий, лекин фойдаланувчи маржинал харажатларининг жорий қиймати вақт бўйича ўсиб боради деб фарз қиламиз. Талаб эгри чизиги вақт бўйича барқарор ва казиб олишга кетадиган харажатлар ўзгармас бўлганда фойдаланувчи маржинал харажатлари жорий қийматининг ўсиш тезлиги g фоиз ставкасига тенг. Шундай қилиб, 2-даврда фойдаланувчининг маржинал харажатлари 1-даврга нисбатан $1+g$ марта катта бўлади. Фойдаланувчининг маржинал харажатлари самарали жойлаштиришда бугунги кундаги ва келажакдаги ишлаб чиқариш ўртасида мувозанатни сақлаб қолиш учун g тезлик билан ортиб боради.

Бундай икки даврли мисол казиб олишга кетадиган доимий маржинал харажатларга эга чекланган ресурсларни самарали тақсимлаш ўзида фойдаланувчининг ўсиб боровчи маржинал харажатлари ва истеъмолчининг қамаювчи микдорини мужассамлаштиради. Энди биз бу натижаларни янада кўпроқ даврлар ва турли хил ҳолатдаги казиб олиш учун умумлаштиришимиз мумкин.



(a)



(b)

21.1-расм. Қазиб олишга кетган доимий маржинал харажатлар.

Y- қазиб олинадиган ва истеъмол қилинадиган миқдор,

Q- маржинал харажатлар (ҳар бирлик учун минг сўм),

X- вақт,

TMC – умумий маржинал харажатлар,

MEC – қазиб олишга кетган маржинал харажатлар.

21.2. N даврли ҳолат (харажатлар ўзгармас бўлганда)

Биз ресурс жойлашган вақт горизонтини узайтиришда қазиб олишга кетган доимий маржинал харажатлар тўғрисидаги тахминларни сақлаб қолган ҳолда умумлаштиришни бошлаймиз. 21.1-расмда келтирилган рақамли мисолда талаб эгри чизиғи ва икки даврли ҳолатнинг маржинал харажатлар эгри чизиғи сақлаб қолинган. Ушбу рақамли мисолнинг икки даврли ҳолатдан ягона фарқи жойлаштиришнинг узок йиллар давом этиши ва умумий қайта тикланадиган таклифнинг 20 дан 40 га ортишидир.

21.1 а)-расм қазиб олишнинг самарали киймати вақт бўйича қандай ўзгаришини, 21.1 б) расм эса фойдаланувчининг маржинал харажатлари ва қазиб олишга кетган маржинал харажатларни кўрсатади. Умумий маржинал харажатлар икки турдаги харажатларнинг йиғиндисини акс эттиради. Қазиб олишга кетган маржинал харажатлар пастки чизиқда акс этган, фойдаланувчининг маржинал харажатлари эса қазиб олишга кетган маржинал харажатлар ва умумий маржинал харажатлар орасидаги вертикал масофа сифатида кўрсатилган.

21.3. Қайта тикланадиган алмаштиришга ўтиш

Биз шу пайтгача ўрнини бошқа ресурс боса олмайдиган тугайдиган ресурсларни жойлаштириш масаласини муҳокама қилдик. Фараз қилайлик, доимий маржинал харажатлар шаронтида ресурсни алмаштира оладиган қайта тикланадиган ресурс мавжуд бўлганда самарали жойлаштириш хусусиятларини кўриб чиқаймиз. Мазкур ҳолат, масалан, бензин ёки табиий газни қуёш энергияси билан самарали алмаштириш ёки ер ости табиий


сувларини ер усти сувлари билан алмаштириш тўғрисида бўлсин. Бундай ҳолларда самарали жойлаштиришни қандай аниқлаш мумкин?

Бу масала аввал муҳокама қилинган масалага ўхшаш бўлганлиги учун биз ўз билимларимиздан мазкур янги ҳолат учун фойдаланишимиз мумкин. Тугайдиган ресурс ушбу ҳолатда ҳам аввалги ҳолатда бўлгани каби чексиз камайиши мумкин эди, чунки биз маълум вақтдан кейин қайта тикланадиган ресурсдан фойдалана бошлаймиз.

Бизнинг мисолимизда тугайдиган ресурс учун унинг ўрнини тўла боса оладиган ва бир бирлигининг нархи 6 минг сўм бўлган туганмас ресурс мавжуд деб фараз киламиз. Тугайдиган ресурсдан қайта тикланадиган унинг ўрнини босувчи ресурсга ўтиш дарҳол билинади, чунки унинг маржинал баҳоси (6 минг сўм) тўлашга бўлган хоҳишнинг максимал қиймати (8 минг сўм) дан кам.

Тугайдиган ресурс учун умумий маржинал харажатлар 6 минг сўм бўлганда унинг тўла алмаштирувчисининг нархи 6 минг сўмдан ортмайди, чунки жамият хар доим тугайдиган ресурс ўрнига бирмунча арзон бўлган қайта тикланадиган ресурсни ишлатиши мумкин. Шундай қилиб, ҳеч қандай ўрин алмаштирувчи бўлмаганда максимал даражадаги тўловга хоҳиш маржинал харажатларнинг энг юқори чегарасини белгилайди, дрессель баҳодан камроқ маржинал баҳода ўрин алмаштирувчини олиш мумкин бўлган шароитда уни олишга кетган маржинал харажатлар энг юқори чегарани белгилайди. Бу ҳолат учун самарали траектория 21.2-расмда кўрсатилган.

Бундай самарали тақсимлашда ўтиш жуда силлик бўлади. Фойдаланишга кетган маржинал харажатлар ортиб борганда казиб олинадиган миқдор аста секин қисқариб боради. 21.2-расмда кўриниб турганидек, қутилмаган ўтиш ҳолатлар йўқ.



21.2-расм. Ресурснинг ўрнини алмаштириш мумкин бўлган ҳол учун казиб олишга кетадиган доимий маржинал харажатлар.

Y – казиб олинадиган ва истеъмол килинадиган миқдор,

Q – маржинал харажатлар (хар бирлик учун минг сўм),

X – вақт,

TMC – умумий маржинал харажатлар,

MES – казиб олишга кетган маржинал харажатлар.


A – тугайдиган ва қайта тикланадиган ресурсларни истеъмол қилиш,

B – тугайдиган ресурсларни казиб олиш ва истеъмол қилиш.

Қайта тикланадиган ресурсларни олишга имкон бор экан, қайта тикланадиган ресурс билан боғлиқ аввалги мисолда бўлганига нисбатан тугайдиган ресурснинг асосий қисми эртароқ даврларда казиб олинади. Бунинг натижасида тугайдиган ресурс қайта тикланадиган ресурснинг алмаштирувчиси бўлган шаронгга нисбатан тезроқ тамом бўлади. Бу мисолда ўтиш олдинги мисолда охириги бирликлар саккизинчи даврнинг охирида тамом бўлганлигига қарамадан олтинчи даврда рўй беради.

Ўтиш нуктасида қайта тикланадиган ресурсдан фойдаланиш бошланади. Ўтиш нуктасигача фақат тугайдиган ресурсдан фойдаланилади, бу нуктадан кейин эса фақат қайта тикланадиган ресурс истеъмол қилинади. Истеъмол қилишда бундай кўринишдаги кетма-кетликнинг ўрнатилиши харажатлар кўринишининг ўзгариши натижасидир. Ўтиш нуктасигача тугайдиган ресурс арзон бўлади. Ўтиш нуктасида эса тугайдиган ресурсга кетадиган маржинал харажатлар (фойдаланувчининг маржинал харажатлари билан бирга) ўрин алмаштирувчи ва унга ўтишга кетган маржинал харажатлар билан кесишгунча ортиб боради. Ресурснинг ўрнини босувчини олишга имконият мавжудлиги сабабли ҳар қандай даврда истеъмол қилиш 5 бирликдан кам бўлмайди. Ушбу даража маржинал харажатлар 6 минг сўмга (ўрин алмаштирувчининг баҳоси) тенг бўлганда соф фойдани максималаштирадиган миқдор 5 бирлик бўлганлиги учун сақланиб қолади.

Энди тугайдиган бир турдаги ресурсдан бошқа турдаги ресурсга ўтишда самарали таксимлаш қандай аниқланишини кўриб чиқамиз. Ҳар иккала ресурснинг маржинал харажатлари доимий ва шу билан биргаликда иккинчи ресурснинг маржинал харажатлари биринчиникига қараганда юқори(21.3-расм). Биринчи ресурсга кетадиган маржинал харажатлар иккинчи ресурсни истеъмол қилишга ўтилмагунча вақт бўйича ортиб боради. Ўтиш нуктаси (T*) гача фақат энг арзон ресурсдан фойдаланилади.



21.3-расм. Бир турдаги тугайдиган ресурсдан иккинчи турдаги ресурсга ўтиш.

P – баҳо ёки харажатлар (бир бирлик учун минг сўм ҳисобида),

TMC_1 – биринчи ресурсга кетадиган умумий маржинал харажатлар,

TMC_2 – иккинчи ресурсга кетадиган умумий маржинал харажатлар,


MEC_1 – биринчи ресурсни қазиб олишга кетадиган маржинал харажатлар,

MEC_2 – иккинчи ресурсни қазиб олишга кетадиган маржинал харажатлар.

21.4. Қазиб олишга кетадиган маржинал харажатларнинг қўпайиши

Биз узок вақт оралиғи ва бошқа тугайдиган ва қайта тикланадиган ресурс билан алмашириш имконияти мавжудлиги билан тугайдиган ресурсларни самарали тақсимлаш борасидаги ўз билимларимизни кенгайтирдик. Энди тугайдиган ресурсларни қазиб олишга кетадиган маржинал харажатлар қазиб олишнинг умумий миқдори қўпайиши билан ортиб борадиган ҳолни кўриб чиқамиз.

Тахлилий жиҳатдан ушбу ҳол қазиб олишга кетадиган маржинал харажатларнинг функцияси сал мураккаблашганлигини ҳисобга олмаганда аввалги ҳолдаги каби тадқиқ қилинади. Бу функция қазиб олишнинг умумий миқдори қўпайиши билан ортиб боради. Мазкур ресурснинг динамик самарали тақсимланиши ўзгарган функциядан фойдаланиш билан соф фойданинг жорий қийматини максималлаштириш йўли билан анкланади (21.4-расм).



21.4-расм. Ўрин алмаштирувчиси билан бирга ресурсни казиб олишга кетадиган маржинал харажатларнинг ўсиши.
 Q – казиб олинadиган ва истеъмол қилинадиган ресурс миқдори (бирлик),
 P – баҳоси (бир бирлик учун минг сўм).

Мазкур ҳолнинг бошқа ҳоллардан асосий фарқи истеъмолчи маржинал харажатларининг хусусиятларидадир. Аввалги ҳолда истеъмолчининг маржинал харажатлари вақт бўйича r тезлик билан кўпаяр эди. Қазиб олишнинг умумий ҳажми кўпайиши билан казиб олишга кетадиган маржинал харажатлар ортган пайтда истеъмолчининг маржинал харажатлари камаяди; қайта тикланадиган ресурсга ўтиш нуктасида улар нолга тенг бўлади. Нима учун бундай бўлади?

Эслатиб ўтамиз, истеъмолчиларнинг маржинал харажатлари бу – келажакдаги маржинал соф фойдадан воз кечишни акс эттирадиган вақтинчалик харажатлардир (*opportunity cost*). Доимий маржинал харажатлар бўлган ҳолдан фарқли ўлароқ ўсиб боровчи харажатлар ҳолида ҳар бир казиб олинadиган бирлик казиб олишнинг баҳосини кўтариб боради. Ўз навбатида, жорий маржинал харажатлар вақт бўйича ўсаётган шароитда келгуси авлоднинг йўқотишлари камаяди; агар ушбу ресурс бирлиги улар учун сақлаб қўйилганда ушбу ресурсни казиб олишга кетадиган маржинал харажатлар янада ортиб борган шароитда келгуси авлод олиши мумкин бўлган соф фойда янада камайиб боради. Сўнгги даврнинг охирида казиб олишга кетадиган маржинал харажатлар шунчалик юқори бўладикки, ресурснинг қўшимча битта бирлигини нисбатан эртароқ истеъмол қилиш ҳеч қандай йўқотишга олиб келмайди. Жорий казиб олишнинг вақтинчалик харажатаи нол даражагача тушиб кетади ва ўтиш нуктасидаги умумий маржинал харажатлар казиб олишга кетган маржинал харажатларга тенг бўлади.

Кўпайиб борадиган харажатлар ҳоли ўзгармас харажатлар бўладиган ҳолдан бошқа муҳим хусусиятлари билан ҳам фарқ қилади. Доимий харажатлар мавжуд бўлган ҳолда тугайдиган ресурснинг захиралари тўла

тамом килинади. Харажатлар ортиб борадиган ҳолда эса захиралар тамом бўлмайди, уларнинг бир қисми фойдаланилмасдан қолади, чунки уни казиб олиш ниҳоятда қимматлашиб кетади.

21.5. Илмий тадқиқотлар ва технологик тараққиёт

Биз кўриб чиққан ўсиб боровчи истеъмол тўғрисидаги тарихий мисоллар тугайдиган ресурслар самарали тақсимланмаяпти деб хулоса қилиш учун асос бўла олмайди. Ушбу нуқтаи назардан кўриб чиқилган моделлар истеъмолининг ҳақиқий хусусиятини аниқлашдаги иккита муҳим омил, яъни янги ресурслар учун илмий-тадқиқотлар ёки технологик тараққиётнинг ролини ўзида мужассамлаштирмайди.

Янги ресурсларни излаш жуда қиммат ҳисобланади. Осон топилган ресурслар тамом бўлиши биланок биз океан туби ёки чуқур ер ости каби нисбатан ноқулай шароитларда янги ресурсларни излашга мажбур бўламиз. Бу қўшимча бирликдаги ресурсларни излаб топишга кетган маржинал харажатларни ўзида акс эттирган илмий-тадқиқотлар учун маржинал харажатлар (*marginal cost of exploration*) казиб олишга кетган маржинал харажатлар кўпайиши билан вақт бўйича ортиб боришини кўзда тутади.

Ресурслар учун маржинал харажатлар вақт бўйича кўпайиб борар экан, жамият ушбу ресурсларнинг янги манбаларини иложи борица фаол излаб топиши лозим. Аниқланган манбалардан ресурсларни олиш маржинал харажатлари қанчалик юқори бўлса, илмий-тадқиқотлардан олинadиган соф фойданинг кўпайиш имконияти шунчалик юқори бўлади.

Баъзи бир илмий тадқиқотлар муваффақиятли бўлади – ресурсларнинг янги манбалари топилади. Агар янги очилган ресурсларни казиб олишга кетадиган маржинал харажатлар етарли даражада кам бўлса, бу топилмалар ишлаб чиқаришнинг умумий маржинал харажатлари кўпайишини секинлаштиради. Натижада янги топилмалар янада кўпроқ истеъмол қилишни рағбатлантиради. Илмий тадқиқотлар олиб борилмаган шароит билан солиштирилганда илмий тадқиқотли моделлар умумий маржинал харажатлар ўсишининг камайиши шароитида истеъмолининг янада камроқ ва янада секинроқ камайишини кўрсатади.

Шунингдек, ресурсларни самарали тақсимлаш концепциясини технологик тараққиётни қўллашга кенгайтириш ҳам кийин эмас. Бу ерда технологик тараққиёт казиб олишга кетадиган харажатларнинг камайишини билдиради. Доимий маржинал харажатлар билан казиб олиш мумкин бўлган ресурс учун технологик тараққиёт келгусида бошқа ресурсга ўтиш даврини яна ҳам кейинроқ муддатга кечиктиртиради. Бундан ташқари, ортаётган харажатларга эга ресурс учун технологик тараққиёт ютуқлари қўлланилганда кўпроқ микдордаги ресурс сақланиб қолади.

Технологик тараққиётнинг янада таъсирлироқ самараларига вақт ўтиши билан казиб олишга кетадиган харажатлар тобора камайиб бориш киради. Агар технологик тараққиётнинг харажатни камайтирувчи хусусияти кучли намоён бўлса, камбағал рудага бўлган ишонч кўпайишига қарамасдан казиб олишга кетадиган маржинал харажатлар камайиб борса, ресурсга кетадиган умумий маржинал харажатлар ҳақиқатдан ҳам вақт бўйича камайиш

мумкин. Ушбу ресурснинг чекланган миқдори учун умумий маржинал харажатларнинг камайиши улар ўса бошлагунча вақтинчалик бўлади, лекин бу ўтиш даври анча узоқ давом этиши мумкин.

21.6. Бозорларни жойлаштириш

Биз маърузаларда турли хил ҳолатларда алмаштира бўладиган, лекин тугайдиган ва қайта тикланадиган ресурсларни самарали жойлаштириш қандай аниқланишини атрофлича кўриб чиқамиз. Энди биз шундай савол қўямиз: реал бозорлар самарали жойлаштиришни давом эттира оладиларми? Ҳар бири такрорланмас хоҳишга эга миллионлаб истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчини ўзида мужассамлаштирган хусусий бозор ҳар доим ҳам динамик ва самарали тақсимлашни амалга ошира оладими? Фойдани максималлаштириш ўзгарувчан самарадорлик билан бир-бирига мос келадими?

21.7. Эгалик ҳуқуқига тегишли тузилма(структура)лар

Ҳатто энг мукаммал бозор ҳам ҳеч қачон самарали жойлаштиришга эриша олмайди деб ҳисоблайдиганларнинг ҳулосаси улар онгида шаклланиб қолган ишлаб чиқарувчилар ресурсларни иложи борида тезроқ ва кўпроқ қазиб олишни ҳоҳлайдилар деган фикрдан келиб чиқади. Бу, албатта, бир оз нотўғри.

Табиий ресурсларни бошқарувчи эгалик ҳуқуқлари истисно қилиш, умумийлик, амалга оширилувчанлик хусусиятларига эга экан, ушбу ресурслар сотиладиган ва сотиб олинадиган бозорлар узоқни кузламайдиган қарорларни қабул қилишга олиб келмайди. Фойдаланувчи маржинал харажатлар қилаётган пайтда ишлаб чиқарувчи самарали йўлни танлайди. Ер остидаги ресурс уни баҳолашнинг иккита потенциал манбаига эга:

1. Ресурс сотиляётгандаги фойдаланиш нархи.
2. Ресурс ерда қолаётгандаги баҳоловчи нархи.

Ресурс нархи ўсишда давом этар экан, ер остидаги ресурс қимматлашиб бораверади. Ушбу ресурснинг эгаси уни фақат сакласагина, ўз капиталини тўплаган бўлади. Нисбатан эртароқ ўз ресурсларини сотиб юборган ишлаб чиқарувчи келгусидаги юқори нархлар туфайли катта миқдордаги даромад олиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Фойдасини кўпайтирадиган, узоқни кўрувчи ишлаб чиқарувчи ресурс нархини масималлаштириш учун ҳозирги ва келгусидаги ишлаб чиқаришни ўзаро мувофиқлаштиради. Чунки келгусидаги юқори нархлар ресурсни саклашни рағбатлантиради, бу рағбатни тан олмаган ишлаб чиқарувчи эса ресурс нархини масималлаштирамайди. Бу ресурсни сотиб олиш ва унинг нархини масималлаштириш учун уни саклаш учун ҳеч қим йўқ деб тахмин қилиш мумкин. Хали жамият ва хусусий фоиз ставкалари бир бирига мос тушар экан, эгалик ҳуқуқи таркиби яхши аниқланади ва келажақдаги нархлар тўғрисида ахборот олиш мумкин бўлади. Юқори даражада фойда кетидан қувган худбин ишлаб чиқарувчи бир вақтнинг ўзида жамият учун ҳам соф фойданинг жорий қийматининг масимал даражасини таъминлайди.

Мазкур таҳлилдан шундай хулоса келиб чиқадики, узокни кўра оладиган аниқ ресурслар бозорида ресурс нархи ушбу ресурсни казиб олиш ва ишлатишга кетадиган умумий маржинал ҳаражатларга тенг. Шунинг учун 21.1-21.3- расмларда нафақат самарали жойлаштириш, балки самарали бозор томонидан амалга ошириладиган самарали жойлаштириш ҳам акс эттирилган. Самарали бозор учун умумий маржинал ҳаражатлар эгри чизиги келгусидаги кутилаётган нархларни ўзида акс эттиради.

21.8. Атроф мухитнинг баҳоси

Эгалик ҳукуқи таркибида аниқлаш мумкин бўлмаган муҳим ҳолатлардан бири табиий ресурсларни казиб олиш жамиятга атроф-мухит бўйича ишлаб чиқарувчилар томонидан ўзлаштириб бўлмайдиган ҳаражатларни белгилаб беради. Уран қолдиқлари билан боғлиқ ишланмаларни очишга кетган эстетик ҳаражатлар, соғлиқ учун хавф- бу атроф-мухитга кетган ҳаражатлар билан боғлиқ мисоллардир.

Фараз қилайлик, тугайдиган ресурсни казиб олиш казиб олаётган фирма ҳаражатларида номувофиқ тарзда акс этган атроф-мухитга баъзи бир зарар етишига сабаб бўлди. Ресурсни ер остидан чиқариб олиш, қайта ишлаш ва ташишга кетган ҳаражатлар ресурс эгалари томонидан чекланган ва у ресурсни казиб олишга кетган ҳаражатларга қўшилади. Лекин атроф-мухитга етказилаётган зарар ресурс эгаси томонидан чекланмаган. Эски ҳаражатларга асосланган бозор томонидан жойлаштириш самарали жойлаштиришдан нимаси билан фарқ қилади?

Бу масалани ўрганиш учун «4. Қазиб олишга кетган маржинал ҳаражатларнинг кўпайиши» бўлимидаги мисолга қайтамыз. Айтайлик, атроф-мухитга келтирилаётган зарар маржинал ҳаражатларга 1000 сўм қўшиш билан ҳисобга олиниши мумкин. Бу қўшимча пуллар бир бирлик ресурс ишлаб чиқариш билан атроф-мухитга келтирилаётган зарар билан боғлиқ ҳаражатларни ўзида акс эттиради. Бу казиб олиш миқдорида қандай таъсир қилади?

Бу саволга жавоб бериш учун 21.4-расмни кўриб чиқамиз. Бу ерда узлуксиз чизик атроф-мухитга кетадиган ҳаражатлар ҳисобга олинмаётганини, пунктир чизик эса атроф мухитга кетадиган ҳаражатлар ҳисобга олинаётганини билдиради. Бу расмдан кўриниб турибдики, атроф-мухитга кетадиган ҳаражатнинг қўшилиши ресурс нарҳини ошириб юборади, натижада талаб камайиб кетади. Нисбатан юкори маржинал ҳаражатлар самарали жойлаштиришда тугайдиган ресурсни казиб олишнинг камрок умумий миқдорини билдиради (шунинг учун алмаштирувчига ўтиш тезрок амалга ошади).

Атама ва иборалар

Ресурслар, тугайдиган, қайта тикланадиган, бошқариш, самарадорлик, динамик, соф фойда, жорий қиймат, маржинал ҳаражатлар, икки даврли, кўп даврли, ресурсни алмаштириш, бошқа ресурсга ўтиш, илмий тадқиқотлар, технологик тараққиёт, бозор, эгалик ҳукуки, структура.

Назорат саволлари

1. Икки даврли моделнинг мазмуни нимадан иборат?
2. Ҳаражатлар ўзгармас бўлган N даврли ҳолни тушунтириб беринг.
3. Қайта тиканадиган алмаштирувчига ўтиш билан юз берадиган ҳолни тушунтириб беринг.
4. Қазиб олишга кетадиган маржинал ҳаражатлар кўпайиб борадиган модел доимий ҳаражатлар бўладиган ҳолдан нимаси билан фарк қилади?
5. Ресурсларни жойлаштириш самарадорлигига илмий-тадқиқотлар ва технологик тараққиёт қандай таъсир қилади?
6. Атроф-муҳитга кетадиган ҳаражатларни ҳисобга олиш ресурсларни жойлаштириш самарадорлигига қандай таъсир қилади?
7. Кузатишлар натижаларига кўра: қазиб олишнинг самарали миқдори, фойдаланувчининг маржинал ҳаражатлари, қазиб олишга кетадиган маржинал ҳаражатлар, умумий маржинал ҳаражатлар графигини тузинг.
8. Кузатишлар натижасига кўра ресурснинг қазиб олинадиган миқдори ва уни қазиб олишнинг маржинал баҳоси графигини тузинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Tietenberg T. Environmental and Natural Resource Economics. Harper Collins Publishers, 1992, стр. 125-146.
2. Голуб А.А., Струкова Е.Б. Экономика природных ресурсов, М., 1999, стр. 75-119.

22-606

ТУГАЙДИГАН, ЛЕКИН ҚАЙТА ТИКЛАНАДИГАН РЕСУРСЛАР: СУВ

22.1. Сув тақчиллиги сабаблари

Сув ресурслари барқарор ривожланиш учун ижтимоий, иқтисодий ва экологик жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим элемент ҳисобланади. Сув – бу ҳаёт, у инсон саломатлиги учун жуда зарур. Сув – бу иқтисодий ва ижтимоий бойлик ва ундан биринчи навбатда инсоннинг асосий эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш керак. Кўпчилик ичимлик суви ва санитар-гигиеник хизматларга эга бўлишни инсон ҳуқуқларидан бири сифатида қарайдилар. Сувнинг ўрнини босувчи нарса йўқ: усиз инсонлар ва бошқа тирик организмлар ҳалок бўлади. Фермерлар сувсиз озиқ-овқат маҳсулотлари етиштира олмайдилар, корхоналар тўхтаб қолади. Ишончли тарзда сув билан таъминлаш камбағаллик кўламини қисқартиришнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Сувдан фойдаланиш самарадорлиги ортишига қарамасдан сувдан фойдаланиш кўлами, унга бўлган талаб ва сувни ифлослантириш ҳолатлари тинмай ортиб бормоқда. Охириги бир неча ўн йилликлар давомида хавфсиз ичимлик суви ва зарурий санитар-гигиеник хизматларни олишга бўлган имконият, айниқса, ривожланаётган давлатларда аҳолининг ўсишидан орқада қолиб кетмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, инсон истеъмоли ва санитар-гигиеник хизматларни ташкил этиш учун сувга бўлган талаб ортиб кетмоқда. Сув ресурсларининг тақчиллиги ва ифлосланиши экосистемага бўлган салбий таъсирнинг ортиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ер шаридаги сувнинг қайта тикланадиган захиралари сувнинг узлуксиз айланиш тизими ҳисобланган гидрологик цикл орқали ҳосил бўлади. Ҳар йили жуда катта миқдордаги сув мана шу тизим орқали айланади ва биз бу сувнинг бир қисмидангина фойдаланишимиз мумкин.

Сувнинг фойдаланиш мумкин бўлган захиралари иккита турли хил манба: ер усти ва ер ости сувларидан ташкил топади. Ер усти сувлари (Surface water) дарё, кўл ва сув омборларининг чуқук сувларидан ташкил топади. Ер ости сувлари (ground water) ер остидаги ғовак катламларида тўпланади. Баъзи жойларда ер ости сувлари ёмғир сувлари ва эриётган қорлардан ҳосил бўлсада, уларнинг асосий қисми узок вақт давомида тўпланади ва фойдаланиш учун олингандан кейин уларнинг ўрнини тўлдириш имкони бўлмайди.

22.2. Тақчил сув ресурсларини самарали жойлаштириш

Сувни жойлаштириш самарадорлиги ер усти ёки ер ости сувнинг филтрланишига боғлиқ. Ер усти сувларини сақлаш имконияти бўлмаганда уни ўзаро рақобатчи фойдаанувчилар ўртасида тақсимлаш катта муаммо туғдиради. Авлодлар ўртасидаги самара унчалик аҳамиятга эга эмас, чунки сувнинг келажақдаги захиралари кўпроқ табиий ходисалар (масалан, ёмғирлар) га боғлиқ. Лекин, ер ости сувларидан ҳозирги даражада фойдаланиш келгуси авлодлар фойдаланиши мумкин бўлган сув

захираларига таъсир қилади. Бундай ҳолда сувни вақт бўйича тақсимлаш таҳлил қилишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ер усти сувлари. Ер усти сувларини самарали тақсимлаш:

1. Ўзаро рақобат қилувчи фойдаланувчилар ўртасида ўзаро балансни таъминлаш;
2. Йиллар бўйича ер усти сувларининг ўзгариб туриш шароитида истеъмолнинг мақбул миқдорини таъминлаш лозим.

Биринчи талаб қатъий талаб ҳисобланади, чунки жуда кўп потенциал сувдан фойдаланувчилар ўзаро қарама-қарши қонуний талабларга эга. Сувнинг бир қисми истеъмол учун ишлатилади (ичимлик суви сифатида ёки суғориш учун), шу билан бир вақтда бир қисми истеъмол учун ишлатилмайди (ундан чўмилиш ёки қайикда сайр қилиш учун фойдаланилади).

Иккинчи талаб зарурий талаб ҳисобланади, чунки ер усти сувларининг захиралари йилдан-йилга ўзгариб туради. Ёмғирлар, сув тўпланиши ва бугланиши йилдан-йилга ўзгариб туриши муносабати билан фойдаланиш мумкин бўлган ер усти сувларининг захиралари баъзи йилларда бошқа йилларга қараганда кам бўлиши мумкин.

Биринчи талаб учун самарадорлик мезони аниқ — сув барча истеъмолчиларнинг маржинал соф фойдалари тенг бўладиган даражада тақсимланиши керак. Самарадорлик нима учун маржинал соф фойда ҳамма истеъмолчилар учун тенг бўлиши талаб қилишни тушунтириш учун унга қарама-қарши ҳолни намойиш этамиз. Бундай ҳолда соф фойдани оширадиган сувни қайта тақсимлаш имконияти ҳар доим мавжудлигини кўрамыз. Сувни қайта тақсимлаш соф фойдани ошириш мумкин экан, бундай ҳолда сувни дастлабки тақсимлаш соф фойдани максималлаштириш имконини бермоқда. Сувни самарали тақсимлаш соф фойдани максималлаштирар экан, соф фойдани тенглаштириш учун қилинган ҳар қандай тақсимлаш самарали бўла олмайди.

Агар маржинал соф фойдалар тенг бўлмаса, сувни кам даражадаги соф маржинал фойдага эга бўлган истеъмолчилардан кўпроқ соф маржинал фойдага эга бўлган истеъмолчиларга олиб бериш орқали соф фойдани ошириш имконияти ҳар доим мавжуд.

Ер ости сувлари. Худди шу таҳлилни ер ости сувларига уларнинг тугабини ҳисобга олиб қўллаймиз. Ер ости катлаmidан сув олиш сув тўпланишидан кўра ортиб кетса, сув олиш ёки мавжуд захиралар бутунлай тугагунча ёки қўшимча сув олиш учун чегаравий харажатлар энг юқори даражага етгунча давом этади.

Сувга бўлган талаб ўзгармас бўлганда самарали сув олиш вақт бўйича ер ости сувларидан фойдаланишда қамаювчи натижага олиб келади. Сувни олиш учун максимал харажатлар (ёки сувнинг охириги қисмларини тортиб олиш учун харажатлар) ер ости сувлари катлами пасайганда ортиб боради. Сув олиш ёки захиралар тўла тугаганда ёки сув олишга кетган маржинал харажатлар сувни ишлатишдан олинadиган маржинал фойдадан ортиб кетганда ёки бошқа манбадан сув олишга кетадиган маржинал харажатлардан кўп бўлганда тўхтатилади.

Ер ости сувларига якин жойлашган катта микдордаги ер усти сувлари ер ости сувларининг ўрнини босиш ва сувни олишга кетган маржинал харажатларнинг юқори чегарасини белгилаш учун хизмат қилиш мумкин. Истеъмолчи ер ости манбаларидан олинган сувга ер устидан олинган сувга кетган харажатлардан кўп тўламайди.

Ер ости сувларининг самарали бозорида сувнинг нархи ортиб боради. Сувнинг нархи сувни олиш учун кетадиган маржинал харажатлар ўта юқори даражага етгунча ёки бу харажатлар бошқа манбадан сув олишга кетган харажатларга тенглашгунча ортиб боради. Бу нуктада сувни олишга кетадиган маржинал харажатлар сувнинг баҳосига тенг бўлади. Барча ҳолатларда соф нарх ёки сувнинг нархи билан уни олишга кетган маржинал харажатлар ўртасидаги фарқ вақт бўйича камайиб боради ва алмашиш (агар алмаштирувчи бўлса) ёки тўла тамом бўлиш (акс ҳолда) нуктасида нолга тенг бўлади.

22.3. Замонавий тақсимлаш тизими

Ўзбекистонда қадимдан суғорма дехкончилик билан шуғулланилади. Республикада дехкончилик маҳсулотларининг деярли барчаси суғориладиган ерларда етиштирилади. Мамлакат ҳудудида оз микдордаги сув ресурсларининг тўпланиши, давлатлараро сув тақсимлашдаги қийинчиликлар ва атроф муҳитга сезиларли даражада кўрсатилаётган таъсир охириги йилларда, аниқса, вегетация даврида сув ресурсларининг сезиларли даражада тақчил бўлишига олиб келмоқда. Сув ресурслари тақчиллиги муаммоси биринчи навбатда сув хўжалик тизимида сувнинг йўқолиб кетиши сабабли келиб чиқмоқда. Иқтисодчиларнинг баҳолашича йўқотилаётган сувнинг 2/3 қисми техник сабаблар - филтрланиш натижасида, сувни манбадан истеъмолчига етказиб беришдаги буғланиш, каналлардаги филтрланишга қарши қопламаларнинг йўқлиги сабабли келиб чиқмоқда. Йўқотишнинг бошқа тури ташкилий характерга эга бўлиб, унга йўқотилаётган сувнинг 1/3 қисми тўғри келади. Бундай йўқотиш кишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга бўлган қизиқишининг ҳамда сув хўжалиги ташкилотларида зарур микдордаги сувни вақтида етказиб беришга рағбатнинг йўқлиги туфайли юз беради. Агар техник йўқотишларни бартараф қилиш учун ўз-ўзини узок муддатда қоплайдиган ҳамда ҳозирги ўтиш даври иқтисодиёти учун анча оғир келадиган жуда катта микдордаги инвестициялар талаб қилинса, ташкилий йўқотишларни тўхтатиш учун катта микдорда маблаг талаб қилинмайди. Ҳам сувдан фойдаланувчиларни, ҳам сувни етказиб берувчи ташкилотларни сув ресурсларидан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи шароит яратиш лозим. Хўжалик ёки канал даражасидаги суғориш тизимини бошқаришни давлат ташкилотларидан Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари (СФУ) деб аталадиган маҳаллий ташкилотларга ўтказиш орқали институционал ислохотларни амалга ошириш бундай шароитни яратиш учун муҳим қадам бўлади.

Сув ресурсларидан фойдаланишда ўз-ўзини бошқариш тажрибаси Ўзбекистон учун янгилик эмас. Инқилобгача маҳаллий шароитларга қараб сувдан фойдаланиш ва сувни тақсимлаш тартиби турли-туман бўлган, лекин

сув таксимлашнинг ҳамма шакллари умумий принципиал тартибларга бўйсундирилган. Айтиш мумкинки, барча хусусий ҳолларга тегишли боғлиқ бўлмаган ҳолда сув ресурсларини бошқариш, асосан, қуйидаги муҳим мезонларга асосланган:

- ♦ туганмас манбаларлардаги сув умумий бойлик ҳисобланган;
- ♦ алоҳида шахсларнинг меҳнати билан қурилган ёпик сув ҳавзаларидаги сувлар уларга тегишли бўлган;
- ♦ сувни ерсиз сотиш таъқиқланган;
- ♦ сув етишмаган ҳолатларда у ариқлар бўйича тенг таксимланган;
- ♦ сувни таксимлаш ёки улуш асосида ёки навбат асосда амалга оширилган;
- ♦ ҳар бир сувдан фойдаланувчи суғориш тизимини сақлаб туриш ва уни таъмирлаш ишларида катнашишга мажбур бўлган;
- ♦ бегона ерлардан каналлар ўтказишга ер эгасига келтирилган зарарни қоплаб бериш шарти билан руҳсат этилган;
- ♦ сувдан фойдаланиш ўз-ўзини бошқариш тамойилига асосланган, бунда бош ва қўшимча ариқлар ҳолатини ва уларда сув таксимланишини кузатиб туриш учун алоҳида шахслар сайлаб қўйилган ва уларга натура кўринишида иш ҳақи тўланган.

Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари кишлоқ хўжалиги суғорма деҳқончиликка асосланган Ҳиндистон, Колумбия, Мексика, Непал, Туркия, Филиппин, Индонезия каби мамлакатларда кенг тарқалган. Давлат ташкилотларига қараганда СФУлар қуйидаги афзалликларга эга: сувни самаралироқ ва ишончлироқ етказиб бериш, сув билан боғлиқ зиддиятларни тез ҳал қилиш, давлат молиявий юқини қисқартириш ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш. СФУларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини акс эттирувчи жаҳон тажрибасидаги баъзи бир кўрсаткичларга тўхталиб ўтиш лозим. Масалан, Доминикан Республикасида ирригация тизимлари назорати СФУларга ўтганда сув бериш самарадорлиги ортган (ёки сувни йўқотиш камайган) ва суғориш суви 25-30 фоизга иқтисод қилина бошлаган. Филиппинда фермерлар иштирокида ушбу тизим жорий қилинганда суғориладиган майдонлар 35 фоизга кўпайган, бу бундай тизимни ташкил этиш кўзда тутилмаган ҳолатга қараганда қарийб икки баробар ўсиш эди. Филиппинда давлат бир гектар ер ҳисобига 12 АҚШ доллари миқдорида маблағни иқтисод қила бошлаган. Непалда фермерларнинг биргаликдаги хиссаси капитал харажатларни 15 фоизга қисқартиришга имкон берди. Ресурсларни жалб қилиш ва сувни иқтисод қилиш нуктаи назаридан Қирғизистон (Жалолобод вилояти) ва Қозоғистон (Махтаорол тумани) да ҳам СФУлар ташкил қилиш ижобий натижа берган.

Ҳозирги кунда ирригация хизмати фаолиятида қуйидаги қийинчиликларга дуч келинмоқда:

- ♦ хусусий сувдан фойдаланувчилар кўпаяётган бир шароитда хўжаликларда ўз вақтида иш ҳақи тўлаш имконияти йўқлиги туфайли ирригация хизматлари сонини қисқартириш жараёни рўй бермоқда;

- ♦ мелиоратив техника ва транспорт воситалари жуда эскирган ва улар янгилаш ҳамда таъмирлашни талаб қилади. Техника ва эҳтиёт қисмлар нархларининг юқорилиги, маблағ йўқлиги туфайли хўжаликларда уларни сотиб олиш имконияти йўқ;
- ♦ вегетация даврида хўжаликлар сувни ўз вақтида ва етарли миқдорда олиш муаммосига дуч келадилар ва сув хўжалиги ташкилотлари бунинг учун ҳеч қандай моддий ёки маъмурий жавобгарликка тортилмайдилар.

Фаолиятининг бошланишида сувдан фойдаланувчилар уюшмалари давлатдан субсидия олишлари мумкин бўлсада, кўп ҳолларда улар молиявий жиҳатдан мустақил бўладилар. СФУга аъзолик ихтиёрий асосда бўлади, лекин маълум мажбуриятлар тўплами мавжуд бўлади. Уларнинг орасида аъзолик бадалларини, бошқача қилиб айтганда сувга пул тўлаш энг муҳим шартлардан ҳисобланади.

Сув учун тўлов бир неча ўн йиллардан бери суғориладиган деҳқончилик иктисодиётида анча мунозарали саволлардан бири бўлиб қолмоқда. Сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув етказиб берувчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бўйича жуда кўп миқдордаги услубий қўлланмалар, турли хил механизмлар ишлаб чиқилган. Лекин бозор шароитида режали иктисодиёт шароити учун ишлаб чиқилган услубиёт ва механизмлардан тўла воз кечиш лозим. Уларнинг ўрнига «муқобил имкониятлар баҳоси», «маржинал харажатлар» ёки «тўлов учун хоҳиш ва тайёрлик» каби бозор воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, сув учун тўлов шундай ўрнатилиши керакки, токи сувдан фойдаланувчилар ушбу ресурснинг тақчиллигини сезишсин ва у сувдан фойдаланишда кўпроқ иктисод қилишга рағбатлантирсин. Тўлов ирригация тармоқларига хизмат кўрсатиш ва уларни ишлатишга кетган йиллик харажатларни қоплаши лозим. Сув учун ўрнатиладиган тарифлар йирик ҳамда майда сувдан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда чуқур асосланган бўлиши лозим.

СФУ ўз-ўзини ривожлантирадиган ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлайдиган ташкилот бўлиши лозим ва шунинг учун ҳам сувдан фойдаланувчиларга самарали хизмат кўрсатиш учун мавжуд техникаларни доимо янгилаб туриш зарур бўлади. Хўжалик даражасида ирригация хизматлари тарифи СФУ бюджетига асосланади ва харажатлар плус инвестицияларни молиялаштириш учун зарурий захира тамойилига асосан ҳисобланади. СФУ фаолиятининг дастлабки даврида ўрнатиладиган тарифлар иложи борица паст даражада бўлиши, лекин шу билан бир вақтда ишлаб чиқариш харажатларини қоплаши лозим. Бундай ёндашув нарх шакллантиришнинг илгари мавжуд бўлган, фермерларни харажатларни минималлаштиришга рағбатлантирмаган «харажатлар плус» концепцияси билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас. Сув учун тўлов сув ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда фермерларнинг юқори даромад олишини таъминлаш мақсади сари йўналтирилиши лозим.

Биргаликда бошқариш категориясини қуйидагича синфлаштириш мумкин:

- Биргаликда ўзаро тенг бошқариш – бунда сувдан фойдаланувчиларнинг СФУ орқали вакиллигини сув хўжалик ташкилотлари томонидан тизимни ишлатиш ва уни сақлаб туришга жавобгарлиги тушунилади. Бу ташкилот биргаликда бошқаришнинг энг кенг тарқалган шаклларида бири ҳисобланади;

- Ишлатиш ва сақлаб туриш: бунда сув хўжалик ташкилотлари тизимнинг эгаси бўлиб, ҳал қилувчи рол ўйнашни давом эттираётган бўлсада, фақат бошқариш СФУга бериш тушунилади;

- СФУ мулки СФУ тизимини ишлатиш, сақлаб туриш ва давлат ташкилотларида давлат томонидан мувофиқлаштириш роли сақланиб қолган бир вақтда сувдан фойдаланувчилар вакиллигини таъминлашни кўзда тутаяди;

- СФУнинг тўла назорати-мувофиқлаштириш функцияси билан биргаликда, давлат ташкилотларининг иштироки кам самарали бўлган чекка туманларни ҳисобга олмаганда амалиётда жуда кам учрайди.

Сув хўжалиги ташкилотлари ва СФУлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш тизим даражасига қараб ўзгариб туради. Сув хўжалиги томонидан назорат қилиш тизимнинг юқори қисмида, СФУнинг таъсир доираси эса тизимнинг қуйи қисмида кўпроқ кузатилади. Кўпгина суғориш тизимлари бошлангичдан дарё хавзаси даражасида давлат асосий ролни ўйнайди. Асосий тизим даражасида сувдан фойдаланувчилар қарорлар қабул қилишда қатнашиши мумкин, лекин бу ерда сув хўжалик ташкилотлари асосий мулк эгаси бўлиб қоладилар ва тизимни ишлатишни амалга оширадилар. Биргаликда бошқариш тақсимлаш даражасида кўпроқ учрайди. Сув тақсимлашнинг энг охирида сув хўжалиги ташкилотларининг қатнашиши одатда минимал даражада бўлади.

Ўзбекистонда СФУларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарурий шароитларни яратиш лозим. Бунинг учун биринчи навбатда хусусий характердаги сувдан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда зарурий ҳукукий асос яратилиши мақсадга мувофиқ. Ҳукукий база етарли даражада эгилувчан, СФУда қатнашишни етарли даражада рағбатлантиришни таъминлайдиган, СФУнинг ҳуқуқ ва бурчларини ўзаро бир ҳилда ушлаб турадиган бўлиши лозим. Ҳукукий асос қуйидаги шартларни ўзида жамлаши лозим:

- ♦ банкда ҳисоб-рақамларини очиш ва юритиш ҳамда кредит олиш имконияти;
- ♦ СФУ аъзоларининг сувга бўлган ҳуқуқларини тан олиш;
- ♦ Ирригация қурилмаларига бўлган мулк ҳуқуқи ва/ёки сувдан фойдаланувчиларнинг сувга бўлган ҳуқуқи (СФУнинг суғориш қурилмаларига мулкдор бўлиши бу қурилмаларни тўғри ишлатишни рағбатлантиради);
- ♦ Ўз ҳудудларидаги суғориш тизимларида қайта тиклаш ишларини олиб бориш учун пудратчилар билан шартномалар тузиш ҳуқуқи;
- ♦ СФУ ва давлат ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ўзаро келишув ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида бўлиши;

- ♦ Эгилувчанлик даражаси имконияти (хуқукий асос СФУга тўсик бўлмаслиги, аксинча уни қўллаб-қувватлаши керак. Бундай асос СФУ аъзоларига ўз ташкилотларининг вазифалари ва йўналишларини белгилашда эркинлик бериши лозим).

СФУ ташкил қилишнинг ижтимоий характердаги афзалликлари ҳам бор. Уюшма, энг аввало, фермерлар манфаатларини ифода қилади ва демократлаштириш, ҳокимият ва ваколатларни қуйига бериш каби жамият максалларига жавоб беради. Бундай ижтимоий капиталнинг таъсири уни ҳисоблашнинг мураккаблигига қарамадан сезиларли даражада катта бойлик ҳисобланади. Лекин фақатгина СФУ институционал таркиби хуқукий асосининг яратилиши кишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари учун ҳақиқий бозор нархидаги тўловларни ололмаётган ўтиш шароитида ҳамма муаммоларни ҳал қилмайди. Ўз навбатида дастлабки босқичда СФУлар имтиёзли кредит ва субсидиялар шаклидаги давлат томонидан қўллаб-қувватлашга муҳтож бўладилар.

Давлат келгусида ҳам «...институционал ислохотларни чуқурлаштириш, бошқариш тизимини такомиллаштириш» йўлида бош ислохотчи бўлиб қолаверади. Ўзбекистонда Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари янги институционал таркибининг ҳаётийлигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим: рентабелли кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун иқтисодий шароит яратиш; ишлаб чиқарилган маҳсулотга эгалик ва уни ўз хоҳишича тасарруф қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш; маҳсулот сотиш ва нархни шакллантириш тизимини эркинлаштириш.

Атама ва иборалар

Сув ресурслари, тақчиллик, самарадорлик, ер усти сувлари, ер ости сувлари, тақсимот, нарх, алмашиш, сувнинг исроф бўлиши, Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, халқаро тажриба, кредит, субсидия.

Назорат саволлари

1. Сув ресурсларининг инсон ҳаёти ва соғлиғи учун аҳамиятини тушунтириб беринг.
2. Ер усти сувларини самарали тақсимлаш дегани нима?
3. Ер ости сувларини самарали тақсимлаш дегани нима?
4. Ўзбекистонда сув ресурсларини тақсимлашнинг ҳозирги ҳолатини тасвирлаб беринг.

Адабиётлар рўйхати

1. Tietenberg T. Environmental and Natural Resource Economics. Harper Collins Publishers, 1992, pp. 222-247.
2. Водные ресурсы – один из ключевых элементов устойчивого развития. Рекомендации для действий. Международная конференция по проблемам пресной воды. Бонн, 3-7 декабря 2001 года, стр. 1-22.
3. Джалалов С.Ч. Орошаемое земледелие в условиях дефицита водных ресурсов. Издательство Enk "Chinor", 2000.

ТУГАЙДИГАН ВА ҚАЙТА ТИКЛАНДИГАН РЕСУРСЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ

23.1. Сувни тежовчи технологиялар

Орол денгизи хавзасида сув ресурсларининг чекланганлиги якин истикболда республикада, аввало, суғориладиган деҳқончиликда ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг секинлашишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам минтақадаги мавжуд сув ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш бўйича турли хил тадбирларни амалга ошириш зарурияти алоҳида долзарблик касб этади.

Суғориладиган ерларда тадбирлар тизими (сув хўжалиги объектлари иншоотларини жойлаштириш ва ривожлантириш) ни жорий қилишда уларни замон ва маконда жойлаштиришнинг устивор йўналишларини белгилаш жуда муҳим масала ҳисобланади. Минтақа табиий ресурсларидан фойдаланишда макбул нисбатларни аниқлаш — суғориладиган деҳқончиликнинг келгусидаги иқтисодий ўсиш резервларини макон бўйича тақсимлашдир. Бозор муносабатлари шароитида сув хўжалиги инфратузилмасининг вақт ва маконда макбул ўзаро нисбати бир бутун иқтисодий воситалар ва кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади. Иқтисодий тадқиқотларнинг асосий мақсади давлат ёки хусусий капитал қўйилмаларини тақсимлашнинг самарали йўналишларини аниқлаш, тадбирларни молиялаштириш ва жорий этишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Сув ресурслари тақчилиги тобора ортиб бораётган шароитда сувни тежовчи технологияларни: филтрланишга қарши ва дренаж тадбирларини жорий қилиш муҳим роль ўйнайди.

Ирригация ва дренаж бўйича ўтказилган 9-Халқаро Конгрессда суғориш усулларининг янги классификацияси тавсия этилди: аэрозол (майда дисперс) намлаш, ёмғирлатиш, юза қатламни суғориш, тупроқ остидан, томчилаш усули билан бирга ер остидан суғориш (субирригация).

Бугунги кунда мамлакат деҳқончилигида суғоришнинг 3 та усули қўлланилмоқда. Улардан энг кўп тарқалгани эгатлаб суғоришдир. Ёмғирлатиб ва тупроқ остидан суғориш тажриба-ишлаб чиқариш бўлинмаларининг чекланган майдонларида қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда кейинги йилларда суғоришнинг механизациялашган усулларидан фойдаланишни таҳлил қилиш қуйидаги натижаларга олиб келади. Агар 1970 йилда суғориладиган ерларнинг 4,4% да суғориш техникасидан фойдаланилган бўлса, 1995 йилда механизациялашган усулда суғориладиган майдонлар 0,9% га қисқариб кетган. Бугунги кунда республикада томчилатиб суғориш усулларидан ташқари бошқа бирор турдаги суғоришнинг янги усули жорий этилмаётир. Томчилатиб суғориладиган майдон ҳажми 1996 йилда 2,3 минг гектарни ташкил қилган эди. Чек ва полоса усулида суғоришнинг салмоғи 10,6 дан 29,1% га ортди. Суғоришнинг бундай усулида сувнинг 50% и чуқур филтрланиш ва ташқарига чиқиб кетиш орқали йўқотилади. Суғоришнинг мазкур усули кўпгина вилоятларда кенг қўлланилади.

Ўзбекистонда паст унумли қўл меҳнатига асосланган эгатлаб суғориш суғоришнинг асосий усулларидан бири сифатида сақланиб қолмоқда. Бугун суғоришнинг ФИКи жуда паст бўлиб, 0,48-0,55 дан ортмайди. Бугунги кунда

кенг қўлланилаётган эгатлаб суғориш усулида суғориш нормасининг 25-30% эгат охирида ташлаб юборилади ва бу сувдан фойдаланиш коэффициентини тушириб юборади ҳамда дарё сувлари сифатини ёмонлаштиради. Даланинг бир текисда намланмаслиги (эгат бошида намланишнинг ортиб кетиши, эгат охирида етишмаслиги) экинлар ҳосилдорлигида катта йўқотишларга, суғоришга 32-40 соатгача ва ундан кўпроқ вақт сарфланишига сабаб бўлади.

Пахтани суғоришда турли хил суғориш технологиялари қўлланилганда иш ҳажми ва меҳнат сарфлари солиштира таҳлил қилинганда шу нарса маълум бўлдики, суғориш жараёни механизациялаштирилганда пахтани етиштиришга кетадиган меҳнат сарфи 3 ва ундан кўпроқ марта камаяр экан. Агар хўжаликларда 1 га пахта етиштиришга ўртача 990 киши/соат сарфланиб, ундан 145 киши/соат, яъни 15% и суғоришга кетса, суғоришга кетадиган меҳнат сарфларини иктисод қилиш қанчалик самарали эканлигини ҳисоблаш қийин эмас.

Шуни ҳам қайд қилиш муҳимки, суғориш усулларига қўйиладиган сув ресурсларини иктисод қилиш, механизациялаш ва автоматлаштириш имконияти, суғориш вақтини камайтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга таъсир ва бошқа шу каби шартлар эгатлаб суғориш усулида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, уни интенсификациялаш талабларига мувофиқ келмайди.

Суғориш техникасининг турли-туманлиги, унинг универсаллиги битта суғориш усули ёки суғориш техникаси билан чекланиб қолмаслик, балки, битта суғориш майдонига суғоришнинг бир нечта усул ва техникаларини тавсия қилиш имконини беради.

Бундай ранжировкалаш мақсади — техник кўрсаткичлар бўйича суғоришга яроқли бўлган бир неча хил суғориш техникаларидан иктисодий жиҳатдан самарали вариантини танлаб олиш ҳисобланади. Ранжировка қилишнинг объектив зарурияти жамиятнинг маълум бир вақт оралиғида ресурс имкониятларининг чекланганлиги билан изоҳланади. Иктисодий жиҳатдан самарали вариантларни аниқлаш бозор муносабатлари шароитида хўжалик фаолиятининг барча ҳудудий ва соҳавий ўзига ҳосликларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Вариантларнинг ташкилий-ҳудудий шароитлари жумласига қуйидагилар қиради: биринчидан, суғориладиган ер майдони характеристикалари: қиялик, сув ўтказувчанлик, эгатнинг узунлиги, тупроқнинг механик таркиби; иккинчидан, иктисодий кўрсаткичлар: таннарх, фойданинг ўсиши, меҳнат сарфига мослиги.

23.2. Тик ва горизонтал дренаж

Дренаж тадбирлари. Суғориладиган ерларда мақбул мелиоратив шароитни сақлаб туриш, тупроқ унумдорлигини ошириш учун мелиоратив тадбирлар комплекси ўтказилади.

Суғориладиган ҳудудларда сув-туз режими муҳандислик-мелиоратив ва агротехник тадбирлар мажмуасининг муҳим элементларидан бири бўлган сунъий дренаж орқали тартибга солинади. Ушбу тадбирлар комплекси таркибига суғориш тармоғи, далаларни текислаш, шўр ювиш, дренаж, суғориш техникаси ва режими, алмашлаб экиш, тупроққа ишлов бериш ва ўғитлаш тизими ва бошқа агро-мелиоратив тадбирлар қиради.

Бугунги кунда ўзида фақат ижобий сифатларга эга бўлган универсал дренаж тизими мавжуд эмас. Аралаш дренаж энергия харажатлари ва мураккаб насос жихозлари зарурлигини ҳисобга олганда горизонтал ва тик дренажларга хос бўлган барча ижобий ва салбий хусусиятларга эга.

Минтакаларда дренаж турларини танлаш, аввало, табиий шароитлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистонда гидрогеологик шароити бир неча турдаги дренажларан фойдаланишга имкон берадиган майдонлар жуда кўп. Бу ҳолда дренаж турлари иқтисодий самарадорлиги ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича ранжировка қилинади. Марказий Осиёда дренаж бўйича ўтказилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, турли хил дренажларни мелиоратив кўрсаткичлари бўйича солиштирма баҳолаш тик дренажларнинг самарали эканлигини кўрсатади. Энергия сифими ва капитал сифими иқтисодий кўрсаткичлари бўйича горизонтал дренаж бошқа дренажлардан устун туради.

Эски ва янги сугориладиган турли хил ҳудудлардаги табиий шароитларда турли хил дренажлардан фойдаланиш бўйича 50 йил давомида тўпланган тажриба қуйидагича хулоса қилишга имкон беради: ҳар қандай дренаж ер шўрини камайтирмайди, фақатгина ташкилий-хўжалик ва агро мелиоратив тадбирлар мажмуи энг юқори натижа берадиган шароитни яратишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам дренажни қуриш ва уни окилона ишлатиш билан бир қаторда сувдан фойдаланишни тартибга солиш, ерларни текислаш ва шўрланган ерларнинг шўрини ювиш, шунингдек, сугоришнинг макбул режимини қўллаш лозим.

Турли хил сув хўжалик лойиҳаларини жорий этишнинг навбатини ранжировка қилиш қишлоқ хўжалигида хох хусусий, хох давлат инвестицияларидан ИТТ (илмий-техник тараққиёт) бўйича тадбирларни амалга оширишда самарали фойдаланишга имкон беради.

Шундан келиб чиқиб, турли хил иқтисодий ва табиий ҳудудларда турли хил сув хўжалик лойиҳаларида инвестицияларнинг самарадорлиги турличадир. Баъзи ҳудудларда инвестициялар тезроқ, баъзи ҳудудларда эса секинроқ қайтади. Мана шундан бозор иқтисодиёти шароитида кўпроқ самара берадиган тадбирларни танлаш ва уларга капитал қўйилмаларни йўналтириш зарурияти келиб чиқади.

Сугориш воситалари сони ортаётган шароитда жорий этиш навбатчилигининг долзарблиги доимо ўсиб боради. Фермер хўжаликлари зарурий техникани ўзлари танлаш ҳукукига эга бўлган бозор муносабатлари шароитида навбатчилик энг юқори даражада даромад олиш мезони бўйича амалга оширилади. Шунинг учун ҳам сугориш техникасини соф даромад ва ишлаб чиқаришга жорий этиш учун соф қиймати бўйича ранжировкалаш катта амалий аҳамиятга эга бўлади. Шу билан биргаликда, тадбирлар тобора такомиллашиб боради, баъзи ранжировкалаш бўйича тавсиялар эса эскиради ва бу тадбирлар ранжировкаларни доимо янгилab туриш заруриятини туғдиради.

23.3. Филтрланишга қарши тадбирлар

Ҳудудларда филтрланишга қарши тадбирлар канал фойдали иш коэффициентини кўтарадиган ва сугориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилайдиган махсус копланмалардан фойдаланиш ҳисобида филтрланиш эвазига сув йўқолишининг олдини олишга қаратилган тадбирлардир.

Бугунги кунда сугориладиган деҳқончиликда асосан тўрт турдаги ички хўжалик сугориш тизими қўлланилмоқда: ер ўзанида, бетон копланмада, темир-

бетон лотоқларда ва ер ости сув ўтказиш қувурларида. Турли хил суғориш тизимлари техник-иктисодий кўрсаткичлари тахлили шуни кўрсатадики, турли хил филтрланишга қарши қопламаларга эга суғориш тизимлари ўрнатилганда табиий ўзанли каналларга нисбатан кўпроқ ФИКга эришилади ва бу сув ресурслари, ўз навбатида, магистрал ва хўжаликлараро суғориш тизимини қуриш ва ишлатишга кетадиган капитал қўйилмалар ва эксплуатацион харажатларни иктисод қилишга олиб келади. Масалан, ер ости сув ўтказиш қувурларидан фойдаланилган вариантда суғориш манбаларидан суғориш тизимида сув олиш(брутто) оддий тупроқ каналларига нисбатан 3,2 минг куб. метрга кам бўлиб, бу хўжаликлараро суғориш тизимини қуришдаги капитал қўйилмалар ва эксплуатацион харажатларни тежаш имконини беради. Нисбатан юқори ФИК га эга бўлган вариантларда суғориш сувининг филтрланиб йўқолишини камайтириш дренаж қуриш ва уни ишлатишга кетадиган капитал қўйилмалар ва хар йиллик ишлатиш харажатларини тежашга имкон беради. Бундан ташқари, тупроқли қаналларга нисбатан юқорироқ сувдан фойдаланиш коэффициентига эга вариантлар қўшимча равишда суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалиги оборотида киритиш имконини беради ва бу шунча миқдорда янги ерларни ўзлаштиришга кетадиган харажатларнинг камайтишига тенгдир.

Атама ва иборалар

Сув ресурслари, суғориш, технология, филтрланиш, дренаж, тик, горизонтал, сув исрофи, эғатлаб суғориш, аэрозол (майда дисперс) намлаш, ёмғирлатиш, юза қатламни суғориш, тупроқ остидан, томчилаш усули, суғориш техникаси.

Назорат саволлари

1. Сувни тежаш технологияларини санаб беринг.
2. Суғориш усуллари классификациясини келтиринг.
3. Дренаж тадбирларининг атроф муҳитга таъсири қандай?
4. Филтрланишга қарши тадбирларнинг атроф муҳитга таъсири қандай?

Адабиётлар рўйхати

1. Джалалов С.Ч. Орошаемое земледелие в условиях дефицита водных ресурсов. Издательство Enk "Chinor", 2000.
2. Национальный доклад «О состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан», Изд-во «Chinor ENK» Ташкент, 2002.
3. S. Djalalov «Tendencies in Uzbekistan Farm Production», Uzbekistan Economy: Statistical and Analytical Review First half of 2003, Center for Effective Economic Policy, Magazine # 2, October 2003, pp. 84-90
4. Веб-сайт: http://www.bearingpoint.uz/files/3/a/2003_full.pdf
5. Мировой банк. Узбекистан: Краткие сведения о стране. Веб-сайт: <http://wbln0018.worldbank.org/ECA/Rus.nsf/ECADocbyUnid/515862E07D61345E85256E1D00724E4C>

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ

24.1. Сув ресурсларини иқтисодий баҳолаш назарияси:

харажатлар асосида ва натижавийлик

Бозор шароитида сув ресурслари тақчиллиги республика иқтисодий ўсишини секинлаштирувчи жиддий омил бўлади. Турли табиий-иклим шароитлари ва рельеф минтакалар сув таъминотининг турлича бўлишини белгилаб берди. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирлар тизими сувни ресурс сифатидаги тақчиллигини камайтиради ва уни иқтисодий баҳосини аниқлашни талаб этади. Сувдан ҳақ тўлаш ҳисобиغا фойдаланишни ягона услубиётининг йўқлиги шароитида сув ресурсларини иқтисодий баҳолаш пулдаги баҳосини аниқлаш учун мавжуд ёндашувлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Сув ресурслари – иқтисодий баҳолашнинг мураккаб объектлардан бири бўлиб ҳисобланади. Сув ресурслари пулдаги баҳосини аниқлаш масаласининг мураккаблиги иқтисодиётдаги улар ролининг турличалиги (сув истеъмолчилари ёки сувдан фойдаланувчилар бўлиб замонавий иқтисодиётнинг деярли барча тармоқлари ҳисобланади), сув ва сув ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг ўзгарувчанлиги, сув ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларининг ўзаро боғлиқлиги (одатий мисол- суғориладиган деҳқончиликда сув ва ер ресурсларининг фойдаланилиши) ва нихоят экологик мувозанатни сақлаш ва атроф муҳитни юқори сифатини таъминлашда сув омилининг аҳамияти билан белгиланади.

2 хил назария мавжуд.

Харажатли

Натижалли

Туман миқёсида сув ресурсларини тахминий баҳолаш мақсадида Е.М.Подольский ва б. уларни ҳисоблашнинг икки босқичли услубидан фойдаланишган. Биринчи босқичда туманлар бўйича сувга бўлган эҳтиёжга нисбатан қўшимча сув ресурслари бирлигига қўшимча харажатлар аниқланади. Иккинчи босқичда кўриб ўтилаётган туманларда сув ресурслари сарфи ҳисобига олинган қўшимча самарага мувофиқ қўшимча харажатларга аниқлик киритиш йўли билан сув ресурслари иқтисодий баҳоси аниқланади. Баҳо харажатлардан сезиларли равишда ортиб кетган ҳолатда олинган миқдор харажатга нисбатан юқори деб қабул қилинади, самара ва харажатлар ўртасидаги нисбат аксинча бўлганда эса баҳо камаяди.

М.Н Лойгер фикрига кўра сув ресурслари иқтисодий баҳоси сув ҳўжалиги учун мўлжалланган фондлар учун тўлов қўшилгандаги сув ҳўжалиги иншоотлари ва тизимларини ишлатиш учун барча харажатларни тўлиғича қоплаш нуктаи назаридан келиб чиқиши лозим ва тармоқда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва умумхалқ эҳтиёжлари учун тегишли ажратмалар қилиш имконини берувчи жамғармалар шакллантирилишини таъминлаши лозим.

Сув ресурсларини баҳолашда сув иншоотларини куриш ва ишлатиш билан боғлиқ сув таъминоти учун сарфланган барча моддий ва меҳнат

харажатларини ҳисобга олиш қўзда тутилган. Демак, ер усти манбаларидаги сув таннархи (С) мазкур бассейнининг сув ҳўжалиги объектлари бўйича жами эксплуатацион харажатларни халқ ҳўжалиги тармоқларида фойдаланилаётган умумий сув ҳажмига нисбати билан аниқланади:

$$\dot{N} = \frac{C}{W}$$

3 – тармоққа тўғри келувчи сув ҳўжалиги тизими бўйича эксплуатацион харажатлар.

W – сув етказиб бериш ҳажми

Табиий ресурсларни иктисодий баҳолашда харажатли концепция бир неча маротаба танқид остига олинган. Агар ушбу концепцияга охиригача амал қилинса, у ҳолда ўзлаштириш ва унумдорлигини сақлаш учун деярли харажат қилинмаган, юкори ҳосил олининшини таъминлаётган қора тусли ер участкаси, ўзлаштириш ва унумдорлигини сақлаш учун қўп моддий ва меҳнат ресурслари сарф қилинган, кам ҳосил берувчи бўз ёки тошлоқ тупроққа нисбатан ҳам жамият учун камроқ қимматга эга бўлади.

Моҳияти жиҳатидан харажатли концепция табиий бойликларнинг бепул концепцияси бўлиб ҳисобланади, чунки яққол бўлмасда охиргининг яққа турлилик ва чексизлилик тўғрисидаги гипотезасига асосланади. Сув учун харажатларни уни халқ ҳўжалигидаги аҳамиятига мос келмаслигини таъкидлаб, Т.С.Хачатуровнинг фикрини келтирамыз: «Сувга ҳақ харажатлар миқдори билан белгиланиши керак эмас. Дарёлардаги сув кубометрини ҳисобланган таннархи харажатлар ўлчами бўйича 1 м³ ҳисобига 1 дан 3 сўмгачани ташкил этади. Гап ушбу харажатларни ёклаб чиқишда эмас: сув баҳоси истеъмолчини уни тежаб тергаб ишлатишга мажбур қилиши лозим».

Натижавийлик. Харажатли назарияга зид равишда натижавий концепция яратилган. Унинг биринчи турига мувофиқ сувдан фойдаланиш объектини баҳоси сифатида уни ишлатиш ҳисобига олинган ялпи маҳсулот қабул қилинган, иккинчисига кўра эса ялпи маҳсулот қийматидан жорий харажатлар чегирилиши қўзда тутилган эди.

Натижавий концепцияни ҳар икки турининг ҳам умумий камчилиги – баҳоланаётган объектни халқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларидан алоҳида кўриб ўтилишидир, бу эса баҳоланаётган объект билан биргаликда фойдаланилган ресурсларни қўллашнинг муқобил имкониятларини топиш имконини бермайди. Харажатли ва натижавий ёндашувларни қарама қарши бўлиб кўринишига қарамасдан табиий объектларни ўзаро ва иктисодиётнинг бошқа бўғинлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда кўриб ўтиши ушбу концепцияларни яқинлаштиради, ҳар бир муайян объектга таълуқли кўрсаткичларни таҳлил қилишга асосий урғу берилади. Харажатли ва натижавий ёндашувларнинг тор тармоқли йўналтирилганлиги сув ресурсларини баҳолашда улардан фойдаланиш мумкин эмаслигидан далолат беради.

Айрим иктисодчилар табиий ресурсларни баҳолашда харажатли ва натижавий тавсифларни механик тарзда бирлаштиришга ҳаракат қиладилар. Уларнинг фикрича, табиий объектларни ишлатишдан олинган халқ ҳўжалиги микёсидаги самарани уларни ўзлаштиришга сарфланган харажатлар билан

таққослаш зарур. М.Н.Лойтер ишларида бундай ёндашув тўлақонли акс эттирилган (97; 98). Унинг моҳияти қуйидагича: сувни тўлиқ иқтисодий баҳоси икки ташкил этувчидан таркиб топиши лозим: сувни табиий ресурс сифатидаги баҳоси ва сув ресурслари манбасини ўзлаштириш бўйича харажатлар қўшилгандаги сув таъминоти учун бевосита харажатлар.

Сув ресурсларини иқтисодий баҳолаш бўйича мавжуд концепциялар сув билан таъминлашдаги минтақалараро фарқларни ҳисобга олмайди. Сув ресурслари қиммати тақчиллилик даражаси орқали аниқланиши лозим. Тақчиллилик сув таъминотининг мезони бўлиб ҳисобланади ва сув ресурсларига бўлган талаб муайян вақтда ва маълум бир ҳудудда уларни ҳақиқатда мавжуд миқдоридан ортиқ бўлганда рўй беради. Сув ресурсларига бўлган талаб уни ҳақ тўлаш ёки бепул етказиб берилишига боғлиқ ҳолда фарқланиб туради. Ресурслар учун тўлов қанчалик юқори бўлса, уни тақчиллиги бунга мос равишда кам бўлиши тўғрисидаги фикр ҳаққидир.

Баҳо белгилаш жараёнида нима баҳоланишини аниқлаб олиш муҳимдир; табиат объекти сифатидаги сув ёки табиатдан олинаётган ва сув хўжалиги тизимлари орқали далаларга етказиб берилаётган сув. Бунда биринчи ҳолатда сувга табиий ресурс сифатида ҳақ тўлаш лозим, иккинчи ҳолатда эса сув қиймати манбадаги сувга нисбатан бирмунча юқори бўлади, бунда Сирдарё ва Жиззах вилоятларида каналлар орқали етказиб берилган сув Бухоро ва Қашқадарё вилоятларини сув билан таъминлаш учун Аму-Бухоро ва Қарши магистрал каналларидан насослар ёрдамида тортиб олинган сувдан сезиларли равишда камроқ қийматга эга бўлади. Сув таъминоти заنجирида сув қийматидаги фарқлардан келиб чиққан ҳолда, у турли минтақавий баҳога эга бўлиши лозим. Лекин сув ресурслари учун мавжуд тарифлар республика ҳудудлари бўйича етарли даражада табақаланмаган.

Сўғориш учун етказиб берилган сув табиий ресурс сифатида намоён бўлади ва табиат инъом этган фойдали истеъмол тавсифларга эга бўлади. Тавсия этилаётган концепцияда сув баҳосини манбалардан хўжаликларгача сув етказиб бериш учун зарур бўлган ускуна ва қурилма, иншоотларни қуриш ва ишлаштириш учун сарф қилинаётган харажатлардан келиб чиққан ҳолда аниқлаш таклиф этилган. Бу харажатларни йиллик сув истеъмоли ҳажмига бўлиш ва минтақани сув билан таъминланганлик коэффициентига кўпайтириш таклиф этилади. Натижада минтақага етказиб берилган 1 м^3 сувнинг пулдаги баҳоси аниқланади.

$$Q = B_n / W * E$$

Бу ерда Вп- ялпи маҳсулот ҳажми (сўм);

W- тармок учун етказиб берилган сув ҳажми (м^3);

K- сув билан таъминланганлик коэффициенти ($0 < K < 1$);

Минтақалар бўйича сув ресурсларининг иқтисодий баҳолашни қуйидаги схема бўйича амалга ошириш таклиф этилмоқда:

Баҳолашнинг биринчи даражаси. Қишлоқ хўжалигида сув етказиб бериш баҳосини аниқлаш. Сув етказиб бериш баҳоси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

Бу ерда $В_{п1}$ – ҳўжаликлараро ва ички ҳўжалик тизимларини ишлатиш харажатлари кўшилган ҳолда сув ҳўжалиги тизими бўйича эксплуатацион харажатлар, сум;

W - тармок учун етказиб берилган сув хажми ($м^3$);

E - сув билан таъминланганлик коэффициентни.

Қишлоқ ҳўжалиги учун 2000 йилда сув етказиб беришдаги эксплуатацион харажатлар 7979,64млн. сўмни ташкил этди.: ички ҳўжалик тизими бўйича 675,54 млн.сўм ва ҳўжаликлараро тармоқлар бўйича 7304,1 млн.сўм. Қишлоқ ҳўжалигида истеъмол қилинган сув 2000 йилда 49484,1 млн. $м^3$ ташкил қилган:

$$Q_1 = 7979,64/49484,1 * 0,9 = 0,15 \text{ сўм/м}^3.$$

Баҳолашнинг иккинчи даражаси. Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилган сув ресурслари бирлигига ишлаб чиқарилган миллий даромадни аниқлаш. Бунинг учун сув ҳўжалиги учун мўлжалланган фондларга тўғри келувчи қишлоқ ҳўжалигидаги миллий даромад улушини сув билан таъминланганлик коэффициентини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ҳўжалигида истеъмол қилинган сув хажмига бўлиш зарур.

$$Q_2 = 181,2 \text{ млрд.сўм} / 49484,1 \text{ млн.м}^3 * 0,9 = 3,3 \text{ сўм/м}^3.$$

Баҳолашнинг учинчи даражаси. Қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқарилган миллий даромад ва сув етказиб бериш баҳосини йиғиндиси сифатидаги қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган сув ресурсларининг тўлиқ иқтисодий баҳосини аниқлаш:

$$Q_3 = Q_1 + Q_2 = 0,15 + 3,3 = 3,45 \text{ сўм/м}^3.$$

Қишлоқ ҳўжалигида сув ресурслари иқтисодий баҳоси 2000 йил ҳолатига минтақалар бўйича келтирилган (24.1 жадвал). Жадвалдан кўриниб турибдики, қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилаётган сув ресурсларининг иқтисодий баҳоси Самарқанд ($7,76 \text{ сўм/м}^3$) ва Андижон вилоятларида ($5,93 \text{ сўм/м}^3$) энг юқоридир, бу республика бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан 1,8-2,3 маротабани ташкил этади. Бу сув етказиб бериш харажатларининг юқорилиги эмас, балки сув ресурслари бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган миллий даромад хажмининг ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг юқорилиги билан изоҳланади. Қорақалпоғистон Республикаси ($1,4 \text{ сўм/м}^3$) ва Сирдарё вилоятларида ($1,66 \text{ сўм/м}^3$) сув ресурсларининг иқтисодий баҳоси энг кам миқдорни ташкил этади, бу республикадаги ўртача кўрсаткичдан 2,4-2 маротаба камроқдир. Сув етказиб бериш қийматининг камлиги минтақани сув билан таъминланганлик даражаси юқори бўлган ва сувни машиналар ёрдамида етказиб беришга ҳожат бўлмаган қуйи Амударё худудига жойлашуви билан изоҳланади. Сирдарё вилоятида суғориладиган гектар унумдорлиги паст, бошқа минтақаларга нисбатан суғориладиган деҳқончиликда олинган ялли маҳсулот хажми камроқни ташкил этади.

Ўзбекистон хуудларида 2000 йилда сув ресурсларини иктисодий баҳолаш.

Жадвал 24.1

Вилоятлар	Сув рес-ри хажми млн. м3	Сув билан таъм-к коэф-ти	Эксплуатация харажатлар				Бах. I-чи даражаси.			Бах. II-чи даражаси			Бах. III-чи даражаси	
			Хўж- лар-аро млн. м3	Ички хўжалик тармоқлари			Экспл. хараж. млн. м3	Сув ресурс бахоси сум/м3	Сув ресурс иктисод бахоси ранги	Миллий даромад млн. сум	Сув ресурс бахоси сум/м3	Сув ресурс иктисод бахоси ранги	СР тўликикт б-си сум/м3	Сув ресурс иктисод бахоси ранги
				КДС млн. м3	Суг. млн. м3	жами млн. м3								
Қорақалпоғистон	7970,2	1,11	451,4	23,6	18,7	42,3	493,7	0,06	13	12,3	1,4	13	1,46	13
Андижон вил.	2857,7	0,99	572,2	15,2	9,8	25	597,2	0,21	4	16,2	5,72	2	5,93	2
Бухоро вил.	4165,8	1,03	1295,1	15,5	27,2	42,7	1337,8	0,31	2	12,6	2,9	10	3,21	9
Жиззах вил.	2536,3	1,25	276,7	3,9	7,8	11,7	288,4	0,09	9	12,5	3,94	3	4,03	5
Қашқадарё вил.	5205,6	0,97	307,6	33,5	69,6	103,1	410,7	0,08	10	15,2	3,01	11	3,09	10
Навоий вил.	1377,2	1,15	286,4	7,8	1,2	9	295,4	0,19	6	5,9	3,72	6	3,91	6
Наманган вил.	2916,6	1,23	1368,4	8,9	21,2	30,1	1398,5	0,39	1	15,7	4,38	4	4,77	3
Самарқанд вил.	2671,5	0,96	311,2	2,1	85,6	87,7	398,9	0,16	7	19,5	7,6	1	7,76	1
Сурхандарё вил.	4072	1,12	864,9	34,8	17,3	52,1	917	0,2	5	14,2	3,11	8	3,31	8
Сирдарё вил.	2587,3	1,12	283,1	12,1	39,7	51,8	334,9	0,11	8	4,5	1,55	12	1,66	12
Тошкент вил.	3815,2	1,07	229,6	7,44	22,8	30,2	259,8	0,06	11	17,9	4,38	5	4,44	4
Фарғона вил.	4545,0	1,26	1263,3	39,6	88,8	128,4	1391,7	0,24	3	18,3	3,20	7	3,44	7
Хоразм вил.	4763,8	1,16	245,6	9,4	52	61,4	307	0,06	12	16,4	2,97	9	3,03	11
Ўзбекистон Респ.	49484	1,10	7304,1	213,8	461,7	675,5	7979,6	0,15		181,2	3,3		3,45	

* Жадвал ЎЗР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди

24.2. Сувга ҳақ белгилаш ва йиғиш

Суғориладиган деҳқончиликда сув муҳим қишлоқ хўжалиги ресурси бўлиб ҳисобланади. Сув ресурслари тақчиллигининг ўсиб бориши шароитида, ундан самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан истиқболда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши даражасини белгилаб беради. Бозор иқтисодиётига ўтиш хўжаликлар микёсида сув ресурсларини самарали бошқариш мақсадида сувдан фойдаланишнинг янги шароитларини яратиш учун ўзига хос имкониятни таъминлайди. Хўжаликлар микёсидаги мавжуд муаммолар аввало суғориладиган сувдан фойдаланиш рағбатларни мавжуд эмаслиги, гидромелиоратив тизимларни яхшилаш учун инвестицияларнинг йўқлиги, сувдан хусусий тартибда фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидаги ноаниқликлар. Сув ресурсларини бошқариш ва хўжаликлар томонидан сувдан пулли фойдаланиш сиёсатининг моҳияти шундаки, сувдан фойдаланиш ва унга ҳақ белгилаш бўйича қарорларни қабул қилиш ҳуқуқи қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига ўтиши сувдан самарали фойдаланишдаги уларнинг бевосита манфаатдорлигини келтириб чиқаради.

Сув ресурслари тақчиллигининг кескинлашуви Ўзбекистонда суғорма деҳқончилиқни ривожланишини чекловчи омил бўлиб ҳисобланади. Сув ресурслари етишмовчилиги асосан икки сабаб билан боғлиқ. Биринчидан, Марказий Осиё минтақаси даражасида Сирдарё ва Амударё сув ресурсларининг ноқилона давлатлараро тақсимооти. Юқори оқим (Қирғизистон, Тожикистон) ва қуйи оқим (Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон) бўйлаб жойлашган давлатлар ўртасидаги низолар дарё қирғоқларида жойлашган ерларни сув босиши ва вегетацион даврда сув тақчиллигини келтириб чиқарди. Иккинчидан, турли даражадаги каналлар қўшилган ҳолда суғориш манбаларидан то хўжалиқнинг суғориш участкасигача бўлган бутун гидромелиоратив тизимдаги сув йўқотишлариға олиб келди. Таъкидлаш жоизки, суғориш сувидаги йўқотишлар сув иншоотининг тури, каналлар қопламаси, суғориш техникаси ва усули, шунингдек ташкилий, иқтисодий ва бошқа омилларға боғлиқ ҳолда сезиларли равишда фаркланади. Ҳозирги вақтда, суғориш сувининг 20 % хўжалиқлараро суғориш тизимида йўқотилади. Ички хўжалиқ тизими ва суғоришдаги йўқотишлар мутлоқ ва нисбий миқдорларда ҳам бирмунча юқоридир, экспертларнинг ҳисоб-китоблариға кўра у етказиб берилаётган сувнинг 40-50% гача етади. Қўшимча 10% сув вақтинчалик каналларда йўқотилади. Муҳандислик мелиоратив тизимларининг номукаммаллиги, таъмирсиз кўп йиллар мобайнида ишлатилиши билан боғлиқ бўлган тизимнинг эскирганлиги каби техник сабаблар билан боғлиқ йўқотишлардан ташқари, қишлоқ хўжалиқ товар ишлаб чиқарувчилари-сувдан фойдаланувчиларни сув ресурсларини тежамаслиги билан боғлиқ ташкилий тавсифдаги сабаблар ҳам мавжуд. Собик Иттифок даврида хўжалиқлар микёсида институционал ўзгаришларни, хусусийлаштириш ва эркинлаштириш жараёнларини амалға оширмасдан туриб, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари ва моддий-техника ресурслари маркетингини йўлга қўймасдан хўжалиқ ҳисоби муносабатларини ва сувдан пулли фойдаланиш тизимини

жорий қилиш бўйича ҳаракатлар муваффақиятсиз якунланди ёки ўзига юклатилган вазифаларни бажармади. Совет Иттифоқининг парчаланишидан сўнг халқаро ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган техник кўмак эвазига ҳўжаликлар даражасида янги институционал тузилмалар-Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилди (СФУ). Марказий Осиёда Қозоғистон ва Қирғизистонда СФУ 1996 йилдан ўз фаолиятини бошлади, ушбу ҳудудларда улар фаолиятининг қонуний ва ҳуқуқий асоси яратилди. Қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилишга босқичма-босқич ёндашув танлаб олинган Ўзбекистонда СФУ тузиш билан боғлиқ тажрибалар 1999 йилдан бошланди. Лекин, фақатгина 2003 йилдан бошлаб СФУ ташкил этиш сув ҳўжалиги тизимларини хавзали бошқаришга ўтиш билан бир вақтда сув ҳўжалигини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатининг асосини ташкил этди. Асосан юқоридагилар ташаббуси билан ташкил этилган СФУ, янги институционал тузилма вазифаларини фермерлар томонидан охиригича тушуниб етмаслик каби ички тавсифга эга бўлган, шунингдек СФУ фаолият юритиши лозим бўлган ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ ташки тавсифдаги кўплаб муаммоларга дуч келмоқда.

Юқорида қайд қилинганидек Ўзбекистон ҳукумати ҳақиқатда ишлатилган сув миқдори учун якуний сув истеъмолчиларидан сув ҳақини ундириб олишни режалаштирмоқда. Сув учун ҳақни жорий этилиши қатор афзалликларга эга. Биринчидан, сувдан нооқилона фойдаланишни бартараф этиш ва сувдан фойдаланишда максимал иқтисодий самарага эришиш мумкин. Иккинчидан, бу сувни етказиб бериш билан боғлиқ ҳукуматни харажатларини қоплаш имконини беради ва учинчидан, тизим бошида жойлашган фермер томонидан сувни ортиқча миқдорда ишлатиш ва тизим охирида жойлашганлар билан сувни одилона тақсимлаш билан боғлиқ муаммони ҳал этишга ёрдам беради.


Фермер ҳўжалигининг ҳар бир даласига етказиб берилган сув миқдорининг ўлчаниши, сўнгра эса фойдаланилган сув учун ҳисоб варақаси тақдим этилиши Ўзбекистон ҳукумати томонидан режалаштирилган эди. Ушбу режа бир қатор афзалликларга эга бўлишига қарамасдан, айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Юз минглаб ўлчаш ускуналарининг ўрнатилиши (оддий ўлчаш рейкалари ёки ўлчагичлар бўлса ҳам) қатта харажатни талаб этади. Кўпчилик фермер ҳўжаликларида мавжуд қичик очик каналларда ҳақиқатда ишлатилган сув миқдорини аниқлаш мураккаб ёки умуман мумкин эмас. Бундан ташқари, ҳар бир далада сарф қилинган сув миқдорини калибровка қилиш, ўлчаш ва қайд қилиш учун мамлакатда меҳнат ресурслар етишмайди. Пировардида бундай амалиёт СФУ ваколатини ҳамда суғориш ва дренаж инфратузилмасини бошқариш ва ишлатиш бўйича бадалларни йиғишда улар имкониятини заифлаштиради.

Бу ҳолатда СФУ томонидан сув етказиб бериш жойида ўлчаш ускуналарини ўрнатиш ва ҳақиқатда ишлатилган сув учун тўловни СФУ ундириш амалиёти энг қулай бўлиб ҳисобланади. Бу талаб этилаётган янги суғориш иншоотлари миқдорини юз минг маротаба қисқартириш ва мавжуд

суғориш ва дренаж иншоотларини таъмирлаш ва ишлатиш учун зарур бўлган миллиардлаб сўмни иқтисод қилиш имконини беради.

Факатгина СФУ учун маълум ҳажмдаги сувни ажратиш ва демак факатгина СФУ (мустақил фермердан эмас) сув учун ҳакни ундириб олиш бир қатор афзалликларга эга. Биринчиси, бу ишчи кучига бўлган талабни сезиларли равишда қисқартиради ва алоҳида фермерлардан сувга тўловни йиғиш бўйича жавобгарликни (улар аъзо бўлган) СФУ юклайди. Далада сув сарфини ўлчаш қийин бўлганлиги учун ҳар бир фермер томонидан тўланадиган ҳакни аниқ белгилаш мақсадида СФУ сув оқимини мутаносиб равишда бўлиш ускуналаридан фойдаланиши ва сув етказиб бериш вақтини қайд қилиши мумкин, бу далада сув сарфини аниқлашга нисбатан бирмунча қулай ва арзондир. СФУ ўз аъзоларидан тўловни йиғишга жалб этиш маълум афзалликларга эга. Биринчидан, бу тизим бошида жойлашган фермерлар муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради. Бунда фермер ўз харажатларини камайтириш мақсадида СФУ харажатларини кўпроқ фермерлар (тизим охирида жойлашган сувдан фойдаланувчилар қўйилмалар қилмайди) билан бўлиб олишга интилади. Иккинчидан, СФУ аъзолари ўртасида ўзаро назорат кучаяди, сувдан нооқилона фойдаланаётган ва сув учун ҳакни тўламаётган шахсларга нисбатан қатъий чоралар қўрилади. СФУ бутун ҳудудида суғориш сувини йўқотилиш хавфи барча сувдан фойдаланувчиларни сувдан доимий фойдаланиш ва сақлаб туриш учун қўйилмалар қилишга ундайди. Бу СФУ ҳукмини ташкил этади ва уларни фаолият юритишини кафолатлайди. СФУ сувга ҳақ тўлаш тизими сақланиб қолаётган экан, улар заиф ва самарасиз ташкилотлигича қолади.

СФУ вазибалари/функциялари



24.3. Сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг бюджети

СФУ йиллик бюджетни шакллантиради ва у иш хаки, ёнилғи мойлаш материаллари, мелiorатив техника учун эхтиёт қисмлар, таъмирлаш ва амортизация учун харажатларни ўз ичига олиши лозим. Бюджет бўйича харажатлар сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш фондига аъзолик бадаллари кўринишида сувдан фойдаланувчилар томонидан қопланиши лозим. Шунинг учун ташкилотнинг барча харажатлари тўлиқ ҳисобга олинishi ўта муҳимдир. Агар ушбу барча харажатларни қоплаш учун СФУ аъзолари тўлаб бораётган сув хўжалиги хизматлари учун тўлов суғоришдан олинган ялпи ёки соф даромаднинг жуда катта қисмини ташкил этса, СФУ фаолиятини муваффақиятли яқунланиш эҳтимоли жуда кам бўлади. Эергия ва эксплуатация харажатлари юқори бўлган машиналар ёрдамида сув етказиб бериладиган суғориладиган ерларда ушбу муаммо янада кескинлашади, бундай харажатлар СФУ ўз аъзоларидан йиғиб олиши мумкин бўлган тўловдан кўпроқ миқдорни ташкил этади. Шу боис Уюшма таркибида сув етказиб бериш усулига боғлиқ ҳолда тариф табақалаштирилиши лозим. Амалиётда сув етказиб бериш усули турлича бўлган, ва натижада харажатлар ҳам шунга мос келувчи хўжаликни бир неча сув етказиб бериш жойларига эга бўлган ҳоллари кўп учрайди.

СФУ мустақил ривожланувчи ва ўз-ўзини молялаштирувчи ташкилот бўлиб қолиши лозим, шунинг учун сувдан фойдаланувчиларга самарали хизмат кўрсатиш учун техника ва инвестицияларни доимий равишда янгилаб бориш талаб этилади. Хўжаликлар даражасида ирригацион хизмат кўрсатиш тарифлари СФУ бюджетига асосланади ва харажатларга молиявий инвестициялар учун зарур бўлган захираи қўйиш йўли билан аниқланади. СФУ фаолият юритишининг дастлабки босқичида бу тариф паст даражада сакланиб туриши шу билан бирга у амалга оширилган харажатларни қоплаши лозим. Бундай ёндашув фермерларни харажатларни камайтиришини рағбатлантирмайдиган илгари кенг тарқалган «харажатлар плус» баҳо белгилаш концепцияси билан ҳеч қандай умумийлик касб этмайди. Сув учун ҳақ сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига фермерлар даромадини юқори бўлишини таъминлаш максодиға қаратилган бўлиши лозим.

СФУ жавобгарлилик даражаси аниқ белгилаб қўйилиши жуда муҳим. У СФУ томонидан сувни хўжаликка етказиб берилган вақтдан бошланади ва суғориш тизимининг қуйи қисмларидаги хўжаликларға суғориш суви етиб борганда яқунланади. Сув етказиб берилишини назорат қилувчи ташкилотлар СФУ сув етказиб бериш ва суғориш манбасини ривожлантириш билан боғлиқ харажатларни қоплайди. Фермер хўжаликлари ҳудудида ички хўжалик сув таъминоти хўжаликлар томонидан амалга оширилади. СФУ вертикал дренаж тизимларини қўшган ҳолда, дренаж тизимини фермер хўжаликларигача борган йўлақларига хизмат кўрсатувчи суғориш тизимларини ривожлантириш, таъмирлаш ва саклаш учун жавобгардир.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ривожланиши сув бозорини шакллантириш учун шароитлар яратиб бермокда. Истикболда сув

ресурсларидан фойдаланиш ҳукуки (лицензиялар) сотилиши, алмаштирилиши ва гаровга қўйилиши лозим. Табиий савол туғилади бу қандай шаклда бўлади ва СФУ тузишда лицензиялаш механизми қандай ишлаши лозим. Лицензия олиш сувдан фойдаланувчининг индивидуал ҳукуки бўлиши ёки бу уюшма учун бош лицензия бўлиши керакми, унда у билан боғлиқ барча харажатлар СФУ бюджетига киритилади. Сув хўжалиги тизимида сув истеъмол қилишнинг амалдаги тарифларига нисбатан лицензиялашнинг универсаллиги сувдан фойдаланиш ҳукуки учун тўловни нафақат сув ҳажми, балки суғориладиган ер майдонидан ва қишлоқ хўжалик экинлари таркибини ҳисобга олган ҳолда тўғри солиқлар шаклида олиш имконини берувчи давлат томонидан тартибга солиш шаклларининг турличалиги ва эгилувчанлигидадир.

Атама ва иборалар

Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, фермер хужалтклари, хавзали бошқарма, сув учун ҳисоб варақаси, бюджет, сув ресурсларидан фойдаланиш ҳукуки (лицензиялар) тўғри солиқлар, бевосита харажатлар, сув ресурсларини иктисодий баҳолаш.

Назорат саволлари

1. Сув ресурсларининг иктисодий баҳосини аниқлаш бўйича қандай турдаги назариялар мавжуд?
2. Харажатли ва натижали назария қандай аниқланади?
3. Суғориладиган деҳқончиликда унумдорлик қандай аниқланади?
4. Сувга ҳақ тўлаш ва уни йиғиб олиш қандай аниқланади?
5. Сувдан фойдаланиш уюшмаларини тузиш бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг қандай қарорлари чиқди?
6. Ривожланган бозор муносабатлари шароитида сув бозорини яратиш бўйича қандай шароитлар мавжуд?

Адабиётлар рўйхати:

1. А.А.Голуб, Е.Б.Струкова "Экономика природных ресурсов", Учебник для вузов, Москва-1998, Глава 7 "Экономика использования водных ресурсов".
2. Консультативная Группа по Аграрной и Продовольственной политике в рамках Программы ТАСИС Европейского Сообщества Исследовательский отчет «Управление водными ресурсами и плата за воду на уровне хозяйств»
3. Джалалов С. Ч. «Орошаемое земледелие в условиях дефицита водных ресурсов» из-во Enk «Chinor» 2000г. 198 стр.
4. "Problems Facing Water User Association in Uzbekistan". Prepared by USAID Natural Resources Management Project.
www.nrmp.uz/docs/wua_problems_en.doc

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. УзР ВМнинг мажлисидаги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари хақида” маърузаси. Халқ сўзи 01.03.08.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси . 1992й.
3. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси». 1998
4. «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонун, 1998
5. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун, 1998
6. «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун, 1998
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ФАРМОНИ “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”.Т. 29.10.07.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ПК № 718 сонли ҚАРОРИ.”Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”.30.10.07.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш ҚОНУНИ”. 1993.
10. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг: «Сувдан фойдаланишда бозор принципларини жорий қилиш бўйича тажриба ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 17 апрелдаги 83 сонли буйруғи .
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” № 320 сонли ҚАРОРИ.21.07.03.
12. Barry C. Field, Martha K. Field. Environmental Economics. McGraw-Hill Companies, New York, 2002.
13. Голуб А.А., Струкова Е.Б. Экономика природных ресурсов, М., 1999.
14. Christopher Ritson, Agricultural Economics: Principals and Policy.
15. David Begg, Stanley Fischer, Economics.
16. Kenneth L. Casavant, Craig L. Infanger, Economics and Agricultural Management: An Introduction.
17. Djalalov S. «Tendencies in Uzbekistan Farm Production», Uzbekistan Economy: Statistical and Analytical Review First half of 2003, Center for Effective Economic Policy, Magazine # 2, October 2003, pp. 84-90. Веб-сайт: http://www.bearingpoint.uz/files/3/a2003_full.pdf
18. Goodstein E.S. Economics and the Environment. Prentice Hall, 1999.
19. Джалалов С.Ч. Орошаемое земледелие в условиях дефицита водных ресурсов.-Т.:Chinor ENK, 2000.
20. Джалалов С.Ч. Орошаемое земледелие в условиях дефицита водных ресурсов. Издательство Enk “Chinor”, 2000.
21. Джалалов С.Ч. Перспективы внедрения капельного орошения в Узбекистане. Сельское хозяйство Узбекистана №1, 1996.

22. Джалалов. А.А. Управление водными ресурсами в Узбекистане - юридическая основа и направления совершенствования. - Т., 2005.
23. Журнал «Экономическое обозрение Узбекистана» № 7,-Т., 2005.
24. Журнал «Сельское хозяйство» №2, -Т., 2002.
25. Сувдан фойдаланувчилар уюшмасини кандай ташкил этиш керак (ИУВР-Фергана): iwtmf.icwc-aral.uz
26. Кэмпбелл Р. Макконнелл, Стэнли Л. Брю. Экономикс, I-II том. 1993.
27. McConnell & Brue, Economics, Study Guide to accompany, 14th Edition, Irwin McGraw-Hill, 1999,
28. Мирзаева М.С., Экономическая эффективность водоохранных мероприятий. Методическое указание.- Т., 1999.
29. Мирзаева М.С. Технико-экономические и экологические основы выбора эффективного варианта орошения земель. Международная конференция «По устойчивому использованию водных ресурсов. Журнал "Водные ресурсы Центральной Азии" №1. -Т., 2000.
30. Мировой банк. Узбекистан: Краткие сведения о стране. Веб-сайт: <http://wbln0018.worldbank.org/ECA/Rus.nsf/ECADocbyUnid/515862E07D61345E85256E1D00724E4C>
31. Мировой банк. Узбекистан: Краткие сведения о стране. Веб-сайт: <http://wbln0018.worldbank.org/ECA/Rus.nsf/ECADocbyUnid/515862E07D61345E85256E1D00724E4C>
32. Национальный доклад «О состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан», Изд-во «Chinor ENK» Ташкент, 2002.
33. Папенков К.В. Экономика и природопользование. М., Изд-во МГУ, 1997.
34. Сборник научных докладов. Международная научно-практическая конференция «Рынок и водные ресурсы» 10-12 мая 2000, Нукус.
35. Сборник научных докладов. Проблемы управления водными ресурсами и эксплуатации гидромелиоративных систем в условиях деятельности ассоциации водопользователей. Т., 12 декабрь 2002.
36. Сборник научных трудов "Водные ресурсы, проблемы Арала и окружающей среды". Под ред. проф. Умаров У.- Т., 2000.
37. Tietenberg T. Environmental and Natural Resource Economics. Harper Collins Publishers, 1992.
38. World Bank technical paper # 461. (February 2000): Social Assessment and Agricultural Reform in Central Asia and Turkey. pp.301
39. World Bank technical paper # 461. (February 2000): Social Assessment and Agricultural Reform in Central Asia and Turkey. pp.301
40. Веб-сайт: http://www.bearingpoint.uz/files/3/a2003_full.pdf
41. Чепурных Н.В., Новоселов А.А. Планирование и прогнозирование природопользования, Учебное пособие, М., Интерпракс, 1995.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб. «Атроф мухит ва ресурслар иктисоди» фанининг предмети ва услуги	4
1.1.«Атроф мухит ва ресурслар иктисоди » фанининг вазифалари, предмети ва методологияси	4
1.2.Иктисодий назария	6
1.3.Атамашунослик	7
1.4.Иктисодий мақсадлар	9
1.5.Макроиктисодиёт ва микроиктисодиёт	10
2-боб. Иктисодий ислохотлар ва ер-сув ресурсларидан фойдаланиш	13
2.1. Таркибий ўзгаришлар ва ислохотлар.	13
2.2.Қишлоқ хўжалиги ва ер ислохотлари.	15
2.3. Атроф мухит борасида қарорлар қабул қилишдаги ўзгаришлар	26
3-боб. Инсон ва атроф мухит ўртасидаги муносабатлар	31
3.1. Атроф мухит қиймат сифатида.	31
3.2. Атроф мухит қийматини аниқлаш.	33
4-боб. Иқтисодий муаммолар	35
4.1.Чексиз эҳтиёжлар.	35
4.2.Ресурслар тақчиллиги.	36
4.3.Иқтисод ва самарадорлик.	38
4.4.Тўлиқ бандлик ва тўлиқ ишлаб чиқариш ҳажми.	39
4.5.Ишлаб чиқариш имкониятлари жадвали.	39
4.6.Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги.	42
4.7.Ўсиб боровчи ўзгарувчан харажатлар қонуни	43
5-боб. Ресурсларнинг банд бўлмаслиги, иқтисодий ўсиш ва келажак	46
5.1. Ресурсларнинг банд бўлмаслиги ва тўлиқсиз фойдаланилиши.	46
5.2. Иқтисодий ўсиш.	47
5.3. Ҳозирги вақтнинг муқобил йўналишлари ва келгусидаги имкониятлар.	50
5.4. Маъмурий иқтисодиёт.	51
5.5. Даврий айланиш модели (маҳсулот ва даромад).	53
6-боб. Индивидуал бозорлар таҳлили: талаб ва таклиф	59
6.1.Бозорлар таърифи.	59
6.2.Талаб, талаб эгри чизиги. Талабдаги ўзгаришлар.	60
6.3.Индивидуал ва бозор талаби.	64
6.4.Таклиф.	64
6.5.Таклиф қонуни. Таклиф эгри чизиги. Таклифдаги ўзгаришлар.	65
7-боб. Таклиф ва талаб: бозор мувозанати	68
7.1. Баҳонинг ўзаро тенглаштирувчи вазифаси	68
7.2. Таклиф ва талабнинг ўзгариши	70
7.3.Ресурслар бозори	74
8-боб. Ишлаб чиқариш функцияси	76
8.1. Ишлаб чиқариш функцияси:ўзгарувчан омилар ва изокванталар.	76
8.2. Ишлаб чиқариш функциясидаги харажатлар	78
8.3. Типик ишлаб чиқариш функциясининг уч асосий концепцияси.	79

9-боб. Ишлаб чиқариш босқичлари ва ишлаб чиқариш функциясидаги харажатлар	83
9.1.Ишлаб чиқаришнинг рационал ва иррационал босқичлари.	83
9.2.Ишлаб чиқариш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар.	84
9.3.Ишлаб чиқариш функциясидаги харажатлар.	87
10-боб. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қарорлар қабул қилиш	91
10.1.Ресурслар чекланмаган шароитда қарорлар қабул қилиш.	91
10.2.Ресурслар чекланган шароитда қарорлар қабул қилиш	95
11-боб. Хўжалик назарияси: ишлаб чиқариш жараёнида ресурс ва маҳсулот ўртасидаги жисмоний ва молиявий боғлиқлик	98
11.1.Ишлаб чиқариш жараёнидаги харажатлар ва маҳсулот орасидаги физик нисбат.	98
11.2.Харажатлар, ялпи маҳсулот ва «иккита ресурс /битта маҳсулот» ишлаб чиқариш функциясидаги фойда.	101
11.3.Қишлоқ хўжалигидаги таклиф ва хўжалик юритишнинг вазифалари.	104
12-боб. Қарорлар қабул қилиш учун меъёрий мезонлар	106
12.1.Статик самарадорлик.	106
12.2.Динамик самарадорлик.	109
12.3.Барқарорлик.	113
13-боб. Бозор шароитида давлатнинг иқтисодий вазифалари	116
13.1. Давлатнинг иқтисодий вазифалари	116
13.2.Ҳуқуқий асос ва жамоатчилик фикри.	117
13.3.Рақобатни химоя қилиш.	118
13.4.Даромадни қайта тақсимлаш.	119
13.5.Жамият бойлиги ва хизматлар.	120
13.6.Ресурсларни жамият фаровонлиги учун тақсимлаш.	121
14-боб. Мулк ҳуқуқи	127
14.1.Мулк ҳуқуқи ва бозорни самарали жойлаштириш.	127
14.2.Мулкка бўлган ҳуқуқнинг самарали таркиби.	129
15-боб. Иккиламчи (салбий) самара(Externalities)	133
15.1.Иккиламчи самара бозорлар nobарқарорлиги сифатида.	133
15.2.Иккиламчи самара турлари.	134
15.3.Ресурслар ўзгарувчанлиги иккиламчи самара тури сифатида.	135
15.4.Индивидуал (якка тартибдаги) келишув (Коуз теоремаси)	140
15.5.Иккиламчи самара ҳуқуқи бозорини шаклланиши	142
16-боб. Жамият (умумхалқ) бойликлари	146
16.1.Асосий концепциялар шарҳи.	146
16.2. Жамият бойликлари ишлаб чиқариш соҳасидаги мувозанат	148
16.3. Жамоавий ҳаракатлар	152
17-боб. Атроф муҳитнинг ифлосланиши ва уни баҳолаш	155
17.1. Атроф муҳитнинг ифлосланишидан келадиган иқтисодий зарар асослари.	155
17.2.Ўзбекистонда атроф муҳитни ифлослантирувчи асосий манбалар.	157
17.3.Тўла иқтисодий қиймат концепцияси.	161
17.4.Табиий муҳитнинг ифлосланишидан кўриладиган умумий иқтисодий зарарнинг таркиби.	162
17.5.Баҳолашнинг услуб ва усуллари.	163

17.6. Табиатнимуҳофаза килиш фаолиятини мувофиқлаштиришнинг иктисодий ёндашув	167
18-боб. Фойда-харажатлар таҳлили	173
18.1. Фойда-харажатлар таҳлили	173
18.2. Қарорларни қабул килиш коидалари.	173
18.3. Фойдани хисоблаш .	175
18.4. Фойдани баҳолашдаги муаммолар.	176
18.5. Харажатларни баҳолашга ёндашувлар.	177
18.6. Таваккалчиликнинг олдини олиш.	177
18.7. Фоииз ставкасини танлаш.	178
18.8. Танкидий баҳолаш.	178
18.9. Харажатлар-самарадорлик таҳлили.	179
19-боб. Зарарни баҳолаш ва хавфни таҳлил килиш	182
19.1. Зарарни баҳолаш.	182
19.2. Хавфни таҳлил килиш.	183
20-боб. Таъсирни таҳлил килиш	188
20.1. Атроф муҳитга таъсирни таҳлил килиш.	188
20.2. Иктисодий таъсирни таҳлил килиш.	189
21-боб. Вактлараро самарали жойлаштириш	194
21.1. Икки даврли модель.	194
21.2. N даврли ҳолат (харажатлар ўзгармас бўлганда).	195
21.3. Қайта тикланидиган алмаштиришга ўтиш.	195
21.4. Қазиб олишга кетадиган маржинал харажатларнинг ортиши.	198
21.5. Илмий тадқиқотлар ва технологик таракқиёт.	200
21.6. Бозорларни жойлаштириш.	201
21.7. Эгаллик ҳуқуқига тегишли тузилма(структура)лар.	201
21.8. Атроф-муҳитнинг баҳоси.	202
22-боб. Тугайдиган, лекин қайта тикланидиган ресурслар: Сув	204
22.1. Сув тақчиллиги сабаблари.	204
22.2. Тақчил сув ресурсларини самарали жойлаштириш.	204
22.3. Замонавий тақсимлаш тизими.	206
23-боб. Тугайдиган ва қайта тикланидиган ресурсларни тақсимлаш	211
23.1. Сувни тежовчи технологиялар.	211
23.2. Тик ва горизонтал дренажлар.	212
23.3. Филтрланишга қарши тадбирлар	213
24-боб. Сув ресурсларини иктисодий баҳолаш	215
24.1. Сув ресурсларини иктисодий баҳолаш назарияси: харажатлар асосида ва натижавийлик.	215
24.2. Сувга ҳақ белгилаш ва йиғиш.	220
24.3. Сувга ҳақ тўлаш сувдан фойдаланувчилар уюшмаси бюджетининг асоси сифатида.	224
Адабиётлар рўйхати	226

ДЖАЛОЛОВ САНЖАР ЧИНГИЗОВИЧ
МИРЗАЕВА МАПУРА САЙДИРАХМАНОВНА
МИРЗАЕВ СОЙИБЖОН СОБИТОВИЧ

АТРОФ МУХИТ ВА РЕСУРСЛАР

ИҚТИСОДИ

(ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)

Мухаррир:

М.Нуртоева

Мусаххих:

Г.Абдурахмонова

Босишга рухсат этилди 26.02.2009 й. Қозғоз ўлчами 60х84, 1/16,

ҳажми 14,5 б.т. 35 нусха, Буюртма № 43.

ТИМИ босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент 700000, Қори-Нижний кўчаси 39 уй.

